


Поён Равшанов

Биродарим

Роман-хотира



МАЖБУРИЙ
НУСХА

КИГИ АСИ АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2013

УЎК: 94(575.1)

КБК: 84 (5Ў)7

Р-13

Равшанов, Поён

Биродарим: роман-хотира / П.Равшанов. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. - 256 бет.

ISBN 978-9943-27-173-9

Ўтган асрнинг 50-йиллар охирлари – 60-йиллар бошларида кечган мустабид тузум қатагони кўп тақдирларнинг тескари эврилишига сабаб бўлган ёди. Пахта майдонларини кенгайтириш учун бутун бошли қишлоқларни кўчириш, тарихий мағомни бузиш ихтилофларни юзага чиқарганди. Элни безовта қилиш, бундан айрим мансабпараст, гараз ниятли шахсларнинг ўз манфаатлари йўлида фойдаланиши фожиаларга сабаб бўлганди. Ҳўжалик раҳбарлари, уларнинг оиласи, шахсий ҳаётлари давр зуғумлари ва адолатсизликлари оқибатида издан чиқиб, ноҳақ қамоққа олишлар болалар тақдиррида унглаб бўлмас ҳолатларга сабаб бўлганлиги аччиқ ҳақиқат.

Ушбу китобда қаламга олинган мавзу ҳаётий кечмиш. Истидбод тузуми, найрангларининг моҳияти ўша давр одамлари турмушида, айниқса, ёшларнинг интилиши, машақватларни енгиб ўтиши мисолида тўлақонли ифода этилади.

УЎК: 94(575.1)

КБК: 84 (5Ў)7

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Рустам РАЖАБОВ, тарих фанлари доктори
Қўйли ХУРРАМОВ, филология фанлари номзоди

ISBN 978-9943-27-173-9

© Поён Равшанов. «Биродарим». «Янги аср авлоди», 2013

йил.	Ali: Navoijy	1041859
2018	nomiuzagi	3
A 607	O'zbekiston MK	

МУҚАДДИМА ЎРНИДА

Инсон дунёга келибдики, яшаш унга осон бўлган эмас. Ҳаёт ҳеч кимни эркалатиб қўймайди. Бирорни бойлик билан, бирорни амал билан, яна бирни эса йўқлик, мاشаққатлар билан синайди. Тайёрига эга бўлганлар зумда йўқсилга айланиши, аксинча, ночорлар катта бойликларга эга бўлиши Шарқ маънавий олами тарихида кўп талқин этилиб келинади. Интилганга толе ёр, деб бежизга айтилмаган. Хайрми мақсад йўлида қийинчиликлардан қўрқмай дадил ҳаракат қилиш, билимни ошириш, қатъиятли бўлиш муваффакиятлар гаровидир.

Ҳар бир одам ўз даврининг фарзанди ҳисобланади. Замон кайфиятисиз инсон руҳияти ҳақида фикр юритиш бирёқламалик бўлади. Аниқроқ айтилса, ҳаёт ва тақдир ўртасида мустаҳкам, узвий боғлиқлик бўлиб, буни аниқ шахслар умр йўли мисолида тўғридан-тўғри кузатиш мумкин бўлади. Ҳаётда яшаш давомида даврининг ижобий ёхуд салбий тамойиллари одам таржимаи ҳолига мусбат ёки манфий таҳрирларни киритиши маълум. Уларга лоқайдлик кўрсатиш оқибатлари кишининг турғма қобилияти қирраларини аста-секин емириб, фаоллик даражасини сусайтира боради. Аксинча, қаршида турган тўсиқлар, қийинчиликларга бардошли бўлиш, қўрқмасдан, дадил ҳаракат қилиш, хуллас, ҳаёт инжиқликларидан енгилмаслик, таслим бўлмаслик, пировард натижада, ютуқларга йўл очади, ҳаётда белгили ўрин тутишга сабаб бўлади.

Абдулла Равшанов – бутун умрини одамлар соғлиги йўлига бағишилаган шифокор. Унинг ҳаёт йўли осон

бўлмаган, айтиш мумкинки, олдида ҳаёт-мамот ма-саласи кўндаланг турган ўспирин ўз яқинлари сабаб, тўғри йўлни танлашга эришади. Салгина қалтис ҳара-кат, лоқайдлик, ёинки, яхши турмушдан фавқулодда оғир шароитга тушиб қолиш боши берк кўчага бошлаб кетиши, ота-боболар қадриятларидан мосуво бўлиб, тубсиз жарликка қулаш эҳтимоли кўпроқ бўла-ди. Шу сабабли, иродаси бўш, ақд билан иш кўрмай-диган, атрофида бепарволар бўлган жуда кўп тақдир-лар ора йўлда қолиб кетиши мисоллари истаганча то-пилади.

Шифокорликни болалиқдан орзу қилган Абдулла Равшанов катта хонадоннинг фарзанди эди. У ёшли-гидан катта қозонда қайнаган, яхшилар раҳматига сазовор бўлган, тиришқоқ, илмга чанқоқ бўлиб улрай-ган эди. Оилада юз берган оғирдан-оғир фожиалар, дўстнинг хиёнати бевосита Мустабид тузумнинг – Со-вет давлатининг пахта устуворлиги мақсади билан ту-ташиб кетган эди. Давр ҳозирлаган, «очиб берган йўл» бутун бошли қишлоқлар, уларнинг аҳолиси тақдирни остин-устин қилиб юборади. Воқеалар марказида бўлган кишилар ҳаёти эса янада аянчлироқ, оғирроқ кечади. Ҳали тарихий адабиётларда ўтган асрнинг 60-йилларида юз берган мустабид қатағони деярли ёри-тилган эмас.

Абдулла Равшановнинг болалиги, ёшлиги ана шу қатағон гирдобига тортилган оилада ҳечади. Мазкур асарнинг энг муҳим жиҳатларидан бири, назаримда, балогатта етаётган йигит тақдиррида собиқ иттифоқ сиёсатининг нечоғлик салбий роль ўйнаганлигини, давр ва шахс ўртасидаги зиддиятли ҳолатларни му-каммал ёритишда, дейиш мумкин. Шу боис, Абдулла Равшанов ҳаёт йўлига, инсон, таниқли врач, раҳбар сифатида шакманишига, комиллик касб этишига ба-ғишланган «Биродарим» хотира романни, айни вақтда, ўтган асрнинг 60-йиллари тарихидек ўқилади. Асар-да шифокор инсон фаолияти кент қамровда ёритила-

ди, китобда хотиравийликдан кўра, ижтимоий-тариҳийлик сезиларли даражада босим.

«Биродарим»ни шунчаки ўқиб бўлмайди. Унинг таъсир кучини бадиият билан тарихийликнинг мумтоз ра-вишда уйғунашганлигига англаш қийин бўлмайди.

*Нарзулла РАВШАНОВ,
журналист.*

БИРИНЧИ ҚИСМ ГУБОРСИЗ БОЛАЛИК

...Бир йил бўлди, у орамизда йўқ. Бошда караҳт қилиб қўйган, рўёдек туюлган ҳақиқат абадий эканлигини лаҳзалар, соатлар, кунлар, ҳафталар ва ойлар далолат этиб келди. Мана, йил ҳам тўлди. Яна тонглар отади, кунлар ботади, йиллар келаверади, йиллар кетаверади. Кетганга қайтиш йўқ экан бу дунёда, ёронлар.

У менинг жон жигарим, биродарим, туғишган укам эди. У, ўзидан кейин бир қориндан талашиб дунёга келган саккиз ўғил-қизнинг суюкли акаси, уч фарзанд, ўндан ортиқ набираларнинг бобоси эди. Бир уядан ўнта полапон учирма бўлган эдик. Ота-онамдан кейин, бир умр уни яқинликда, азиз ва муҳтарамликда аввалги ўринда кўриб келгандим. Мен, даҳшатли уруш бошланганидан бир ой ўтиб, у эса қирғин-баротнинг тугашидан бир йил олдин туғилган эдик. Бизлар уруш даври болалари эдик. Шу жумла билан ўтган асрнинг 40-йилари қиёфасини тўлиқ акс эттириш мумкин, деб ўйлайман.

* * *

Отам ўн-ўн беш йил мактабларда ўқитувчилик, раҳбарлик қилиб, 1944 йилда, укам Абдулла дунёга келганидан кўп ўтмай, Қамаши тумани ижроқўми раисининг ўринbosари лавозимига тайинланганди. Унинг ёруғ оламга келишидан тўрт-беш ой муқаддам Шоҳи момом фронтга кетган ўғлининг бедарак кетгани хабаридан оғир хасталаниб, жон таслим қилганди. Биродарим жонсарак хонадонга кутлуғ қадам билан келганди, кўпдан этак кўтартмаган азиятнинг бир қадар чекинишига боис бўлганди.

Отамизни гоҳида ойлаб кўрмасдик. У туманда фронтга фарзандлари кетган оиласаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳайъатининг раиси сифатида отдан тушмай,

қишлоқма-қишлоқ юрар, жойларда арзларни ҳал қилиш билан банд бўларди. Кўпинча, амалий ёрдам кўрсатишнинг иложи бўлмаганигини, туман омборларида бир сиқим дон-дун топилмаганигини отам кейинлар гапириб берарди. У кишининг ҳикоя қилишларига қараганда, 1944 йил баҳорида Қашқадарёга республика ҳукумати раиси Абдураҳмонов келади. Вилоят фаоллари билан йиғилиш ўтказиб, туманларнинг биринчи котибларидан элнинг ҳол-аҳволини суриширади. Туманларнинг раҳбарлари бошларини қўйи согланича, чурқ этмайдилар. Шунда олдинги қаторда ўтирган Қамаши тумани партия қўмитасининг биринчи котиби Файзи Бекмуродов қўл қўтариб, сўз сўрайди. Минбарга чиқиб, чўнтағидан учлари тугун қилингандастрўмолини олади. «Бошқа туманларни билмадим, – дейди у, – лекин Қамашида аҳвол оғир. Халқа-ку бир сиқим ғалла бера олмадик, фронт оиласларига ҳам ёрдам кўрсатишдан ожизмиз. Бунга биз раҳбарлар айбормиз, бизлар жазога лойиқмиз», дейди «Совмин» раисига. Абдураҳмонов, айтишларича, халқчил, ўз сўзига эга бўлган раҳбар бўлган экан. Файзи Бекмуродовни жеркиш, ердан олиб-ерга солиш ўрнига, унинг дастрўмолига туғилган буғдоёқ, тактакни кўздан кечиради. «Кейинги йилларда, қўроқчилик ерларни қақшатиб, булар ҳам ўсмай қўйди», дейди Файзи Бекмуродов. Бош чайқай туриб, Абдураҳмонов ёввойи ўсимликлар бошоқларини кафтига олганида, кўлида қоракуя юқи қолади.

Шу йиғинда ҳукумат раиси, «Фалабамиз яқин, ўртоқлар. Халқимизни бу аҳводда қолдирмаймиз, бунга қурбимиз етади», дейди. Кўп ўтмай, Қашқадарёга вагон-вагон арпа-буғдой кела бошлайди. Абдураҳмонов сўзининг устидан чиқади. Файзи Бекмуродовнинг жўмардлиги сабаб, қанча одамлар очликдан, шишиб ўлишдан омон қолади. Хўжаликларга дон-дун тарқатила бошлагач, отамнинг ҳам ишлари енгиллашади, уйга келишга вақт топадиган бўлади. Бир сафар қайт-

ганида, укам қаттиқ шамоллаб, иситмалаб ётган бўла-ди. Қирқ кунлик чақалоқнинг аҳволи оғир, сорайиши-дан умид узила бошлайди. Отам тонг қоронғусида от-ланиб, туман марказига кетади. Қишининг қор-сову-ғида узоқ масофани қандай босиб ўтган, ҳозир ўйла-сам ҳам, тасаввуримга сифмайди. Хуржунида доим олиб юрадиган қўшогиз милтифи далда бўлган бўлса керак, йўқса, дарёдан ўтгандан кейин Қорабоғ жар-лиги ваҳима солиб турарди. Вақтида бу жарликда йўлтўсрарлар бўлганлиги, йўловчиларни тунаганлари, ўлдириб кетганлари тўғрисида миш-мишлар юради.

Шу куни, чошгоҳларда отам яна бир отлиқ билан уйга кириб келади. У дўхтир экан. Ўзбекчани яхши гапирадиган дўхтир билан отам кўп бирга юрган, фронт оиласаридағи касалларни у кишига даволатган экан. Дўхтир дарҳол муолажага киришади. Онам ҳол-дан тойган, кучи дув-дув кўзёшлари тўкишга етарди. У чақалоқларини олдиравериб, юрак зада бўлганди. Мендан олдинги икки боласи нобуд бўлганини унутол-масди. Энди Абдуллани ҳам қўлдан бераманми, деб куйиб-ёнарди. Исмимнинг «Поён» кўйилиши сабаби ҳам шундан, Шоҳи момом ирим билан шу отни кўйган.

Дўхтир, то укам кўзини очгунича, уч-тўрт кун қимирламай, унинг бошида парвона бўлади. Чақалоқ тамшаниб ўзига кела бошлаганда, кўзёшлари тийил-маган онамга қараб, «Йиғлаш керак эмас, бу зўр бола, келажакда зўр дўхтир бўлади», дейди. Кейинчалик, 9-синфда ўқиб юрган вақтимда, у кишининг кимлиги-ни билдим. Евгений Соломонович Аронзон Қамаши тумани шифохонасининг бош врачи, таниқли жарроҳ экан. Отам билан уларнинг дўстлиги узоқ давом этган эди. Мен Самарқандда ўқиб юрган кезларимда Евге-ний Соломонович шаҳар шифохонасида раҳбар бўлиб ишларди. Отамнинг тавсияси билан унинг олдига бор-ганман, танишиб, уйида кўп бўлганман. Эсимда, 1959 йилнинг янги йил кечасини қамашилик талабалар би-лан бирга Аронзоннинг ҳовлисида кутиб олган эдик.

Евгений Соломонович ҳар гал кўришганимизда Абдулла укамни сўрарди. Мен, «Сиз айтгандай, у дўхтири бўлмоқчи», десам, Евгений Соломонович қувониб кетар, «Самарқандда ўқисин», дерди.

Шундан кейин укамнинг бирор марта касал бўлган лигини эслай олмайман. Ҳали мактабга бормай, унга уйдагилар «Дўхтири» лақабини бергандилар.

Абдулланинг қобилияти дўхтириликдан кўра, ҳозирги таъбир билан айтадиган бўлсам, тадбиркорликда иш берар эди. У биринчи синфга бормай, савдо-ситиқни ўрганган, ҳафта сари Чиял бозорига бобом билан бирга йўл оларди. Мулло Қурбон бобомнинг катта боғи бор эди. Болалигимизда ҳайҳотдай тувлган бу бор нари борса, 30 сотих чиқарди. Жўялари одамни бўйлатмас, токлар навларига қараб, саф-саф қилиб экилган эди. Оломонтўйди деган донаси нақ олхўридай келадиган узумлар кун чиқар тарафда қад ростлаб турарди. Бу токлар кўп эмасди. Қизил – сурҳоки узумлар ўрталиқда, оқ, ҳусайниний навлар боғнинг гарбий сарисидан жой олганди.

Бобом миришкор, ишнинг кўзини биладиган боғбон эди. Қишлоғимизда узумчилик анча ривож топган эди. Кўшниларимиз – уларнинг ҳаммаси қариндош, амаки-тамакилар эди, барининг катта-катта ҳаётлари, боғлари бўлар эди. Лекин бирортаси ҳам қишида узум сақдай олмасди. Ёдимда, отам жамоа хўжалигига раис бўлиб, вилоятда танила бошлаган кезларида, Қаршидан «кагтала» ташриф буюришарди. 50-йиллар бошларида бўлса керак, обком котиби Раҳмонқул Қурбонов, вилоят прокурори Турсунов (янглишмасам) «эмка» дейиладиган машиналари қоргатиқилиб, бир амаллаб бизникига қадар етиб келишганди. Обком котиби, кутиб олишга чиқсан бобомга қараб, «Токда узилмаган ҳусайнингиз бор-а?», дея ҳазиллашарди. Меҳмонлар тунаб қолар, бобом бўрдоқиларидан бирини сўяр, қозон тўла қовурдоқ, шўрва бўларди. У пайтлар палов дамлаш расм эмасди, чоғи.

Таомдан сүнг дастурхонга токдан янги узилган, тиллоранг бўлиб кетган, ҳар донаси хурмодай келадиган ҳусайнин узум баркаш-баркаш қилиб тортиларди. Сирка боғлаб, қиёмига етган узумдан бир бош ейиш қийин эди. Бобом куз охирларида, қора совуқ бошлинишидан аввал узуми қолдирилган токларни дасталангандан янтоқ билан ўраб, бостириб чиқарди. Ўша вактларда ҳам қиши қаттиқ бўларди, лекин февраль-марта га қадар ер токдаги узум яхши сақланарди.

Ховлимизда йигирмадан ошиқ ҳисори қўйлар бўқиларди. Мулло Қурбон бобомнинг бу ишда ҳам тажрибаси катта эди. У кишига жиянлари қараашар, емашак беришни эса ҳеч кимга ишонмасди. Қўйнинг ҳаддан ташқари семириб, думбаси оғирлигидан, икки олдинги оёғи кўтарилиб қолишини ўша пайтлар кўрганман. Ёғчдан курсича ясалиб, куйруқлар остига қўйиларди. Қиши олдидан думбаси 30-40 кило келадиган бўрдокилардан бири сўйилиб, гўшт-ёғи қовурилиб, идишларда сақланарди. Бобомнинг боф ва қўйчилик эрмаги рўзгорда бирор эҳтиёжга ўрин қолдирмасди. Узумларнинг ҳам, боқма қўчқорларнинг ҳам бир қисмини сотиши имкони бўларди.

Укам бепт ёшидан бошлаб, бобом билан бозорга борадиган бўлди. Одатда, шанба куни узумлар узилиб, саватларга жойлаб қўйиларди. Тонг азонда саватлар аравага ортиларди. Кеч кузнинг тонглари анчайин совуқ бўлади. Узумлар аравага жойлананаётганда уйғониб олган, юз-кўлини ҳам ювишга сабри чидамаган Абдулла аравага, саватлар орасига қўнишиб ўтириб олади.

Бизнинг Катта Дўстберди қишлоғимиздан Чиял бозорига олиб борадиган йўлда Аччи деган жой бор. Бу, энди, масофанинг ўрталифи бўлиб, бир тош чиқарди. Тонг бир оз ёришиб қолган бўлса-да, совуқ этни жунжиктиларди. Абдулла, бобом билмасин деб, майкачан ҳолида саватлар орасида бўлганича бўлиб келарди. Дилдираб келаётган набирасини Аччи даштида пай-

қаб қолган бобом, аввалига уни хўп койийди, тушириб, уйга қайтариб юборай деса, йўл узоқ, бунинг устига, бу дала-даштда бўрилар ҳам изғиб юрарди. Охири, устидаги чакмонини ечиб, уни ўраб-чирмаб, ёнига ўтқизиб, бозорга кириб боради. Катта Дўстбердининг узумлари Чиял бозорининг олди бўлиб, қишлоғимиз соҳибкорлари сотмагунларича, бошқаларга навбат тегмасди. Бобомнинг танишлари кўп, отамни Чиялда ҳамма биларди. Тайлоқ Рўзи, Тоғай Мусурмон, Аликул Рамазон ва яна кўп Чувиллоқ, Тўқмор, Аннарўз сингари қанча қишлоқдарнинг кайвонилари, элбошлилари билан борди-келди бардавом бўлиб келарди. Бобомнинг узум олиб келишини пойлаб, сотишга ёрдамлашадиганлар ҳам бўларди.

Абдулла укам билан бирга борган бозор бобом учун барорли бўлади. Узумлар жуда тез сотилади. Димоғи чоғ бўлган бобом хуржун тўлдириб, қанд-қурс харид қилиб уйга қайтганида, онамга, «Абдуллабой баракали экан, бундан буён кийимини кийиб борсин», дейди. Шундан кейин укам расмий равишда бозорга борадиган бўлади, бобосига ёрдам бериш мақомини қўлга киритади. Менинг бозор-ўчарга ҳушим йўқ эди. Қолган укаларимда ҳам бундай истеъодони, қизиқиши кузатмаганман. Жуда ёшлиқдан савдо-сотик, фойда ва зарар тафовутини ўзлаштириш кейинги ҳаётда қўл келаркан.

Мулло Қурбон бобом 1953 йилнинг кеч кузида, олтмиш тўққиз ёшида оламдан қайтди. Рўзгор катта, келим-кетим кўп бўларди. Қариндош бўлган амма-холалар ёрдамга келар, шу ердан насиба олиб кетардилар. Уруш ва у тугагандан кейинги йиллар ҳамон оғирлигича қолаётганди. Отам ўқитувчи, мактаб директори, қишлоқ шўроси раиси, туман ижроқўми раиси ўринбосари ва 1945 йилдан жамоа ҳўжалиги раҳбари сифатида ишлаганида уйимизда нон ёпилмаган кун йўқ эди. Бобом боф ва молдан оладиган даромад фалла замлашга етар, омборхонада бордон тўла буғдой ва ун

бўларди. Фалани ҳамиша Чиял бозоридан сотиб олиб келишарди. Бобомнинг вафотидан кейин хўжаликни отамнинг катта укаси Эшнор амаким юргиза бошлиди. Эшнор амаким урушда қатнашган, немислар кўлига асирикка тушган, асирикдан қочиб, Югославияда, Тито қўшинида фашистларга қарши жангларда қатнашган киши эди. Фалабадан кейин, зобит Эшнор Курбоновни ҳам «асирда бўлган», деган айб билан Краснояр ўлкасига узоқ муддатга бадарга қиласидилар. Амаким жуда кўп ноҳақ қамалган ҳарбийлар қатори, фақат Сталин вафотидан кейин қишлоққа қайтишга муваффақ бўлади.

Бобом раҳматли ўғли оқланиб қайтган куннинг эртасига тўйни бошлаб юборганди. Қоратепа қишлоғидан Жонқувватбойнинг қизи Порчаой унаштирилганича қолиб. Эшнор амакимни сабр-тоқат билан «бедарак йўқолди», «plenга тушиб кетган» қабилидаги совуқ, нохуш гап-сўзларга қарамай, ўн икки йил кутган эди. Улар ҳавас қилса арзигудай, жуда баҳтли ҳаёт кечирдилар, ўғил-қизлар ўстирдилар, набиралар кўрдилар. Бу хонадонни авлодимизнинг катта бир, бақувват бўғини десам бўлади.

Амаким янги рўзгор, шу сабаб, Шаҳрисабз ёки Чиял бозорларига борганда укамнинг райига кўпам қарайвермаган. Бизникига келадиган меҳмонлардан ташқари, амакимнинг эски жўралари ҳам уни тез-тез йўқлаб келишар, улфатчилик узоқ давом этарди. Бир неча бор хуржуни аввалгидай тўлмай қайтган укам онамга шикоят қиласар, «бўлди, бозорни ўзим қиласман», дерди. Бир сафар, отамнинг шофёри Ўроз полвон билан гапни бир қилиб, Эшнор амакимни кутмаёқ, иккаласи Шаҳрисабзга жўнаб кетадилар. Амаким ҳам тушунади шекилли, унинг ишларига аралашмай кўяди. Шу бўлди, бозор ёхуд рўзгорга керакли нима-ики нарса бўлса, Абдулла укам муҳайё этар, бу масъулият унинг зиммасида то ўрта мактабни тутаттунича бўлиб келган эди.

Болалигидаги тумовнинг асоратими, у жуда нозик, жуссаси ҳам кичик эди. Лекин файрати, қатъяти ву жудига сирмасди. Қиласман деган нарсасини қилмасдан хотиржам бўлолмасди. Катталар билан жуда тез тил топишарди. Уйга меҳмон келди, дегунча мен Дуйнохол аммамнинг уйига жўнаб қолардим. Аммамнинг ўғли, тентқурим Шомамат билан меҳмонларнинг ташқи ҳовлимизда қолдирилган «эмка» машиналарини айланиб томоша қилганимиз қилган эдик. Балога қолган Абдулла эди. Амаким ҳам катталар олдига кириб хизмат қилишга ботинмас, айвонда туриб, укамга керакли нарсаларни еткизиб бериб турарди. Қашқадарё обкомида биринчи котиб бўлиб ишлаган Раҳмонқул Қурбонов йилда икки марта уйимизга келарди. Ёзда, рўза ниҳолларига ишлов авж пайтида келиб, уззу кун далани айланар, албатта, бир камчилик топиб, юзинг-кўзинг демай танқид қиласди. Бир келганида, бизнинг ва қўшни жамоа хўжаликларининг пайкалларини кўздан кечирган обком котиби, рўза парваришида йўл кўйилган нуқсонлар учун Қамашининг уч-тўртга радиси ишини партия қўмитаси бюросига кўяди. Қўшни жамоа хўжаликлари раислари ишдан олиб ташланади, отамга ҳам хайфсан берилади. Текширувдан кейин уйимизга келар, кечи билан гурунг қилиб, эртасига жўнаб кетарди. Иш учун ҳеч кимни аямасди. У яна ҳосил йифим-терими охирларида, кеч кузда қишлоғимизга кутилмагандага келарди. Отам гурурли одам эди, гап кўтармасди. Обком котиби уйимда бўлди, танбеҳи эсидан чиқиб кетди, деган хаёлга бормасди. Ўша йили хўжаликда пахта қайнаб чиқди, десам муболага бўлмас. Бутун бошли хўжаликнинг бир звеносида хирмон ўрнидай жой кўллаб сув ичгани учун борода жавоб беришига тўғри келган отам кеча-кундуз пайкал ораларди. Хўжаликнинг Чакар қишлоғидан Адоқ Майдага қадар бўлган худуди жуда катта, уларни отда бир айланиб чиқиш учун тонгни тунга улашга тўғри келарди.

Ўтган асрнинг 50-йиллари бошларида, ҳатто 1958 йилда ҳам Қашқадарё вилояти 150, Қамаши тумани 15 минг тонна атрофида пахта етиштиарди. Ўша пайтларда Карл Маркс номи билан аталган бизнинг жамоа хўжалигимизда 1200 гектар ерда пахта етиштирилган. Раҳматли отам ёши тўқсонга яқинлашганда ҳам 50-йиллар воқеаларини аниқ-тиниқ, кунига, соатига қадар ҳикоя қиласарди. 1952 йилнинг 17 июнида Қамаши тумани хўжаликларида ғўза парваришининг боришини кўздан кечириш учун келган обком котиби Дўстберди қишлоғининг 500 гектарлик пайкалларини бир-бир оралаб қўриб чиқади. Юз центнерчи звена бошлиғи уста Бозор Гозиевнинг даласида бир сотих ерда ягона қилинмаган ғўзалар чиқиб қолади. Бу жой эски боғнинг бир чети бўлиб, шу йили пахта майдонига қўшилган бўлган. Қолган барча далаларда пахтага ишлов бериш аҳволи қониқарли бўлган. Лекин отам ҳам, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси Боймурод Қулмуродов, Ворошилов номли хўжалик раҳбари Мамат Ҳакимовлар ҳам вилоят партия қўмитаси бюросида тик туриб жавоб берганлар. Кейинги икки хўжаликда сугориш пайсалга солинган, ғўзалар гул ташлаган бўлган. Иккала раис ҳам ишдан олинган. Отамга хайфсан берилиб, ишда қолиш-қолмаслиги режанинг бажарилишига қўра ҳал этиладиган бўлган.

1951 йилда Карл Маркс номли хўжаликда, жами бўлиб, 1200 гектар ерга пахта экилган. Бу ерларнинг ярми шартли сугориладиган пайкаллар ҳисобланган. Шартли сув ичадиган майдонлар мажбурияти нисбатан кам белгиланган. Шунга қарамай, хўжалик барча майдондан умумий ҳисобда 20 центнердан ҳосил етиштириб, туман ва вилоятда танила борган. Ҳолбуки, бутун Қамаши туманида бу рақам йиллар давомида 15 центнер даражасида қолиб келарди. Дўстберди қишлоғимизда илгари боғ бўлган жойлар ҳам астасекин пахтага қўшилиб кета бошлайди. Совет ҳокимиётининг сиёсати пахтани тақдиршумул экин дара-

жасига күтариб күяётганди. У дўстликни ҳам, илфор ёхуд қолоқликни ҳам, ҳеч нарсани ҳисобга олмасди. Обком котиби билан отам бир ёш фарқ қиласди, у киши бир йил аввал, 1912 йилда таваллуд топган эди. Улар 30-йиллар бошларида Қаршида муаллимлар тайёрлаш курсларида оддин-кейин ўқишган, ўша йиллардан таниш бўлганлар. 1952 йил пахта мавсуми отам ҳаётида, шу тариқа, ҳал қилювчи аҳамиятга эга бўлган. Омадни қаранг. Одиндандайттанимдек, шу йили отам ҳам, бригадир ва хўжалик аъзолари ҳам тинмаган. Қашқадарёning суви озайиб қола бошлигач, Кўктўнили Ота қадамжосидан дарёга сепоя ташлаб, Қоратепа ариқдан сув оқизганлар. Ҳосил эса ўзларн кутгандан ҳам зиёда бўлган. Биринчи бор ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлганлар. Уста Бозор Фозиев ишлаб чарчамайдиган киши эди, унинг звеносида 42 центнердан пахта етиширилади. Бердиёр Маматов бригадаси 40, Узоқ Эшдавлатов бошлиқ звено ҳосил чўфини 45 центнерга етказади. Хўжалик тумандагина эмас, вилоятда ҳам одинги ўринлардан бирини ишғол этади.

1952 йилнинг охириларида хўжаликка келган обком котиби туман фаолларининг бу ерда ўтган йифинида отамга Кисловодск санаториясининг йўлланмасини топширади. Отамнинг айтишича, эсини танигандан бўён бирор кун дам олиш нималигини билмаган экан. Шу йили Қашқадарёning илфор жамоа хўжаликлари раисларидан бўлган Чўли Бегимкулов, Ҳалимов (Қарши тумани, Охунбобоев хўжалиги), Ёркулов (Қамаши, «Қизил омоч» хўжалиги раиси), Бони Муродов (Помук, Сталин жамоа хўжалиги раиси) вилоят партия қўмитаси йўлланмаси билан Кримда, Кисловодск оромгоҳларида соғликларини тиклаб қайтадилар. Отам баланд бўйли одам эмасми, жуда ориқлаб кетган, вазни 70 кило атрофида бўлган. Демоқчиманки, раҳбарнинг қаттиққўл бўлгани дуруст, меҳнатни кўра билгани, қадрлай олгани эса бебаҳо хислатдир.


1952 йилнинг охирларидаги ташриф обком котиби учун сўнгиси бўлганди. У киши бошқа вилоятга раҳбар бўлиб кетганди. Отамлар санаториядан қайтганида, янги биринчи котиб иш бошлаган эди. Охирги келганида Раҳмонқул Курбонов бир йўла бобомга ҳам таъзия билдирган, сафдошлиари билан хуморидан чиқиб гурунг қиласанди. Элас-элас эслайман, уйимизда Жўра Фозиев (Қамаши туман ижроқўмининг раиси), Назар Холмирзаев (туман котиби), Шойимқул Райимқулов (обкомда ишлаган) жам бўлган эдилар.

Меҳмонарга отамнинг ўзи ва Абдулла укам хизмат қиласди. Обком котиби машинадан тушгани ҳамон, «Равшан, бизнинг ошно, сариқ ўғлинг қани?», дерди. Укам у киши билан тортинимай кўришар ва сўрашарди. «Оғайни, сен келажакда ижроқўм бўласан», дерди. Шу ўринда кези келгани учун, анча олдинроққа кетиб, бир суҳбат тарихини келтириб ўттай. 1994 йилда Раҳмонқул Курбонов ҳақида «Бош вазир қиссаси» деган китоб ёзадиган бўлдим. У киши билан кўп ва узоқ суҳбатлар қурдим. Раҳматли Ҳайдар Ҳамроевнинг уйида бўлган гурунгларнинг бирида, «Поён, сенинг Қашқадарё ҳақида ёзганларингни ўқиб юраман, яхши ёзяпсан. Аммо, кўшилмайдиган жойларим ҳам бор. Сен ўша давр воқеаларининг жонли гувоҳлари билан ҳам гаплашиб ёзсанг маъқул бўларди. Сен Равшан Қурбоннинг ўғли бўлар экансан, ҳозиргача шундай эканлигини тахмин қиласдим. Янгилишмаган эканман. Анови, маллавоий уканг бор эди, уни биламан, яхши дўхтир бўлибди», деб қолди. Раҳмонқул бова, «Менинг пиржамни топиб, отанг билан учраштири», деб тайин қиласди. Бир гал, ҳатто, кунни ҳам белгиладик. Аммо, насиб этмаган экан. Шу кун келганда, у кишини уйимга олиб келаман деб борсам, зарурий иш билан Тошкентга жўнаб кетган экан. Вақти келиб, у киши вақт топганда, отам Чортокқа – санаторийга кетган эди. Мени қизиқтирадигани, у кишининг

укам Абдуллани унутмагани, уни орқаваротдан кузатиб, дўхтири бўлиб етишганини билгани эди. Афсуски, турли сабаблар билан китоб нашр этилмай қолиб кетди. Кулимда асарнинг қораламаси ва бир даста суратлар қолди.

Болаликдан улуғларнинг назарига тушиш хосияти, барибир, катта бўларкан. Евгений Аронзоннинг гапидан кейин уй ичимиз уни «Дўхтири», обком котибининг «Ижроқўм» деган атовидан сўнг, «Ижроқўм» деб атардик. У, агар дўхтириликка ихлос қўймаганида, ишончим комилки, таниқли бир раҳбар бўлиб етишарди. У жуда тиришқоқ, чўрткесар, қийинчиликлардан қўрқмайдиган бола эди. Кўпкарига, отга жуда қизиқарди. Отамнинг йўрга саман оти бўларди. 50-йиллар ўрталарида, таниқли раисларга енгил машина берила бошлигандан кейин, отга эҳтиёж қолмаганди. Шу сабабли, от боқувда ётарди. Қирчиллама қишида, одатда, хўжалик ишлари саранжом топгандан кейин, Тўрт Дўстберди элида тўйлар бошланиб кетарди. Тўйлар кўпкарисиз ўтмасди. Ишларга қарашиб юрадиган жиянимиз Норбой катта укамнинг илтимоси билан отни эгарлаб беради. Шундайгина қишлоғимиз ортидаги улкан ялангликда улоқ чопадиган майдон бўларди. Чакар қишлоғидан кимнингдир тўйи бўлаётганди. Абдуллабой отни миниб, қирга чиқиб боради. Бу ёғи Чиялдан, нарёғи Наймансаройдан, Тўқбой ва Чимдан келган чавандозлар гўшна бўлиб зот айириш илинжида курашардилар. Ҳаво ниҳоятда совуқ, юзлаб отлар тўдалашиб, уймалаётган майдончадан иссиқ ҳовур кўкка ўрларди. Томошибинлар кўп, улар эшакли, пиёда, сувора бўлиб, половонларга далда беришар, ўзлариники улоқни олиб чиққанда, қийқиришиб оламга сифмасдилар.

Кўпкари тугаганда укамнинг оёқ-қўли музлаб, ҳатто, юганни уплашга ҳам ҳоли қолмаган эди. Отнинг ўзи уни уйга олиб келган. Дарвоза ёпиқ бўлганигидан от тумшуғи билан эшикни и сурган онимага



Тарақ-туриқ овозини эшитган отам ташқарига чиқса, аҳвол чатоқ, укамдан сас чиқмайди. Уни бир амаллаб отдан тушириб олиб, оёқ-күлларини уқалаб, доридармон суртиб ўзига келтириб олади. Шу бўлиб, отам кўп йиллар мингани, Чакар, Катта Дўстберди, Дурман, Кичик Дўстберди, Қоратепа, Еттикудуқ, Азлартепа ва Майда қишлоқдари сарҳадларини биргаликда кезгани саман йўргани фермага бериб юборганди. Бу гурнгни ака-укалар жам бўлганимизда, ота-онам олдида кўп такрорлардик. Отам раҳматли, «Худо бир асрраганди-да», деб кўярди. Кулишардик. Абдулланинг болаликда бундай антиқа, ғайритабий ишлари оз эмасди. У, чамаси б-синфда ўқиётганида бўлса керак, капитар боқишига қизиқиб қолди. Мактабимизда Сагитов деган татар муаллим бўларди. У биздан бир кўча нарида, отам жойлаштириб қўйган уйда аёли билан турарди. Уларнинг боласи йўқ эди. Қишлоғимизда капитарбозликка асос солган шу муаллим бўлади. Қишлоғимиздаги болалар ўқишдан кейин унинг уйи атрофида йиғилишар, кўкда чархпалак учайётган оқ капитарлар ўйинидан кўз узмасдилар. Сагитов капитарларини эҳтиётлар, ҳатто, сотишни ҳам хоҳламасди. Укам, қандай қилиб бўлса-да, у билан тил топишган эди. Муаллим бир куни уйимизга келиб, майда-чуйда турдиган кичик бир ҳужрани танлаб, уяларни жойлаб, Абдуллага капитархона қилиб бериб кетган эди. Бу капитарлар кўпайгандан-кўпайди. Дўстлари сўраб келишар, уларга жуфт-жуфт капитарларни тортиқ қиласди. Ёдимда, дўсти Хурсандмурод ҳам Жонбуздан келиб, тўртта – иккита оқ, иккита қора тусли капитарларни олиб кетганди.

Бир куни Абдулла мактабдан хуноб бўлиб қайтди. «Ҳа, нима бўлди?», десам, «шинавандаликни йиғиширишим керак экан, бу менинг ёшимга ва ўқишимга халақит берар экан», дея жавоб берди. Мен кулдим, «шинавандалик» нима экан ўзи (ўша пайтда бу сўзнинг маъносини билмасдим), деб сўрадим. Укам, «билма-

диму, шу, кептарбозлик дегани бўлса керак-да», деб қўйди. Маълум булишича, гап шундай бўлган экан. Шу йиллари мактабимизга Тошкент, Самарқанд олий ўкув юртларини битирган муаллимлар ишга келишган эди. Отам туман партия қўмитасидан бизнинг 5-сонли Чкалов номли мактабимизга олий маълумотли мутахассисларни ишга юборишни сўраган, ота-оналар ҳам жамоа хўжалигининг умумий мажлисида шу талабни кўйган эдилар. Шунга кўра, Тўхтамиш Очилов, Омон Холбоев, Бекмурод Оққўзиев каби муаллимлар дарс берга бошлагандилар. Физика дарсида Тўхтамиш Очилов укамни доскага чиқаради. Саволга жавоб бўлмайди. Чамаси, муаллим (у Низомий номидаги олийгоҳни имтиёзли тугаллаган эди) Абдуллани яхши ўргангандарсларни тайёрлаш ўрнига кўп вақтини кептарларга сарф этишини ҳам яхши билиб олган. «Шинавандалиқдан воз кечиши» мулоийим тарзда айтилган бўлса, яна мавзуни ўзлаштирмай келса, синфда қолдиришини дағал қилиб айтади. Укам, муаллим билан бўлган мулоқотнинг ана шу дағал қисмини юзага чиқармаганди. Ўзини камситишни, гап ютишни мутлақо жини ёқтирасди. Эртасига Сагитов муаллимни айтиб келиб, кептарлар ва қутиларни унга бериб юборди. Энди у менинг дарсхонамга кириб, ўқийдиган, ёзадиган бўлди. Укам Абдулланинг ўқишида кескин ўзгариш ясаган қадри баланд устозимиз Тўхтамиш Очилов, минг таассуфки, бир неча йилдан кейин мотоцикл авариясида ҳаётдан кўз юмган экан.

Отам ўз иш фаолиятини ўқитувчиликдан бошлагани ва бу соҳада ўн беш йил ишлаб, катта тажриба ортиргани боис, таълим ва тарбия олишимиз учун бор имкониятни қилиб берганди. Алоҳида хона, стол-стул, китоб тахланадиган жавон ихтиёrimda эди. Кейинчалик каравот ҳам киритиб олгандим. Жавонимда китоблар унча кўп эмасди. Бир куни, отам «Ленин учқуни» деган газетани олиб келиб, «Равшан Мирзаев муаллиминг берди, мақоланг чиқибди», деди. Эртасига

Қамашига, туман марказига бирга олиб кетди. Түғри кутубхонага бордик. Бу ерда истараси иссиқ татар аёли Факия Баҳтиева ишлар экан. Отам мени танишириб, опадан китоб берип туришини илтимос қилди. Опа отамни райижрокүмда ишлаган давридан (ҳисобчи бўлган) биларкан ва қаттиқ хурмат қиларкан. У менга бир ойга мўлжаллаб 10 тадан китоб берадиган бўлди. Ўқиб бўлиб, топширганимдан кейин яна шунча китоб олиб кетишм мумкинлигини айтди. Китоблар эвазига, эҳтиёт шарт, отам қанчадир пулни қолдирган эди. «Олтин водийдан шабадалар», «Кўшчинор чироқлари», «Тоғ болалари», «Навоий» ва яна юзлаб асарларни шу йўл билан мутолаа қилгандим. Ҳар ойнинг охирида Қамашига қатнаб, китоб топширас ва китоб олиб келардим. Қамашининг йўли қирқ чақиримдан кам эмасди, қишида юқ машинасида Тўқбой кўприги орқали айланниб бориш азоб эди. Эрталаб кетиб, ярим тунга қолиб кетган пайтлар ҳам бўларди.

Тўхтамиш Очиловнинг «шинавандаликни йиғишириш» тўғрисидаги танбеҳидан кейин, укам астойдил ўқий бошлади. Эътироф этишим керакки, мактабимиз муаллимлари жуда кучли эди. Директоримиз Эшқобил Норқобилов туғма ўқитувчи ва ташкилотчи эди. Бир қанча вақт Қаршида, вилоят партия қўмитаси лекторлар гуруҳида ишлаган, тажрибали, одамохун, билимдон инсон эди. Илмий бўлим мудири Омон Холбоев Ёртепадан келиб ишларди. У ўз соҳасининг, сўзнинг тўла маъносида, жонкуяри, фидойиси ҳисобланарди. Математика ўқитувчимиз Дилемурод Вафоев, тарих муаллимимиз Бекмурод Оққўзиев, тил ва адабиётдан сабоқ берган Равшан Мирзаев, Шомурод Сиддиқов, кўйингки, устозларимизнинг ҳар бири ҳақида фақат ва фақат ижобий фикрлар айтишим инсоф тақозоси бўлар эди. Аниқ фанлардан викториналар, савол-жавоб кечалари муттасил ўтиб туради. Мактабимизда Уйгуннинг «Ҳаёт қўшиғи» драмасини Дилемурод Вафоев ва Равшан Мирзаев раҳбарлигига

саҳналаштирганмиз. Комил ролини дўстим Элмурод, Қодир образини мен ижро этганимиз. Бадий ҳаваскорлик тўгараги ишларди, волейболчиларимиз, футболчиларимиз туман ва вилоят мусобақаларида иштирок этар, совринли ўринларни оларди. Ўша йилларда жамоа хўжалигимиз машҳур бўлгани каби, мактабимиз довруғи ҳам баланд эди. Иқтисод тараққий қилган жойда маданият юксалади, деб бежиз айтилмас экан. Ўтган асрнинг 50-йилари сўнгларида 5-сонли В.П.Чкалов номидаги ўрта мактабни битирган ёшлиарнинг аксарияти олий ўқув юртларига кирган, етук мутахассислар бўлиб етишган эдилар.

«Шинавандаликдан» воз кечишга ўзида мажбурият сезган укам, аввалгидаи, «иқтисодий блок»ни бошқаришда давом этар, келди-кетдиларда ҳозир нозир бўларди. Дарс тайёрлашга, китоб ўқишига ҳам кўнишиб бораарди. Ўша пайларда ўсмир болаларда сочни жингалак қилдиришга майл кучайган, кимдир Қаршига, бошқа бири Шаҳрисабзга бориб, сочни жизганақ қилиб, тўлқинли, бурама ҳолга келтирас ва гердайиб ялангбош мактабга келарди. Жиянимиз Шомамат билан Абдулла ҳам гапни бир қилиб, Қаршига келиб, соchlарини жингалак қилдириш учун сартарошхонага кирадилар. Иккалалари ёнма-ён ўтириб, соchlарига қўйилган қисқичлар мўъжизасини кута бошлайдилар. Қисқичлар токка уланган бўлиб, борган сари қизиб, соч толаларини илдизидан сугуриб олиш дарласига қадар ета бошлайди. Буни устага билдириб туриш, токни камайтириб қўйиш лозим бўларкан. Қисқичлар сочни фижимлаб торта бошлагач, Абдулла Шомаматга, Шомамат Абдуллага қарапмиш. Номуснинг зўридан, иккаласи ҳам тишини тишига босиб, билдиримасликка интилармиш. Бир вақт уста қараса, болаларнинг кўзидан ёш думалаб, юз-кўзлари бўғриқиб кетибди. Дарҳол, қисқичлардаги кучланишни камайтирибди... Жингалак соchlilar Каршидан қайтиб келганларидан кейин, ҳафта-ўн кун бошлари оғриб,

тола-тола соchlари тўкилиб юрган эди. Валломатлар жон оғриса ҳам, чидаб берганлар.

Абдуллада аниқ фанларга лаёқат бор эди. Математикани яхши биларди, Тўхтамиш муаллимнинг танбеҳидан кейин у физикани қайта бошдан такрорлаб, ўзлаштириб олди. Кимё фанидан Тошкентдан келган М.Сайдов деган ўқитувчи сабоқ берарди. Домла кейинчалик Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида ишлаб, олимлик даражасига кўтарилган эди. Ёшгина аёли билан келган домлага отам бош-қош бўлиб, уй-жой қилиб берганди. Бир таътил пайтида, отамдан ижозат олиб, мени ва яна бир-икки болани Тошкентни сайр қилдиришга олиб кетган эди. Энди эсласам, ҳозирги Тошкент ҳалқа йўлининг Юнусобод тарафида туришаркан. Бир неча кун шаҳарни томоша қилдик, музейларга, Навоий театрига бордик, биринчи марта циркни кўриб ҳайратга тушган эдик.

Укам кимё фанини яхши кўради. М.Сайдов дарсларни шунчалик жонли ўтардики, қимёвий унсурларни сичқон,чувалчанг ва бошқа жонзорларга менгзаб, улар расмини чизар, «реакцияга» киришириар, кучлиси заифини емирап, «еб қўяр» эди. Солиштирма оғириликда фил сичқонни босиб кетарди. Аксар ўқувчиilar M.Сайдов домлага ихлос қилардилар. Синфдошларимдан Омон Норбўтаев, Бойназар Эшмираев, Абдулла Боллиев, Элмурод Қурбоновлар мактабни битиргандаридан кейин, айнан кимё билан боғлиқ мутахассисликларни бежизга танлашмаган эдилар. Мактабда қайси фан яхши ўтиласа, шу фан ва муаллимнинг обрўси баланд бўлади. Ўзбек тили ва адабиёти (Равшан Мирзаев), физика (Тўхтамиш Очилов), кимё (M.Сайдов), тарих (Бекмурод Оққўзиев), география (Омон Холбоев) сингари фанларга қизиқиш фавқулодда кучли эди. Бу фанларнинг ўқитувчилари ёшлиарнинг келгуси ҳаёт йўлини танлашларида шахсан ибрат бўлган эдилар, десам адашмайман. Ўқувчи ҳеч қачон дарсни мингирилаб ўтадиган, конспектини ўқиб бера-

диган муаллимга эргашмайды, унинг фанига интилиш пайдо қилмайды.

Мактабдан келганимиздан кейин, тамадди қилиб олиб, дарёга энардик. Қишлоғимизда ёш-яланг нисбатан камроқ эди. Бизнинг тўпорда Искандар бобо, мулло Хушвақт, Шукур оқсоқол, Норқобил бобо, Самад бобо, Парда амаки ва бобомнинг авлодлари истиқомат қиласардилар. Тўпоримиз мулло Қурбон бобомнинг отаси Мулло Суюннинг томирлари эди. Мулло Суюн бобом амирлик даврида қишлоқ амини бўлган, уч аёлидан зикр этилган амакилар, оға-инилар ўргиган эди. 1926 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларида Дўстбердида 213 хўжалик яшashi қайд этилган. Ўша пайтда Дўстберди дейилганда, бизнинг қишлоқ – Катта Дўстберди, Чакар, Дурман ва Кичик Дўстберди тушунилган. Катта Дўстбердининг ўзида 40 хўжалик ҳаёт кечирган. Шунга кўра, 20-йиллар бошлирида қишлоғимизда 200 киши нари-берисида аҳоли мавжуд бўлган. Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейинги муттасил издиҳомлар, қатагонлар, айниқса, иккинчи жаҳон уруши кўп одамларнинг ёстигини қутиб кетган. Очарчиликлар, бадарғалар аҳоли сонининг кўпайишига доимий тўсиқ бўлиб келган. Уруш давом этган йилларда, ҳатто, 50-йилларда ҳам жуда кўп наррасида қишлоқдошларим ажал комига тортилган эди. Биз энди эсимизни таниётганда, ён кўшнимиз, амакимиз Самад бобонинг (у кишини кўрмаганмиз) Чори деган 12-13 ёшлардаги ўғли вафот этган эди.

Оғир уруш йиларида кўшни қишлоқлардан бирига келин бўлиб тушиб кетган Ойзиё аммамизнинг эри урушдан қайтмаган эди. Аммамнинг Тошмурод ва Хушвақт деган икки ўғли бор эди. Ҳали мулло Қурбон бобом ҳаётлиги пайтида, қора хат келгандан кейин, аммамизни ҳовлимиз ёнидан уй солиб, кўчиртириб келган эди. Кечалари, ойнинг ёруғида болалар кўчада жам бўлар эдик. Келмаётган, кечикаётган болаларни шеър, кўшиқ айтиб чорлар эдик. Тўпимизда ёши сал

каттароқ болалар бұлар зди. Шеъру құшиқларни, чамаси, шулар түқиб айтарди. Ҳали ҳозирга қадар ўша түқималарнинг айрим сатрлари ёдимда турибди:

*Хой, Карим, Абдукарим,
Кечамиз бўлди ярим.
Чақирамиз келмайсан,
На ўйнайсан, кулмайсан.
Муштдай қорнинг тўймайма,
Ўгай онанг қўймайма...*

Ўн-ўн беш чоғли болалар рўза пайтида «Ё, рамазон» айтиб, қишлоқ айланардик. Ким нон, қанд-курс, майиз улашар, ким танга берар, хуллас, қуруқ қайтмасдик. Мева-чева ҳам йигиларди. Чорраҳа йўлнинг бир тарафи баландлик зди. Шу ерга келиб қарсларни ёзиб, чордона қуриб, борини баҳам кўрардик. Каттароқ болалар танга пулларнинг исини чиқармасдилар. Ёдимда қолгани ва ҳозиргача ҳайратим боиси бўлгани «Ё, рамазон» айтишда топқирилик, ҳозиржавоблик билан, болаларни қуруқ қайтарган, эшигини очмаган уй эгаларига нисбатан тўқилган шеърлар зди. Бундай ўткир шеърларни ким тўқирди, билмайман, аммо, уларни барчамиз жўр бўлиб, баланд овозда айтардик ва уй эгасининг калтак олиб чиқишидан қўрқиб, орқага қочардик. Эсимда қолгани бир байт, холос:

*Ситора-ю бозингдан,
Ҳайдар куйди Нозиндан.*

Шундай исм шарифли уй эгалари бўларди. Бу шеър айнан уларга аatab тўқилганми-йўқми, бир нима дея олмайман. Шу оstonага етганда «Ё, рамазон» бир неча бор такрир этилар, аммо ичкаридан, садо чиқмасди. Кейин, «Ҳайдар куйди Нозиндан» деб бақириб айтишар ва қочар здилар. Шунга кўра, тахмин қиласанки, бизнинг уста ҳажвчиларимиз аниқ вазиятдан ке-

либ чиққанлар. Укам Абдулла ҳам бундай пайтларда доим ёнимда бўларди. У кўпроқ ўз тенгқури, Ойзиё аммамнинг кичик ўғли Хушвақт билан жўрачилик қиласарди.

Бир кўча нарида уста Рўзи деган киши, ёлғиз ўзи, сўққабош яшарди. Уста Рўзи ғоят баджаҳл, сиркаси сув кўтармайдиган одам эди. У ҳам бобомнинг амакиларидан эди. Қиплоқда, одатда, бегона деярли бўлмайди. Сўраб-суринчирсанг, ҳаммалари бир-бира га пол ошиб бўлса-да, қариндош бўлади. Борди-ю, уруғ-аймоқ бўлмаса, куда-кудағай бўлади. Уста Рўзи амакимиз қишлоқнинг ҳамма болаларини хатна қилган, қўли енгил киши эди. Касби тақозасидан бўлмаса, бошқа вақт уйидан чиқмас, биронкига бормасди. Онда-сонда бизниги келарди. Онам у кишининг арали феълини биларди, хаёлламай дастурхон ёзар, қанд-курс, наввот қўяр, сояки майизни ҳам бисёр қиласарди. Қовурилган гўштни эритиб, товоққа уйиб келарди. Уста бобо ёнбошлаб олиб, мириқиб чой ичарди. Кетишида онам қўлига тугун тутқизарди. У қўлини дуога очар ва «болаларингнинг ҳузурини кўр», дердида, кетарди. Агар дарҳол мулизамат қилинмай, ҳурмати жойига қўйилмаса, шартта ўрнидан туриб жўнаб қоларди. Минг чақириб, қайтариб бўлмасди. Устанинг бирор киши билан очилиб гурунг қилганини хотирлай олмайман. Болалар уста кўчада кўринса, пана жойларга бекиниб олишар, баъзи шотаймаслари ортидан кесак ҳам отарди. Бундай пайтда устанинг ёмонам жаҳди чиқар, қўлидаги таёфини ҳавола қилиб, болаларни қувиб кетарди.

Бир куни мактабдан қайтиб келган Абдулланинг пешонаси фурра бўлганига кўзим тушди. Ундан суриштирдим. У сўкина кетди. Аён бўлишича, мактабдан келаётса, уч-тўртта бола уста Рўзини кесаклабди. Устанинг уларни қувишга қурби келмай, ўтириб қолибди. Абдулла уста бобони етаклаб уйига элтиб қўйибди, қайтишда ҳалиги болалар билан тепалашибди. Улар-

дан бирининг бурни қонаган, укамнинг эса боши лат еган эди. «Ака, уста бобо бизнинг қариндош бўлади-а, уйимизга кўчириб келсак, қандай бўларкан?», дегани сира эсимдан чиқмайди. Уста бобо ўз гўшасини ташлаб, бизнигига келмасди, албатта. Воқеани отамга айтдик. Отам жамоа хўжалиги идорасига болаларнинг оталарини чақириб, роса тузлабди. Шу-шу устага хархаша қиласидиган қолмади. Устанинг уйига ун, ёғ, шакар, гўшт вақти-вақти билан берилиб турарди. У киши қазо қилгандга отам бошда туриб, иззат-ҳурматини жойига қўйиб, таъзия маросимларини ўтказган, элга ош берган эди.

1956 йилда қишлоғимиздаги мактабнинг еттинчи синфини тамомлаб, Чироқчидаги ўқийдиган бўлдим. Қамаши тумани маркази қишлоғимизга 40 чақиримдан ортиқ масофада бўлса, Чироқчи 8-10 чақирим келарди. Дарё кесиб ўтиладиган бўлса, йўл яна қисқарапди. Бизнинг 5-мактабимиз ТЎМ (тўлиқсиз ўрта мактаб) бўлиб, юқори синфлар ташкил этилмаганди. Бир тўда болалар – Элмурод Курбонов, Абдураҳмон Хушвақтов, Бўри Хуррамов, Шомамат Эшматов ва мен Чироқчи тумани марказидаги Тельман мактабида ўқиймиз, деб бордик. Мактаб директори Эшмамат Бекназаров деган хушфеъл киши экан. Бизлар билан ростмана сұхбат қилишди. Августнинг охирлари бўлса керак, фан ўқитувчилари тўпланиб, саволлар бериб, баримизни синаб кўрдилар. Учтамиз қолдик, Элмурод, Абдураҳмон ва мен. Абдураҳмон бир синф оддинда эди. Элмуроднинг отаси Қурбон Эргашев учаламизни уста Қодир деган кишиникига ижарага жойлаштириб кетди. Пахта йигим-теримидан кейин мактабимизда 8-10-синфлар очилди. Лекин бизлар Тельман мактабидан кетишни хоҳламадик, шу ерда ўқиб қолдик. Ҳар ўн беш-йигирма кунда пиёдалаб йўлга тушардик ва уйимизда бир кечча тунаб, якшанба кечикурун яна уста Қодирнинг уйига кириб келардик.

Мен Чироқчида ўқий бошлаганимдан кейин дарсхонам укамнинг тасарруфида қолган эди. У хонага яна битта кароват киритиб олган, чиройли гиламлар тұшаган эди. Олдинги жавон ёнига тағин бир жавон құшилған ва бир даста янги китоблар тахлаб қўйилганди. Китобларнинг аксарияти дарсликлар, физика, кимё, ботаника, биологияга доир қўлланмалар эди.

Келганим – шанба куни оиласиз жам бўлардик. Сингилларим Зайнабой, Ойшаой онамга ёрдами тегадиган бўлиб қолган, Нарзулла укам 4-5 ёшларда, ҳали мактабга бормасди. Отам ҳам таом тортилиши олдидан етиб келарди. Олисроқда ўқиганнинг обрўйи бўлар эканда, ҳаммалари менинг гапиришимни кутарди. Мен мактабимни, ўқитувчиларимни таърифлай бошлардим. «Бизга Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факультетини битириб келган Холикул Худойбердиев дарс беради», дердим мақтаниб. Ўша йилларда Тельмандай кучли мактаб вилоятда ҳам кам эди. Мейли Фармонов, Олмошева ва яна кўплаб муаллимлар қалбимизда ёрқин из қолдирган. Мейли Фармонов билан то у кишининг вафотига (2010) қадар яқин алоқада эдик. У кишининг қизлари Қарши педагогика институтида таҳсил олди, ўзлари китоб ёзишига қизиқдилар, хуллас, ижодий ҳамкорлик, устоз-шоғирдлик узоқ давом этди. Мен, ҳарҳолда, яхши ўқиганимдан, муаллимларим – устозларим кўнглидан жой ола билганимдан ички бир фурур туяман.

Мактаб, ундаги фан тўгараклари, спорт майдони, устозларим тўғрисидаги гапларни укам берилиб эшитарди. Менинг дарсхонам унинг ихтиёрига ўтган, Чироқчига қайтиб кетишимда, «Ака, менга фалон китобни олиб келсангиз, иложи бўлса, 4-5 та бўлсин, синффошлиаримга ҳам бераман», дерди.

Жамоа хўжалигида ишлар зўр, режалар ошиғи билан адo этиларди. Отам ҳар йили мукофотлар олар, курултойларга таклиф этиларди. Вилоят кенгашига депутат этиб сайланганди. 1958 йилда меҳнатда эри-

шилган муваффақиятлар учун отам «Волга» машинаси билан мукофотланган эди. Шу йили мен мактабни битирадиган бўлдим.

Укам билан бениҳоя сирдош эдик. У менинг юрагимда кечәётган ҳисларни теран илгар эди. Онамга айтишга журъат қилолмаган гапларимни ҳам унга айтардим. Гап нима ҳақида кетаётганини, барибир, очиқ қилишимга тўғри келади. Қишлоғимизда қизлар унчалик кўп эмасди. Синфимизда 28 ўқувчи бўлса, шунинг 7-8 таси қизлар бўларди. Урушдан кейинги йилларда, жумладан, мен биринчи синфга борган 1948 йилда катта ёшдаги болалар ҳам бирга ўқирди. Ёши 10-12 га етиб, биринчи синфга тортилганлар базур еттинчи синфга қадар борган эдилар. Еттинчи синфи тамомлагандан сўнг, синфдошларимиз бирин-кетин турмушга чиқа бошлигандилар.

Ишқ-муҳаббат бизнинг қишлоғимизни ҳам четлаб ўтмаганди. Катта Дўстбердида Фармон хўжайнин деган бообрў киши ўтган. У кишидан Дўстмурод ва Ҳасанбой деган фарзандлар қолган. Оналари тарбиясида улгайганлар. Дўстмуроднинг ёши каттароқ эди. Жамоа хўжалигининг юк машинасини ҳайдарди. Бир куни Дўстмурод aka билан Чиял бозорига бордик. Йўлда бир тўхтади-да, радиаторга сув солди. У кабинадан чиқаётганда, шимининг чўнтағидан булоғлиғ қоғоз ўриндиқ ёнбошига сирғалиб тушди. Беихтиёр қоғозни олдимда, ундаги ёзувни ўқидим. Хатда шундай ёзилган эди:

*Курсин йўлнинг йироги,
Синсин отнинг туёги,
Тамакидай элтади
Дўстмуроджоннинг қучоги.*

Машинани ҳайдаб кетаётган Дўстмурод aka мендаги ўзгариши дарров пайқади ва шимининг чўнтағига қўл сукди. Қоғоз йўқ эди. Хоҳолаб кулиб юборди-

да, «Поён ука, хатни бер-да, исини чиқарма», деди. Мен хатни қайтариб бердим. Хатни синфдошим, еттинчи-га қадар бир синфда бирга ўқиган қишлоқдошим Хосият ёзган эди. Унинг ёши бизлардан сал каттароқ эди. Шу воқеадан кўп ўтмай уларнинг тўйлари бўлди. Ували-жували бўлиб, чиройли ҳаёт кечиришди. 2009 йилда эски қишлоғимиздаги мактабда бўлган учрашувда ўқувчилар, устозлар билан кўп суратга тушган эдик. Шу яқинда Дўстмурод бобонинг Қаршида, коллежда ўқийдиган қиз набираси, кейин эса учрашувни ташкил этган шогирдим, мактаб директори Намоз Ҳасановлар ўша расмлардан келтириб беришди. Ўйлайманки, Дўстмурод бобо ҳам хат воқеасини унутмаган бўлса керак.

Дўстмурод акадан кейин синфдошим, қадрдон дўстим Элмурод 9-синфни битириш арафасида уйланди. Хуллас, севиш-севилиш, уйланиш, оила қуриш мавсуми бошланган эди. Менинг кўнглимдаги қизни укам яхши биларди. Бу муҳаббат жуда ҳам чукурлаб кетмаган, энди барг ёзаётган бўлса-да, бир кун келиб гунчалаши, ярқ этиб очилиши мумкин эди. Олдинроқда айтганимдек, қишлоғимизда қизлар кўп эмасди. Улар кўзга кўрина бошлагач, совчилар оёги тинмайдиган бўлади.

Абдулла бир куни хуноб бўлиб келди-да, «Ака, хабарингиз борми, Абдураҳмон бобо билан Тўти момони совчилар қўймаётган эмиш, Чироқчидан сўраб келишибди, оғзингизни очиб ўтираверасизми?», деб қолди. Мендан жўяли бир жавоб чиқмади. Қўлини силтади-да, олдимдан чиқиб, тўғри онамнинг ёнига борди. Онам раҳматлиниң ҳам шу оиласа, шу қизга майли борлигини сезиб юрардим. Элмурод уйлангандан кейин шу тўғрида гап очадиган, кўнглимни билишга интиладиган бўлиб қолган эди. Онам жуда зукко, сезгир, фаҳм-фаросатли аёл эди. Қишлоқ-да, гап деган нарса ўла қолса бир жойда ётмайди. Қишлоғимизнинг аксар хотин-қизлари онамнинг пинжида бўлар, ёрдам-

лашар, қарашиар, опок-чапок эдилар. Пахта теришда қайси йигитнинг қайси қиз ёнидан агат олганлиги, терилган пахтани күтаришиб борганлиги, дарахтнинг соясида гаплашиб ўтирганлиги – бирортаси ҳам соқит бўлмасдан, жонли «ёзиб» олинар ва турли доираларда турлича талқин этиларди. Мен ҳам, Абдураҳмон бобонинг қизи Садафой ҳам, ҳеч шубҳам йўқ эдик, воқеалар марказида, бош қаҳрамонлардан эдик.

Шу гап-сўз бўлган куннинг зартаси якшанба эди. Онам билан, афтидан, бир қарорга келган Абдулла тонг фира-ширасида Ўроз половоннинг машинасида Чиял бозорига жўнаб кетади. Унинг отам рухсатини олганини, қачон туриб, қачон кетганини ҳам сезмаганман. Чошгоҳларда келиб, мени Элмурод уйига айтиб кетди. Ўнинчи синфни тугатаётган, битириш имтиҳонлари ва ундан кейин нима қилишимиз ҳақида бафуржга гаплашишимиз керак эди.

Элмуроднинг аниқ фанларга иқтидори зўр бўлса, мен адабиёт, тарих фанларини ёқтирап эдим. Элмуроднинг отаси Курбон Эргашев жамоа хўжалигига партия ташкилотининг котиби бўлиб ишлар, раисдан кейинги иккинчи одам эди. Партком Элмурод билан мени ўтқазиб қўйиб, гапни узоқдан бошлаб келди. Катталарни меҳмон қилгандай сийлади. У кишининг зўр узуми бўларди. Гапни ҳам келиштириб, киноя аралаш айтарди. Менга, «Поён отангнинг айтишича, сен шоирми, ёзувчи бўлмоқчи экансан, дўстинг ким бўлади, нима дейсан?», деди. Мен Элмуродга қарадим ва унинг дилидаги гапни айтдим: «Оғайним қишлоқ хўжалиги мутахассиси бўлишни хоҳлайди».

Оталаримиз бизлар ҳақимизда қайпуришларини, уларнинг келажагимизга бефарқ эмаслигини шу гурунгда илиқ бир алпозда ҳис этдим. Матбуотда, «Ленин учқуни», «Гулхан», «Қашқадарё ҳақиқати», «Ёш Ленинчи» газета ва журналарида ора-сирада мақолаларим, шеърларим босилиб турарди. Отам ҳаммасини ўқиб, кузатиб борарди. Курбон Эргашев шу куни,

«Бўлди, йигитлар. Келишдик. Аттестатни қўлга олганларингдан кейин, ўзим Самарқандга олиб бораман, биринг ЎзДУга (Ўзбекистон Давлат университети), биринг қишлоқ хўжалик институтига ҳужжат топширасизлар», деди.

Элмуродникидан қайтиб борсам, онамнинг хурсандлиги бир олам, ўзини қўйишга жой тополмайди. «Ха, онажон, бунча севиняпсиз?», деб сўрадим. «Бўлди, ўглим, бўлди», деди онам ҳаяжонини босолмай. Нима бўлди экан, деб термулиб турдим. Маълум бўлишича, укам Абдулла бозор қилиб келиб, тўғри Абдураҳмон бобонинг уйига борибди-да, Тўти момога, «қизингиз эгали бўлди, энди совчи келиб ўтирмасин», дебди-да, нарсаларни ташлаб шартта ортига қайтибди. Тўти момо, «ҳой, бола, раиснинг ўғли бўлсанг бўбсан-да, бу қизнинг отаси бор, отаси билан гаплаш», деганича қолаверибди. Бундай ечимни, бундай қарорни, даҳолар ҳам тополмасди, балким. «Раисникидан нарса келибди, қуда бўлишармиш», деган гап бирдан оёқлади. Отамнинг ҳам, Абдураҳмон Азимовнинг ҳам укамнинг бу тўлғамасидан хабарлари бўлмаган эса-да, кудалашиб фикридан узоқ эмасдилар. Аввалига, отам укамнинг бозорга бориб келишини одатдаги ҳол деб тушунган бўлса, воқеани дарҳол онам, албатта, ётифи билан тушунтирган. Эртасига, Эшнор амаким ва поччам Эшмат Искандаровларни Абдураҳмон Азимов уйига совчи қилиб жўнатди. Розилик билдирилди. Абдураҳмон Азимов қишлоғимизнинг таниқли кишиларидан бири эди. Отамнинг сафдоши, у кишидан бир-икки ёш кичик эди. Отаси Азим бобо Мисиров 30-йиллар Совет қатагонининг азобини тортган, қулоқ қилинган, хонадон оғир кунларни бошдан кечирган эди. Оила аъзолари турли томонлардан бошпанга топган ва урушдан кейин қишлоқда яна ўз ўринларини топган эди. Абдураҳмон Азимовни ҳалоллиги, меҳнаткашлиги, билими учун отам доимо қадрлар эди. Хўжаликнинг муҳим ишлари унга ишониб топширилар, туман таш-

килотлари билан битадиган ишлар зиммасига юкландарди. Кўп йиллар хўжаликда хазиначи бўлиб ишлаб, камомаднинг яқинига йўламаган, тўғрилиги, қоида асосида фаолият кўрсатгани учун лақаби «Иван» эди. Бир умр отам ва қайнотам дўст бўлиб, қадрдан бўлиб яшадилар. Абдураҳмон бобо қазо қилганда отам жигархун бўлиб йиғлаган, дафн маросимида¹ бош бўлиб турган эди.

Отам менга жуда раҳмдил, билишимча, келажагимга катта умид билан қааради. Бир сафар, пахта тери ми пайтида ишлаган пулимга қишлоқ дўконидан кўшофиз милтиқ сотиб олганман. Милтиқ, шундай қишлоқ дўконида турарди. Нархи ҳам жуда арzon эди. Қоғоз патронлари ҳам бўларди. Уйга келгунча, бир туда болалар, сабримиз чидамай, бофимиз этагидаги тутда кўниб турган чуғурчуқларга қаратиб, варанглатиб ўқ узганман. Тўрт-бешта қуш тапилмаб ерга тушган, уларни териб, томоша қилаётган эдик, хўжаликнинг ҳосилот кенгаши раиси, дўстим Элмуроднинг қайнотаси Қулмурод Ҳайитов от миниб келиб қолди. «Бу қилиқни сизларга ким ўргатди, ҳаммаларингнинг терилингга сомон тиқдираман», деб дўқ-пўписа қилди. Шомамат, Турди, Тошмурод – ёнимдаги болалар ҳаммамиз қочиб, тумтарақай бўлдик. Уйга боришга юрагим бетламади ва кўчанинг нариги тарафидаги Қизларгул холамникида ётиб қолдим. Укам Абдулланинг мени изламаган жойи қолмаган. Элмуроднига иккича марта борган. Ҳайитов, отамга бу воқеани айтганми-йўқми, билмайман, отамга бу гап етиб борган. Отам раҳматлидан умримда биринчи ва охирги марта эшигтаним танбеҳ, «Ўғлим, ишончдан чиқманг», дегани бўлган. Ҳаммасидан ҳам, падари бузрукворимнинг сизлаб гапиргани бўлган. Ростини айтсан, мер-

¹ Абдураҳмон бобо Азимов 1999 йилнинг 4 апрелида қазо қилган эди. – муаллиф.

ганликка жуда қизиқардим. Отишни, мүлжалга уриши ни жуда ёқтиардим. Самарқандда ўқиб юрган йилларимда ҳам бу одатим канда бўлмаган эди. Катта боғ ичида тир бўларди. Ҳаво милтиқларидан икки қадам нарида осилиб турган қуён, тулки, бўриларни отиш мароқди эди. Осилаң ўйинчоқларнинг айланаси қилиб қўйилган қоқ марказидан урсанг, совға ҳам беришарди. Энг катта совфаси соат, ручка бўларди. Бир-икки бор тирга кириб, мүлжални бехато урганим ва соату бор ашёсини ютиб олганимдан кейин, тирнинг хўжайини мен кирадиган бўлсам, бир нарсани баҳона қилиб, дўконини ёпиб чиқиб кетар эди. Яна ҳам олдинроққа кетиб айтсам, 2009 йил 28 марта, Оқработ қишлоғининг елкасидаги Тўрсой деган жойда акукалар, опа-сингилмар, бола-чақалар, жиянлар баҳор ўтиришини қилган эдик. Табиат ниҳоятда куркам, майсалар тиззага уради.

Тиниқ осмон, осуда замон, дам олиб, баҳри дилинг очиларди. Футбол ўйинидан кейин, мерганлик баҳси бошланиб кетди. Жиянларимдан бири расмий равишда овчилик билан шуғулланар ва ижозат этилган милтиғи бор эди. Ўтириш жойимиздан анча узоқдаб, бир қир нарида, чамаси, 300 метрларда бўлса керак, шишиани қўйиб, уни уриш шарти қўйилди. Тажрибаси бор, овда қўзи пишган жияним олтита ўқ отиб, шишага тегдира олмади. Олимбой ва Баҳодирбойлар ҳам мүлжални ололмадилар. Менинг ҳам орқам тутиб кетди, денг. «Қани, милтиқни беринглар-чи», дедим-да, бамайлихотир нишонни кўзладим. Ёшим олтмиш саккизга борган, кўз ҳам аввалгидай бўлмаса керак, деган ўйда эдим. Хаёлни бир жойга жамлаб, тепкини босдим. Шиша чил-парчин бўлиб сочилиб кетди. Набираларим узоқдан кузатиб турган эмасми, бари «урра», деб чопиб кела бошлашди. Овчи жияним ҳам хижил бўлди. Унинг кўнглини кўтарган бўлиб, «тоғанг красний стрелок», деб ҳазиллашдим. Набираларимдан бири буни тасвирга ҳам олган экан.

Күш ови воқеасидан кейин қўшоғизни отам чорва фермасининг мудири Қурбон Аллаевга бериб юборди. Шу йили қиши қаҳратон келиб, дарё музлаган, ўрдак ва гозлар сувлаб, қанотлари сувга тегиб, қўшилиб музлаб қолаётганди. Ферма мудири шу ўранинг таниқли овчиларидан эди. Бир куни у уйимизга 4-5 та отилган фозларни олиб келиб, «Поёнбойга, милтифининг ҳақи», деб ташлаб кетибди.

10-синфни битириш арафасида, юқорида ҳикоя қилганим воқеалар шу тариқа содир бўлган эди. Абдулла укамнинг қатъий ҳаракати туфайли бўлажак умр йўлдошим билан унаштирилиш тўйимиз бўлиб ўтди. Милтиқ билан абадий хайрлашдим. Кейинчалик, Эрнест Хемингуэйнинг «Алвидо, қурол» деган романини ўқиб, ўқ отар қуролларнинг инсон ҳаётида нечоғлик ўрин тутишини, унинг жамиятдаги ижобий ва салбий моҳиятини етарли англаган эдим.

1958 йилнинг ёзи етиб келди. Мактабимиз директори Эшқобил Норқобилов, муаллимларимиз саъй-ҳаракатлари билан имтиёзли медал билан битириш менга насиб этди. Элмурод билан бирга июль бошлирида Самарқандга жўнаб кетдик. Қурбон Эргашев қишлоғимиздан бу ерда таҳсил оладиган Дўстмамат Азимов, яккабоғлик Раҳмон Эшқувватовларни топиб, бу талабалар кўмагида иккаламизни Бори Шамол даҳасида, Шура хола деган кекса рус аёлнинг уйига ижарага жойлаштириб кетди. Элмурод қишлоқ хўжалик олийгоҳининг ветеренария факультетига, мен Ўзбекистон Давлат университетининг филология факультетига (ҳозирда Самарқанд Давлат университети) ҳужжат топширдик. Аксига олиб, шу йили медал билан битиргандарга бериладиган имтиёз – имтиҳонсиз қабул бекор этилди. Шура холанинг уйида, лофт бўлмасину, 30 тача толиби илм зўр бериб кириш имтиҳонларига тайёрландик. Улардан қанчаси ўқишга кирди, билмадим, лекин Элмурод Қурбонов, мен ва яккабоғлик Қўйли Хуррамовларга талаба бўлиш баҳти насиб этди.

Августнинг охирларида отам, Қурбон Эргашев, Элмурод ва мен Самарқандга бирга келдик. Кўйлар сўйилган, бир дунё нарса билан тўғри Бобомурод Даминовнинг уйига бориб тушдик. Бобомурод Даминов қишлоғимиздан – Катта Дўстбердида бўлиб, 30-йиллар бошларида Қаршида муаллимлар тайёрлаш курсини отам билан бирга ўқиб, битиргандан кейин Бухорда ишлай бошлаган. Улар тенгкур ҳамда яқин дўст бўлганлар. Урушда қатнашган, партия-совет ишларида ишлаган, кейинги иш жойи Самарқанд вилоятида совет хўжалиги директорлиги бўлган. Урушнинг асорати бўлса керак, 50-йиллар ўрталарида оғир сувак сили хасталикка йўлиқиб, неча йил тўшакка михланаб қолган. У бемор ётган йилларда отам унга имкони даражасида ёрдам қилиб келган. Уйининг қурилишида, ун-ёгининг бемалол бўлишида катта ҳиссаси бўлган. Онам раҳматлининг айтганича, шу йиллари «Отам емаса емаган, киймаса киймаган, болаларининг оғзидағини Даминовга етказиб турган». Бобомурод Даминов хасталик йилларида эрмаги китоб бўлган, оёқча туриб, бир-икки қадам боса бошлагач, қишлоқда хабар юбориб, ўзини олиб кетишларини сўраган. Уни бардорбардор қилиб олиб келишиб, илк баҳор чоюлари Азлартепа қиридан ўтов тикиб, жой қилиб берганлар.

Отамнинг машинаси кун бўйи хизматида бўлар, Абдулла укам ҳафтада икки марта хабар оларди. Унча-мунча овқатни емас, от ва тую сутидан ташқари, эчки сутини топасан, деб Абдуллани жон-ҳолига қўймасди. Укам аччиғланса-да, отамдан ўтолмас ва ҳали қувватга кирмаган меҳмоннинг хархашасига чидашга мажбур бўларди. Бир сафар янги усти бош, нарсаларни бериб қайтаётганда, мотоциклининг ёқилғиси тугаб, ора йўлда қолади. Хўжаликдаги машиналар бу йўлдан деярли қатнамас эди. Бир чақирим йўлдан мотоциклни уйга бир амаллаб сурив келган укам, йиғлашдан нари-бери бўлиб ўтиарди. Онамга, «ана, Эргашев қарасин-да, менга нима?», дерди. Қур-

бон Эргашев, укам айтганча, қараса арзийдиган одам эди: Даминовнинг синглиси Ойимхол опа унинг иккинчи хотини бўларди. Қурбон Эргашев, нима сабабданdir, ундан ўзини тортиб юрар, борса ҳам, ёлғиз эмас, отам билан бирга борарди. Бобомурод Даминовга қарашибоқиши масъулияти, хулласи калом, Абдулланинг зиммасига тушган эди. Ўтовга бозорлаб борар, ширбозлар сўйдирав, қишлоқ оралаб, эчки сутини ҳам топарди. Унинг хўжаликка ва шахсан бизнинг оиласизга қанчалик қимматга тушгани воқеалари кейинроқда тафсил этилади.

Бобомурод Даминов уйи остонасида отамни қучоқ очиб кутиб олди, куёви Қурбон Эргашев билан эътиборсизроқ кўришди. Қишлоғимизда, «Даминов хотиндан ёлчимаган», деган миш-мислар юрарди. Аввал қишлоқда, кейин Бухорода уйланган, улардан ажраган, Самарқандга келиб, Сора Шукурова деган артист аёлни олган, ҳамқишлоғимиз тўшакда михланиб қолганими ё бошқа сабаблар бўлганми, унинг ҳам жавобини беради. Кейинги тожик хотини ёши кичикроқ, хушрўй, баланд бўйли, хушмуомала аёл эди. Элмурод ва мен янгамизга қарашиб турдик. У жуда тотли таом тайёрларди. Икки талаба ҳам катталар ёнидан жой олдик. Даминов мени мақтай кетди, «Университетга кириш осон эмас, молодес, менга бир оғиз айтмабсизда, Равшанбой, у ерда яхши танишларим бор. Худойберди Дониёров факультетда ас, бир оғиз гапи кифоя эди», деди. Кейин у, мақола ва шеърлар ёзишимни сўради. Мен қимтиниб, ҳам дея олмадим. Отамлар қайтиб кетишли, Элмуроднинг ётоги эртароқ ҳал бўлди, мен жой олгунимча Даминовникида ҳафтаён кун туриб турдим. Янга жуда меҳрибон, бизда кам бўладиган манти, чучвара пишириб берарди. Тез орада филология факультети ётоқхонасининг иккинчи қаватидан, 30 кишилик хонадан бир амаллаб, энг четки каравот эгаси бўлган эдим.

Абдулла укам жуда хүшёр, сезгир эди. Устма-уст икки-уч йил баҳорда Даминовга қарашиб, унинг тұғрисида маълум хулосаларга келган эди. «Ака, унинг отамга дўстлигига ишонгим келмайди, қачон қарасанг – норози, егани олдида, емагани ортида бўлса ҳам, уни бермади, буни бермади, ўзи еб-ичиб ётибди, дегани деган», дерди. Албатта, мен бундай фикрдан йироқ эдим, тожик янгамизни жуда ҳурмат қиласардим. Улар бир ёққа кетишмоқчи бўлсалар, янга ётоқхонамга борар, «Поёнжон, шу ҳафта бизникида турмасангиз бўлмайди, амакингиз билан бир жойга кетаётувдик», дерди. Ҳойҳотдай, данғиллама уйда ҳафта, ўн кунлаб уй қоровули бўлиб қолардим.

Укамнинг фикри тўғрилигига кўп ўтмай амин бўлдим. Биринчи курсда 30-сентябрда Каттақўргоннинг Мирбозор деган жойига пахта теримига чиққан эдик. Бу ердан кейинчалик 25 минг тонна пахта терган, меҳнат қаҳрамони унвонини олган Зулайҳо Норкулова чиққан эди. 25 минг тонна пахтани кўлда тे-риш, бориб тургани маҳобат эди, албатта. Шу иили Ўзбекистоннинг пахта режасини бажаришга 0,20 фоиз етишмай қолганди. Бизни Каттақўргондан Пастдарғомга, меҳнат қаҳрамони Жониқул Юсуповнинг хўжалигига кўчирдилар. Қор гупиллатиб ёққан, гўзалар одамни бўйлатмайди, кўрак ниҳоятда кўп, аммо, бирортаси очилмаган, кечки эди. Икки отга аргамчи судратиб, қорни тушириб бораардилар, дилдираган курсдошларимиз енг билан кўракларни зўрга узиди, ситиб бораардилар. 1959 йилнинг 3 январида пахтадан қайтганимиз. Дарслар қаторлашиб ўтила бошланди. Маърузаларни ўлиб-тирилиб ёзиб олишга интилардик. Дарсликлар йўқ, эртага имтиҳон бошланса, нимани ўқиймиз, деган андиша ҳукм сурарди. Синовлар бошланди. Натижалар чакки эмасди. «Тилшуносликка кириш» фанидан Худойберди Дониёров дарс берарди. У баланд бўйли, ўта билимли, ёш олимлардан эди. Номзодлик ишини Москвада ҳимоя қиласан дейишарди-

лар. Домла синовни бошлаганда, гуруҳимиздаги йигирма саккиз талабанинг йигирма еттитаси ўтди. Фақат менга кўймади. Саволларга яхши жавоб берган эдим. Жуда ҳам осон фан. Яна «Ҳарбий иш» деган фан бўларди. Бу фанни совет армиясида Хрушчев томонидан, номига қисқартириш бўлганда, истеъфога чиққан полковник ва майорлар ўргатишарди. Курсдошим Тўра Нафасов билан «Пиёда аскарлар уставини» (99 модда) сўзма-сўз ёдлаб, полковник Скокдан аъло баҳо олишга муваффақ бўлганмиз. «Ҳарбий иш»дан ўтолмаган талабанинг ҳолига маймун йигларди, талабаликдан кетарди. Гуруҳимизда меҳнат қаҳрамони Орзикул Эргашевнинг укаси Омон Тоштемиров ўқирди. У «Ҳарбий иш» фанидан топшира олмади. Кимлар орага тушмади, аммо, Омоннинг иши ҳал бўлмай, кундузги бўлимда ўқий олмади. Орадан кўп йил ўтиб, 2000 йилда Хишрав араблари бўйича тадқиқот олиб борган пайтимда, Омонни йўқлаб бордим. Таассуфки, у 1996 йилда ҳажга бориб келиб, орадан икки йил ўтиб, бандаликни бажо келтирган экан.

Синовдан қайтганимдан сўнг, «Бу фандан мен нимани билмайман?», деган саволни олдимга кўйдим. Билмайдиган, ўзлаштирмаган бирор мавзу у ёқда турсин, домла ёздирган бирор сатр четда қолматан эди. Ўзимдан кўнглим тўқ, домла янгишган бўлса керак, деган фикрда эдим. Хотира, Ҳафиза деган водиллик гуруҳдошларимиз бўларди. «Вой, Поён, сиз ҳаммамизга ўргатдингиз-у, сизнинг конспектингиздан ўқидигу, нега домла бундай қилди?», деб ҳол-жонимга кўйиш масди. Бу орада синовлар муддати тугаб, имтиҳонларга навбат етди. Учала имтиҳон ва етти синовдан аъло баҳолар билан ўтдим. Биргина, «Тилшуносликка кириш» осилиб қолди. Гуруҳдошларим уйларига қайтиш учун йўл ҳозирлигини кўра бошлаган, мен эса, најжотсиз бир аҳволда эдим. Деканимиз, профессор Раҳим Муқимов, ўринбосари, доцент Орифжон Икромов гуруҳда бошқа ҳамма фанлардан «беш»га топ-

ширган мен синовдан ўта олмаганимдан таажжубда эдилар. Худойберди Дониёров тажрибасида бундай қаттиққұллик биринчи марта учраётган, у доим тала-баларга ён босадиган домла сифатида танилган экан.

Деканатдан чиқиб, Максим Горький бульвари бүйлаб, Бобомурод Даминовга дардимни айтсамми-кан, деб унинг уйи томон кета бошладим. Бульварнинг адогида, ўнг қўл тарафда, пастқамлиқда унинг уйи жойлашганди. Ректоратимиз шу хиёбоннинг ўрталигида эди. Ректорат олдига етганимда, ичкаридан Худойберди Дониёров чиқиб келди. Мени курди-да, «Поён, бу ёқقا кел», деди. У хиёбон ўрталигига қараб юрди, ўриндиқча ўтириб, гап бошлади. Мен қисиниб-қимтиниб ўтирибман. «Даминов деган қишлоқдошинг бор экан, танийсанми?», савол берди домла. «Ҳа, танийман, отамнинг дўсти бўлади, қариндошлиги ҳам бор», дедим. Кейинги жумлани домлани ийдириш учун атай айтган эдим. «Отангнинг зўр дўсти бор экан...» дея домла хулосасининг охирини айтмади. «Поён, мен сенинг қандай ўқишингни биламан, гуруҳ сардори ҳам бўлдинг... Биласанми, виждоним қийналиб юрибди...». Домла яна сўзининг давомини юзага чиқазмади. Хуллас, биргалашиб, деканатга бордик, синовдан ўтганлигим қайд этилди. Домлага миннатдорчилик билдириб, ўша куниёқ Тахтақорача довонидан қатнайдиган юк таксиларига илашиб, Қамашига етиб келдим. Университетда беш йил ўқиб, қоқылганим шу бўлган эди. Олийгоҳни, шукрки, имтиёзли диплом билан туғаллаш насиб этди.

Худойберди Дониёров билан беш йил давомида яхши муносабатда бўлдик. У киши 70-йилларда Сирдарё педагогика институтининг ректори вазифасида ишлаганида номзодлик ишим шу олийгоҳнинг «Ўзбек адабиёти кафераси»да, профессор Анқабой Қулжонов раҳбарлигига ташқи тақриздан ўтган эди. Домлам уйига олиб бориб, меҳмон ҳам қилганди. Ҳали ҳозирга қадар ўйлайман, «Наҳотки, буюргма билан йиқи-

тиш «отамнинг дўстига» шу қадар зарур бўлган бўлса?». Ҳеч ишонгим келмасди. Афсуски, бизга бўлган ғараз, кунма-кун, йилма-йил газаклаб борганигини кейинги воқеалар очиқ-ойдин шаҳодат этади. Шу гапдан кейин унинг уйига қадам босмадим, энг ғаройиби шуки, у ҳам мени бирор марта сўрамади. Улар оратура қаёққадир кетишганида, мени уйларида қолдирисх одатларини ҳам йифиштиргандилар.

Элмурод ҳам талаба бўлганидан кейин бу жойга қадам босмаган эди. Отаси, нима сабабдандир, Элмурод ёшлигига унинг онаси Турсун хола билан ажралишган ва Ойимхол опага уйланганди. Уларнинг бу никоҳдан фарзандлари йўқ эди. Элмурод уйлананаётган кезларда [мен қуёвжўра бўлганман], уларникуга ҳар куни бориб турардим. Ойимхол опа кўнгли очиқ аёл эди, Элмуродни жонига жойларди. Билардим, дўстимнинг бор дард-аламлари ичида эди. Унинг эрта, 9-синфда уйланиши ҳам алоҳида рўзгор қилиш нияти билан боғлиқ эди, чамамда. Бир кун борсам, Ойимхол опа ерни муштраб, қарғаниб ётибди. Фарзанд кўрмаслик бу навниҳол аёлни адойи тамом қилиб борарди. Бир неча йиллардан кейин оламдан ўтди ва Курбон бобо кексайганида, ёшлиқда қилган хатосини тўғрилади – Турсун момо билан бирга яшай бошлади.

Шу билан дўстим Элмуроднинг ўспириналиқ даври ўксиклари барҳам топган эди. У раҳбарлик вазифаларида ишлади, Совет хўжалигига директорлик қилди. Ветеринария врачи сифатида элда ҳурмат қозонди. Фарзанд баҳтидан баҳраманд бўлди, набираларнинг суюкли бобоси бўлди. Қизи Шириной олий маълумотли муаллима бўлиб етишди. Дўстлик ришталаримиз Элмурод Курбоновнинг вафотига (2013 й.) қадар мустаҳкам давом этди. У жуда билимдон, истеъододли, тамкин ва бағрикенг инсон эди. Иккита шеърий тўплам нашр этдиришга улгурди.

Оталаримиз боғлаган дўстликни маҳкам ушладик ва чиройли давом этдирдик. Элмурод билан Самар-

қандда, айниңса, қаттиқ боғланган эдик. Сүхбатдошимиз бўлганлар бизлардан «ака-укамисизлар», деб сўрардилар. Болаликдан бошланган иноқлик – дўстлик ака-укалиқ даражалари қадар юксалиб, улрайган эди...

Қурбон бобо Эргашев кейинчалик, ўтган асрнинг 80-йиллари бошларида Эски Чакар қишлоғига кўчиб кетганида ҳам Элмурод билан дўстлик ришталаримиз узилмади, аксинча, мустаҳкамланди. Охирги йилларда у қаттиқ хасталикка чалинди, ётиб қолди. Юраларда армонлар қалаشتариб, дўстим ҳаётдан кўз юмди...

ИККИНЧИ ҚИСМ ХАЁТ СИНОВЛАРИ

Үтган асрнинг 50-йиллар охирларига келиб, республикада сунъий сув ҳавзалари қуриш кенг қулоч ёяди. Қамаши туманида ҳам Чимқўрғон сув омбори қурилиши бошлаб юборилади. Дарёнинг ўрта оқимида, Бердали ва Баландчайла қишлоқлари ўрталигида бульдозерлар, экскаваторлар тиним билмай ишлайди. Ўзи тўқар оғир юк машиналари куртдай қайнарди.

Биринчи курсни тамомлаб келганимда, дарёга солинадиган тўғон деярли кўтарилиб, шлюз қуриб битказилганди. Чимқўрғон сув омбори Қамаши, Қарши ва Косон тумани пахта далаларига хизмат қилиши кўзда тутилганди. Омбор сувга тўлгудек бўлса, ҳавза юқорисидаги ва ёнидаги бир неча қишлоқлар аҳолиси бошқа жойларга кўчирилиши лозим бўларди. Бу жумлага, Катта Дўстберди, Чакар, Дурман, Кичик Дўстберди, Куйи Азлартепа, Куйи Еттиқудук, Қорателпак, Санчқул, Бердали, Оймоқ сингари ўндан ошиқ манзиллар киради. Ҳукуматнинг маҳсус қарори чиққан, кўчиш мавзелари белгиланган, уй-жойлар қуриб бериш ҳаракати бошланиб кетган эди.

Қоратепа қишлоқ шўросига қарашли қишлоқлар Оқработ даштига кўчиши Ҳукумат қарорида қайд этилган эди. Янги ерларни ўзлаштириш, қўриқларни очиш ва шу йўл билан пахта экиладиган майдонларни кенгайтириш Марказнинг зуғуми асосида амалга оширилаётганди. Мен талаба эдим, Қамашида юз берраётган ўзгаришлардан деярли воқиф эмасдим. Укам Абдулланинг мен таътилга келганимда сўзлаб берганига кўра, отам уй юзини кўрмай, бир оёғи хўжаликда бўлса, бир оёғи Оқработ даштида, Майда ва Хўжа қишлоқлари атрофига, қурилиш кетаётган мавзеда бўларкан. Қишлоқларнинг навқирон йигитлари гурух-гуруҳ бўлиб, ҳар бири 15 сотихдан бўлган уй-жойлар қурилишида кечак-ю кундуз меҳнат қиласади. Майда

Қишлоғининг этагида маҳсус ёғоч омбори бўлиб, тахта, шифер, қучоққа сигмас болорлар утолиб кетганди. Ёғоч тиладиган устахонада рус ишчилари тиним билмас, ҳавоза қилиб, қалин ёғочларни ост-устдан баҳайбат арралар билан тилимлардилар. Ниҳоятда қийин иш эди. Азлартепа, Еттиқудук, Чакар ва Дўстберди қишлоқларидан кўчиб келиб жойлашадиган аҳоли учун уй-жой қуришга катта куч сафарбар этилганди.

Катта Дўстбердида 3 хонали, 4 метрлик меҳмонхонаси бўлган уйда жўжабирдай жон яшаб келардик. Шу йилларда ота-онам саккиз фарзандли бўлишганди. Ҳар йили томсувоқ, албатта, бўларди, йўқса чакка ўтиб кетиши муқаррар эди. Қишлоғимизда 60-йилларга қадар бирорта шиферланган уй йўқ эди. Туман, вилоят ва республикадаги ҳамма қишлоқларда аҳвол шу эди. Ҳўжаликнинг фермалари, омборхоналари ҳам лойсувоқ томлардан иборат бўларди.

Оқработда, Майда қишлоғига туташ қурилаётган янги қишлоғимизда бизнинг уйнинг ўрни ҳам аниқ бўлади. Давлат ҳар бир кўчувчига 15 сотих ер, уч хонали уй ажратган эди. Ака-укалар, ота-болалар ерни ҳам, уйни ҳам ёнма-ён қилиб олишарди. Қурилиш бошлиниш чогида шу эҳтиёжлар ҳисобга олинган. Отам ҳам мен билан ўзига 30 сотихли ер ва иккита тўрт хонали (даҳлизчаси билан ҳисоблаганд) уйни бақамти қилиб қуришни буюртма қилган. Уйлар пахсадан тикланган. Давлатнинг фуқароларга пишиқ ғиштдан уй солиб беришга курдати, эҳтимол, етгандир, лекин, уларнинг замонавий, кўркам биноларда яшаб, даврон суришини мутлақо хоҳдамаган. Раҳматли Парда амаким, «Худога шукр, ҳалику Совет ҳукумати уй-жой, ер берәётир, кўч-да йўқол, бор ишингни қил, деса нима дердик», деб айтарди.

Абдулла укам анча улрайган, бозор кунлари Оқработга мотоциклида келиб-кетар, янги ер майдонида ишлайтган қурувчиларга ҳафта-ўн қунга етадиган озиқ-овқат келтиради. Қурувчиларнинг умумий ма-

саллиғи хўжалик ҳисобидан бўлган. Шунга қарамай, ота-онамиз уйни қураётган Жалил Ҳасанов бошлиқ қурувчилардан Абдулла укамнинг хабар олиб туришини маъқул кўрганлар. Жалил Ҳасанов қишлоқдошимиз бўлиб, ота-боболари уста ўтганлар. Меҳнаткаш, ҳалол, чайир одамлар бўлган. Бир оз олдинроққа кетиб айтсан, бу хонадон билан ҳозирга қадар қадрдомиз. Уста Жалил 1965 йилда менинг Қаршидаги уйимни отам билан биргаликда қуриб берган. Ўали, шогирдим Намозбой келиб-кетиб турди. У мактаб директори бўлганда, эски қишлоғимизда мактабда чиройли учрашув ташкил этган эди. Қишлоқдошлиқ риштадарининг давом этаётганидан бениҳоя мамнунман.

Чимқўргон сув омбори қурилиши, аҳолининг кўчиши билан борлиқ мавзузни ёритиш учун, шубҳасиз, архивларда узоқ ишлаш керак бўлади. Лекин, хотира романни ёзиш жараёнида отамнинг архивидан иккита маълумотнома топдимки, улар кутганимдан ҳам кўра, масалага етарли ойдинлик кирита олади. Маълумотномаларнинг бирида шундай дейилган:

«Чимқўргон сув ҳавзаси қурилиши билан собық Карл Маркс номли колхоз аъзоларини Оқработ мас-сивига кўчиришига ва кўчиб келувчи колхозчилар учун Генплан (бош режа) асосида типовой уй қуриш учун ҳар бир хўжаликка 15 400 сўмдан (уша даврдаги пул ҳисобида) узоқ муддатли кредит бериш ва қурилиши материаллари билан тўлиқ таъминлаш тўғрисида ЎзССР Министрлар совети қарор қабул қилган эди. Шу қарор асосида колхоз правленияси 1960–1962 йиллар давомида 200 хўжалик учун иморатлар қурди. Янги уйларга кўчиб кирган колхоз аъзоларига ўн йил муддат билан иш ҳақидан тўлаш шарти билан мазкур уйлар акт орқали топширилган».

Айтганимдек, уйлар бош режа асосида қурилган бўлса-да, пахсадан эди, бу эса биноларнинг таннархини арzonлаштиради. З хонали уйларнинг баҳоси 1800-2000 сўм атрофида бўлган. Отам типовой уй-

ларга бир хона құшдирған ва янги иморатимиз нархи 2200 сүмга борган. Бунинг устига, күчувчилар аввал яшаб келған иморатлари, ҳовалилари, бостирмалари ёғочларини ҳам, эшигу деразаларини ҳам ихтиёрла-рида қолдирғанлар. Эски уй-жойлар учун зөвз пули тұланған. Бизнинг Катта Дүстбердидаги уй-жойимиз, ҳовли, бөгимиз 60.800 сүмга нархланғанди ва тұлаш күзда тутилғанди. Қаршида уй қурғанимизда эски уйимизнинг таhta-ёғочларидан фойдаланған здик.

Оқработ массивида қурилған уйларнинг 190 ва 191-рақамлары отам ва менга тегишли зди. Ёнма-ён қурилған иккита бино учун давлатта 4400 сүм тұла-ниши керак зди. Уйлар бизларга акт орқали топши-рилған, 60-йилларнинг охирларига қадар 3000 сүм тұланған ҳам зди. Бу далилларни, рақамларни бежиз-га тиңға олмаётірман. Янги уй машмашаси күчиб кел-ганимиздан кейин қора довулдай осмонға ўрлаган, унинг ўт қаловчиси отамнинг «дүсти» бўлған зди.

Собиқ Карл Маркс жамоа хўжалигининг ҳамма аъзолари ҳам бирваракайига Оқработ массивига күчиб келолмасди, албатта. Бундан ташқари, күчиш-га кўзи учиб турмаганлар ҳам қанча зди. Авлод-аж-додлар яшаб келған тарихий жойни ташлаб кетиш осон эмасди. Лекин, мустабид ҳокимиятга одамлар эмас, пахта керак зди. Тарихийлик, ўзлик, ўтирган жойини бермаслик деган тушунчалар, қадриятлар Қизил ис-тибоддуда учун чақалик аҳамиятга эга эмасди. Республика ҳукумати Чимқўрғон сув ҳавзаси барпо этилиши муносабати билан қишлоқларимиз аҳолисини ўзлари туғди-битди бўлған Дўстберди кенгликларидан қарийб 40 чақирим ғарбда бўлған Оқработ массивига кўчи-риш тўғрисида қарор қабул қилаётганида на туман, на хўжалик оқсоқларидан маслаҳат сўрамаган. Мил-лий менталитет, асрлар давомида шаклланған муно-сабатлар ҳисобга олинмаган. Ҳукумат қарорига ким қарши бора оларди? 1937 йил қатағони рўй берган-да, отам 24 ёшли йигит зди. У, зиёли, мактаб ўқитув-

чиси бўлиб ишларди. Кўз ўнгида Кичик Дўстбердидан чиққан, катта билим соҳиби Мулло Поён Равшанов ёмонотлиқ қилинганди. У, Совет ҳокимияти ўрнатилган йилларда бу тузумга катта ихлос билан хизмат қилган, «босмачилар»ни тугатишда жонбозлик кўрсатган, маориф ва касаба уюшмаларида раҳбарлик лавозимларида ишлаганди. Қашқадарёда 1928 йилда қулоқлаштириш ва колективлаштириш авж ола бошлаган даврда, қишлоғидаги ўзига тўқ кишиларга молу мулкини советларга олдириб қўймаслик учун қариндошларига тақсимлаб бериш ё сотишни маслаҳат берганлиги учун фирмадан чиқарилиб, ишдан олинади, вилоятдан бадарга этилади.

Дўстберди қишлоқлари ҳам таркибига кирган Чироқчи туманида 1935–1937 йилларда ижроия қўмита раиси бўлиб ишлаганди машҳур Нодир Пардаев (Нодир командир) тақдири эса янада аянчли кечади. Туман партия қўмитасининг котиби Олимжон Турсунқулов ва Нодир Пардаевлар ҳеч бир сабабсиз, бегуноҳ ҳолда «халқ душмани», дея ўлимга маҳкум этилади. Нодир Пардаев тергов қийноқларини кўтара олмай, ҳаётдан кўз юмади. Отамнинг кейинчалик ҳикоя қилишича, Нодир Пардаевга қарши ўз яқинларини, қишлоқдошларини уйдирма кўрсатма беришига мажбур қилгандар, кўз кўриб, қулоқ эшитмаганди бўхтонлар тўқилган. Қизил истибодод, шу тариқа, кучга кириб, қудратли бўла боргач, ўзини мустаҳкамлашгага ҳисса қўшган, сидқидидан Совет ҳукумати учун ишлаганди ҳодимлардан кутулиш йўлини тутган. Бу тузум садоқатни ҳам, меҳнатни ҳам билмайдиган, фақат ўз манфаатидан келиб чиқиб ҳукм юритадиганди бир қурилма эди. Қоратепа қишлоқ шўросидан 30-йилларда қулоқ қилинганди (Нодир Пардаевга қўйилган айблардан бири ҳам шу қишлоқ шўросидан, яъни ўз ҳамқишлоқларидан қулоқлар чиқармаганликда бўлган), қаматилган, бадарга этилган, молу мулки тортиб олинган кишилар, хўжаликлар ҳали ҳозирга қадар ҳисоблаб чиқилмаганди.

Буларнинг ҳаммаси, бедодликлар, зўравонликлар отам тенгти одамларнинг чуқур изтиробларига сабаб бўлмай қолмаган. Бироқ, бош ёрилса, дўппи тагида, деганларидек, зулм салтанатининг айтгани айтган, дегани деган эди. Унга қарши бориш оқибати қандай тугаши тун билан куннинг алмашинувидай, ҳаммага, жумладан, отамга ҳам яхши маълум бўлган.

Оқработ массивида қурилиш жадал давом этаётган, 1959 йилнинг ўрталарига келиб, бошлаб кўчишлар амалга ошаётган бир пайтда, айрим қишлоқларда кўчишга қарши ҳаракатлар ошкора тус олади.

Отам ва қариндошларимиз, барча тўпоримиз биринчилардан бўлиб, «Янги қурилиш» деб атала бошланган Оқработ массивида барпо этилган манзилга кўчиб ўтадилар. Собиқ Карл Маркс номли жамоа хўжалигининг фаоллари, бригада бошлиқлари, дехқонлар, чорвадорлар Катта Дўстберди, Дурман, Чакар, Азлартепа, Еттиқудук қишлоқларидан янги ерлар ўзлаштириш учун кўч-кўронини ортиб, янги уйларга кириб жойлашадилар. Чакардан Қурбон Эргашен ва унинг қариндош-уруғлари ҳам кўчиб ўтадилар. Кучиб келувчиларга қурилган уйлар етишмай бошлайди. Пахсадан тикланган, томи шиферланган, дेразалари катта, олдида анча (15 сотих, қуша уй курдирганларники 30 сотих) ҳаёти бўлган иморатлар кўпчиликка маъқул келганди. Катта Дўстберди ва бошқа қишлоқлардаги уйлар, чамаси, қурилиш ашёси топилмагани сабаб, эни 2,5 м дан ошмаган, ҳар ким истаган жойидан ошён қилиб, бирига сув борган, қўшниси қуруқ ялангликда, бошқача айтганда, пала-партиш кўним топганди. «Бош режа» асосида қурилган янги қишлоқ тартибли, кўчалар равон, ҳатто, сув қувурлари, электр билан таъминланганди. «Бош режа» оз ер майдонида нисбатан кўпчиликни жойлаштиришни мақсад қилганлиги аниқ эди. Кенг, мўл жойда яшаб келган аҳолининг, айтилган қуляйликларга қарамай, ирганинг иргага, томнинг томга қўшилиб кетгаки ёқин-

қирамаган эди. Бизнинг эски қишлоқдаги уйимиз икки қисмдан иборат бўлиб, Суюн оқсоқол (XVIII – XIX асрлар) даврида қурилган ва бобом раҳматли истиқомат қилиб келган бир йўлак, икки хонали ва меҳмонхонаси алоҳида бўлган уйлардан ва, 30-йиллар охирларида отам томонидан бино этилган туар жойлардан ташкил топган эди. Икки уйимиз мажмуи оралиғи анча бор эди, бобомдан қолган уйда Эшнор амакимиз яшарди. 6 хона, 2 йўлакдан иборат қилиб қурилган (қўш уй) янги уйимиз нисбатан кенгроқ, хоналари 4х6 м ҳажмида эди. Уйимизнинг олди узунасига айвон қилинганди. Ҳозирги пайтда унда Файрат укам ўғиллари билан яшаб келаётир.

Кўчиб келувчиларнинг аксарияти «Бош режа» лойиҳаси асосида қурилган иморатларга қаноат қилган бўлса, яхшироқ уй қуришни истаганлар ўз ҳоҳишлари бўйича уй солдирганлар. Қурбон Эргашевнинг уйи чиройли тархга эта эди. Бизнинг уйнинг олд қисми айвон бўлса, у кишиники «Г» шаклида бўлиб, уйнинг олди ва ёнбоши деразали айвон қилинганди. Қурбон Эргашев туман партия қўмитаси томонидан қурилиш ишига масъул қилинганди эди. Ҳарҳолда, одамларнинг ҳоҳиши, моддий куввати эътибордан четда қолдирилмаган.

Бузиб олинган эски иморатларимиз ва боғ-роғлар учун Давлат 60.800 сўм тўлаши лозим бўлган. Табиийки, бунча маблагни тўлаш номига бўлиб, берилмаган. Янги қурилган икки уйимиз (ҳар бири 2200 сўмдан) нархи 4400 сўм бўлиб, ҳукумат қарорига асосан, ўн йил муддат ичida тўлаш белгиланган эди.

1959 йилнинг 29 апрелида менинг уйланиш тўйим бўлган эди. Келинни тушириб келишга, азбаройи, хона бўлмаганлиги (ота-онам, саккиз укам) туфайли, Эшнор амаким турадиган уйнинг ёнбошида ўтов қуришга мажбур бўлинган эди. Абдулла укам, янглишмасам, Абдураҳмон Азимов билан ўтовни Ёртепа қишлоғидан сотиб олиб келганди. Ўтовни аммалар, холалар,

янгаларим шундай безаган эдиларки, у нақ музейни эслатарди. Иссиқ бұлса, түйнук очиларди, кун қизиб кетаверса, ён томонларга тутилган безакли гиламчалар күтарилиб күйиларди.

Яхши эслайман, 7–8 ёшларимда бўлса керак, қишлоғимизда Эргаш бобо деган киши бўларди. Жаббор Хуррамов, Парда Ўтагановлар билан ҳамсоя яшарди. У киши бола-бақраси билан қишин-ёзин қора уйда – ўтовда ҳаёт кечирар эди. Қишда ўтовнинг ўртасига сандал кўйиларди, ён-атрофи эса қалин кигиз билан ўраларди. Ўтов, шу тариқа, ўтган асрнинг 50-йиллари сўнгларида ҳам таомилдан чиқиб кетган эмасди. У, нима бўлганда ҳам, аждодларимизнинг олис замонлардаги кўчма ҳаёт кечмиши билан XX асрнинг 50-йилларидағи «маданий» турмушни боғлаб турадиган бир ҳалқа сифатида сақланиб келарди.

Тўй бўлиб ўтгандан кейин, орадан бир неча ой кечгач, оиласиз Оқработга – ҳозирги яшаш жойимизга, Майда қишлоғи теграсига кўчиб келади. Кўчувчи хўжаликлар кўп, ким эски уйини очаётган, ким эшик-деразаларни чиқариб олаётган, хуллас, ҳамманинг ташвиши ўзига етарли эди. Туман раҳбарлари юкларни олиб бориш учун қўшимча автоуловлар ҳам ажратган эди. Отам шу пайтларда кўчирув комиссияси билан штабдан бери келмас, Абдулла укам ихтиёрига иккита юқ машинаси ажратиб, қариндош-уруғлардан ёрдамчилар берганди. Бу пайтда ўн беш ёшга кирган укам доимгидай озғин, аммо, чайир эди. Зайнаб ва Ойша сингилларим кўрпа-ёстиқларни тугун қилиб, тайёрлаб беришар, кўл-кўлга тегмай уларни машиналарга юклардилар.

Ўн-ўн беш кун ичida йил давомида қурилиб, тайёрланган 200 янги уйнинг ҳаммаси зғали бўлади. Одамлар шиферланган, дераза ва эшиклари бир хил рангга бўялган, олдида, ҳарҳолда, кенг мўл ер-жойи бўлган, турнақатор тизилиб кетган янги уй-жойларга кўнига бошлайдилар.

Саратонда момақалдироқ бўлиб, дўл қўйса, қандай вайронагарчиликлар келтиради, бу ҳаммага аён ҳақиқат. Қишлоқларимиз аҳолиларининг кўчуви авж пардага кўтарилганда, кутилмаганда, торлардан бири «чирт» этиб узилади. Кўчишга қарши ҳаракат аввал кимларнингдир уйида, тундан тонғга қадар маслаҳат, тил биритирав, аҳду паймон қилиш тарзида бошланган бўлса, тез орада, ошкора тус олади. Оденига, кўчмовчилар режа асосида уйларига борган юк машиналари ойналарини синдириб, шофёрларни калтаклаб қайтариб юборадилар. Кейин, кўчишга улгурмай, уй-жойларини очиб, юкларини тахт қилиб қўйган қишлоқдошларни уриб, бошларини ёрадилар. Азият чекканларнинг, ҳақорат қилингандарнинг аксарияти отамнинг яқинлари, қариндош-урумлари, унга қаттиқ ихлос қилган кишилар бўлган. Бундай йўл тутиш – қаршилик ҳаракатининг ўз-ўзидан келиб чиқмаганлигини, уни кимdir ёки кимлардир атайин уюштираётганидан дарак берарди. Одинда айтганимдек, отам 37-йил қатағонининг жонли гувоҳи сифатида, партия ва ҳукуматнинг қарорига, унинг бирор ҳарфи ёки нуқтасига қаршилик қилиш у ёқда турсин, норозилик билдирадиган раҳбар бўлмаган. Совет давлати учун жонини фидо қилиб ишлаган. Билишимча, отам Ҳукумат қарори чиққандан кейин, тегишли туман раҳбарларига, «Кўчадиган бўлсак, Оқработга эмас, Қоратепа қишлоғи атрофи бўйлаб жойлашсак, яхши бўларди», деган фикрни билдирган. Бу таклифи учун унга қаттиқ танбех берилган. Ўша пайтларда Қамашида райкомнинг биринчи котиби бўлган С.Абдуллаев, «Қўлингиздан келса, ЦКга бориб, шу гапингизни амалга ошириб келинг», деган масжараомуз. Шу мулоқотдан кейин отам бу масалада тортишиш беҳудалигини, фишт аллақачон қолипдан кўчганлигини англайди. Қишлоқлар ва қишлоқдошларимиз тақдири орқаваротдан, сиртдан юқори доираларда ҳал қилиб бўлинган.

Қаршилик ҳаракатининг ўз-ўзидан келиб чиқмаганинг күп ўтмай маълум бўлади. Кўчувчиларнинг аниқроқ айтсам, кўчириувчиларнинг катта бир қисми Оқработ массивида ўрнашишдан, партия ва ҳукуматнинг янги ерларни ўзлаштириш сиёсатидан норози бўлган. Бу табиий ҳол. Ана шу норозиликни баразли мақсадга буриш, ундан фойдаланиб қолиш, минг афсуски, Бобомурод Даминовга тинчлик бермайди. Самарқандда, унинг уйида бўлиб ўтган маслаҳатларда Чакар, Катта Дўстберди ва Кичик Дўстбердининг бир неча жупкарчилари қатнашади. Улар хўжаликда масъул вазифаларда ишлаганлар, бригадир, ферма мудири бўлганлар. Кўчишга қарши ҳаракатдан энг аввал кузатилган мақсад – Равшан Қурбоновдан раислик мансабини тортиб олиш бўлган. Шу билан давлат сиёсатига қарши бораётганликларини хаспўшлаш, узоқ йиллар ишлаб қўйган раисни амалдан тушириш ғояси билан чалфитиши йўлини пишишиб чиққанлар.

Оғир хасталиқдан соғайган Бобомурод Даминов оёққа турганидан кейин, Самарқандда унинг ҳолини сўрайдиган бирорта раҳбар топилмайди. «Ўргангандек юнгил ўргансанга қўймас», деганларидек, бир йил қарайди – бирор бунда кел, мана бу вазифани ол, демайди. Иккинчи йилда ҳам умидни узмайди, «Катта вазифаларда ишлаганман, обком котиби бўлганман, обрўйим бўлса керак, бирор туман ёки совхоз раҳбарлигига таклиф қилиб қолишар», дея кутади. Эшик тақилласа, ўзи отилиб чиқади. Самарқанд вилояти партия ва ижроия қўмиталари уни, аксига олиб, батамом унтиб юборгандилар. Хасталик йилларида у яхши эрмак орттирганди, китоб ўқирди ва ёзишга ўрганганди. Бу соҳада ҳам аста-секин танила бораётган ҳам эди. «Шарқ юлдузи» журналида Саида Зуннунованинг «Сўқмоқлар» деган қиссасига ёзилган тақриз уни анча танитиб қўйганди. Қиссада, туғруқхоналарда эркак дўхтирлар фаолият кўрсатиши ножоиз эмасми, деган қарааш бор эди. «Танқидчи» ёзувчини шу ердан «уш-

лаб олган», ҳаётдан орқада қолиш деган даҳмазали гапларни айтган эди. Ўзининг ёзганлари эса, «одатдагиларнинг бири» сифатида на яхши ва на ёмон фикр уйғота олмаган эди. Ҳарҳолда, шу эрмак, шу тажрибани давом эттиrsa, фикримча, ёмон бўлмасди. Қонда ғимирлаб ётган, мансабга бўлган ўчлик зўрма-зўракидан бўлаётган адабий машқлардан устун чиқади. Бу унинг табиатидаги энг устун хусусият ва ҳаётининг устувор мазмун-моҳияти эди.

Қамаши туманида рўй берган нохуш ҳаракат – аҳолини жунбишга келтириш, уни ўзининг манфур ва қабиҳ мақсадлари йўлида қалтис ўйинга тортиш мисли кўрилмаган ва деярли юз бермаган ғалаён эди. Ўша йиллар воқеаларига баҳо беришдан ожизман. Бу мавзуга аниқдик киритиш учун, яхшиси, Совет ҳокимиятиning «кўзи ва қулоги» бўлган орган – Давлат хавфсизлиги қўмитасининг Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи сўзларини келтириб ўтиш мақбулдир. Бу даврда Қашқадарё вилояти тугатилиб, Сурхондарё билан бирлаштириб юборилганди. Ҳайдар Яҳёев Сурхондарё вилоятида зикр этилган муассасанинг бошлиғи бўлган. У ўзининг 2004 йилда нашр этилган «Тилсим» хотира-романида бизнинг қишлоқ билан боғлиқ бўлган воқеаларни шундай талқин этади:

«Оммавий тартибсизликни бартараф қилиш эса Давлат хавфсизлик органларининг тўгридан-тўғри иш фаолиятига кирап ва бундай ишларни тергов қилиши КГБ терговчиларининг зиммасига қонун бўйича юклатилган эди. Айниқса, вилоятнинг (Сурхондарё – П.Р.) Қашқадарё зonasida бундай ҳаракатлар авжига миниб кетди. Вилоят раҳбарлари Н.Х.Худойбердиев, обкомнинг иккинчи котиби Н.С.Пономарёв, вилоят ижроия комитетининг раиси С.Н.Усмонов саросимага тушиб қолган эдилар. Вилоят маъмурӣ органларининг бошлиқлари эса иложи борича ушбу қалтис ишлардан ўзларини ҳар қандай йўл билан четга олишига ҳаракат қиласар эдилар.

Вилоятда сув танқислигини бартараф қилиш мақсадида ҳамда янги пакта майдонларини барпо қилиш учун республика партия Марказий Комитети қатор қарорлар қабул қилиб, вилоятнинг Қашқадарё зонасида улкан Чимқўргон сув ҳавзасини қуришини ва янги Пачкамар сув омборини барпо этишини қатъий вазифа қилиб қўйган эди.

Чимқўргон сув омборининг қурилиши учун Қамаши районидаги иккита колхоз ҳудудида жойлашган учта қишлоқ аҳолисини бошқа жойга мажбурий кўчирши зарурати кўндаланг қўйилган эди.

Мана шу аснода вилоят ижроия қўмитаси раиси Усмонов вилоят сув хўжалиги раҳбари билан, шунингдек, вилоят прокурорининг муовини ҳамда ИИБ бошлигининг муовини ҳамкорлигига Чимқўргон (муаллиф янглишаётир, Дўстберди – П.Р.) қишилогига боршиади, ҳукумат қарорини бажаришга киришишиади. Мен, афсуски, улар борган жойдаги аҳволдан бехабарман. Чимқўргон (Дўстберди) аҳолисидан иборат ёшу қари, хотин-халаж жаҳл отига миниб, айримлари ўта ваҳшийлашган ҳолга тушади.

Табиийки, ҳеч қанака мажлисни ўтказиш имкони бўлмаган, жанжал, ур-ийқит бошланиб кетиб, прокурорнинг муовини ҳужжатлари тўла папкасини ташлаб қочади, бошқалар ҳам шундай қиласди. Оломон Усмоновнинг ўзини ўраб олиб, унинг енгил машинасини ағдариб ташлайди. Усмонов Қамаши район партия комитетининг котиби Манон Самадовнинг «Виллис» машинасида зўрга қочиб қутуллади.

Бу хатарли ва хунук воқеалар ҳақида бошқармамизнинг Шаҳрисабз районидаги вакили майор Мамадвали Алиев ва капитан Ҳакимовлардан масалани ойдинлаштирувчи маълумотларни аниқлаб олдим. Шаҳрисабздаги КГБ ваколатхонаси зиммасига Яккабог, Қамаши, Чироқчи районларида ҳам оператив иш олиб бориши мажбурияти юклатилган эди. Маълумотларга қараганда, бу шилларнинг тегасида бир

вақтлар Самарқанд вилояти партия комитетининг мафкура ишлари бўйича котиби бўлиб ишлаган, ўзи асли Чимқўргон (Дўстберди – П.Р.) қишилогидаги тугилган, сўнг Бухоро олий мактабларида ўқитувчилик қилган Бобомурод Даминов турар, уни Тошкентдаги ҳукумат аъзоларидан бири қўллаб-қувватлар экан. Аслида бу иш Шароф Рашидовичнинг Қашқадарёда катта сув иншоотлари қуриш ҳақидаги ташаббусига қарама-қарши уюштирилган ҳаракат бўлиб чиқди.

Бобомурод Даминовни район ва вилоят партия ва совет ташкилотлари билан келишилмаган ҳолда Чимқўргон (Дўстберди – П.Р.) қишилогидаги бир гурӯҳ тарафдорлари ўзларига гўёки янги бўлажак жамоа хўжалигининг раиси қилиб сайлашган ва бу кишилар Чимқўргон сув омборининг бўлажак ҳавзаси жойлашган ердан кўчмасликка аҳолини қаттиқ ташвиқот қилган ва сув омборининг қўрилишига тиштироқлари билан қаршилик қилишган. Усмонов гурӯҳига қилингган безорилик ва зўравонлик ҳаракатларининг ташкилотчилари ҳам ана шулар бўлишган...

Мен вилоятда, айниқса, Қамаши туманида юз берган воқеа ҳақида республика КГБ сининг раиси Наймушин номига шошилинч маҳсус ахборот жўнатдим. Наймушин бу ахборотни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби Титовга доклад қилганидан кейин масала анча жиддий тус олди.

Марказқўмнинг биринчи котиби Шароф Рашидович Рашидов менинг иштироким билан бу масалани тезда Марказқўм раҳбариятининг ёпиқ мажлисida кўриб чиқшига қарор қилдилар.

Мен шошилинч равишда ҳужжатлар билан Тошкентга чақирилдим. Эртасига Наймушин билан бирга Шароф Рашидовичнинг қабулида бўлдик. У ерда мен ва Наймушин ўзиро масалани муҳокама қилган-

дан кейин Шароф Рашидовичнинг қабулхоналарига кирдик. Шароф Рашидовичнинг кабинетида у кишидан ташқари Марказқұмнинг иккинчи котиби Титов ва КПСС Марказий Комитетининг Үрта Осиё бүйи-ча маҳсус вакили Голубев Максим Васильевич бизларни күтиб ўтирган эканлар.

Шароф Рашидович Наймушиндан ақволни қисқа-ча доклад қилиб беришни сұрадылар. Наймушин мен юборган ахборот бүйи-ча доклад қилды ва тадбирий чора маъносида прокуратура органларини жалб қилиб, бу оммавий тартибсизликтарни уюштирган шахсларни тезда жиноий жавобгарлыкка тортшиш учун тергов ҳаракатларини бошлаб юборишни таклиф қилди.

Титов ҳам бу таклифни маъқуллади. Шароф Рашидович бу ҳақда менинг фикримни сұрадылар. Мен: «Бу ахборот ҳали дастлабки, яхши текширилмаган маълумотлар. Буларни яна бир карра текшириб чи-қиши керак, кейин бир қарорга келамиз. Бу шига ви-лоят прокуратураси ва ички ишлар органларини фаол жалб қилиш керак», деган таклифни айтдым. Голубев бу фикрларга қарши чиқмоқчы бўлди. Сунгра Шароф Рашидович оғир, вазминлик билан масалага якун ясаб, таҳминан шундай дедилар:

— Биз катта ўзгаришлар арафасида турибмиз. Минг ишлардан бери қақраб ётган поёнсиз Қарши чўлларини ўзлаштириш ва у ерда катта пахта майдонларини ҳосил қилиш осон иш эмас. Бу нарса қаршиликларсиз, курашсиз амалга ошмайди. Мен биламан, бу ўзгаришлар республикадаги айрим кишиларга ёқмайди. Улар шу бугунги куннинг тинч ўтиши ва амал курсисини ҳеч кимга бермасдан тинч ҳаёт ке-циришини ўйлашаяпти, юргизаётган янгиликлар гилдирагига турли түсіклар тиқмоқчилар. Ўзбекистонда, шу жумладан, сувсизликдан мудом қийналиб келаётган Қашқадарё воҳасида биринчи навбатда ирригация-сугориши инишоотларини қуриш бугунги кун-

нинг энг долзарб вазифаси бўлади. Бундан ташқари Қарши чўлида беҳисоб газ ва нефть захиралари ни ўзлаштириш учун ҳам яхши сугориш система-лари кор келади. КПСС Марказий Комитети Қарши чўлини ўзлаштириш ҳақидаги таклифимизни маъ-қуллаб, катта қарор қабул қилди. Биз бу қарорни бажаришимиз керак. Орқага йўл ўйқ. Майдо-чуйда иғвогарчиликлар, тор доирадаги маҳаллийчиклик жараёнида ҳар қанака амалпаратлар кўпикдай сув юзида қалқиб чиқади. Бундан эса Марказий Комитет раҳбариятига нисбатан кек сақлаб юрган ай-рим республика амалдорлари фойдаланишмоқчи бўлишади. Шунинг учун биз шошилмасдан, оғир бўлиб, қадам-бақадам алданган кишиларга нисба-тан тушунтириш ишлари олиб боришимиз керак. Тергов ишлари ҳеч қачон қочиб кетмайди. Булар иложисиз қолганимиздагина энг охирги чора сифати-да қўлланиши керак. Давлат хавфсизлик органла-ри ҳуёёрлик қилиб, бу воқеаларга бизнинг эътибо-римизни қаратгани учун уларга раҳмат. Вилоят раҳбарлари ҳануз бу воқеалар ҳақида бизга ҳеч нарса хабар қилмаган. Ўз ташвишлари билан ӯрала-шиб ётибди. Ўртоқ Титовдан илтимос қиласиз, Сурхондарё вилоятига бориб, тушунтириш ишла-рини олиб бориш йўл-йўриқларини ишлаб чиқсин-лар, токи Чимқўргон сув омборининг қурилиши бир соатга ҳам кечикмасин.

Чиндан ҳам икки кундан кейин Сурхондарёга Мар-казқўмнинг иккинчи котиби Титов билан Голубев келишибди. Вилоят партия қўмитасининг бюросида Чимқўргон сув омбори қурилишининг чора-тадбирла-ри ҳақидаги масала кўриб чиқилиб, Қамаши райони-га вилоят партия комитетининг мафкуравий иш-лар бўйича котиби Владимир Николаевич Қодиров раҳбарлигида вилоят прокурори Турсунов, ички иш-лар бошқармаси бошлиги Абдуллаев, вилоят сув хўжалиги бошлиги, вилоят колхозлараро қурилиши

бошлиги ва бошқа мұтасадди шахслар бир ой муддат билан хизмат сафарига жүннатылды.

КГБ органдары зиямасында мұнтазам равишида Чимқұргондаги воқеаларнинг боришини күзатып түриш ва вилоят партия комитетига ахборот беріб, ҳар қандай тартибсизликтарнинг олдини олиш вазифаси топширилди.

Владимир Николаевич Қодиров Қамашына жүнаб кетиш олдиdan бошқармaga – менинг олдымга келди, у ерда тартибсизликтарни ташкил қилаётган шахслар ҳақида түла мағлұмот олди ва мен билан суҳбатда, албатта, масаланы тинч йүл билан ҳал қилиш – Чимқұргон (Дүстберди – П.Р.) халқини сув омбори қурыладыған зонадан күчиришига қаттық ишонч билан жүнаб кетді. Қодировнинг жонбозлиги туфайли бир қисм хұжаликтер сув омбори зонасини бўшатыб, бошқа ёққа күчиб кетишига рози бўлди.

Аммо Мамадвали Алиев келтирған оператив мағлұмотларга қараганда, Даминов бошлиқ бир гурұқ ашаддий шахслар Чимқұргондан (Дүстбердидан – П.Р.) күчиб кетмасликни, гайриқонуний түзилган жамоа хұжалигини тарқатмасликни қаттық түриб ҳимоя қилишар эди ва наебатдаги янги извогарликтарни уюштириши зидан мүлжаллаб қўйишган эди. Бир ойдан кейин Термизга қайтиб келған Қодиров ҳам буни тасдиқлади ва ақволнинг деярли яхшиланмаганлигини хабар қилди. Муросасиз бир гурұхнинг учта юқ машинасына хотин-халаж ва ногирон кишиларни ортиб, үзлари билан бензин түла бензин ташуғчи машинани олиб, вилоят маркази – Термизга юриш қилишига тайёргарлик күраётганликлари мағлұм бўлди. Агар талаблари қондирилмаса, борган одамларнинг барини ёқиб юборишларини ультиматум тариқасида қўйишларини билдик.

Чиндан ҳам ёз күнларининг бирида улар худди айтганларидай қилиб, Термизга қараб йўлга чиқадилар. Термизга бориш йўлида уларни қайтармоқчи

бўлган милиция ходимларининг бир нечтасини калтаклайдилар. Ниҳоят, вилоят прокурори Остон Турсуновнинг санкцияси билан бу оммавий тартибсизликларнинг бошлиги Даминов ва унинг издошлари жиноий жавобгарликка тортилиб, суд ҳукми билан турли муддатларга озодликдан маҳрум қилиши билан жазоландилар.

Чимқўргонда (Дўстберди – П.Р.) тинчлик ҳукм сурib, сув омбори қурилиши ишлари авжига чиқиб кетди².

Ўша йилларда республика КГБсининг Сурхондарё вилояти бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаган Ҳайдар Яҳёев, турган гапки, воқеалар тадрижининг энг муҳим нуқталарини очиқ айтишга ботина олмаган. Қодиров қишлоққа келиб, Даминов одамларига масхара бўлишдан ортиқ бир иш қила олмаган. Қишлоққа бирорта раҳбар кира олмаган. Катта Дўстберди, Чакар, Дурман, Кичик Дўстберди қишлоқларида кўчишини истамаган аҳолининг айрим жангарилари қурол билан навбатчилик қилганлар. Ойлаб бу ҳудудга бирор кимса яқинлаша олмаган. Режа, экин-тикин дегани унутилган, ҳар ким кучи етганича жамоа хўжалиги бойлигини талон-тарож қилган. Омборларнинг эшикларини дайди шамоллар очиб-ёпиб турган. Бу, инсоф юзасидан айтиладиган бўлса, мансабни, амални эгаллаш йўлидаги и съ ё н эди. Даминовнинг фанатлари кўчганлардан бирортаси қариндошлариникига тўйгами, таъзиягами келса, ўласи қилиб урганлар, улар ос деса осадиган, бос деса босадиган даражада ваъдалар билан тўйинтирилган. Даминов, юқорида келтирилган матндан аён бўлганидек, янги жамоа хўжалиги тузилганлигини эълон қиласи ва ўзи раис-

² Ҳайдар Яҳёев. Тилсим. Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. 2004 й. – 406–411 бетлар.

ликка «сайланади». Шу тариқа, собиқ Карл Маркс номли хўжалик иккига бўлиниб қолади. Оқработ даштига кўчиб келиб ўрнашганлар «Партия XXII съезд» жамоа хўжалиги таркибиға киритиладилар.

«Тинчлик ҳукм суриши», минг афсуски, жиноятчиларнинг қамоққа ташланиши билан кифояланмай, бегуноҳ кишиларни, давлат манфаатлари йўлида сид-қидилдан хизмат қилиб келганларни ҳам гуноҳкор қилиш эвазига қарор топдирилади. Бу холоса менинг отамга, 1947 йилдан кучиш воқеалари содир бўлган 60-йил бошларига қадар Карл Маркс номли колхозда раис бўлиб ишлаган, хўжаликни вилоят миқёсида танигтан инсонга тааллуклидир.

Ҳайдар Яҳёевнинг юқорида келтирилган гапларидан, раҳбарлар имкони борича, Дустбердида юз берган, фавқулодда ашаддийлашиб, колхоз раиси қилиб Бобомурод Даминовни тасдиқламасалар, уч машинага «ортилган» хотин-қизларни ёқиб юбориш – ўта ваҳшиёна террорчиликни ими-жимида тинчтииш, бу исённинг дараги Марказга етиб бормаслигини таъминлашдан иборат бўлганликларини тушуниш қийин эмас. Советларга қарши ҳаракатлар катта, ёинки, кичиклигидан қатъи назар, шафқатсиз жазоланганд. Бошда бу қаршилик ҳаракатига сиёсий тус бериш – республика ҳукумати аъзоларидан бири Бобомурод Даминовни қўллаб турганлиги, яъни бу кураш замирида республика раҳбарига қарши уюптирилган мақсад ётганлиги қайд этилган бўлса-да, кейинчалик уни босдиришда маҳаллий аҳамиятга молик жанжал, безорилик деб қаралади. Ҳайдар Яҳёев, «республика ҳукумати аъзоларидан бири», деганда кимни назарда тутаётганлигини яхши биламан. Лекин, мен ундей деб ўйламайман. У одам бу ишга бош қушганида эди, Бобомурод Даминовни уруш-жанжалсиз хўжалик раислигига кўйишга қурби етарди. Мансаб ҳирсида ёнган одам, тўрт-беш кўчишдан норози одамлар гапига учиб, раисликни эгаллаш учун қулай вазият турилди деб, отни

қамчилаб қолади. Күчишдан норози кишилар кун сари ортиб боради ва вазият назоратдан чиқиб кетади – оломонни бошқариб бўлмай қолади. У бундай бўлишини кутмаган эди. Дастреб у оломонни қайраб ўйинга солган бўлса, кўп ўтмай ваҳшийлашган тўда уни қўғирчоқ қилиб, айтганини қилдиради. Ўзингиз ўйланг, ҳеч замонда ҳам учта юк машинасига йигирматадан бўлса, 60 та аёлни юклаб ёқиб юбориш фояси ни икки дунёда оқлаб бўладими?

Ўша кунларда Дўстберди теварак-атрофида КГБ қўшинлари ва танкларидан иборат қамал ҳалқаси вужудга келтирилган эди. Маҳаллий раҳбарларнинг қўзғолончиларга ён бериши муқаррар фожианинг олдини олади. Алоҳида колхоз тузиш ва унга Бобомурод Даминовни раис қилиш ваъдаси берилади. Шу йўл билан исён бошлиқлари қўлга олинади.

Россия ва Украина ҳудудларида ҳам Н.Хрущев даврида Дўстбердидаги мисол галаёнлар бўлганлигини, фақат улар шахсий манфаат эмас, инсон ҳуқуқларини талаб қилиш доирасида бўлганлиги, оммавий чиқишлиар қон тўкиш йўли билан шафқатсиз бостирилганлиги дарагини Совет тузуми тумандай тарқаб кетгандан кейин билишга муваффақ бўлгандик. Дўстберди фожиаси эса овоза қилинмади. Аммо, ундан қаттиқ азият чекканлар, ноҳақ жабр-жафо кўрганлар кам бўлмади. Бобомурод Даминов бир ўзи қамалиб қолмади, албатта. Уни бардор-бардор қилганлар қисмати аянчли кечди. Бири қамоқ азобидан, бири автофалокатда, яна бири эса қўрқувдан ўлиб кетди. Сирасини айтганда, Даминов қилар ишини қилди: ҳукумат қарори оёқ остида қолиб кетди, Дўстберди қишлоқларининг аксар аҳолиси – тўртдан уч қисми кўчмай қолди, «Марксизм» колхози тузилди, Қарши чўлини ўзлаштириш ишига жиддий халал етказилди. Фақат, у орзусига эриша олмади – хўжалик раиси бўлиб, давру даврон суролмади. Аксинча, Термизда, қамоқхонада ётиб, қўзёшлари тўкиб, пушаймонлик хатларини Москва ва Тошкент сарига ҳар куни йўллай бошлади.

Вилоят ва туман раҳбарлари Оқработда сокин турган, раисликни топширган отамизни эркинликда қолдирсак, бу тарафнинг одамлари – кўчиб келганлар, «биз ҳақ эканмиз», деб кутарилиши мумкин, деган ўйга борадилар ва мувозанат бўлсин учун («мувозанат бўлсин» жумласини менга кейинчалик прокурор Нарзулла Лутфуллаев айтган эди) Равшан Курбоновни ҳам қамаш керак, деган қарорга келадилар.

Отамдан яхшилик кўрган, унга ҳурмат-эҳтироми баланд бўлган Катта Дустберди, Азлартепа, Еттиқудук ва бошқа қишлоқларимиздан кўчиб келганлар ҳар қандай зуғумларга қарамай, янги ўрнашган жойларида яшаб қолдилар. Даминов фанатлари бир куни ўнлаб юк машиналарини қаторлаштириб, Оқработга келганларнинг катта бир қисмини маҷбуран бир кечада қайтариб кўчириб кетган эди. Янги кўчиб келганлар ваҳима ичидаги яшардилар, «Даминовчилар кечаси бостириб келармиш, қайтиб кўчмайдиганларни, Курбоновчиларни калтаклаб кетармиш», деган мишишлар юради. Лекин, отам ҳам, уни деб Оқработда ўрнашиб қолганлар ҳам, иғволарга учмадилар, ҳавоий дўқ-пўписалардан кўрқмадилар. Мана, ярим асрдан ошдики, улар ҳамон шу жойда ҳаёт кечириб, кўпайишиб, янги-янги маҳаллалар вужудга келтирмоқдалар.

«Мувозанат» – икки томон ҳам бирдай бўлсин учун, отамни қамоққа олиш режаси амалга оширилади. Даминов ва унинг ёнидаги шотирлардан уч-тўрттаси қамоққа олингандан кейин ҳамма жой сув қўйилгандай жимиб қолганди. Равшан Курбонов эркинликда қоладиган бўлса, яна норозиликлар қайталashi ва кучайиши мумкин, деган фараз, аслида, отамга фарази ва тиши бўлган маҳаллий органларнинг айрим калтабин раҳбарларидан чиқсан эди.

Одатдагидай, мақсадни амалга ошириш учун учийиллик тафтиш тайинланади. Сурхондарё вилояти ижроия қўмитасининг қарори билан Қамаши туманидаги собиқ Карл Маркс жамоа хўжалигининг 1959-

1961 йиллардаги молиявий ҳолати чуқур ва ҳар тарафлама текширувдан ўтказилади. Узоқ чўзилган тафтиш отам томонидан камомадга йўл қўйилмаганлигини, ёинки, бошқа бирор моддий зарар етказилмаганлитини аниқлайди. Тафтиш жараёнида «Волга» машинасининг хўжаликда ишланган меҳнат ҳақига сотиб олинганилиги ҳам ўз тасдигини топади. Уйимиз ва унинг қурилиши моддий асослари тўғрисида, ақалли, бир жумла салбий фикр айтилмайди. Сабаби, уй қурилишининг ҳуқуқий жиҳати (кўчириувчиларнинг 175-ва 176-рақамли гувоҳномалари, уйларнинг давлат томонидан кредит воситасида қурилганлити, ўн йил давомида тўлаш шарти ва акт орқали топширилганлиги) қонунга мувофиқ эканлиги тан олинади. Аммо ишкални бошқа жойдан топадилар.

Совет мамлакатининг раҳбари Н.Хрушчев АҚШга, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига Кариб кризиси туфайли борганида, Америка Кўшма Штатларида қишлоқ хўжалиги нечоғлик ривожланганлитини кўриб, ичидан зил ўтиб, қайтиб келади. «АҚШга етиш ва ундан ўзиб кетиш», пойгаси, шу тарика, вужудга келади. Маккажўхори экиш, силос босдириш ва ҳ.к., хуллас, аҳоли бошига гўшт етишириш бўйича АҚШ билан нисбатда, кулгили даражада орқада бўлган кўрсаткични, бир-икки йил ичida кескин кўтариш давлат аҳамиятига молик муаммо қилиб қўйилади. Жамоа хўжаликларида, совхозларда мавжуд моллар гўштга топширилади, фермалар, отарларда яроқли мол деярли қолмайди. Раҳбарлар бозорлардан, аҳолидан мол сотиб олиб, осиб қўйилган режаларни бажаришга кўрсатма берадилар. Бутун Совет Иттилоғида тез муддатда АҚШни жон бошига гўшт етишириш бўйича қувиб ўтиб кетиш мусобақаси авж нуқтага кўтарилади. Аҳоли қўлида ҳам мол кескин камая бошлагач, кўзбўямачилик бўй кўрсата бошлайди. Гўшт комбинатларида молсиз операция – мол топширилди қилинган, товарсиз квитанциялар режаларнинг қоғозда ба-

жарилганлигини, ортиги билан адo этилганлигини да-
лолат этувчи хужжат бүлган.

Үтган асрнинг 60-йиллари бошларида Шаҳрисабз гўшт комбинатининг бошлиғи Бурҳоновдан зўр, ун-
дан машҳур бирор кимса йўқ эди. Қашқадарё ҳуду-
дидаги бирор хўжалик бўлмаганки, унга мурожаат
қилмаган ёки унинг муассасаси билан алоқага чиқма-
ган бўлса. Туман раҳбарлари Шаҳрисабзга бориб, «вил-
лис»ларини дарвозадан олисда қолдириб, хоннинг
хузурига кираётгандек, эҳтиёт қадам босиб, хушомад-
ни ўринлатганлар. «Тумандан фалончи-пистончи
хўжаликлар келади, бир қуллаб юборасиз-да», деб ваъ-
дани қуюқ қилиб, қайтганлар. Туманга келиб, хўжа-
лик раҳбарларига, «Хой, раис, Бурҳонга кассирингни
жўнат, режани 120 фоиз қилиб бажар», деб осмондан
келганлар. Бозордан юзлаб мол, қўй-эчки олавериб,
уни қуригтан кассирлар, зоотехниклар Бурҳонов би-
лан «тил топишадилар». Мол топширилди бўлади, пул
куртдай қилиб, санаб берилади, квитанция қирқила-
ди, режа эса 120 фоиз бажарилади.

Карл Маркс номидаги хўжалик ҳам, расмий равиши-
да 1960 йил 3 сентябрда давлатга мол сотиб олиб топ-
шириш тўғрисида умумий мажлис қарорини қабул
қилган. Хўжалик молчилик фермаси зоотехники Авло-
қул Равшанов ва кассир Бердиёр Ниёзовлар шу қарор
асосида бозорлардан мол сотиб олиб, режани бажа-
риш ҳаракатида бўлганлар. Бозорлардан 5-20 тадан
ортиқ мол топилмай қолгач, Авлоқул Равшанов Бур-
ҳонов билан товарсиз гўшт масаласида келишади. Бу
ўша пайтдаги таомилда бўлган, раҳбарлар билиб-бил-
масликка олиб турган режа бажаришнинг ягона усу-
ли эди. Бурҳоновнинг чўмичи ёғда бўлганлигини на-
фақат Қарши, ҳатто, Тошкент ҳам яхши билган. Вило-
ятнинг кўзга кўринган хўжаликлари раислари, жум-
ладан, меҳнат қаҳрамони Чўли Бегимқулов ҳам Шаҳ-
рисабзга боришига эҳтиёж сезган. Кейинчалик Бурҳо-
нов эпкини озми-кўпми унгаям тегиб ўтганди. Кўзбўя-

мачилик иллати бутун Иттифоқни исканжага олган вабо бўлганди. АҚШга етиб олиш ва ундан ўзиб кетиш пойгаси, охир-оқибатда, 60-йиллар қатағонини келтириб чиқарди. Қофозда, номига гўшт етиширишни «oshiриб бажариш» нинг чуви тезда чиқиб қолади. Рязань вилоятининг обком котиби ўзини отиб ўлдиради, оммавий равишда қамашлар республикалар бўйлаб амалга оширилади. Н.Хрушчев ҳокимият тенпасида экан, қишлоқ хўжалигининг тараққийси соҳасида бемаъни шиор амал қилиши бир зум тўхтамаган. АҚШда қишлоқ хўжалиги билан мамлакат аҳолисининг жуда оз қисми шуғулланса, бу соҳада замонавий илм-фан, бемисл технология ва техника амал қиласа, собиқ Иттифоқда бунинг тамомила акси эди. Аҳолининг аксар қисми қишлоқ хўжалигига банд бўлиб, қўл меҳнати амалда, қолоқ технология, шалоги чиқсан техника дехқонлар ва чорвадорлар хизматида эди.

АҚШга етиб олиш ва ундан ўзиб кетиш пойгаси, инсоф юзасидан айтиладиган бўлса, қишлоқ хўжалигига, барибир, кутилмаган янгиликлар киритишига йўл очган эди. Ер ҳайдаш воситалари кучайтирилди, ўриш, янчиш техникалари ҳам бир қадар мукаммаллашди. Пахта етишириш ва териб олиш соҳасида ҳам маълум силжишлар бўлди. Лекин, булар ҳаммаси, аҳоли жон бошига гўшт, сут, тухум, дон, озиқ-овқат ва полиз маҳсулотлари етиширишда, ҳеч бўлмаса, Африка давлатлари даражасига етишга ҳам ҳали имкон бермасди. Ҳатто, Брежнев ва Горбачёвлар даврида ҳам аҳоли жон бошига бўлган кўрсаткичларда аҳвол деярли ўзгармади. Қашқадарё аҳолиси, масалан, йил бўйи 12 кг гўшт билан кифояланишга мажбур бўлди, 70–100 кг лик кўрсаткичлар орзулигича қолиб кетди. Чунки қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантирмай, илм-фан, техника ютуқларини жорий этмай, замонавий, кучли технология на техника билан қуроллантирмай туриб, маккажўхори ва силос бериш билан молларнинг вазнини ошириб бўлмас,

ем-хашак муаммосини ҳал этиш амалда мумкин эмасди.

Карл Маркс хўжалиги ҳам пировард натижада, Шаҳрисабз гўшт комбинати билан боғланишга мажбур бўлади. Тафтиш давомида хўжалик кассири ва зоотехник Бурҳоновдан амалда йўқ моллар учун квиганция олганликлари маълум бўлади. 1960 йилда юз берган бу ҳолат учун 1962 йилда жавоб беришга тўғри келади. Туман раҳбарлари, айниқса, прокурор бу қусурнинг истисносиз ҳамма хўжаликларда мавжуд эканлигини жуда яхши билган. Сиёсий вазиятнинг эврилиши, «қўлга тушган ўғри» (қутулиб қолганлар – оппок) қабилида иш тутилишига сабаб бўлган.

1962 йилнинг 5 апрели оиласиз тарихида қора ҳарфлар билан ёзилган кун бўлиб қолди. Шу куни отам Равшан Қурбонов, кассир ва зоотехник қамоққа олинади. Ҳаммаларига бирваракайига ЎзССР ЖКнинг 10-15 йилни кўзда тутувчи 118-моддасининг 1-3 қисмлари билан айлов эълон қилинади. Туман прокурорининг нохолислиги, имкониятдан фойдаланиб қолишга уринганлиги судлар жараёнида очила борди. Эҳтимол, унга ҳам босим бўлгандир. Бобомурод Даминов 13 йилга ҳукм қилиндими, Равшан Қурбонов жазо муддати ҳам шундан кам бўлмасин, деган кўрсатмалар бўлмаганлигини ким далолат этади? Совет судларининг қонунга эмас, юқорига бўйсунishi исботга муҳтоҷ эмас ҳақиқат-ку. Қамоққа олингандаридан кейин уч-тўрт ой ўтиб, суд бошланади. Анча чўзилган суд, отамга нисбатан қўйилган айловнинг, ЎзССР ЖКнинг 118-моддаси 3-қисмида кўзда тутилган жиноят моҳиятига тўғри келмаслиги, уни тасдиқлайдиган далиллар мавжуд эмаслиги, шунингдек, Б. Ниёзов ва А. Равшановларга нисбатан ҳам жазо чоралари қисман ошириб юборилганлиги сабабли, охир-оқибатда, ишни қайта терговга юборди. 1962 йилнинг 4-8 октябр кунлари иккинчи суд жараёни бошланади. Тафсилотларни бошқа вақтга қолдириб,

суд ҳукмидан отам ишига доир қисмини келтириш билан кифояланаман:

«З. Қурбонов Равшан Қамаши район Карл Маркс колхозида правления раиси бўлиб ишлаб, 1960 йил иш даврида Шахрисабз район мол сўйиш пункти мудири Бурҳонов билан жиноий муносабатда бўлиб, колхоз гўшт топшириш планини бажариш юзасидан колхознинг кассири Ниёзов, зоотехник А.Равшановга колхоз пулини бердириб, Бурҳоновдан гўшт сотиб олишини буюрган. Ниёзов, Равшановлар эса колхоз учун Бурҳоновдан 352 бош – 16736 кг оғирликдаги қўйни олиб, гўшт мажбуриятига топширилди қилиб, колхознинг эски пулда 221 000 (22 100 – П.Р.) сўмини Бурҳоновга беришга йўл қўйганликда, қалбаки иккита квитанция билан давлатнинг 123623 (12362,3) сўм 40 тийин пулини колхозга ўтказиб олган, деб тергов органи айблаб судга берган.

Суд мажлисида унинг бу жинояти тасдиқланмасдан, қўйидагича аниқланди:

Қурбонов Равшан Карл Маркс колхозида правления раиси бўлиб ишлаш даврида ўз вазифасини суиштешмал қилиб, давлатга гўшт топшириш мажбуриятини колхознинг ички ресурслари билан бажариш ўрнига, З сентябрь 1960 йил куни қарор чиқариб, сотиб олиб гўшт бажаришни топширган ва комиссия ташкил этган. Бу мол сотиб олиш комиссияларининг ишини контрол қилмаган, унинг контролсизлигидан фойдаланган Ниёзов, Равшановлар эса гўшт сотиб олишининг осон йўлини ахтариб, Шахрисабз район мол сўйиш пунктининг мудири Бурҳонов билан келишиб, қалбаки ҳужжатлар олишиб, ўзларининг жавобгарлигига бўлган колхознинг пулини қасдан бошика шахсга бериб, ўзлаштириб кетишга йўл қўйганлар. Қурбонов эса Ниёзов томонидан топширилган ҳужжатларни текшириб кўрмасдан, қўл қўйиб бериб, колхоз бухгалтериясидан чиқимга чиқаришни буюрганлиги аниқланди. Унинг бу жиноий ҳаракати

ЎзССР ЖКнинг 149-моддасига тўғри келади. Чунки, Курбонов Бурҳонов билан келишганлигини исботловчи суд ишида далил йўқ.

Бундан ташқари айбланган Ниёзов ва Равшановлар тергов ва суд мажлисидағи сўроқларида Бурҳоновдан товарсиз квитанция ҳужжатлари сотиб олганлигини, гўшт сотиб олинган деб айтилганлигини баён этдилар. Шундайин ҳолда, уни ЎзССР ЖКнинг 118 моддаси, З-қисми билан айблаш учун етарлик асос ўйқ деб топилди.

Суд мажлисида Ниёзов ва Равшанов қилмиш жиноятларига қисман иқрорлик билдиришиб, колхознинг гўшт топшириш планини тезроқ бажариш учун шу ишини қилганликларини, Бурҳоновдан сотиб олинган ҳужжатни ҳақиқий деб ўйлаганликларини, аммо бирон бош қўй олиб бориб топширмаганликларини, ишининг ичидаги 224-240-варақасидаги ҳужжатларни ўзлари тузиб, ундаги шахснинг имзоларини қалбаки қилганлигини, бу аҳволдан колхозни собиқ раиси Қурбонов хабарсизлигини баён этдилар. Уларнинг бу баёнотлари ишдаги тўпланган материаллар билан тасдиқланди.

Қурбонов суд мажлисида қилмиш жиноятига иқрор бўлмасдан, бу операциялардан хабарсизлигини, аммо гўшт топшириш планини бажариш учун колхозчилардан мол сотиб олишини буюрганлигини баён этди».

Хўжаликнинг уч йиллик молиявий ҳолати тафтиш баённомасида раиснинг бир тийинлик камомадга йўл қўймаганлиги, уй-жойларнинг қонуний асосда курилганлиги, «Волга» машинасининг иш ҳақига сотиб олинганлиги рад этиб бўлмайдиган далиллар сифатида қайд этилган зди. Гўшт режаси ва унинг бажарилишида йўл қўйилган қусурлар аниқ кишиларга таалуқли бўлганлиги суд ҳукмидан келтирилган парчада очик-оидин кўриниб турибди. Отам хўжалик раислигидан бўшатилгандан кейин, орадан олти-етти ой ўтиб,

учалалари биргаликда қамоққа олинганлар. Учалала-рига ҳам 118-модда ва унинг 2,3-қисмлари дастлабки айблов сифатида қўйилган. Бердиёр Ниёзов ва Авлоқул Равшановлар инсофли ва диёнатли кишилар бўлганлигига қойил қолмай бўлмайди. Уларнинг йўқотадиган нарсалари йўқ эди, «Раис буюрган, шундай қылганмиз», деб оёқ тираб олсалар, ким нима дерди? Аксинча, улардан айнан шундай қўргазма беришилик қаттиқ туриб талаб қилинган. Биринчи суд жараёнида ҳам улар «Раис бу ишдан хабарсиз эди», деган жавобларини ўзгартирганилар. Оқибатда, суд бузилишга, қайта тергов ўтказилишига мажбур бўлинган. Қайта олиб борилган тергов жараёнида терговчи ўзгартирилган, аммо натижা аввалгича қолган. 1962 йил октябрь ойининг 4-8 кунларида бўлиб ўтган суд мажлисида, дастлабки терговда қўйилган, камида 15 йилни кафолатладиган 118-модда ва унинг 3-қисми бекор қилиниб, 149-модда – мансаб вазифасига совуққонлик билан қараганлиги айблови зълон этилади ва отамни З йил озодликдан маҳрум этиш ҳукми ўқилади.

1962 йилнинг 6 апрелида мен Самарқандда, университетнинг тўртинчи курсида таҳсил олаётгандим. Отамнинг қамоққа олиниш воқеасидан мутлақо бехабар бўлганман. Хабар берадиган киши ҳам бўлмаган. Оқработ массивига отамни орқа қилиб кўчиб келганлар тақдирнинг бундай тескари эврилишидан икки олов ўртасига тушиб қолганди. Даминов қамалишидан один қутуриш даражасига борган, ваҳшийлашган фанатлар, айтганимдек, бир кечада ўнлаб оиласларни қайтариб кўчиритириб кетган ва калондимоғлик билан, «Оқработда Равшан Курбоновнинг ўзи қолади, ҳаммани олиб кётамиз», деб айюҳаннос урган эдилар.

Тезда уларнинг попуги пасайиб қолади, Бобомурод Даминов ва яна уч-тўрт раҳбарларни урган, аёлларни ёқиб юбориш билан кўрқитган, машиналарини ағдариб ташлаган фанатлар қамоққа олинади. Шундай бўлса-да, кўчиб келган, Азлартепада, Еттиқудуқда,

Байрамда (Катта Дустберди) сийраклашиб қолган аҳоли, эҳтиёт шарт, кечалари навбатма-навбат қорувул туришган, жангарилашган собиқ қишлоқдошларининг босиб келишидан ҳушёр бўлиб туришган. Айниқса, бизнинг уйнинг теварак-атрофида Хушмурод Холбеков, Оқназар Эшонқулов, Нурмат Искандаров, амакиларим, Абдулла укам тунни тонгга улаб, бедор бўлиб турганлар.

Отам қамоққа олингандан кейин Оқработ эли (кўчиб келганлар ва шу жойда ўтроқ яшаб келган Узун, Қаҳат, Каптархона, Хўжа, Майда, Оқработ қишлоқлари) отамнинг ҳимоясига отланадилар. Улар, ултиматум кўйиш, пўписалар қилиш усулидан эмас, қонун доирасида иш кўриш йўлини танлайдилар. 1962 йилнинг октябрь ойи охирларида, суд ҳукми эълон қилингандан кейин, отамнинг гуноҳсизлиги ва озод бўлишига ишониб турган хўжалик аҳли унинг уч йилга кесилганлигидан қаттиқ норози бўлади. Отамнинг меҳнат фаолияти, хўжаликни кўтариши, аъзоларининг турмуш шароитини яхшилаш йўлидаги хизматлари, урушдан кейинги оғир йилларда фидойиларча раҳбарлик қиласиги, ҳалол раис бўлганлиги тўғрисида ариза ёзилади ва унга 200 дан ортиқ хўжалик аъзолари, оддий деҳқонлар, сувчилар, механизаторлар, чорвачилик соҳасида ишлаётган кишилар имзо кўядилар. «Партия XXII съезди» колхози аъзоларининг илтимосномасини илғор комбайнчи, 1940 йилдан трактор ҳайдаб, туманда танилган механизатор, Каптархона қишлоғидан бўлган Абдулла Хуррамов Термизга, вилоят партия қўмитасига олиб бориб топширади.

Бошга иш тушганда дўстлар синалар, қариндошуруглар ҳам ҳақиқий қиёфасини намоён этар экан.

2010 йил 9 май куни 89 ёшли Абдулла тоға Хуррамов билан сұхбатлашиш насиб этган эди. У киши ҳозир ҳам ҳаёт, 93 ёшга қадам қўяётилар. Абдулла тоғадан хатни Термизга элтиши воқеаларини тинглаб, юқорида айтганим хулоса беихтиёр хаёлимдан кечган эди.

Абдулла Хуррамов жамоа хўжалиги аъзоларининг қўллаб-куватлаши билан Термизга уч маротаба борган экан. Бир сафар борганида Термизда, вилоят партия қўмитасида масъул лавозимда ишлаб турган Шойимқул Райимкулов уйига тушади. Шойимқул Райимкулов Абдулла тоганинг холасининг қизига уйланган бўлади. Шу сабаб, уни эш тортиб, уйига борган экан. Абдулла тога, Термизга келиб, сарсон бўлиб юриши сабабини айтар экан, «Сиз Раишан Курбонов билан дўст эдингиз, бир майизни бўлиб егансизлар, ўғлининг тўйида хизматингиз катта бўлган, энди бошига иш тушиб турганда, бир ёрдамлашиб юбормайсизми? Мени обком котиби олдига киритишда ёрдам беринг, у ёгини ўзим эплайман», дейди. Абдулла тоганинг бу гапига у, «Шу қуччи ниманг бўлади ўзи, бунча куйиб-пишасан», деб жеркиб беради.

Ўша давр раҳбарларида ўзлик, миллат деган тушунчалар ана шунаقا, «қушчи, сарой, манғит, жуз ...» деган эски қаричлар билан қийматланарди. Агар уруғни суриштирадиган бўлсалар, отам ва унинг авлодаждоди 92 ўзбек уруғининг жуз тармоғига мансуб эканлигини айтиш жоиз бўларди.

Отам қамоққа олингандан бир қанча вақт ўтиб, 1 май арафасида Элмурод Курбонов билан Самарқандан қишлоғимизга бирга қайтдик. Уйга кириб келганимда юз берган ҳолатни тасвирлашга юрагим чидамайди. Бу воқеанинг кечганига ярим асрдан ошган бўлса-да, кўз ўнгимда ўша манзара бор бўйича жонланиб туради.

Уйимиз дарвозасига иккита тахта қўндаланг қоқилиб, очилмасин учун михлаб ташланганди. Деразаларда парда йўқ, ойналар синган, гўё фронт худудида ташлаб кетилган бинодек ҳувиллаб ётарди. Сингилларим дарвоза олдида ҳайрон ва қўнглим вайрон бўлиб қотиб турганимни узокдан кўришиб, «акажон, акажон», дея чопиб келдилар. Зайнабой ҳам, Ойшаой ҳам ҳўнграб йиғлардилар. Ичим тўқилиб, эзилиб, сув бўлиб

оқиб кетдим. Уларнинг ортидан Нарзулла укам етиб келди. Унинг ҳам кўзлари ёш билан тўла эди. «Юринг, ака, – деди у қўлимдан ушлаб. Бизлар ортиқ бу ерда яшамаймиз. Ўйимизни тортиб олдилар, отамизни қамоққа олиб кетдилар». Отам тўғрисида ёзилган фель-етонлар, танқидий мақолалар қандай якун топаркан, деган ўй юрагимни кемирарди. «Муштум»да, «Литературная газета»да Олим Кўчкорбеков, Одил Ёкубовлар чиқарган мақолалардаги важларни тухта тортолмасди. Мақолалар буюртма асосида ёзилган бўлиб, бу ёзгувчиларнинг бирортаси ҳам қишлоққа келмаган, ҳаёт ҳақиқати билан танишмаган эдилар. Даиллар қаердан олинди, Равшан Қурбонов Самарқандда ўқийдиган ўғлига дангиллама уйни қандай сотиб олган – бу тўғри гапми, улар анигини билиб ёзган эдиларми?

Тўртинчи курсда ўқиётганимизда умумий фанларни бирга тинглайдиган, рус гуруҳида таҳсил оладиган дўстим Андрей Шчек бир куни дарсан кейин қўлимга «Литературная газета»ни тутқизди. Унда Одил Ёкубов отамнинг шаънини булгайдиган, куракда турмайдиган туҳматларни роса қалаштирган экан. Унинг отамга хусумати бўлган деб ўйламайман. Борди-ю, яхшилаб тушунтирилганда бормиди, у «Равшан Қурбон чўлни ўзлаштиришга бел боғлаган, авлод-ажходи ўрнашган тарихий ерни ташлаб, саҳрода янги қишлоқ – турар-жой барпо этган», дейиши ҳам мумкин эди. Мусиқани, одатда, қандай буюртма бўлса, шунга мослаб чаладилар. Одил Ёкубов билан бир сафар Жейновда, Муродилло Саидов маданият саройида, «Жейнов тарихи» китобимиз тақдимотида учрашиб қолдик. У, менинг кимлигимни билганидан кейин жуда мулзам тортди. Равшан Қурбонов фельетонимдан кейин таомомила қуриб, йўқ бўлиб кетган бўлса керак, деб шишиб юрган одамнинг бирданига шалвираб қолиши чатоқ бўларкан. Мен асло таъна қилмадим, ҳатто, эътибор ҳам ажратмадим. Лекин, кексайтан одам шунча-

лик ичдики, баъзи ичишда машхур бўлган шоирлардан ҳам ўзиб кетди. Ёмон бир аҳволга тушди. Раҳматли Муродилло ака ҳам бундай бўлишини сира кутмаган бўлса керак, каловланиб қолди. Гап нимадалигини икки киши билардик. Янглишмасам, уни виждон азоби шу кўйга согланди.

Тўртинчи курсда ўқиётганимизда ижарада туришга тўғри келган эди. Курсдошим ва дўстим Исомиддин Исломов ва Савдо институтида талаба бўлган яна бир бешкентлик ошном Акрам Тилаков учаламиз Самарқанднинг эски шаҳаридан, Садриддин Айний музейига яқин Иттифоқ кўчаси, 17-уйдан кичик бир болохонада ижарада тура бошладик. Бир куни бекамиз, дарсдан келсан, ёши эллиқдан ўтган, шляпали, кўлида ҳасаси бўлган бир киши келганлигини, уйни қачон ва кимга, қанча нархда сотганликларини сўраб-суриштирганигини, мен билан қизиққанлигини айтиб, мендан гина қилди. «Поёнжон ука, солиқчими деб қўрқиб кетдим, билсан у ҳамشاҳринг экан, уй сенинг номингдами, отанг номидами, шуни билай деб келган экан», деди. Афсуски, шунда бу гапга бовар қилмаган эканман. Бу воқеа тезда унутилиб кетди. Орадан уч-тўрт ой ўтиб, «Литературная газета»да лоп этиб танқидий мақола босида, мен дангиллама уй эгаси сифатида қаттиқ нишонга олинган эдим. Куп ўтмай, Қамаши тумани партия қўмитасидан текширувчи келди, у партия назорати қўмитаси бошлиғи Пирматов деган киши эди. Пирматов, табиийки, университетимизнинг партия қўмитасига учрашган, улар факультет партия қўмитасига ҳавола этишган. Факультетда, партия қўмитасининг котиби Жўра Ҳожиматов эди. Комиссия тузилган ва мени чақиритириб, аччик-чучук гаплар айтилди, Жўра Ҳожиматов, «Тўғрисини айт, уйни қанча пулга сотиб олгансанлар, оғзинг ошга етганда, бурнинг қонаб қолмасин, бола?!», деди Пирматовнинг олдида. Турган гапки, Самарқанд шаҳрида ҳеч қандай дангиллама уйим йўқдигини дадил туриб айтдим, текшириб кўринг, дедим.

Кўчамизга бордилар, маҳалла-кўйнинг оқсоқолларини чақирдилар. Бизлар ижарада турадиган уй кўримсиз, камбағал бир кишиники бўлиб, азбаройи, куни ўтмаганидан, каталакдай уйнинг болохонасини ижарага беришга мажбур бўлган эди. Шаҳар ижроия қўмитасига ҳам Пирматовни парткомимиз етаклаб борди, мен ҳам улар билан бирга юрибман. Ижроия қўмита уй олди-сотдиси билан шуғулланадиган идора раҳбарининг иштирокида Самарқанд шаҳрида Равшан Қурбонов ва Поён Равшанов деган шахсларномида уй мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома берди. Пирматов кетди, партком котибимиз мулзам бўлиб, оғир гап қилганидан хижолат бўлди. «Газетадаги танқид асоссиз экан, сени муҳокама қилмаймиз, ўқийвер, ука», деди. Унинг қаппайтан қорни негадир қўзимга балодай кўринган эди. У ўзининг шошқалоқлик қилганидан изтиробда эди, шекилли, то битиргунимча менга тилёғламалик қилди, ҳатто, илмий раҳбарим, профессор Ориф Икромов вафот этгач, академик Воҳид Абдуллаевдан ишимга илмий маслаҳатчи бўлишни илтимос қилган экан. Катта домламизнинг гапи билан, мен бу ишга рози бўлган эдим.

Отамизни бадном қилиш анча олдиндан, катта доираларда пишитилган эди. Бу ишда Бобумурод Даминов Тошкентга ишга ўтган Шомурод Сиддиқовдан фойдаланади. Одил Ёкубовни унатиш унинг зиммасига тушади. Шомурод Сиддиқов отадан эрта айрилган, ночор оиласдан эди. Сингиллари ва онасини боқиши осон иш эмасди. Мактабда яхши ўқиган уч-тўртта йигитлар жамоа хўжалиги бошқаруви, аниқроқ айтсан, отамнинг ташаббуси билан олий ўқув юртларига ўқишга юборилган, ўқишга кириш насиб этганлар орасида Шомурод Сиддиқов ҳам бўлган. Олийгоҳни битиргунларича талабаларга ёрдам қилиниб турилган, оиласларига моддий кўмак, дон-дун берилган. Шомурод Сиддиқов рўзгори ҳам бундан мустасно эмасди. У, олийгоҳни битириб келганидан кейин мактабимиз-

да бир йил ишлади. Кейин билмадим, ўқитувчилар билан чиқиша олмадими, Тошкентта кетди. Газета-журналлар таҳририягларида ишлаб юрди. Охирги иш жойи «Гулистон» журнали булган эди. Унинг Одил Ёқубов билан танишлиги Бобомурод Даминовга қўл келади, «фактларни» у тўплайди, Шомурод Сиддиқов уларни Одил Ёқубовга узатади. Фельєтон ва танқидий мақолалар шу тариқа, қўлма-қўл бўлиб, дунёга келади...

Тортаб олинган уйимиз олдида мунгайиб туардим. Сингилларим Самарқанд нони солинган тўрхалтамни кўтариб, «Ака, юринг», деб, кўчиб ўтган уйимизга бошлиашди. «Уйимиз» деб шартли равишда айтиётирман. Прокурор ва унинг терговчилари отам қамоқча олинган 1962 йилнинг 5 апрелидан икки кун ўтар-ўтмас, уйимизга келиб, катта тинтубни амалга оширадилар. Қишлоғимизда ваҳима бўлиб кетади: эшик, дераза, ҳатто молхона дарвозаларига қадар милиционерлар кўйиб ташланади, гувоҳлар олиб келинади. Кўчамиз одамга тўлиб кетади. Уларнинг орасида битта-яримта томошабин бўлган бўлса, бордир, лекин асосий кўпчилик хайриҳоҳлик ниятида етиб келганлар.

Тинтуб, албатта, касбий маҳорат билан бажарилади. Отамиз йигирма йилга яқин кичикдан йириклишган, қолоқдан илғорлик даражасига кўтарилган хўжаликда раис ғарбий ғарбий, бойлик, дунё йиғмаган эди. Биз, фарзандларини ҳам тамкин ҳаёт кечиришга одатлантирган, раиснинг ўғлимани деб керилиш, бошқа болалардан, ҳатто кийим-кечакда ажралиб туриш бизларга ёт эди. Самарқандда, университетга ўқишга кириш учун қирқ кунга яқин Шура холанинг кулбасида имтиҳонларга тайёргарлик кўрганимизда Яккабогнинг Сандал қишлоғидан, мактабни олтин медал билан тамомлаб борган Кўйли Хуррамов билан бирга турганимиз. Беш йил бирга ўқидик, у ҳам, мен ҳам университетни имтиёзли диплом билан тамомладик. Кўйли билан қадрдан дўст бўлиб қолдик, кейинги ҳаёт йўли-

миз ҳам бир жамоада – Қарши Давлат педагогика институтида – университетда кечди. Иккимизга ҳам олимник рутбаси насиб этди. Кўйли, талабалик давримиздан гап очилгудай бўлса, «Абитуриентлик давримизда Поённинг отаси раис эканлигини мутлақо билмаганимиз, биз қандай яшаган бўлсак, у ҳам шундай кун ўтказган эди», дейди.

Прокурор бир соат ичида уйни бўшатиб қўйиш буйругини беради. Уйимиз олдида турган, Абдулла укам талаба бўлгандан бери (у Самарқанд тиббиёт институти талабаси бўлган, иккинчи курсда ўқиётган эди) минилмай ётган кўк рангли «Волга» ни эса судратиб, жамоа хўжалиги омборига олиб бордиртириб қўяди. Онам, саккиз бола билан кўчада қолади. Энг кенжা укам Тўлқинбой ҳали бир ёшга ҳам тўлмаган, онамнинг қўлида эди. Гиламлар, кўрпа-тўшаклар бирин-кетин кўчага чиқарилиб, уйиб ташлана бошлайди. Билишимча, прокурорнинг ҳам оиласи катта, бола-чақаси кўп эди. Отамнинг авж даврарида улар қалин дўст эдилар. Қамаши туманида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидан Аҳмад Кўчқоров деган судья ишларди. Яхши одам эди. Улар иккаласи ойда камида бир марта меҳмон бўлишар, тонготар суҳбатлар қуришарди. Шундай меҳмончиликларнинг бирида ўғил укачам дунёга келади. Шу дўстлик ҳурмати, унга Нарзулла деб исм қўйилади. Прокурор уйимизни бўшатиб қўйиш ишига бошлиқлик қилиб турганда, унинг адаши бўлган укам ўн бир ёшга тўлаётган эди. Тақдирнинг бу мазахларига, кинояларига қаранг-да.

Қариндош-уруғларимиз, кайвонилар бу бедодлик олдида ожиз эдилар. Бирор кас, «Суд ҳукми ўқилгани йўқ-ку, судга қадар бола-чақалар уйда туриб турса бўлади-ку?», дея олмаган. Кўч-кўронимиз кўчада яйраб қолганда, тинтувчилар «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги меҳмонхонасида раис Довуд Сиддиқов бераетган зиёфатда еб-ичиб, қилгани ишларидан мак-

таниб, бир-бирига сўз бермай, узоқ майшат қилади-лар.

Отамнинг бўласи, биздан бир-икки уй нарида турувчи Оқназар Эшонқулов дараҳт соясида чақалогини овутиб, қолган болаларини ёнига олиб ўтирган онамнинг ёнига келиб, «Чеча, бизларни кечиринг, – дейди икки кўзидан шашқатор ёши оқиб, – бизлар раис бова берган нон-тузни оқлай олмадик. Бундан кўра, ўлим афзал эди. Лекин кўлимиздан нима келади? Сиз энди раиснинг ўрнини босасиз, болаларингизга бош бўласиз. Мен уйимни бўшатиб бераман, унга ўтасизлар. Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деган яхшилар. Раис бованинг, насибки, юки ерда қолмайди, қаторда нори қўп, эрта-индин фарзандлари одам бўлади, ҳаммаси ортда қолади, бу кунлар ўтади».

Оқназар бўланинг бу қарорини қишлоқ одамлари байрамдай кутиб олади. Бир зумда Оқназар бўла (унинг аёли отамнинг жияни – Иқбол аммам эди) рўпарадаги бўш турган уч хонали уйга кўчади, йифилган одамлар нарсаларни ташиб беради. Шу инсонлар бизнинг кўчада ётган кўрпа-тўшакларимизни ҳам элтиб берадилар. Оқназар бўла бўлмаганда, ким бу мардликни қиларди, деб ҳозиргача ўзимга савол бераман. Янги қишлоғимизда нима қўп, бўш турган уйлар қўп эди. Даминов қуткуси билан бир кечада кўчиб қайтиб кетгандарнинг уйлари хувиллаб ётарди. Шубҳасиз, шуларнинг бирига кўчиб ўтишимиз, ҳойнаҳой, ман этилмаганди. Отамнинг укалари, жиянлари ҳам бор эди, лекин ўша машъум кунда уларнинг Оқназар бўла қилган жўмардликка журъатлари етмаган эди.

Нурмат Искандаров отамнинг амакиларидан, иккинчи жаҳон урушида қатнашган, элнинг кайвонилидидан бири, кўп йиллардан бери бригада бошлиғи бўлиб ишлаб келарди. Содик ва садоқатли инсон эди. Шу асарни ёзаётган кунларимда, 2013 йилнинг августи бошларида рафиқам Садаф Азимова бир гапни айтиб қолди. 1962 йилнинг апрелида таҳликали воқеа-

ларни бошдан кечирган аёлим шунча воқеалар бўлиб ўтгандан кейин бирор марта бу тўғрида оғиз очмаган эди. Унинг айтишига қараганда, ўша тинтув ўтказилган кунда Нурмат амакимиз қишлоқ бригадири сифатида чақирилган. Ота-онам, укаларим уйнинг ўнг қанотида истиқомат қиласдилар. Келин-куёвга – бизга уйнинг чап томонидаги тўрт хона ажратилган эди. Биз, амалдаги қонунга биноан, алоҳида оила, рўзгор ҳисобланардик. Ота-онамлар яшайдиган қисм тинтув қилингач, навбат биз турган қанотга ҳам келади. Шу оралиқда Нурмат амакимиз хотинимга, «Садаф, чиқарарадиган нарсанг бўлса, тез отангникига олиб бориб яшир, булар ҳеч нарсани аямайди», дейди. Хотиним бир амаллаб, келинлик сепини рўмолга ўраб, олиб чиқади. Биз тарафдаги эшикни қўриқлаб турган милиционер, амакимиз бирон нарса деган бўлса керак, ўзини кўрмасликка олади. Тинтувдан қутқарилган нарса шу, икки-уч кўйлак, уч-тўрт рўмол бўлади. Милиционерлар орасида ҳам бу ёвузылдан кўнгли қайтганлари бўлган. Қолаверса, жамоа хўжалигининг мол сотиб олиш билан боғлиқ фаолиятига янги рўзгор бўлган бир талабанинг нима дахли бор ва унинг уйини тинтув қилишига ижозат бўлганмиди?

Мен, Ватанимиз мустақиллигидан кейин, Қизил истибдоднинг Қашқа воқасида ўтказган қатағонлари тарихини синчилаб ўргандим. 1929 – 1937 йиллар давомида элимиз бошига тушган кўргиликлар олдида, бизники ҳолва эди. Бунга қаттиқ ишонч пайдо қилдим. Уч жилдли «Қизил салтанат исканжасида. Тажовуз. Истибдод. Қатағон» деган китобларни нашр этдирдим. Қулоқ қилинган, моли-ҳоли тортиб олинган, уй-жойидан ҳайдалган, олис юртларга бадарга этилган, қамалган, отилган юртдошлиарим сон-саноқсиз эди. Уларнинг аксар қисмини қариндош-урулари, инсофли, диёнатли кишилар ўз бағирларига олганлар, сомонхоналарини бўшатиб бериб, қишдан олиб чиқканлар.

60-йиллар бошида бу қатагон яна бир карра бош күтариб, ўз домига ҳалол, бегуноҳ, сидқидилдан хизмат қилган кишиларни тортиб кетди. Отам Н.Хрущев даврининг, унинг қишлоқ хўжалигида бошлаган, охиригача ўйланмаган «ислоҳоти» қурбонларидан бири бўлган эди. Гап менинг уйим тинтувига келадиган бўлса, ижозат берадиган прокурорнинг ўзи бош бўлиб, бедодликни амалга ошираётган бўлса, бу борада тўсиқ, истисно бўлиши мумкинмиди?

Онамнинг олдига борар эканман, нима деб гапиришни, қандай қилиб далда беришни билмасдим. Оҳ, онажоним, онажоним-а. Мен кирганда, кенжа укам – Тўлқинбойни беланчакка белаб, ухлатиб турган экан. Мени кўриб, гўё ҳеч нарса бўлмагандай, кулимсираб гапирди: «Поёнжон, келинг, – деди, – бўлади-да, ўғлим, бир терида қўй неча бор озиб, неча бор семиради. Пешона, қисматимизда шу бор экан».

Онамни қучоқлаб олдим, узоқ вақт қўйиб юбормадим, қўйиб юборсам, йиқилиб тушадигандай туюлди. Иккаламизнинг ҳам, ёнимизда анграйиб турган сингилларим ва укаларимнинг ҳам қўзларимиз жиқقا ёшга тўлган эди. Онам ўзини тутиб олиб, «Бўлди, йигламантлар, бизни йиглатганлар йигласин энди», деди. Ўқишларимни сўради, «Абдулла уканг яхши юрибдими, қийналмаяптими, энди унга қийин бўлади-да», деб бош чайқади. Мен бу сўзлардан, «Энди, укангни ўқитиш қандай бўлади?» деган маънони англадим ва юрагим эзилиб кетди. Онажоним, менинг муnis она-жоним-а...

Бирдан болалигимни эсладим.

Отам Майда қишлоғида мактаб мудири бўлиб ишлар, онам мен бир ёшга тўлар-тўлмас, далага чиқиб кетган эди. Шоҳи момом мени олиб қолар, беланчакка солиб, урчуқни эрмак қилиб ўтиради. Тўрт ёшга тўлганимда Шоҳи момом оламдан ўтди. Кейинчалик, онамнинг ҳикоя қилишича, момом деб, роса йиглаган эканман. Бир уй тўла кампирлар ёнига бир-бир бо-

риб, «момом эмас, момом эмас», деб йиғлаб қайтиб чиққан эканман. Бу 1944 йил кузидан бўлган. Шу йилнинг 25 ноябряда укам Абдулла дунёга келган. Оддинроқда айтганимдай, унинг туғилиши отамнинг туман ижроқўми раисига муовин бўлиш пайтига тўғри келган. Укам туғилгандан кейин онамнинг жамоа хўжалиги ишига чиқиши қийин бўлиб қолади. Дуйнахол аммам ҳам ёш болали бўлган, унинг Ойимгул деган қизалори қўлида эди. Бригадирлар қисталанг қилиб, ишга чиқинглар деб келаверган. Бир куни бириси, иккинчи кун униси ишга бориб, бири уйда болаларга қараб турганлар. Бригадирлар ҳам шунга рози бўлганлар. Нима бўлади-ю, онам мени уйда қолдириб, эшикни маҳкам ёпиб кетади. Дераза эса очик қолади. Ишга кетаётган онамнинг ортидан йиғлаб юрганим ёдимда. Пахта чопиги вақти экан. Онам камзулини ечиб, дарахт соясига тушайди-да, мени ўтказиб қўйиб, чопикини давом этдиради. 1947 йилга қадар аҳвол шундай давом этган эди. Қачонки, отам «Ижтимоият» жамоа хўжалигига раис бўлгач, бригадир онамни ва аммамни ишга қистаб келмайдиган бўлди. Энди, улар пиллада ишлай бошлайдилар. Бу, ҳарҳолда, мавсумий иш бўлиб, ишнинг қийинчилигига қарамасдан, уйда бажариладиган юмуш эди.

Онажон, биз учун баҳтли, сиз учун оғир бўлган болаликдан опичлаб, шу даражага олиб келдингиз, оқ ювиб, оқ тарадингиз. Отам раис бўлгандан кейин ҳам сизга осон бўлмаган. Ортиқча нарсамиз бўлмаса ҳам, топганимизни қишлоғимиз билан баҳам кўрардик. Дастурхонимизда нон, патир бўларди. Аммалар, холалар, қишлоғимиз аёллари уйимизни бирор кун ҳоли қолдирмасди. Шоҳи момом вафотидан кейин Мулло Курбон бобом Омон момо деган аёлга уйланган эди. Омон момомиз меҳрли, мулоим аёл эди. Ойдин номли 10-12 ёшли қизи ҳам бирга келганди. Онам улар билан чиқишиб кетган, ҳеч бир нари-бери қиласди. Жамоа хўжалиги довруғи орта боргани сари, келим-

кетим ҳам кўпайган, кун ора меҳмонлар кутиларди. Аёллар жуда мувофиқ эдилар. Баъзи рўзгорларда, яхши билардим, қайнона билан келин иту мушук одатини намоён қилур эдилар. Онам ўзига кўйлаклик мато олдирадиган бўлса, албатта, сингилларим, Омон момо ва унинг қизига бир хилда буюртма берарди. Абдулла укам у кишининг айтганидан ҳам зиёда қилиб, Шаҳрисабздан хил-хил шоҳи, сатинлар олиб келарди.

Оқназар бўланинг уйида, биз мажбур бўлиб ўтган ҳовли саҳнида, супада укаларим ва сингилларим ухлаб қолишгандан кейин ҳам онам билан гаплашиб ўтиридик. Сингилларимнинг бўйи етиб қолган, укам Нарзулла ҳали ёш, нима қилиш керак, деган савол, уйдан чиқарилиш ранжидан ҳам кўра, менга тинчлик бермаётган қийиноқли муаммо эди. Онамга, ўқимай кўя қолсам, ёки ўқипимни сиртқига ўтказсам, қабилида, кўнглимдан кечган гапни айтдим. Онам анча вақт ерга қараб, ўйланиб қолди. Анчадан кейин, кўз ёшини рўмоли учи билан артди: «Йўқ, ўғлим, – деди, – одамлар нима дейди, фалончи боласини колхознинг пули билан ўқитиб юрган эди, энди иложлари келмай қолди, демайдими?» Онам жавобимни ҳам кутмай, «Биз оч бўлсак ҳам, тўқ бўлсак ҳам, ўқишингизни тугатасиз, ўғлим, – деди, – сигиримиз, бир-икки қўйимиз, яна пулга борадиган у-бу нарсаларимиз бор, иложи топилар».

Май байрамида келиб, уйда ҳафта қолиб кетишим қариндошларимизда хавотир уйғотган эди. Ҳаммадан бурун Хушмурод Холбеков деган хешимиз келиб, онамдан нега Самарқандга жўнамаётганимни суриштирибди. Хушмурод Холбеков уруш қатнашчиси, фронт заҳматлари сабаб, соғлиғи унчалик яхши эмас, Самарқандда кўп йиллар даволаниб, ўша ерда уйланган, Абдулла исмли бир ўғли ҳам бор эди. Отам уни, кўз олдимда бўл, деб қишлоққа олиб келган, фермага мудир қилиб қўйган эди. Самарқандда яримжон одам-

та күн кечириш осон бўлмаган. Самарқандлик аёли тугруқ пайти оламдан ўтади, чақалоқ унинг опаси кўлида қолади. Ватани бузилган, ора йўлда қолган қариндошини отам оғир бир пайтда ёнига олиб келади, уй қуришига, уйланишига ёрдам беради. У болали-чақали бўлиб, яхши ҳаёт кечира бошлайди. Отамнинг хешга ҳам, дарвешга ҳам, яқинга ҳам, узоққа ҳам бир нафи теккан. Уруш йилларида нима кўп жамоа хўжалиги кўп, нима кўп жамоа хўжалигининг раиси кўп эди. Битта бригада ўша йилларда битта жамоа хўжалигини ташкил этарди. Қишлоғимизнинг ўзида ҳам тўрт-бешта раислар бўлган. Одамлар уларнинг ҳам раислик йилларини унуган эмаслар. Майшатбозлик, урушга кетгандарнинг хотин-халажини йўлдан уриш, ишга кечикканларни қамчи билан савалаш... Бари бари одамларнинг ёдида. Бугун уларнинг руҳларини безовта қилиб, исми шарифларини тилга олиш жоиз эмас.

Отам туманда, қишлоқ шўросида, жамоа хўжалигида раҳбар бўлиб ишлаган ўттиз йиллик фаолиятида бирорнинг ҳалолини ҳаром қилмаган, каттами-кичими ранжитмаган, бурнини қонатмаган эди. Ундан олдинги раислар машоқ териб, бир кило-икки кило арпа ё буғдойни халта солганларни тутиб бериб, қаматиб юборганлар. Чақалоқнинг чопони учун ярим кило пахтани чигитлагани учун жавобгар қилдирганлар. Эл яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам асло унутмайди. Қишлоғимиздан, Азлартепа ва Еттиқудуқдан кўчиб келган аҳоли оиласиз бошида қора кунлар айланган кезларда бизни ташлаб қўймади. Эшмамат Исқандаров, Нурмат Исқандаров, Оқназар Эшонқулов, Хушмурод Холбеков, Мавлон бобо Ражабов, Баҳрин Эрданаев, Норбой Эрданаев, Чориёр Мардонов, Амир Ҳўжаев... Улар кўпчилик эди. Равшан Қурбонов раисликдан бўшагач, улар олдинги юртларига қайтиб кетишлари мумкин эди. Лекин, кўчмадилар, отамни деб, унинг яхшиликлари хурмати деб, яшаб қолдилар. Кези кел-

тәнлиги учун мен бу садоқатли, бир сүзли, мәрд ва жасур юртдошларимга чуқур миннатдорчилік изҳор этаман ва таъзим бажо келтираман. Улар билан ҳали ҳамон алоқаларимиз мустаңкам, түйларда учрашамиз, борди-келди қиласыз. Мен юқорида айтаётганим гап-сүзларни улардан эшигтанман, ҳикояларига, нақларига гувоқ бўлганман. Уларнинг исталган биридан сўранг, бу ҳақда мендан кўра, маънилироқ, мукаммалроқ сўзлаб берадилар. Чунки, улар ўша йиллардаги воқеаларнинг жонли гувоҳлари бўлганлар, турли азиятларни ҳам чекканлар.

Хушмурод ака мени чақириб олди-да, «Поёнбой, ўқимайман дебсан, шу ростми?», деб сўради. Мен жавоб қайтара олмадим. У менга кўп насиҳат қилди. «Сен уйни, онангни, укаларингни ўйлама, – деди у, – бунинг чорасини ўйлаб қўйганмиз. Ҳеч кимдан сизларни кам қилиб қўймаймиз, шу эсингда бўлсин», деди у туроётуб. Негадир, бу гаплар далда бўлмаганди. Бор пулилизни, машинамизни, мол-ҳолимизни, гиламларимизни олиб кетишган бўлса, бу ёрдам қиласман деётгана-римиз бир кун қарашар, учинчи кун нима бўлади, деган андиша сира ором бермасди. Дарсларга қатнашмаёттанилигимга ҳафта бўлаётган эди. У ёқда Абдулланинг аҳволи нима кечди, пулимиз тутаб, уйдан ҳар сафаргидай майдада-чуйда, майиз, ёнғоқ, пул олиб кетиш учун келган акаси қишлоқда қолиб, тўртинчи курсда университетини ташлайман деб ўтирган бўлса?! Шанба куни эди, қайнотам Абдураҳмон Азимов уйига чақириб қолди. Меҳмон қилди, кўнглимни кўтарди, «Яхшилар ҳамиша синовни бошдан кечирадилар, бу кунлар тезда ўтиб кетади», деди. У бир йўлинни қилиб, Қарши турмасида отамни кўрган экан. Отам, «Зинҳор-базин-ҳор Поёнбой кўнглини бузмасин, мен жиноятчи эмасман, колхознинг бир сўмини еган эмасман, одил суд тез орада мени оқлайди», деган экан.

Отам, воқеадан хабардор бўлгач, менинг ўқишдан кўнглим совушини сезган, ўғлим уйни, укаларини

ўйлаб, онасига ёрдам бериш учун қолади, деган фикрга келган ва юқоридаги гапни етказишни қайнотамга тайин қилган. Қариндош-уруғларимнинг насиҳатлари, отамнинг сўзи ўқиши бобида иккиланишларимга ўрин қолдирмади. Эртасига, якшанба куни йўлга чиқдим ва кечга яқин Самарқандга етиб бордим. Абдулла укам ва унинг курсдоши, фаргоналик Деконбой Регистонга яқин жойда ижарада туришарди. Уларнинг ёнига менинг ҳам кўчиб ўтишимга тўғри келганди. Абдулла укам Самарқанд тиббиёт олийгоҳининг биринчи курс талабаси бўлган пайтларида ҳам ҳали жуда нозик, бўйи унчалик ўсмаган йигитча эди. Энди, унинг талаба бўлиш тафсилотини ҳикоя қилишим фурсати етди.

* * *

1959 йил ёзида, 2-курсни тамом қилган пайтимизда гуруҳимиз Самарқанд вилояти қишлоқдари бўйлаб шевашунослик амалиётига чиққан эди. Менга Жўш қишлоғи тушганди. Бу жой ҳозирда Навоий вилояти таркибига киради. Жўшга «Кукурузник» (маккажўхори далаларига дори сепгани учун шундай аталган бўлса керак) деган қўшқанотли самолёт учарди. Қишлоқда келиб, биринчи дуч бўлган одамим Тошканбой деган киши бўлган. У қишлоқда кираверишдаги катта дўкон мудири эди. Танишиб, муддаомни айтганимдан кейин, дўконда ёрдамчисини қолдирди-да, мени шу яқин орадаги уйига олиб бориб, меҳмон қилди. Аслида мактабга боришим, келишув бўйича, у ерда жойлашишим зарур эди. «Мактабдан ҳозир ҳеч кимни тополмайсиз, укам. Менинида тураверинг. Менинг ҳам укам сизларда ўқииди, у тарихчи олим бўлмоқчи», деди Тошканбой ака. Имтиҳон-синовлар толиқтирган, йигирма кун давом этган сессия (йилда икки марта синов, имтиҳон топшириш кунлари шундай аталарди, бу вақтда дарслар тўхтарди) талаба учун ҳаёт-мамотдек гап эди. Бирой давомида Жўшнинг тофу тошларини, кўчаларини

кездим, аксар одамларни кида бўлдим. Ҳайратта солган нарса, бу қишлоқда қалин гилам тўқилар экан. Бу қишлоқнинг одамлари уруғини жузтурманилар, дейишаркан. Ўша пайтда мен ўзимнинг ота-боболарим уруғи жуз эканлигини билмаганман. Жузтурманилар ҳам 92 ўзбек уруғининг бир тармоғи бўлиб, жуздан тарқалган экан. Буни кейинчалик устозим Худойберди Дониёровнинг тадқиқотларидан билдим.

Қалин тўқиётгандар, асосан, хотин-халажлар эди. Истаган узунликда ва хоҳлаган кенглиқда тўқиши мумкин бўлган қалин гилами сермеҳнат, диққат талаб иш экан. Келинчаклар, ҳатто, чақалоқлар оғзига латтага бир чимдим нос солибми ёки кўкнорими, болани узоқ вақт ухлатиб кўяр эканлар. Жўш элининг шева хусусиятларини, меҳнат кўшиқларини, гилам тўқиши билан боғлиқ истилоҳларни эринмай ўнта дафтарга ёзив олдим. Амалиёт тугагандан кейин Тошканбой ака мени самолётга чиқариб, кузатиб қўйди. Узоқ вақт, сиртқи аспирантура таҳсили давом этган йиллар у киши билан алоқамиз давом этди.

Ҳисобот ва дафтарларни кафедрага топшириш учун кирсам, профессор Улуғ Турсунов билан аспиранти Абдумажид Аҳмедов ўтиришган экан. Талабалар, устозлар тиљунослик кафедраси мудирини «Улуғ домла», деб атардилар. Домла Кўқонда Қори Ниёзий мактабида сабоқ олган машҳур 13 қалдирғочнинг бири эди. Университетда, Самарқанд илмий-маданий жамоатчилиги орасида обрў-эътибори жуда баланд эди. Жуда чиройли, мияга жойлаб дарс берарди. Домламизни қаттиқ ҳурмат қиласадим, Улуғ домланинг мен билан муносабати яхши эди. Қиши вақтлари, ўша йилларда Шаумян деб аталган кўчадаги уйига элтиб кўярдим. Домланинг аёли Мукаррама опа эшикни очар экан, кўярда-кўймас уйга олиб киради. Суҳбатларнинг бирида маълум бўлдики, опанинг қариндошлири Қаршида яшар экан. Мен у пайтда Қаршини деярли билмасдим. Қаршига 1964 йилда ишга келганим-

дан кейин, Мукаррама опа яқинларидан бирининг «Кашкадаръинская правда» газетасида ишлашини аниқладим. Бу одам семиз, калласи катта киши бўлиб, Улуғ домланингуйида бир сафар учрашган эдик. Одам иси ёқмайдиганроқ киши экан, ўртамизда ришталар боғланмади. Мукаррама опани тилига, гапига қараб, татар аёли деб бўлмасди. Соф адабий ўзбекчада муомала қиласди.

Абдумажид Аҳмедов билан ака-уқадай эдик. У менинг ёзувларимни кўриб, жуда севиниб кетди. Ўша пайтда у Жўш шеваси юзасидан номзодлик иши бўйича изланишлар олиб бораради. Мен унга тайёр «хомашё» фамлаб келган эдим. Домламиз ҳисоботларга (бошқа курсдошларим ҳам топширишган экан) кўз югуртириб турганида, у чекишни баҳона қилиб, секин енгимдан тортди.

Абдумажид Аҳмедов Булунғур туманидан бўлиб, дилкаш киши эди. Бизлар ўқийдиган гуруҳ билан домлалар эҳтиёт бўлиб мулоқот қиласдилар. Дарсдан чиқариб юборилган ассистентлар, аспирантлар (бирорта каттароқ домланинг ўрнига кирган) бўларди. Абдумажид ака гарчи талабалар синовини бошидан кечирмаган бўлса-да, ҳаммамиз билан яхши эди. Кейинчалик фан докторлари, номзодлари, шоирлар, ижодкорлар, журналистлар жуда кўп етишиб чикқанлиги ҳам гуруҳимизнинг илмий салоҳиятини ёрқин англатиб туради.

«Поён, ука, Улуғ домла ҳар йили Қашқадарёга бориши ниятини билдиради, – деди Абдумажид Аҳмедов, – биласанми, у кишининг акалари Қашқадарёда райкомнинг биринчи котиби бўлиб ишлаган... Нима дейсан, олиб борамизми?» Мен, табиийки, бажонидил таклифга рози бўлдим. Шундан кейин Улуғ домланинг ҳузурига кирдик, Абдумажид, «Домла, бу йигит, шогирдингиз, сизни Қашқадарёга таклиф қилаётир», деди. Домла бир оз ўлланиб турди-да, «Боришим керак», деди. Бу сўзнинг моҳиятини кейинчалик, Қаш-

қадар ё вилоят ҳокимлиги архиви ҳужжатларини ўрганимда чуқур англаб етдим.

1959 йилнинг саратони, ҳали Оқработга кўчиши мизга вақт бор эди. Профессор Улуғ Турсунов ва Абдумажид Аҳмедов уйимизга меҳмон бўлиб келдилар. Катта меҳмондорчилик давраси ташкил бўлди. Чироқчидан туман ижроия қўмитаси раиси, қариндошимиз Саодат Ўтаев, Чиялнинг таниқли кайвонилари Тайлоқ Рўзиев, Рамазон Аликулов, раислардан Лапас Муҳаммадиев, Жуман Михлиев, Абдулла Юсуповлар Улуғ домла билан сұхбат қуриб, қизғин гурунг қилдилар.

Элимизнинг қонида меҳмондорчилик неча асрлар давомида бардавом бўлиб келади. Улуғ домла қишлоғимизга қадам қўйган Йилларда, Самарқандда ёки Тошкентда, Бухорода таҳсил оладиган талабалар таътилга келса, уйма-уй меҳмон қиласар эдилар. Аввал қариндош-уруғлар галма-гал уйларига чақирав, зиёфат охирида имкон даражасида түхфа ҳам бериларди. Аскар хизматдан қайтгanda ҳам шу янглиғ қадрлар эди. Меҳмондорчилик Дўстбердининг вужудига сингиб кетган эди. Бу удум Чиялда ҳам, исталган бошқа бир қишлоқда ҳам, шу мазмуну можиятга эга бўлиб келарди. Профессор Улуғ Турсунов уч кун уйимизда бўлганида, Қамаши ва Чироқчининг обрўли, таниқли кишилари у зот билан ҳамсұхбат бўлдилар. Улар уйларига қайтишларида Домлани қишлоқларига таклиф этдилар. Тайлоқ Рўзиев – Чиялнинг атоқли раҳбари Улуғ домлага Чиял бозорини таърифлаб, томоша қилишга кўндириди. Улар тарқалишгач, уйимизда Чироқчи тумани ижроия қўмитасининг раиси Саодат Ўтаев, отам Улуғ домла билан сұхбатлашиб ўтиридилар. Домла шу вақтгача айтишга чоғланган гапларини уларга илинди. Улуғ домланинг акаси 1935 – 1937 йилларда Чироқчи тумани партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган. 1937 йилнинг охирларидан эътиборан у киши билан алоқа узилган. Саодат Ўтаев, акаси ҳақида бирор хабар эшлиши илинжида бўлган домламизга, «Яхши

биламан, 1935 – 1937 йилларда Чироқчи партия ташкилотига Олимжон Турсунқулов деган киши Кўқондан келиб, раҳбарлик қиласан эди. Янглишмасам, 37-йилнинг охирларида бўлса керак, райком котиби ва ижроқум раиси Нодир Пардаевларни бир кунда қамоқча олиб, «Халқ душмани» деб эълон қиласан эдилар», деди. Шу гурунгдан кейин отамнинг «виллис»ида, улар Саодат Ўтаев изидан Чироқчига йўл олган эдилар. Саодат Ўтаев Чироқчининг 30-йиллар охирларида райком ва ижроқум бинолари бўлиб турган иморатларни домлага кўрсатиб, уларга олиб кирган, акаси ишлаган хонани ҳам кўрсатган эди. Отамнинг кейин ҳикоя қилиб беришича, Улуғ домла акасини хотирлаб унсиз йигланган экан. У акаси ишлаган хонада, стол олдида тиз чўкиб, ерни тавоғ қиласан экан. Бу билан, фаҳмимча, акаси изларини кўзига суртган.

2009 – 2011 йилларда Қашқадарё вилоят ҳокимилиги архивида 30-йиллар хужжатлари бўйича изланишлар олиб борган пайтимда, Улуғ домланинг акаси Олимжон Турсунқулов ва Нодир Пардаевлар тўғрисидаги далилларга ҳам дуч келдим. Нодир Пардаев ҳақида укам Нарзуллабой билан «Нодир командир» деган китоб ҳам ёзиб, нашр қилдирдик. Маълум бўлишича, профессор Улуғ Турсуновнинг акаси Олимжон Турсунқулов 1903 йилда туғилган, Чироқчи тумани партия қўмитасига 1935 йилда биринчи котиб бўлиб сайланган. 1937 йилнинг 19 октябрида «халқ душмани» сифатида қамоқча олинган. Унга, «Европаликларга нисбатан миллатчи бўлганлик, ёт унсурлар билан алоқа қилганлик, қулоқларни қўллаб-қувватлаганлик» айблари қўйилиб, отиб юборилган.

Улуғ домла бир умр юрагида сақлаб келган армонни – акаси ишлаган ерларни кўриш, унинг қадами теккан жойларда унинг руҳига бош эгиш мақсадини амалга оширган эди. Бир ҳафталик саёҳатдан кейин домлани катта ҳурмат билан отам ва дўстлари кузатиб қўйдилар.

Орадан ойлар ўтди. Мен ўқишда эканлигим пайтида, одинроқда ёзганим сингари, хонадонимиз Катта Дўстбердидан Оқработга, бу массивдаги Майда деган қишлоқ теграсида бунёд этилган янги қишлоғимизга («Янги қурилиш» деб ҳам атардилар) кўчиб келдилар. Абдулла укам, Зайнабой, Ойшаой, Нарзуллабой, Сайёра, Гулсара, Файратбой, Қаҳрамон, Тўлқинбой укаларим-сингилларим Каптархона қишлоғида, кўп ўтмай, Янги қурилиш қишлоғида очилган 15-сон мактабда ўқий бошладилар.

Каптархона қишлоғи анча олисда жойлашган эди. Абдулла ҳар куни эрталаб, кажавали мотоциклда сингилларимни мактабга олиб бораради. Энди, унинг мактабни тугаллаш вақти етган эди. Тўртинчи курсни тамомлаб, таътилга келиб, укамнинг ҳужжатларини тахт қилишга киришдим. Отам бу пайтда хўжалик раислиги вазифасидан бўшатилган, уч йиллик тафтиш давом этаётган, у кишининг бошида қора булатлар фужон ўйнаётган дамлар эди.

Укам билан кўп маслаҳатлар қилдик. Охири, гапни бир жойга қўйдик-да, отам ва онамдан оқ фотиҳа олиб, Самарқандга жўнаб кетдик. Ижарада туриб келган хонада жойлашиб, эртасига Самарқанднинг «Закрытый рынок» – Ёпик бозор деган манзилига яқин жойлашган Тиббиёт институтига йўл олдик. Ҳужжат топширувчилар кўп, навбат билан, тартибга қаттиқ риоя қилинмоқда эди. Тезда Абдулланинг гали келди. Ҳужжатларни даволаш факультетига топшириб, паркни айландик. Самарқанд ниҳоятда сўлим гўша, дарахтлар кўп, соя мўл, гўзал ва ораста шаҳар эди.

Имтиҳонларга тайёргарлик бошланди. Она тили ва адабиёт, кимё, физика фанлари бўйича дарсликларни кўтариб келган укам ўқищдан эринмасди. Самарқанд тиббиёт институтига кирувчилар кимё фани имтиҳони деса, дод дейишарди. Бу фандан имтиҳонни Заманов деган бир татар домла қабул қиласар, ундан «3» баҳо олишга эришганларга, талабалик баҳти насиб

бўлади, деган гап юарди. Абдулманинг ҳужжатини топширганимизда қабул қилаётган киши, афтидан, кимё кафедрасида ишласа керак, укамнинг нозик жуссасига, бўйининг пастлигига қараб туриб, «Ўзи, ўнни битирганимисан, кимёдан қалайсан?» дея сўради-да, бир савол берди. Укам унга шу заҳоти бурро жавоб қайтарди. «Э-э, молодес, зўр экансан-ку», деди у олдинги иштибоҳидан хижолат бўлиб. Менинг ўзим ҳам қойил қолдим. Тўхтамиш Очилов муаллимдан шу он жуда хурсанд бўлиб кетдим. Агар у укамга танбеҳ бермаганида, кимё фанига, физикага қизиқиш пайдо қилмаганида, ҳужжатни ҳам топшира олмай, сарсон бўлиб, қишлоққа қайтармидик.

Дарс тайёрлаш шароитини қилиб бериб, эртасига Улуғ Турсунов домланинг уйига бордим. Укамни ўқишига олиб келдим, дедим. Домла укамни яхши биларди. Унинг Самарқандга келишидан, тиббиёт олийгоҳига қирмоқчи эканлигидан ҳам хабардор эди. Домла, ростини айтсам, мени жуда хурсанд қилиб юборди. «Тиббиёт институти қабул имтиҳонларига мени таклиф этишди, – деди Улуғ домла, – тил ва адабиёт фанлари бўйича ҳайъат раисиман. Абдулманинг ҳуснинати қандай, шошилмай ёёсин. Шу, кимё фанини чатоқ дейишади, Замановдан ўтиб олса, бу ёфи ёмон бўлмайди».

Абдулла кимё ва физиканинг ҳар саҳифасини соатлаб мутолаа қилар, масалаларни ишлаб, жавобини солишириб чиқар, тиним билмас эди. Унга раҳмим келиб, китобларингни йиғишитир, юр, бир шаҳарни айланиб келамиз, деб олиб чиқиб кетардим. Шундай пайтларнинг бирида, хиёбонда деканимиз Раҳим Муқимовни учратиб қолдим. Домланинг қизиқ одатлари бор эди. Уйи ректорат ҳовлисида, ичкарироқда эди. У киши европача ҳаёт тарзига мослашган, чиройли яхудий хотини билан жуда иноқ ҳаёт кечирарди. Жажжигина бароқ кучукчаси бўларди, шуни хиёбонда кечки вақтлар етаклаб ҳордик чиқаарди. Раҳим Раха-

бович биз ака-укани кўриб, саломлашди, ҳол-аҳвол сўради. «Мендан нима ёрдам?» – сўради деканим, у, афтидан, Абдулланинг толиби илам бўлиб келганини фаҳмлаган эди. «Укам, тиббиёт олийгоҳига ҳужжат топширди, домла», дедим. Шунда, у иккимизни эргаштириб уйига олиб келди ва ичкари кириб кетди. Бир оздан кейин чиқиб, кўлимга бир сурат тутқазди. Сурат 1-май байрами кунида, парад вақтида олинган бўлиб, унда Самарқанднинг атоқли олимлари қиёфалари тасвирланган эди. Академик Воҳид Абдуллаев, Раҳим Муқимов, Орифжон Икромов ва мен танимagan уч-тўрт одамлар расми эди. «Поён, бу суратда тиббиёт институтининг ректори Мусо Ҳайитов ҳам бор. Шу расмни унга олиб бориб берасан, мендан салом айтасан ва уканг тўғрисида ҳам гапирасан», деди. Мендан нима кетди, эртасига ректор Ҳайитовнинг қабулхонасига бордим. Таътил вақти, бундан ташқари, ҳамма қабул билан андармон, ўзимдан бошқа йўқ, дарров у кишининг ҳузурига кирдим. Ректор юзидан нур ёғилиб турган, ўта маданиятли, хушфеъл киши экан. Тили ҳам бизнинг Дўстберди шевасига ўхшаб кетаркан. Кейинлар билдимки, Ҳайитов домла Жомбойми, Булуңгур томонлардан экан.

Ректор мени яхши қабул қилди, ён тарафдаги столга ўтқазди, дарҳол суратни узатдим. Суратга термулиб, кулимсиради. «Раҳим Ражабовичнинг талабасиман дeng, – деди салмоқлаб, у киши жуда эътиборли олим». Суратни синчиклаб кўздан кечириб бўлди-да, яна, «У киши бирор гап тайин қилмадими?» дея сўради. Жуда фаросатли, зеҳнли одам экан, мен дардими ни қандай айтсан экан, деб қимтиниб ўтиргандим, бу ҳолим у кишининг назаридан четда қолмади. «Домла, кечирасиз, укам тиббиёт институтга ҳужжат топширган... Гапим охирига етмади, Ҳайитов, «Яхши, яхши, имтиҳонлардан ўтиб олса, албатта қабул қиламиз», деди. Ортиқ гапга ўрин қолмаган, ўрнимдан қўзгалётгандим, «Исми фамилияси?» деган савол қулогимга

улуг бир хушхабардай эшитилди. «Равшанов Абдулла», дедим шошиб. Лекин ректор ёзиб олмади. Хайрлашиб, чиқиб кетдим. Исли шарифини сўрагани зулматни тилкалаган нур бўлса, бирор жойда қайд этмагани, нурнинг ялт этиб сўниши бўлди.

Имтиҳонлар бошланди. Биринчи топшириладиган фан кимё бўлиб, кутилганидай, Заманов қабул қиласди. Оддин топширадиган гуруҳлар имтиҳони натижасини пойлаб, уззукун Тиббиёт олийгоҳи ёнидан кетолмасдим. Абдулла ҳар соатни ғанимат билиб, тайёрланниб ётарди. Толиби илмларнинг кўпи имтиҳондан бошини қуий солиб чиқар, «З» баҳо олган шоввозлар кўлида имтиҳон варакаси, хурсанд бўлиб кетардилар. Булар сони жуда оз эди. Ниҳоят, Абдулла укамнинг кимёдан синовга кириш вақти етди. Унга, ҳаяжонланма, ҳовлиқма, шошмасдан саволларни ўқиб, тушуниб ол, сўнгра, билганларингни ёзиб, жавоб бер, деб қаттиқ тайинладим.

Абдулла имтиҳонга кириб кетди. Бир соат бутун бошли бир йилдек туюлди, ўтиши қийин бўлди. Битта-ярим шпаргалка билан кирганлар Заманов бошлиқ имтиҳон олувчиларнинг ўткир назаридан муҳофаза тополмас, имтиҳон варакасига бу ҳаракат қайд этилиб, «икки» босилиб, чиқариб юбориларди. Бундай ҳол юз берганини кўрмадим, аммо, шу тап толиби илмлар, мен каби укаси ёки синглиси ортидан келганлар, ота-оналар орасида юрарди. Юрагимни ҳовучлаб, Худодан мадад тилаб ўтирибман. Бир вақт укам илжайиб чиқиб келаётир. Шу вақт кўрсангиз эди, менинг хурсандлигимнинг чеки-чегараси кўринмас, гўё мендан баҳтироқ инсон дунёда йўқдек эди. Абдуллани маҳкам кучоқлаб, бағримга босдим, кутладим. Эрталаб, соати 6 да олийгоҳга келган бўлсак, саккиз соатдан кейин, 16⁰⁰ да ака-ука эски ѩаҳарга йўл олдик. Регистон жанубида бир кўп ошхоналар, дўконлар бўларди. Улар орасида шўрва, манти пишириладиган мўъжаз таомхона бор эди. Бу ерда Шароф деган йи-

гит ишларди. У билан танишиб, дүстлашиб қолган здим. Вақтим бўлди деганча, ёнига келардим. Менинг бир қилифим унга ёққан бўлса керак, оддий хўранда бўлган пайтимда ҳам, шўрва сузса, албатта, ичига бир дона манти ташлаб берарди. Бошқаларга бундай қилмасди. Мижоз ушлаш учун шундай қиласди, деб ўйладим ҳам. Бундай эмас экан. Баъзан ишини шогирдларига топшириб, бир чойнак чой кўтариб, ёнимга келиб ўтирас, шундай пайтда яхшилаб танишиб, дўстлик ришталари боғланиб бораарди. У тўладан келган, оқ юзли, хушрўй йигит эди. У мендан бир-икки ёш каттароқ эди.

Автобусдан тушиб, тўғри Шарофнинг ошхонасига бордик. Овқатлар аллақачон тугаб кетган, идиш-товоқлар ювилаётган экан. Илгари бундай вақтда ҳеч бу ерга келмагандим. Шароф елкасига сочиқ ташлаб олиб, бир четда ўтирган экан.

– Келинг, келинг, – дея у ўрнидан турди, – ака, кангулда дам олмай юрибсиз, ҳа, ука ўқишига киряптими? – деди у.

– Топдингиз, Шароф ака, – дедим-да, қучоқлашиб кўришдик. «Зеби, столни тозалаб, дастурхон ёз», – ичкарига мурожаат қилди Шароф ошпаз. Кўҳдиккина хизматчи қиз дарров столга нон, оқ кишиш узум келтириб кўйди. Бир оздан кейин товоқни тўлдириб, палов олиб чиқди.

– Поён жўра, насибангиз қўшилган экан, тўйдан бериб юборишибди, ўзим егим келмай турувдим, қани, олайлик, – деди Шароф ака. Кейин Абдуллага қараб, «Имтиҳон бўлдими, ўтдингми, баҳо «беш»ми? – деб сўради. Укам унга бошини қимирлатиб, кулимсиради.

– Эй, жўра, буни ювиш керак-ку, – дея Шароф ака ичкарига кириш учун ўрнидан турди. Мен унга, «Шароф ака, насиб этса, ҳамма имтиҳонлардан ўтсин, унда яхшилаб ювамиз», дедим. Шу гап билан, паловни еб, узумдан тотиниб, хонага қайтдик. Абдуллага, «Бугун

омадли кун экан, имтиҳон яхши бўлди, таом ҳам тикинга тушди», дея ҳазиллашдим. Заманов қурғур севинса ҳам бўладиган, севинмаса ҳам бўладиган «З» ни кўйган экан.

Абдулла укам то имтиҳонларни топшириб, тамом қилмагунча Самарқандда бўлдим. Физика ва иншо «тўрт» баҳоларга топширилди. Иншонинг турли мавзулардаги матнларини укам билан билан машқ қилган, билганимча ўргатган эдим. Машқ пайтидаги мавзуларга яқин сарлавҳалар қўйиб, иншо ёзишини талаб қиласардим. Кейин биргаликда қизил қалам олиб текширишни бошлардик. Уч-тўрт бетли иншодан 2-3 та имло хато чиқарди, мазмун ҳам ўртача бўларди. Хати чиройли, худди отамнинг ҳуснihatига ўхшаб кетарди. Биз, болалар, ҳаммамиз отамнинг ёзувига ҳавас қиласардик. Отам имзони ҳам жуда боплаб, қотириб қўяр эди. Ёзуви ва имзосига тақлид қилиб, дафтарларни тўлдирадик. Отам араб, лотин ва кирил иммоларида жуда чиройли ёзарди.

Улуғ домла бошлиқ иншочилар охирги имтиҳонни олдилар. Уларга иш жуда оз қолганди, кимё ва физика толиби илмларни тутдай тўқкан, ортиқча абитуриент сони кўп эмасди. 20 августдан кейин мандат бошланадиган бўлди. Ҳар куни ректорат ёнига келамишкетамиз, уч-тўрт кун шундай, ташвиш ва ваҳимада кечди. Бир куни эълон осилди. Кечаси билан уйқу бўлмади, эрталаб, нонушта қилмаёқ, «Ёпиқ бозор» томонга ошиқдик. Биз етиб борганда, соат олти эди, одам тирбанд, толиби илмлардан кўра, ота-оналар, яқинлар кўп эди. Соат ўнда ҳайъат иш бошлади, толиби илмлар бир-бир чақирилди, йигит-қизлар хурсанд бўлиб чиқар, ота-оналар уларни қуршаб олиб, «Қандай бўляпти ўзи?», деб саволга тутишарди. Бир соат деганда, «Қашқадарё, Равшанов Абдулла», деган овоз эшитилди. Юрагим хаприқиб кетди, укамни одамлар орасидан ичкарига киритиб юбордим. Бу ҳаяжонли ва таҳликали кутиш онлари эди. Ўн дақиқа ўтар-ўтмас,

Абдулла қувонч билан ичкаридан чиқиб келди. Юртимиздан ота-оналар кўп экан. Улар биринчи чақирилган укамни ўраб олиб, табриклай бошладилар. «Қамашидан экан», деган овозлар қулоққа чалинди. Кейин билсак, шу йили Абдулла билан биргаликда, бир-бирини танимаган ҳолда Китобдан, Шахрисабздан, Косондан, Яккабоғдан, Қаршидан ўнга яқин абитуриент тиббиёт олийгоҳининг талабалари бўлишган экан. Ҳамро Эрназаров, Тойлоқ Хидиров, Қаҳрамон Рўзибоев, Ибодулло Норбоев, Эркин Нодиров, Маствура Жўраева, Тошқул Муртазокулов, Нормурод Фозиев ва яна уч-турт абитуриент Тиббиёт олийгоҳининг талабалари бўлишган экан.

Самарқанддан уйга хурсанд бўлиб қайтдик. Отам раисликдан бўшаб, маҳзун кунларни бошдан кечираётган эмасми, ўғлининг дўхтириликка ўқишга кирганидан оламга сифмай, севиниб кетди. Онамнинг қувонгандарини айтмайсизми? Эртасига қўй сўйиб, қариндош-уругларни чорладик, Азлартепа ва Еттиқудукдан оқсоқоллар келишди. Ўтган ойлар давомида келимкетим сезиларли равишда тўхтаб қолган хонадонимиз яна тўлди, яна яқинларнинг илиқ нафаси тотувлик ва ҳамжиҳатликни бошлаб келди.

Отам профессор Улуғ Турсуновни сўроқлади. Мен бўлган гапларнинг барчасини тўлқинланиб сўзлаб бердим. Улуғ домланинг кўмагини, Раҳим Муқимовнинг ёрдамини, Мусо Ҳайитовнинг жўмардлигини айтдим. Отам улардан миннатдор бўлди. «Туяга «ҳа» деган мадад», деб бекорга айтмайдилар. Катта бир муаммо ечимиға қадам қўяётганингда, далда, маслаҳат бериб турувчилар бўлса, кўнглинг тоғдай кўтарилади. Абдулла укам ўқишга қабул этилган кун кечқурун Улуғ домланинг уйига бордим. Миннатдорчилик билдиридим. Домлага, «Юринг, олиб кетай», дедим. Домлам, бормоқчилигини, аммо Москвада йиғилишга қатнашмаса бўлмаслигини айтиб, кейинроқ ўтишини айтди. Орадан қанча йиллар кечиб, қанча сувлар сойларга

оқиб кетди. Яхшилик ҳеч қачон унудилмайды. Абдулла укам Улуғ домланинг яхшилигини умри охиригача гапириб, хушнудлик билан эслаб юрарди. «Биринчи партага ўтириб қолдим, – дер эди укам, – иншо мавзуси таниш, фақат хато қымасликка тиришар эдим. Бир вақт қарасам, ёнимда Улуғ Турсунов домла турибди, күркіб кетдім. «Езавер, ўғлим, ёзавер», дедида, бир-иккита хатомни түғрилаб беріб, нари кетди. Домла, ҳар варақни тұлдирганимда, ёзғанларимни назаридан ўтказар, «Яхши, яхши», деб яна ручкамни оларди-да, қолиб кетган вергұлларни қўйиб берарди». Бу сўзларга изоҳ ҳожатми, йўқ асло. Бир шогирдининг укасига, шундай, республикада таниқли алломанинг эътибор бериши, уни назаридан тутганлиги буюк олижанобликдан бўлак нарса эмас. Ҳеч қандай таъма ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. У йилларда бундай пасткашликлар йўқ эди. Раҳим Муқимов, Мусо Ҳайитов домлаларга, ҳатто раҳмат ҳам айтиш хаёлимга келмаган. Улар, ҳеч бўлмагандан, яхши муомала, тўғри йўл кўрсатиш билан далда берган эдилар. Улар у ёки бу фандан баҳо қўйдирив бериш масъулиятини бўйинга олмаган (бу ўша даврда урфга кирмаган эди) бўлсалар-да, илинж ва эҳтиёжманд бўлғаннинг кўкрагидан итармаганлар, илиқ сўзини айтганлар. Шу далданинг ўзи ҳам руҳни кўтарган, ишонч пайдо қилган. Ишончда гап кўп, у вужудда мудраб ётган ҳужайраларга туртки беради, куч-кувват, ақл бахшида этади. Абдулла укамнинг бу гаплардан хабари бор эди. Гўё орқасида тоғ тургандек, имтиҳонларда ўзини дадил тутган, ҳаяжонланиб, каловланиб қолмаган.

Кўп мушоҳада қилғанман ва кўп ўйлаганман: борди-ю, ўша йили Абдулла Тиббиёт олийгоҳига кирмай қолганда нима бўларди, деб. Бобомурод Даминов раслилкка талаб солиб, қалтис бир вазиятда, одамларнинг кўчишдан норозилик туйғусидан усталик билан фойдаланиб, оиласизга дастлабки зарбани кутилмаганда берган эди. Бу худди эълон қилинмаган, хоин-

ларча бошлаб юборилган урушдай бир гап эди. Қизил салтанатнинг кўзғолон, ғалайён ва норозилиқдан ўта даражада қўрқиши, бунга йўл қўйган маҳаллий раҳбарларни (вилоят ва республика катталари ҳам бундан мустасно эмас эди) аёвсиз жазолаши, партиядан ўчириши, ишдан олиши ва қамаши муқаррар бир ҳол эди. Шу хунук оқибат ҳукумат қароридан ҳам устун келади, кўчиш ва Даминовни раис қилиш бобида ён берилади. Туман, вилоят ва, қолаверса, республика раҳбарлари ҳам ўз териларини кутқариш учун, кўчмай қолғанлар учун «Марксизм» жамоа хўжалигини вужудга келтирадилар, бир сира Даминовни раис қилиб кўядилар. Исёнкорларни тинчтиб, Даминов ва унинг гумашталари қамоққа олингач, кўчиш режасига қайтилмайди, «Марксизм» яшаашда давом этади ва унга Эргаш Нурматов деган киши раис бўлади. Чимқўрғон сув омбори қуриб битказилади, кўчмаган аҳоли уйжойларини ҳавздан унча олис бўлмаган ҳудудларга силжитадилар.

Оқработ массивига кўчган аҳоли билан раҳбариятнинг деярли иши бўлмайди. «Партия ХХII съезди» жамоа хўжалигида кўчиб келиб жойлашган одамларнинг салмоги нисбатан кам бўлгани учун ҳам, хўжалик бошқарувида улар згаллаган ўрин қуий даражада бўлади. Отам ишдан бўшатилган, уч йиллик тафтиш давом этаётган бир пайтда, Абдулла укамга талаба бўлиш баҳти насиб этган эди. Хонадонимиз бошида қора қуюнлар ўйнаётган бир пайтда бу ютуқнинг маънавий аҳамияти бениҳоя даражада сезиларли бўлганди.

Абдуллада бошқача хусусият, айрича фазилатлар бор эди. У дунёга келганидан кўп ўтмай, отам қишлоқ шўроси раислигидан туман ижроия қўмитасига ишга ўтган, раис ўринбосари лавозимига кўтарилган эди. Отам бекор қолиб, тафтиш натижаларини кутаётган оғир бир шароитда, у яна оиласизга бир даста нур олиб кирди. Борди-ю, у ўқишга киролмай қайтиб келганда борми, ота-онамнинг мунгги янада зиёда бўлар,

тушқунлик кўланкаси рўзғоримизни янада қорайти-
риб юборган бўларди. Унинг талаба бўлиши bemisл
галаба, қолаверса, Аллоҳ таоло ҳали, бу Қизил салтанат
бортдан улоқтирган, тақдир ҳукмига ташлаб қўйил-
ган оилани унутмаганидан мужда эди.

УЧИНЧИ ҚИСМ МАШАҚҚАТАЙ ЙҮЛ

Талабалик нашидаси олдида ўйлар, ташвишлар, ғамлар ортга чекинди. Отам қаддини күтариб олди.

«Шунча йил қўлимдан келгунча, элим учун ишладим, – деди отам ҳаммамизни жам қилиб, – ёмон ишладим, жамоанинг мулкига кўз ола қиласдим дея олмайман. Инсофни ҳеч қачон ўзимдан жудо этмадим. Кам бағал, муҳтоҷ оиласарга ёрдам бериш, уларнинг фарзандларини ишга жойлаш, ўқитиш, одам қилиш учун барча имконларни ишга солдим. Ёмонлик қилганларга юрагимда кек сақламадим, аксинча, уларни ёнимга олдим, вазифаларга кўйдим, Тўрт Дўстбердининг обрўли, одамларни эргаштира оладиган, ишнинг кўзини биладиган кишиларини жамоа хўжалигининг турли бошқарув ишларига бир хилда жалб этдим, посантига қарадим. Ёнимга қариндош-уруғларимни тортсам, уларга ишонсам ҳам бўларди. Бу йўлдан бормадим. Кишлоқларнинг оқсоқоллари, катта тўпор бошлиқларини тўй-маъракаларда иззат-хурматини жойига кўйдим, улар билан маслаҳатлашиб турдим. Ўз навбатида улар ҳам менга ёрдам бердилар, жуда бўлмаса, ёмонлик қилишдан тийилдилар. Меҳнат қилганни рағбатлантиридим. Бўлиниб ётган, кичик-кичик жамоа хўжаликларимизни йириклиштириб, кучли колхозни оёққа турғиздим. Жамоа аъзолари меҳнат қунларига ўн тонналаб буғдой, ёғ-мой, пул олдилар. Ўйлар қурдилар, тўйлар қилдилар. Фақат бир нарсада қаттиқ адашдим. Жамоа мулкидан, десам тўғри бўлмас, ўзимнинг, ёнимдаги ўн-ўн беш вазифали кишиларнинг меҳнат ҳақимиздан Бобомурод Даминовни ўн йил давомида боқдим, тўшакка михланиб қолганида иқтисодини тўғрилаб бердим, уйини қуришга ёрдамлашдим, уйланганида тўй харажатларини кўтардим. Ҳар иили баҳор бўлди дегунча, Азлартепа яйловларига олиб келиб, оқ ўтовлар тикиб, тую ва бия

суги ичирдим, ширбозлар қанча сўйилди, ҳисобини билмайман. Укасини элнинг олди қилдим, бригадир, ферма мудири бўлиб ишлади. Куёви Эргашевни ўзимдан кейинги иккинчи раҳбарликка тавсия этдим, хўжаликда мен қатори ишлади, партия қўмитасининг котиби бўлди. Уруғининг ҳам, авлодининг ҳам ҳурматини жойига қўйдим. Бир қишлоқдан эдик, болаликдан бирга ўсдик, Қаршида муаллимлар тайёрлаш курсида бирга ўқидик. Тақдир экан, у ўқишини давом эттириди, Бухорода, Самарқандда ишлади, фронтта кетди, касалланиб қолди. Оилавий ҳаёти ҳам изга тушиб кетавермади. Сора Шукурова деган бир артист аёлга уйланди, турмуши ўхшамади. «Тўйдирғаннинг – қорнига», деган мақол бизга боп тушди, қорни тўйиб, соғайиб, оёққа турганидан кейин ёқамизга ёпишди. Самарқанддай бир вилоятда обкомнинг котиби бўлиб ишлаган Даминовнинг куни жамоа хўжалиги раислигига қолган экан, нима ҳам дердим, бунга ўзим айборман, ўзим йўл очдим, ўзим шароит ҳозирлаб бердим. Бир жиҳатдан, унинг ҳам билгани тўғри. Давлат ўзининг собиқ хизматчисининг ҳолидан хабар олмай қўйса, исми шарифинг ким деб сўрамаса, катта охурдан ем етган ва шунга ўргангандан одамнинг миясига нима келади? Ўзи ҳаракат қиласи, талпинади. Қачонгача, қафасдаги қуш каби қўлдан овқат ейди? Бунинг миннати бўлмайдими? Чимқўргоннинг қурилиши, одамларни кучириш ҳақидаги ҳукумат қарори унинг учун мақсадларини амалга оширишда яхши имконият бўлди. У, бундан усталик билан фойдаланди. Лекин мен бир нарсага аминман. Бугун Даминовни кўтар-кўтар қилаётган одамлар маҳаллий раҳбарлар, вазият сал ўзгаргудай бўлса, ундан юзини терсга ўгирмай қолмайдилар. Менинг яхшилигимга қайтгани шу бўлса, уники бундан баттарроқ бўлади, бунга ишонаман. Бунга ақлим етади.

Менинг нима камим бор? 30 йил давомида муаллим, мактаб мудири, қишлоқ шўросининг раиси, ту-

ман раҳбари, жамоа хўжалигининг раиси бўлиб, беармон ишладим. Фарзандларимнинг оди одам бўлаётир, Поёнжон, насиб, яна бир йилдан кейин университетни тамомлайди, баҳтимизга, Абдуллабой ҳам орзусига эришиди, дўхтири бўлиб чиқади. Қизларим Зайнабой, Ойшаой, ўғлим Нарзуллабой, укалари Сайёраой, Гулсараой, Файратбой, Қаҳрамон, Тўлқинбойлар ҳам улгаяди, ҳаётда ўз ўрнини топади. Ёшимиз тенг бўлишига қарамай, Даминов ҳали фарзанддан ёлчиған эмас, қизлари энди бўй етаётгандир. От ўрнини той босар, деб бекорга мақол тўқилмаган. Менинг афсус қиласидиган, хафа бўладиган жойим йўқ. Шукр, минг шукрки, қаторда норларим бор, карвоним ҳеч қачон чўкиб қолмайди, доимо йўлда бўлади, кўзланган маралар сари олдинга қараб бораверади».

Отамнинг ушбу сўзлари ҳали ҳамон қулоқларим тагида янграб туради. Бу сўзларни унутиб бўлмасди. Отам яна, «Сизлар, болаларим, отам раисликдан бўшаб қолди, деб асло-асло хафа бўлманглар. Вазифа, мансаб ҳеч кимга абадий қилиб берилмайди. Мен раис бўлганимдан бери неча марта қайта сайландим. Ҳар сафар хўжалик аъзолари мени алқаб раисликка лозим кўрди. Бир йил бўлар-бўлмас, одамлар норозилиги сабабли ишдан кетган раислар қанча, Дўстберди эли мени яхши кўрди, мен элимнинг хизматини кўнимдан келгунicha қилдим. Раислик йилларимда бирор кишининг бурни қонамади, ноҳақ жабр кўрмади. Ҳатоларимиз, камчиликларимиз бўлган, лекин сиру асроримизни хўжалигимиз дарвозасидан ташқарига чиқармаганмиз, ўзимиз ҳал этганимиз. Шу сабабли бўлса керак, туманимизда Дўстбердининг ўз ўрни, ўз сўзи бор эди. Энди, болаларим, белни олдингидан ҳам кўра, икки жойидан боғлаб, ўқишида гайрат қиласизлар. Бизлар, отангиз, онангиз ҳаммаларингнинг олий маълумотли, яхши мутахассислар бўлиб етишишларингизни орзу қиласиз, кўлимиздан келгунча, бу йўлда сизларни кўллаб-куватлаймиз», деган эди. Бир оз ол-

динроқقا кетиб айтадиган бўлсам, отам раҳматлининг шу сўзларига фаришталар омин деган экан, шукр, ўн фарзанд ҳаммамиз олий маълумотли бўлдик. Мен ва укам Абдулла олимлик рутбасига эришдик, филология ва тиббиёт фанлари номзодлари даражаси учун диссертация ҳимоя қилдик. Нарзуллабой, Файратбой олий ўқув юртларини имтиёзли диплом билан тугатдилар. Оиласиздан ўқитувчилар, журналистлар, врачлар, иқтисодчилар етишиб чиқди. Отам ва онам ўз орзуларининг ушалганлиги гувоҳи бўлиб, пиру бадавлат бўлиб яшадилар. Юракдан айтилган орзу-истаклар даргоҳида қабул бўлар экан, йўқса, отам раҳматлининг 1961 йил август ойи охирларида қилган тилакларининг ижобат бўлиши ўша пайтда, айниқса, орадан бир йил ўтиб, 1962 йилнинг апрелида, отамни қамоқقا олиб кетгандаридан сўнг, амалга ошиши деярли мумкин бўлмаган муаммо бўлиб, осмонда осилиб қолиши мумкин эди.

Бир ҳафтача уйда, ота-онамиз кучорида бўлгандан сўнг, Абдулла билан Самарқандга жўнадик. Жамоа хўжалигида у пайтлар Чимга ўтадиган кўприк йўқ эди. Тўқбой айланиб, Қашқадарёning кўпригидан ўтиб, Қамашига борилар эди. Қамаши ҳам, Қарши ҳам «Янги қурилиш» – Байрам {Катта Дўстберди} қишлоғимизга teng масофада жойлашган эди. Қамаши орқали кетиладиган бўлса, Китоб шаҳрига бориш, у ердан юк таксиларига ўтириб, Тахтақорача довонидан ошиб боришга тўғри келарди. Енгил машиналар деярли қатнамасди. Тоғ довони йўли ўнқир-чунқир, асфальт ётқизилмаган, буримлари хавфли, икки машина дуч келса, зўрга сиғадиган кўринишда эди. Китобдан имиллаб чиқсан юк таксиси уч соат деганда Самарқандга етиб борарди. Қаршидан эса, Тошкентга поезд Бухоро орқали қатнарди. Ўша пайтлар поездлар Самарқанддан Қаршига бир кеча-кундуздан ортиқ юрарди. Талабалар Китоб орқали қатнашни ёқтирадилар.

Самарқандга, августнинг охирлари эмасми, кеч тушиб, иссиқ қайтган вақтда етиб келдик. Тўғри Шароф ошпазнинг одига бордик. Одатдагидай, ишларини саранжомлаб, идишларни ювиш, ошхонани тозалаш амалга оширилаётган экан. Ҳорма-бор қилиб, бир оз гаплашиб ўтиридик-да, муддаога ўтдим. «Шароф ака, турар жойдан ёрдам қилмассангиз бўлмайди», дедим. Бултурмиди, олдинги йилимиди, Шароф ошпаз, «Жой керак бўлмаяптими, ака?!», дегандай бўлганди. Унинг сўзи хаёлимда эди. Гап шундаки, Абдулла олийгоҳга қабул қилинган куни, қабул ҳайъати ётоқхона билан таъминлай олмаслигини айтиб, шу шартга ризоликни олган эди. Биргина йўл, ижара хона топишимииз лозим бўларди. Шароф ака, «Сизлар фалон жойга бориб туринглар», деди-да, уст-бошини алмаштириб, қаергадир бориб, тезда келаман, деб кетди. Айтилган жой Регистон билан ароқ заводининг ўрталиғида экан. Янги шаҳар билан эски шаҳарни боғлайдиган катта йўл бўйида Шароф ошпазни ярим соатча кутиб турдик. У, калитга бориб келган экан. Шундай, катта йўлдан сўл тарафдаги жинкўчага бурилиб, озгина юрдик. Кичкина ҳовлича, бир хона, бир даҳлиз, номига битта дарахт бор. Вақтида бу жой катта уй-жой бўлгану, аммо бир сабаб билан уч-тўрт кичик-кичик қисмга бўлингандек тасаввур уйғотарди. Кечгача хонани, ҳовлини тозаладик, гиламларни қоқиб, бошқатдан тўшадик, ака-ука шу ерда турадиган бўлдик. Шароф ака, аввалига пул керак эмас, деди. Мен қистайвергач, одатдаги ижара пулларининг ярмини айтди. Регистондан шарққа қараб юрилса, катта бозор бўларди. Бозор кечгача қайнаб ишларди. Бозорга чиқиб, хонага керакли ашёлар олдик, керогаз, идиш-товоқни Шароф ака етказадиган бўлди. Мұҳими, хонамиз тинч, ўзимиз кириб, ўзимиз қулфлаб чиқиш имконияти бор эди. Менинг ўзим учун ётоқхона олиш иложим бўлса-да, укамни то ўрганиб кетгунича, ёлғиз ташлаб кўёлмасдим.

Эртасига Тиббиёт олийгоҳига бориб, Абдулланинг гурӯҳи ва дарс жадвали билан қизиқдик. Ҳаммасини аниқлаб, китоб дўқонига кирдик, ёзув ашёларини ғамлаб олдик. Китоб дўқонида укам имтиҳонда танишиб қолган водийлик Деҳқонбойни учратиб қолди. Улар севинишиб сўрашганларидан кейин укам, «Деҳқонбой, жойлашиб олдингизми?», деб сўради. Деҳқонбойнинг кайфияти тушиб, «Йўқ, дўстим, жой йўқ, бир-икки квартирага бордим, болалар аллақачон эгаллаб олишибди», деди. Абдулла менга қаради. Уни сўзсиз тушундим. Укамга қараб, «майли» дегандек, бошимни ирғадим. Абдулла укам Деҳқонбойга, «Агар хоҳласангиз, бирга турамиз, эски шаҳардан, катта йўлга яқин жойдан хона олдик», деди. Деҳқонбой севиниб кетди ва дарҳол, «Албатта, бораман, бирга турамиз», деди. Шундай қилиб, Деҳқонбой вокзалга, нарсаларини олиб келишга кетди ва айтилган манзилга ҳаялламай етиб келди. Уларнинг бирга тургани яхши бўлди. Гуруҳдари бўлак-бўлак бўлса-да, эрталаб биргалашиб ўқишга кетишар, умумий йўналишдаги фанларни биргаликда тинглашарди.

Тиббиёт олийгоҳида аксар дарслар рус тилида ўтиларди. Иккаласи ҳам роса қийналди. Факультетимиз фан кабинетида Фая опа исмли фариштадай татар аёли ишларди. Абдураҳмон Саъдий³, Ҳамид Олимжон ҳақида ажойиб ҳикоялар сўзлаб берарди. Мумтоз асарларни кўз қорачигидай асрарди. Дарсдан кейин талабалар бу ерга ошиқарди. Кечикадиган бўлсак, жой топилмасди. Опа, ҳатто, ўзи ўтирадиган стол-стулга ҳам талабани жойлаштирарди. Бу билимдон, меҳрибон аёлнинг сиймоси ҳеч хотирадан кўтарилемайди. Мумтоз китобларни топиб бергани, уларни қандай

³ Ўзбекистон давлат университети (ҳозирги СамДУ) ўзбек мумтоз адабиёти кафедраси профессори, 1956 йилда вафот этган.

ўқиши кераклигини уқидиргани учун Фая опадан бир умр миннатдорман. Профессор Абдураҳмон Саъдий (мен талаба бўлишимдан икки йил олдин – 1956 йилда вафот этган) ўқиган китобни бир куни қўлимга тутқазиб, «Поёнжон, бу табаррук асар, Бертельс домла ёзганлар, Абдураҳмон Саъдий неча бор ўқиганлар, дикқат билан қараб чиқинг», деди. Китоб рус тилида бўлиб, ҳар варакдаги матн бошдан-оёқ қизил қалам билан чизиб чиқилган. Саъдий домланинг одати шундай экан, эринмай матнни китобнинг бошидан охирiga қадар сатрлар тагидан қизил қалам юргизар экан. Фая опага, «рус тилига тишим ўтмаётир», десам, «ҳозир» деб, ёстиқдай келадиган русча-ўзбекча луғатни келтириб берди. Кўп минг сўзли бу ноёб луғат Абдураҳмонов томонидан яратилган бўлиб, ҳали ҳозирга қадар унинг тенгти мавжуд эмас. Кейинчалик, бу китобдан ўзимга ҳам бир амаллаб топганман. Бу китобдан ўзим, сўнгроқ Нарзулла укам, ҳозирда эса, ўғлим Олимбой фойдаланиб келади. Китоб керакли бўлса, доимо ардоқда бўлади.

Фая опанинг ҳузурига катта танаффус пайтида кирдим-да, воқеани айтдим, «Укам тиббиёт институтга кирган, фанлар рус тилида, луғат жуда зарур бўлаётир», дедим. Опа анча ўйланиб турди-да, «Эртага бир учрашинг», деди. Дарс тугагандан кейин иккинчи қаватдаги фан кабинетимизга бордим, Фая опа, «Ўқув йилининг охирида топшириш шарти билан», деб улкан луғат китобини берди. Опага минг раҳматлар айтиб, луғатни бўлгуси шифокорларга тақдим этдим. Бу асарнинг уларга қанчалик фойдаси текканлигини таърифлаш қийин. Натижа, биринчи семестрда ўзини кўрсатди.

Биринчи курс, бир ойга яқин ўқув машғулотларига қатнашиш, кейин пахта йиғим-теримига сафарбарлик ва яна ўқишга шўнғиш, хуллас, ўтган вақтлар давомида Абдуллада жисмоний ва маънавий жиҳатдан сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Унинг бўйи чўзи-

либ, кучга тұлди, тушунчаси, билим доираси кенгайди. Хавфим, биринчи семестр синон ва имтиҳонларидан укам қандай ўтаркан, деган ўй билан узвий боғлиқ зди. Бахтга яраша, натижа ёмон бўлмади, ҳатто, рус тилидан «4» баҳога ўзлаштириш насиб этди. Энди унга тўлиқ ишониш мумкин зди. Ўзини тутиб олган укамда туғма тиришқоқлик бор зди. Деҳқонбой иккаласи эрталаб 7⁰⁰ бўлмасдан ўқишига кетиб, кеч қайтар эдилар. Ўқув биноларининг тарқоқ жойлашганидан ташқари, амалий машғулотлар кечгача қолиб кетишини талаб этарди. Биринчи курс чиройли интихоланди. Абдулла гуруҳида олдинги талабалар қаторига чиқиб олди. У билан бирга ўқишига кирган ҳамюргларининг ёши каттароқ, айримлари тиббиёт техникумини тутгатган, иш тажрибасига ҳам эга эдилар. Улар билан танишиши, дўст, aka-ука бўлишликнинг аҳамияти жуда катта бўлганди. Айниқса, Тойлоқ Хидиров, Нормурод Фозиев, Қаҳрамон Рўзибоев, Ибодулло Норбоев (Қамаши туманидан), Ҳамро Эрназаров, Мастура Жўраева (Косондан) каби талабалар билан жуда яқиндан танишув, кейинчалик, бир умр дўстликка йўл очган зди. Шаҳрисабз ва Китоб, Қарши ва бошқа туманлардан ҳам ҳамюрт талабалар кўпчилик зди. Қашқадарё шу йилларда Сурхондарё вилояти таркибида бўлганлиги сабаб, Термиз, Денов, Шеробод, Узун, Сариосиё каби туманлардан дўхтирилик касбини танлаган ёшлар ҳам иноқ, бирбовур бўлиб ўқирдилар. Ҳамюргларининг кўпчилик бўлиши таълим-тарбия олишда ижобий муҳит ҳосил қилар экан.

Айниқса, бу кўпчилик бўлиш пахта йифим-терими мавсумида иш берар, ҳамюрлар бир-бирини қўллаб-куватлар, машғулотлар пайтида эса биргаликда дарс қилиш имкониятини яратар зди. Ёши каттароқ ҳамюрт талабалар Абдуллани авайлашар, унинг кўнглига қарар эдилар. Уларнинг далдаси, ҳамжиҳатлиги укамнинг ўзини тутиб олишида ўзига хос ўрин тутган омил бўлган зди.

Қишлоғимизда машъум, қора қуюн ўрлаётган 1962 йилнинг баҳорида Абдулла иккинчи семестр учун гайрат ва шижаот кўрсатиб, ўқиши давом эттироқда эди. Мен тўртинчи курс бўлган эдим, амалиёт бошланган, дарслар тўхтаган эди. Шу сабабли, 1 май байрами олдидан қишлоққа бориб келишим имконияти туғилганди. Абдуллага кетиш олдидан, «Бир-икки кунга бориб келасан, бирга кетамиз», дедим. Укам, «Икки кунлик дам олишдан фойдаланиб, янги туркум фанни ўзлаштириши кераклигини» айтиб, узр сўради.

Элмурод иккаламиз йўлга чиқдик. Қамашига, пахта қабул қилиш пунктига бордик. Одатда, шу жойдан хўжаликлардан келган юк машиналари кун ботгандан кейин, баъзан жуда кечда қайтарди. Пахта қабул қилиш пунктида Кичик Дўстбердидан бўлган Қулмурод Худойбердиев деган бошида сочи йўқ, анчайин семирган, хушмуомала киши бошлиқ эди. Олдинлари бизни кўрса ўрнидан туриб кўришадиган, илиқ муомала қиласидиган бу одам Элмурод ва мени кўриб, пинагини ҳам бузмади. Дарвоза олдида стул кўйиб, чой ҳўплаб ўтирганича, «нега келдиларинг», деб ҳам сўрамади. Бу ҳолдан жуда ҳайрон бўлиб, каловланиб қолдик. Аликсиз қолган салом, атайин тундлаштирилган башара ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди. Бемавруд келибмиз-да, деган фикр билан ортга бурилаётганимизда, «Нарироқда кутиб туринглар, машина бўлади», деган дағал овоз эштилди. Бу, у кишининг овози эди, тавба, хоҳлар-хоҳдамас гапирилса, овоз ҳам «тўнини тескари кийиб олар» экан.

Дарвозадан сал нарида уч-тўртта «ГАЗ – 52» юк машиналари турарди. Ҳаммасига ҳам қўмир ортилган эди. Апрель – май ойлари қишлоқларда пилла мавсуми авж давр саналарди. Қуртлар бокиладиган хоналарни иситиш учун кўмир ёқиларди. Четдаги машинани рақамидан танидик. Уни бизга ҳам қўшни, ҳам амаки бўлган киши бошқаарди. Кабинага яқинлашиб бордик, шофёр кўринмади. Бир соатдан

кўпроқ кутиб турдик. Ниҳоят, шофёр яна бир киши билан келиб, бизларга эътибор ҳам бермади. Бизлар уларни илғаб турибмиз, улар бизларни кўрмади. Кўзга кўринмас одамлармидик, кўришмади. Машина жўнаб кетди. Элмуроднинг олдида ўзимни жуда нокулай ҳис қилдим, охир, қариндош, ҳамсоямиз, кўриб-кўрмасликка олса-я... Нималардир бўлаётган, муносабатми, жамиятми ўзгараётгандек эди. Гап шундаки, Элмурод ва мен қайтганимиз кундан йигирма беш кун муқаддам, 1962 йилнинг 5 апрелида отам Равшан Курбоновни қамоқقا олган эдилар. Улуғ бир салтанатда кечган ўзгариш шу бўлиб, дуппа-дуруст, ўзини отамга дўст кўрсатиб келган одамларнинг ва яқинларнинг фикрларини ҳам ўзгартирган эди. Элмурод иккимиз шу ўзгаришларнинг заҳаролуд илк мевалари ни татиган эдик. Хулласи қалом, шу кеча қишлоққа етиб бора олмадик. Воқеаларнинг давомини олдинги саҳифаларда ҳикоя қилдим. Уйимизнинг тортиб олиниши ва тинтуб қилиниши, «Волга»нинг олиб кетилиши воқеаларини бу ерда такрорлаш ҳожат эмас.

Қишлоқдан қайтганимдан (Элмурод олдин жўнаб кетган эди) кейин, воқеани укамга қандай айтишни кўп ўйладим, унинг руҳини тушириб, ўқишдан ҳафсаласини пир қилиб қўймайманми, дея қийналдим. Охири, ётиғи билан тушунтиридим. Абдулла ақлли, фаросатли, ўйловли йигит эди. Ҳаммасини индамай эшитди, кўзларига тиқилиб келаётган ёшларни, барibir, қайтара олмади. Йиғлади, ўзини қўлга олди. Онамнинг, «Энди икковларинг ҳам белни икки жойидан боғлаб, аввалгидан икки ҳисса кўпроқ ўқийсизлар», деган сўзларини айтиб, Абдуллани юпатишга уриндим. Укам, воқеалар бошланишининг ичida бўлган, отамнинг раисликдан олиниши, тафтишнинг атайин қилинаётганилиги гап-сўзларини эшитган, буларнинг оқибати нима бўларкан, деган ички бир ўйда юрганлигини сезиб юраддим. Бу ҳақда онда-сонда фикрлашиб ҳам турадик. У, отамнинг қамалишида

кимлар айбдор эканлигини яхши биларди ва уларни буралаб сўкарди. Яхшиликнинг ёмонлик бўлиб қайтиши кўз ўнггимизда содир булаётган эди.

Дастлабки суд жараёнида отамга нисбатан қўйилган айблов ўз тасдигини топмаганидан сўнг, иш қайта терговга жўнатилгани тўғрисида олдинги саҳифаларда айтилди. Қайта терговда қонунда белгиланган расмиятчиликлар яна бошдан такрорланади. Яна уйимиз тинтуб қилинади. «Уйимиз» деб айтдим, аслида шундай эмасди. Отам ва менинг номимдаги қўш уй олдинги тергов вақтида биздан тортиб олинган, кучада қолган катта оиласизни бўламиз Оқназар Эшонкулов ўз уйини бўшотиб, кўчиртириб борган эди. Кўлга илашадиган нарсалар ҳаммаси хатланган, машина, молҳоллар олиб кетилган, тўшак гиламлари, тўрт-беш кўрпа, бир сигир, иккита қўчкор қолганди.

Иш терговга қайтарилгандан кейин, Хушмурод Холбеков ва қайнотам Абдураҳмон Азимов онам билан маслаҳатлашиб, яна тинтуб бўлишини айтгандилар. Биз келин-куёвларга, орзу-ҳавасдан ҳам ташқари, яшаш жойи йўқлиги сабабли, олиб берилган ўтов, бу пайтда ҳовлининг бир четида тахтлаб қўйилган эди. Улар бамаслаҳат шу ўтовни сотишга онамни унатгандар. Қайта тинтуб куткусидан ҳам кўра, жўжабирдай жон эмасми, ейиш-ичиш эҳтиёжи шуни тақозо этган. Отам 1952 йилда Кисловодск санаториясига борганида Чўли Бегимқуловнинг ундаши билан иккита гилам олиб келганди. Гиламмисан гилам, нақшларидан кўз узиб бўлмасди. Курортга бирга борган раисларнинг ҳаммалари гилам кўтариб келишган экан. У пайлар бундай қалин гиламлар Ўзбекистонда ноёб ва камчил ҳисобланаркан. Шу гиламларни, тахмондаги тўрт-беш кўрпани, «Кўздан нарироқ қилиб қўйиш», ҳам маслаҳат қилинади. Ўтовимизни олдинги баҳосидан уч ҳисса камига сотадилар. Унинг пулига ғалла харид қилинади. Қачон унга эҳтиёж сезилса, онам томондан қариндошимиз Очилбой Дўстмирзаев тегирмон қилиб бе-

рарди. Шукрки, уйимизда нон ва сут бор эди. Ўз боғимизда токлар авжи ривожга кирган, бир йил-ярим йилдан кейин узум бериши муқаррар эди. Хонадонимиз күчирилгандан кейин боғимиз қаровсиз қолди, сугорилмади, ишланмади, ёввойилаш, қуриш ҳолига келиб қолди.

Оқназар Эшонқуловнинг ҳовлиси катта эди. Ток ва турли-туман дарахтлар гуркираб турарди. Икки-уч йиллик токлар бир бош-икки бош узум ҳам сола бошлаганди. Орадан икки-уч ой ўтган, биз бу ҳаётта эндиғина кўника бошлаган бир пайтда, қун ботиш олдидан тинтув қилиш учун бир туда одам ҳовлимизга босдириб келади. Уй-ичимиз яна бир бошдан синчиклаб текширилади. Бу сафар ёстиқларнинг жилдлари пичоқ билан аёвсиз кесилиб, пул изланади. Онам, сотилган ўтовимизнинг қолган 500 сўм пулини рўмолга ўраб, доим белига боғлаб юрган. Иттифоқо, шу қун рўмолни ечиб, кўрпалар устига ташлаб қўйган. Уларнинг топгани ана шу «бойлик» бўлган. Озиқ-овқатга, болаларга уст-бошга деб, тишинг ковагида асраб кelingан пул олиб қўйилади. Прокуратура ходимлари ҳовлини кўришга кирганларида, онам сигирни соғиб бўлиб, сатилни қўтариб келаётган бўлади. Улар уйни тинтув қилаётгандан ҳам онам эътибор бермаган, чақирганларида, «кўраверсинлар», деб жавоб қилиб, сигирни соғиш, бузоқни боғлаш билан овора бўлган. Чамамда, онамнинг иккинчи тинтувга юраги чидамаган, атай ўзини четта олган. Тинтувчилар қўрага кираётганларида, бокувдаги икки қўчқорнинг бири ипини узиб, боғимизнинг ичига қараб қочган. Шу билан у ҳисобга кирмай қолган. Тинтувчиларда ҳам инсоф бор экан, денг. Ноинсофлар бошқа жойдан чиқиб қолди.

Кўрпа-тўшакларнинг учта-тўртта ортиқчасини «кўздан нари қилиш» мақсадида тинтувдан бир қанча вақт олдин бир кўча наридаги қариндошимиз уйига олиб кетган. У куёвнамо бўлиб, хотини уруғимиздан эди. Суд бўлиб, ҳамма иш оппон-соппон бўлгандан

кейин, Абдулла укамни уйлантириш⁴ ҳақида ташвиштараддуд бўла бошлигач, онам ўша кўрпаларни суриширади. Йўқ, у кўрпалар изсиз йўқолади. Онам раҳматли иккинчи бор сўраганида ҳам, қайтариб беришмагач, уларга бағишлаб юборади. Бир оз олдинроқ кетиб айтадиган бўлсанм, шу оила, барибир, мондимади. Биронники биронга буюрмас экан. Энди, шу рўзгор йўқ ҳисоби, ота-она ўлиб кетди, болалар ҳар томонга тарқалиб, уйдан кут-барака учди.

Иккинчи тинтув чоғида кўлга илашадиган нарсанинг ўзи бўлмаган. Шу сабабли, ёстиқлар кесиб ташланган, сандиқлар тўнтирилиб, тит-пит қилинган. Сандиқлардан бирида ўша вақтда лавозимли кишиларга расм бўлган ҳарбийранг матодан икки кийимлик бўлган. 1957 йилда Нарзулла укамнинг суннат тўйи бўлган эди. Тўй муносабати билан чит, сатин, шоҳи ва бошқа газламалар ҳам олинган. Уларнинг ортиб қолгани сандиққа солиб қўйилган. Тинтувчилар бу газламарнинг (айримлари бир тўпдан, 3 метрдан то 10 метргача) қимматини белгилаш учун қишлоқ дўконининг мудири Бўрон Жўраевни ҳам текширувчилар таркибига киритганлар. Бўрон Жўраевдан фикр сўралганда, «Бу матоларнинг ҳаммаси, ана дўконда, қалашиб ётибди. Қайси бир ўзбекнинг уйига кирсангиз, сандигида бундан кўп ва булардан қимматлироқ читлар, сатинлар, шоҳилар сақланади. Бу оиласда олтита хотин-қизлар (онам, тўртта синглим ва аёлим) яшайди, уларга кийим-бош қилишга шу нарсалар зарурда», деган гапни айтади. У кишининг гапи билан, эркаклар костюм-шим қилиши мумкин бўлган ҳарбийранг мато тўпи билан олиб кетилади, чит, сатинлар эса қолдирилади. Юқорида келтирганим икки мисолдан қариндошнинг қимматини, бегонанинг ҳимматини

⁴ Бу никоҳ қариндошимиз Ойимсулов Абдуллаева билан бўлиб, кўпга бормаган, Воқид исмли фарзанд туғилган, ажрасув юз берган эди.

тарозига қўйиб, тортиш мумкин бўлади. Демоқчиманки, бирорнинг фожиасидан фойдаланиб қоладиган, одамгарчиликдан кўксидан нишона йўқ кимсалар қариндош-уруг орасидан ҳам, ётлардан ҳам истаганча топилади. Оддинроқда айтганим, Кисловодскдан совға тариқасида олиб келинган иккита гиламни қайнотам Абдураҳмон Азимов ёртепалик ошиноси Малла қассобнинг уйига элтиб қўйган. Отам муддатидан аввал қамоқдан озод этилган куннинг эртасига Малла қассоб машинага гиламларни юклаб, отамни муборакбод этиш учун етиб келган эди. Бошга иш тушганда, яқин ва олиснинг, одам ва ҳайвоннинг фарқи дангал билинар экан. Яна мисолларим кўп эди, уларни айтишни эп кўрмадим. Бизга жабр ва ситамлар етказган, хўрликлар ўтказган, оёқ ости қилишга тиш-тирноги билан урингач кишиларнинг аксарияти орамизда йўқ. Уларнинг авлоди, фарзандлари, набиралари барҳаёт, бир дарё бўйида, узоги билан, 40-50 км лик масофада, бир ҳаводан нафас олиб яшамоқдамиз. Уларнинг ҳам бўлиб ўтган воқеалардан хабари бор. Эски жароҳатларни қўзғаш, номларни тилга олиш, энди, бефойда. Тарих, албатта, такрорланмайди. Кўнгилларга озор етказиш асло муддаом эмас. Юқорида зикр этилган воқеаларнинг ўзи, ибрат учун кифоя қиласликдир. Мен, дардимизни достон қилиб, арз ёки муруват истагида бўлмадим. Совет даврида одамнинг қадри йўқ эди, хизмат қилган ҳам, қилмаган ҳам тузумдан шафқат кутиши мумкин бўлмаган одатдаги ҳол эди. Ўша йилларда давр исканжасига тушган раҳбарлар оз бўлганми? Бугун бу иш бизнинг оиласиз бошига тушиб, калтак отам бошида синган экан, эртага қора қуюннинг исталган хонадоннинг эшигини синдириши мутлақо тасодифий бўлмасди. Ўтмиш тарих ҳам, кечаги куннинг тарихга айланиб ултурган воқеалари ҳам келажак авлод учун фақат ва фақат ибрат, хулоса чиқариш, сабоқ бўлсин учун қайта ҳикоя қилинади, хотирада сақланади.

Н. Хрущев даврида ўрлаган қатағоннинг даҳшатларини оиласиз, ота-онам, биз фарзандлари боши миздан кечирдик. Лекин, бу оммавий истибододнинг гирдобига тортилганлар оз эдими? Давр бўхрони авлод-аждодларимизнинг тарихи милоддан бурунги неча минг йилликларга бориб тақаладиган Ватанини мустамлакага айлантирган, инсоний ҳукуқлардан маҳрум этган бир шароитда бундан бошқача бўлиши мумкиниди? Йўқ, албатта. Истибод довуллари халқимизнинг минг-минглаб таниқни арбобларини, знёлиларини, шоир ва адилларини, озодлик курашчиларини ҳалокатта гирифтор этди. Конунсизлик, ноҳақлик ҳукм сурган Қизил салтанат миллий ўлкаларда ёвузликни, жалодликни ҳаддан оширган эди. Машъум 37-йил қатағонидан кейин 50-йиллар бошида юз берган зўравонликлар 60-йилларга келиб, яна қайталанган эди. Энг сўнгги қатағон эса, 80-йиллар бошларида юз берди ва «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» бўлиб, қанча бегуноҳ юртдошларимизни комига тортди.

Отам бошига, оиласиз бошига тушган кулфатлар бизни эрта чиниқтирган эди. Фақат чиниқтириш эмас, Қизил истибоддага қарши нафратни ҳам онггимизда шаклантира бошлаган эди. Ҳарна дардимиз ичимизда бўлиб келганди. Даминовнинг беўйловлиги, худбинлиги фақат ўзини, ёнидагиларни, шу билан бирга, бизни ҳам, оиласизни ҳам синдириб, ҳалокат ёқасига келтириб қўйган эди. Отам қамоқда, онам саккиз фарзанди билан уйда, уларнинг қорнини тўйғазиш фамида, мен ва Абдулла эса Самарқандда ўқишида эдик. Онам раҳматли шу йиллари отам ўрнини ҳам босган эди. Бугун ёшим етмиш иккidan ўтиб, Абдулла укамсиз катта хонадонимиз ҳувиллаб қолган, нималаргадир эришиб, нималаргадир эриша олмаган, аммо сафда норларимиз қаторлашиб, келажак ва умидлар рўёби олдинда турган бир вазиятда, ўтмишда кечган воқеаларни ёдга олиб, хулосалар чиқаришига уринаман.

60-йиллар бошида кечган фожиалар бизни, оиласынан камида ўн йилга орқага кеткизиб юборган эди. Ҳаммасини, ҳаммамиз бошидан бошлашимизга тўғри келган эди, отам ҳам, бизлар – фарзандлари ҳам. Келинг, яна воқеалар сиасисига қайтайлик.

Суд бўлди, хукм ўқилди. Отамга ЎзССР Жиноят Кодексининг 149-моддасига асосан, З йил қамоқ жазоси бериади. Икки бор ўтказилган суд йифилишларида асосий айбланувчилар – Бердиёр Ниёзов ва Авлоқул Равшановлар гўшт режасини бажаришда йўл қўйилган нуқсон учун Равшан Қурбонов айбдор эмаслигини, бу ишдан унинг мутлақо хабарсизлигини таъкидлаганларига қарамай, уни суд залидан озод қилишга қурблари етмади. Судга ўтказилган катта босим, ишнинг шунчаки жиноятлардан эмаслигини, АҚШга етиб олиш режасининг барбод этилиши билан боғлиқлигини – сиёsatга даҳлдор эканлигини кўrsатиб турар эди. Бу бориб турган давр тўлғони, унинг хатоларига оддий кишилар жавоб бериши муқаррарлигининг оддий бир кўриниши эди. Хрушчев⁵ даврида, айниқса, ҳокимиятининг кейинги йилларида бутун мамлакат бўйлаб, кенг қамровли қатағон, шу тариқа, амалга оширилган эди. АҚШга қишлоқ хўжалиги, гўшт этишириш бўйича етиб олиш ва ўзиб кетиш пойгаси мамлакат чорвачилигини, айниқса, ҳалокат ёқасига келтириб қўйган, бундан вилоятлар, туманлар раҳбарлари, бевосита ишлаб чиқариш билан банд бўлган хўжаликлар раислари, мутахассислари, гўшт комбинатлари бошлиқлари қаттиқ азият чеккан эди. Курама давлатни кўр-кўrona, худбинларча бошқариш оқибатлари вой бўлган, Хрушчев салтанат тахтидан

⁵ Хрушчев ишдан олингач, Бердиёр Ниёзов ва Авлоқул Равшановлар ҳам қамоқдан озод этилган эди – муаллиф.

шармандаларча олиб ташланган эди. Бу 1964 йилнинг октябринда, отам қамоққа олинганидан икки йил кейин рўй берган эди. Қатағонга тортилган оиласар қаторида, биз учун бу икки йил ниҳоятда оғир синовлар, мاشаққатлар, ҳаёт-мамот даври бўлган эди.

1962 йил ўтди. Отам судлангунга қадар Термизга ортларидан икки марта бордим. Кейинги сафар, ўқишимдан бир ҳафтага жавоб олиб борганимда отамни кўришга бир амаллаб эришдим. Кичкина хужра, ўртада ойнаванд тўсиқ, юз кўринадиган дарча. Отамни олиб келган кўриқчи бурчакда қотиб турибди, учрашув вақтини белгилаб, кичик бошлиқлардан бири чиқиб кетди.

Дийдор отам маҳбусликка ташлангандан икки ойлар чамаси кейин, май ойининг охирларида насиб этаётган эди. Термиз қамоқхонаси шаҳарнинг бир четида, зоопаркка яқин бир ерда эди. Қабул умидида эрталабдан кечгача турмахона атрофида сарсону саргардон айланардим. Зоопаркка бориб, қафасдаги қушлар, ҳайвонларга термулиб ўтирадим. Хужжатларни расмийлаштириш, ружсат олиш аросат билан дўзах оралигининг айни ўзи эди. Кўпол ва тунд муомала, одам ўрнида кўрмаслик бу ерда шафқатсиз равишда ҳукм сурарди. Кейинчалик, Қашқа воқасидаги тўртта Совет турмасининг тарихини ёзганимда («Қамоқ салтанати»), ўзим кўрган, гувоҳ бўлган Қизил истибодод қамоқхонасининг разил ва қабиҳ башарасини аслига монанд тасвирлай олган эдим, дея оламан.

Отам ўзини анча олдириб қўйган бўлса-да, бардам, руҳи тетик, ориқлаган ва, назаримда, ранглари оқарин-қираган эди. Биз отамизни ҳамиша иссиқда қорайган, чайир бир инсон сифатида кўришга одатланиб қолган эдик. Қамоқхонанинг ёруғлик кам тушадиган, зулмат ҳужралари Африка хабашларини ҳам оппоқ қилишга қодир эди. Салом-алик қиадик. Менинг кўзларимда ўш айланаётганлигини пайқаган отам, дарҳол сўраб-сuriширишга ўтди. «Поёнбой, ўғлим,

онангиз қандай, Тўлқинбой укангиз ҳам қотайиб қолдими? Абдуллабойнинг ўқиши яхшими, Зайнабой, Ойшаой, Нарзуллабой, Сайёра, Гулсара қизларим, Файратбой, Қаҳрамон соғ-саломатми, яхши ўсаётирларми? Мактабдаги ўқишлари ҳам яхши кетаётирми? Ўғилчангиз Баҳодир қандай, келиним ҳам яхшими?» Отам берган саволларга бирма-бир жавоб айтдим. Тўлқинбой чақалоқ, онамнинг қўлида эди. Бўлиб ўтган нохуш воқеалар, ҳатто, шу норасида гўдакка ҳам таъсир қилганмиди, билмадим, қишлоққа бир келганимда у жуда оғир бетоб экан. Нарзулла укам қишлоқ дўхтиларига кўп қатнаган, улар кўрсатган тиббий ёрдам, негадир, кор қилмаган экан. Қишлоғимизда шу йиллари Поён Мирзаев, Фармон Абдураҳмонов, Юсуф Раҳматуллаев каби тажрибаси катта ўрта тиббий хизмат ходимлари – фельдшерлар ишларди. Поён Мирзаев ва Юсуф Раҳматуллаевлар кейинчалик олий маълумотли дўхтир бўлиб етишдилар, Фармон Абдураҳмонов Қарши педагогика институтини тугаллаб, мактабларда ишлади.

Укам соғаявермагач, онам ўзини қўярга жай тополмайди. Ёнидаги Жума ва Ойзиё аммаларимиз «ескича» қилдиришни маслаҳат берадилар. Нажот истаган сув юзидаги чўпга ёлишади-да. Бу ирим-сириларнинг ҳам бирон нафи бўлмайди. Чақалоқ кундан-кунга сўлиб бораарди. Мен Самарқанддан келганимда укамнинг қўзини очишга ҳам мадор қолмаган эди. Шунда, эсимга бирдан Мулло Бурҳон келиб қолди. Отамнинг бу одамга ихлоси жуда катта эди, устоз сифатида ҳурмат қиласарди. Мулло Бурҳон Содиқовнинг диний илми зўр эди. Вақтида мадрасани ҳатми кутуб қила олмаган бўлса-да, неча йиллар давомида пирларидан таҳсил олган, ўта саводхон, билимдон киши эди. Мулло Бурҳон араб ва форс тилларини яхши биларди, Қуръон тафсирида ҳам, айтадиларки, пешқадам бўлган. 1932 – 1935 йилларда Чироқчи туманида маориф бўлимининг мудири вазифасида ишлаган. Шу

даврда отам Чироқчи тумани қишлоқларида – Майдада, Дурсун, Кичик Дўстбердида очилган бошлангич мактабларда муаллимлик, мудирлик вазифаларида ишлайди. Ўтган асрнинг 37-йиллар зуғумларини бошдан кечирган Мулло Бурҳон элда обрўли инсон, етук мулло эди. Отам билан у кишининг муносабатлари то умрлари охирларига қадар мустаҳкам сақланиб қолди. Мулло Бурҳон домла бир сафар шундай ҳикоя қилган эди: «Урушдан оғир ярадор бўлиб қайтдим. Оёғимни боса олмайман. Уй совуқ, илитадиган нарсанинг ўзи йўқ. Бир куни отангиз Равшанбой уйимга кириб келди. Бу 1943 йилнинг охирлари – 1944 йилнинг бошларида бўлган эди. Равшанбой Қамаши тумани ижроия қўмитаси раиси ўринбосарлигига 44-йилнинг бошларида кўйилган экан. Уйимга ғалла, шакар ва дори-дармонлар олиб келди. Анча вақт гурунглашиб, ҳол-аҳволлашиб ўтириди. Ярамни кўздан кечирди, совуқдан газаклаб кеттанига ачинди, дўхтири олиб келаман, деб кетди. Орадан бир кун ўтар-ўтмас, дўхтирини бошлаб келди. У кўрди, даволади, оёқни иссиқ сақланг, деб тайин қилиб кетди. Шундан кейин, якшанба куни эди, Равшанбой яна олдимга келди ва «Сизга пўстакдан шимтикиб келдим, оёққа кийиб оласиз, совуқ таъсир қilmайди», деб ўзи кийгизиб, кўнглимни кўтариб кетди. Шогирдларим, қишлоқдошларим, яқинларим кўп бўлса ҳам, бирортасидан бундай яхшиликни кўрмадим».

Мулло Бурҳоннинг уйига бордим-да, воқеани айтдим, «Укам оғир ётибди, ёрдам қилмасангиз бўлмайди», дедим. Домла очиқ кўнгил, олижаноб киши эдилар, дарров камзулини эгниларига солдилар-да, ўроғлик китобини қўлтиқлаб уйимизга келди. Чақалоқни кўрди, кўз очмай ҳансираф ётарди. Ҳаммамизни ташқари чиқариб юборди-да, шифобахш дуоларни ўқишга киришди. Кўп ўқиди, хўб ўқиди. Онамга у-бу парҳезларни буюрди-да, «Бола энди ором олади, ҳавотир бўлманглар», деб хайрлашди. Бу ерда тасодиф йўқ эди. Мулло Бурҳоннинг нафаси жуда ўткир эди.

Қуръони Карим суралари, шифобахш дуолар ўз ўрнида, билиб тиловат қилинса, хасталик чекинмай қолмайди. Шу куни кечаси укам йиглаб, күкракка талпина бошлади. Бу унинг соғая бошлагани аломати эди. Эртасига кўзини очиб, опаларига «кўтар» дегандек талпина бошлади. Тўлқинбой ўзига келгандан кейин, Самарқандга қайтиб кетдим.

Отамнинг саволларига жавоб қайтарар эканман, шу воқеа кўз олдимда жонланди-да, уни айтмасликка қарор қилдим. Отамнинг кўнглига хавотир солиб кўйишим мумкин эди-да. Қишлоғимиз одамлари, Эшмат ва Нурмамат Искандаровлар, Уста Бозор бобо Фозиев, Парда амаки Эрназаров, Хушмурод Холбеков, Оқназар Эшонқулов, Эшнор ва Эшқобил амакиларим, мулло Бурҳон Содиқов ва бошқалар салом йўлмашганини айтдим. «Поёнбой, иккинчи суд кузда бўлса керак, Худодан умидим катта. Сизлар соғ-саломат бўлинглар, қийинчилик бўлса ҳам, яхши ўқинглар. Онангиз ҳеч хафа бўлмасин, у кишининг кўнглини кўтариб, далда бериб туринглар», деган сўз билан отам вақт тугаганига ишора қилди. Ҳақиқатда, отамнинг шу гапи тугар-тугамас, «вақт бўлди», деган дағал овоз эшитилди. Қамоқхонанинг кўришув жойидан чиқар эканман, юрагим алланечук бўлиб, кўнглим бузилиб кетди. Ташқарида, келиб-кетувчилар учун омонатгина курилган шиййонча ўриндинигига ўтириб, ўзимни тутолмай, узоқ йигладим. Турма назоратчилиаридан бўлса керак, бир ҳарбий келиб, «Ука, бу ерда узоқ ўтириш мумкин эмас», деб огоҳдантирганидан кейин, вокзалга томон кетдим.

Абдулла билан олдин-кейин ёзги таътилга келдик. Оқназар бўланинг оди мўъжаз айвонли, уч хонали уйида тиқилишиб яшардик. Онам талаба болаларининг келишига тараддуд кўриб кўйган экан. Қассобдан олиб келинган гўштдан шўрва қилиб, шундай ма-зали патир ёпган эканки, ҳали ҳам таъми оғзимда турибди, десам муболага бўлмас.

Онам Ойбаҳор Али қизи Майда қишлоғидан эди. Бобомни Али Чуроғоси (черик оғоси бўлса керак) дердилар. Урушнинг охирги йилларида уйимизга келганини яхши эслайман. Бир хуржун ёнтоқ шакаридан олиб келганди. Минг тозаланг, чой қилганингизда пиёла бетида тиконлар қалқиб туради. Лекин, таъми жуда ўткир, егингиз келаверарди. Бобомнинг анор рангли катта пўстини бўларди. Вақтида чавандоз бўлган, амирга сарбоз сифатида хизмат қилган бобом қариганида ҳам қомати тик, бардам эди. Отам Майда қишлоғида муаллим бўлиб ишлаган кезларида онамни қаттиқ севган ва онамнинг қатъияти билан улар турмуш қуришган. Онамнинг авлодидан таникли паҳлавонлар, чавандозлар, ўқимишли, ориф кишилар кўп чиққан. Мулла Тош, Тўра Дўм, Шойимбой, Дониёр хатиб, Ҳайдар қоравулбеги, Мейли оқсоқол, Аллоёр (лақаби «Алпон», машҳур чавандоз), Раҳимбой, Даминбой, Алмардон, Шоймардон каби Майда қишлоғининг амирликда таникли бўлган кишилари онамизнинг яқин қариндошлири бўлади. Улар амирнинг отини чопгандар, шу теварак-атрофнинг ишончли амалдорлари бўлганлар. Ҳайдар қоровулбеги, Дониёр хатиб, Шоймардон тогаларимиз ўтган асрнинг 30-йиллари қатагони домига тортилган. Улар метин иродали, кучли кишилар бўлганлар. Али бобом бутун молҳолини советларга топшириб, қулоқ бўлишдан омон қолган. Онамдаги шижоатни, қатъиятни, керак бўлса, мардликни авлодига хос бўлган, қондан ўтган хусусиятлар, дегим келади.

Таътил давомида онамга қўлимиздан келганча қарашдик. Янтоқ ўрдик, сомон тўпладик. Садафой пахта даласида ишларди. Теримда унга тенг келадигани кам бўларди. Онам келинининг меҳнаткашлигидан, озига ҳам, кўпига ҳам чидашидан мамнун бўлиб гапираварди. Ёзги таътил ҳам тезда ўтиб бўлди. Августнинг охирларида Абдулла иккинчи курс, мен эса битирув таҳсилига жўнаш ҳаракатида эдик. Онам, бу

пайтда анча етилиб қолган сигирни сотдиromoқчи бўлди. Ростини айтганда, тинтувлардан омон қолган сигиримиз эрта-индин болалаш арафасида бўлса-да, на Абдулланинг ва на менинг сигирни сотишга кўзимиз қиймасди. Бутун оиланинг ишончи шу сигир эди. Хушмурод амакига кичик гиламлардан бирини бериб, сотишга қарор қилдик. Гиламнинг пули ҳеч вақо бўлмаса-да, стипендияга қадар етиб боришга яради. Шундай қилинди ҳам. Гиламнинг учдан бир қисм пулени олиб, ака-ука Самарқандга жўнаб кетдик. Пиёдалаб йўлга чиқаётганимизда, ортимга қарасам, онам кўзлари ёшлиланган, хотиним эса онамнинг кўлидан тутиб, ичкарига олиб киришга уринаётган эди.

У йилларда Чим билан Оқработ ўртасида дарёда кўприк йўқ, машиналар Тўқбой орқали қатнарди. Қашқадарё қишлоғимизнинг жанубий этагидан, чамаси, 5-6 чақирим нарида бўлиб, яна катта йўлга қадар (Қарши – Шахрисабз) бир-бир ярим чақирим юриларди. Дарёдан ўтиб, катта йўлга етиб келгумизча, кун чошгоҳ бўлаёзганди. Кўп кутмадик, бир йўловчи машина бизни кабинасига олди. Шахрисабзга етиб олсак, армон йўқ эди. Китобга борардик, бу жойдан эртами-кечми йўловчи ташийдиган юк машиналари доимо топиларди.

Абдуллага, чамаси, яхши ўқиганлиги учун ётоқхонадан жой бердилар. Менинг кўнглим тўқ бўлди, ўзим ҳам университетнинг беш қаватли янги ётоқхонаси нинг иккинчи қаватидаги 50-хонага жойлашиб олдим. Дўстларим, ҳамюрларим Тўра Нафасов, Қўйли Хуррамов менга ҳам жой банд қилишган, кейинчалик ёнимизга бешкентлик курсдошимиз Исомиддин Исломовни ҳам олгандик. Исомиддин билан ижара ҳужрада бирга турганимиз хусусида олдинги саҳифаларда ёздим. Укам билан фақат кечқурулари кўришардим. Ҳафтада бир марта бориб, ҳол-аҳволлашиб келардим. Ўзимда пул бўлмаса-бўлмасин, аммо унинг чўнтаги бўш қолмасин, дердим. Мен беш йил давомида «аъло»

баҳоларга ўқидим. Оддий стипендиялар 19 сўм бўларди, аъло баҳо учун тағин 3 сўм қўшиб бериларди. Олдинлари отам 50-100 сўм бериб жўнатарди. Бу пулга кийим-кечак, дафтар-китоб, зарурий нарсалар сотиб олардим, тағин бир қисми ортиб ҳам қоларди. Сентябрь ойи талабанинг тўлиб-тошган даври ҳисобланарди. Пахта олдидан ўқишлиар у қадар тифиз бўлмас, уйдан чўнтакни қампайтириб келган талабалар паркка, катта ҳовузли емакхоналарга ошиқардилар. Учинчи тўртингчи курсларда эса, пивохўрлик ҳам бўлиб турарди. Энди, кийим-кечак сотиб олиш ҳаёлга ҳам келмасди. Фикри зикрим Абдулланинг қийналиб қолмаслигида эди. Абдулла ҳам стипендиясини учма-уч бу ойдан у ойга етказар, мен берадиган уч сўм, эҳтиёт шарт, қайси бир китоби орасида турарди.

Самарқанд қишлоқ хўжалик олийгоҳида, зоотехника факультетида Чиялнинг Тўқмор қишлоғидан бўлган дўстим Холбозор Тоғаев ўқир эди. У бир йил кейин талаба бўлган эди. Ниҳоятда ўзим, кучли, таниш-билиши кўп эди. Бир куни ётоқхонамизга келди, «юринг, бир пиво ичайлик», деди. Кийиндимда, Холбозор билан паркка бордик. Ҳангомалашиб ўтирдик, уни кўриб, официант аёл юргургилаб келди, пивохоналарда бундай ҳол кам учрайди. Ўзинг учун ўл, етим қабирида, пиво ичмоқчи бўлган аввал идиш топади, сўнг навбатга қараб чопади. Зум ўтмай пиво, шашлик келиб қолди, денг. Холбозорга саволомуз қарадим. «Узумини енг, боғини суриштирманг», деди у. Маълум бўлишича, улар шанба куни уч-тўрт полвон билан Нарпойга бориб, кураш тушган эканлар. Холбозор 300 сўмга яқин зот ишлабди. Иккаламиз шуни юваётган эканмиз. Бундай қарасам, устидаги костюмнинг кўкрак чўнтағи ўнг томонда, ажабландим. «Мабодо, костюмингиз аёлларники эмасми?», деб тегишдим. Холбозор қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди. «Ай, ошно, бу чилт янги костюм, янги фасонда тикилган, Самарқандда акангиз қарағай биринчи бўлиб кийдим, истасангиз, сизга

ҳам жойини айтишим мумкин», деди. Кейин, у, янги костюм тарихини кула-кула сўзлаб берди. Бони Шамолда (қишлоқ хўжалик институти жойлашган мавзе) бир арман тикувчи – чол яшар экан. У эски, уриниб қолган костюм-шимларни астарини устига ағдариб, «янгилаб» бераркан. Шу сабабли, чап томонда бўладиган кўкрак чўнтак, тескари тикилгани учун ҳам, ўнг томонга ўтиб қоларкан. Буни эътибор берган биларди, бўлмаса, «янги мода»га йўйиб, аҳамият бермасди.

Янги ўқув йилида бирор кийим-кечак ололмаганим, Абдуллага янги костюм-шим харид қилмаганим учун, Холбозорнинг айтганлари қулогимга хуш ёқди. У билан келишиб, фалон қуни арман тикувчининг олдига борадиган бўлдим. Талабалик чоғимда, бешинчи курсга қадар иккита костюм-шим кийганман. Биринчи иккинчи курсларда кийганим яшил костюм-шимиим эскириб, яроқсиз бўлиб қолганди. Учинчи курсда Самарқанддан ташлаб олганим қўнғир рангли костюм-шимиим ҳам яроқсизликка номзод бўлиб турганди. Арман тикувчининг ҳузурига бордик. Жуда хушчақчак чол экан, латифа айтиб, роса кулдирди-да, «Бир ҳафтадан кейин янги буюмни олиб кетасан, «Маде ин Петросян» бўлади, саволлар борми?», деди қувлиқ билан.

Айтилган вақтда «Петросян иши» бўлган костюм-шимиим олдим. Ички томони сиртига ағдарилган костюмим, жуда зўр санъат билан тикилган, ёқалари, чўнтаклари ҳавасни келтирас даражада силлиқ чиққан эди. Кийиб кўрдим, қуйиб қўйгандан тўғри келди. Бироқ знига, бўйига салгина кичрайгандай эди. «Яхши бўлди, Абдуллага жуда мос келади», дея ичимда қувондим. Ҳазилкаш арман тикувчи, «Берганингни бер, мен довлашмайман», деди. Холбозор чўнтагини ковлади-да, мендан олдинроқ З сўм чиқариб берди. Петросян бобо жўмард экан, Холбозорга 1 сўм қайтим берди. «Олиб келавер студентларни, Петросян чарчамайди», деди хайрлаша туриб. Тикувчининг топ-

қирилгини энди тушунаётирман. Холбозор унинг олдига яна ўнлаб эскини янгилайдиган талабаларни олиб бормаганими, дейсиз. Петросян қимматфуруш бўлганида эди, корхонаси ёлчитиб ишламаган бўларди. Кукрак чўнтаги ўнг тарафда бўлган янги костюм-шимни укамга залтиб бердим. Кийиб кўрди, унга жуда ўтиришди. Абдулла иккинчи курсда жуда барваста, тўлишган, чиройли йигит бўлган эди. Костюм уни яна-да очиб юборди.

Зарурат бўлиб қолганда, костюмни алмаштириб кияр эдик. Бир йил давомида Петросян бобо бизларнинг ҳожатимиизни чиқарди. Туғилган кунларга, тадбирларга шу костюмни кийиб борардим. Бирор, чўнтаги нега ўнг тарафда, демаган. Кейин уни батамом укамнинг тасарруфида қолдирдим. Тежаб-тергаб пул иқтисад қилишга мажбур эдим. Газеталардан бир ой-икки ой деганда 90 тийинлик, З сўмлик қалам ҳақи олиб турардим. Мақолага оз, шеърга яхши тўлашарди. Йириб юрганларим, тахминимча, уч йилда костюм сотиб олишимга етарди. Бир куни отамнинг дўстларидан бири, узоқ йиллар хўжалик раиси бўлиб ишлаган Лапас Мұхаммадиев Самарқандга келди. Қамашилик талабаларни тўплаб, Регистон яқинидаги чойхонада зиёфат қылди. Мендан ҳол-аҳвол сўради, «Отангнинг олдига бориб турибсанми?» дея суриштириди.

Лапас раис (уни ҳам гўшт сотиб олиш масаласидан айбдор қилишиб, ишдан олиш билан чекланган эдилар) қўлимга пул тутқазди. Негадир, бошқача бўлиб кетдим. «Раис бобо, олмайман, катта раҳмат», дедим. Қўймади, «Атайлаб сени кўргани келдим, Тошкентда эдим, Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади», деди у. Олишга олдиму, шу пулни ишлатишга ҳеч ғурурим йўл қўймади.

Отамнинг дўстлари... Улар жуда кўп эди. Ичкуярлар ҳам, хиёнаткорлар ҳам улар бўлишди. Яхшиликнинг кўзини ўйиб, мансаб йўлида узангига ёпишиб, отдан туширган, оиласизга миссализ хўрликлар етказ-

ган кимса ҳақида сўзладим. Фавқулодда отам қамоқча олингандан кейин унинг қадрдонлари, жон дўстлари қўлни қовуштириб ўтирмадилар. Чиялдан Тойлоқ Рўзиев, Рамазон Алиқулов, Қамашидан Лапас Муҳаммадиев, Сафар Омонов каби инсонлар – уларнинг вилюятда обрў-эътиборлари катта эди – обком ва райкомга шахсан боришиб, Равшан Қурбоновга нисбатан ноҳақлик қилинганинг айтиб, кўмак беришни сураганлар. Чамамда, уларнинг бетиним саъй-ҳаракатлари ва дастлабки тергов натижаларига кўра, биринчи суд таҳдили отамга нисбатан қўйилган айблов тасдини топмаганлиги сабаб, иш терговга қайтарилган. Бу, табиийки, катта ютуқ эди. Яна, олдинроқ кетиб айтсам, отам, Тойлоқ Рўзиев, Рамазон Алиқулов, Лапас Муҳаммадиев ва Сафар Омоновлар ўртасидаги дўстлик, улар ҳаёт экан, мустаҳкам давом этган эди. Мен бу дўстликка, қадрдонликка ҳамиша ҳавас билан қарайман. Бундай дўстлик мисолини, ҳатто мумтоз асарларда ҳам учратмаганман. Бу дўстлик сайқал топиб, қуда-андачилик даражасига қадар юксалган эди. Ойшаой синглим Лапас Муҳаммадиевнинг тўнгич ўғли Хурсандмуродга турмушга чиққан эди. Хурсандмурод укам Абдулла билан болалиқдан ўртоқ эдилар. Дўстберди билан Жонбуз, кейинроқ Янги қурилиш билан Жонбуз ораси узоқ бўлса-да, кўнгил яқин эди. Гоҳида шанба кунлари Абдулла мотоциклда Жонбузга кетар, Хурсандмурод ва унинг укалари билан сухбатлар қуриб қайтар эди. Хурсандмурод ҳам бизникига келар, бир кун-икки кун меҳмон бўлиб кетарди. Таассусуфки, Хурсандмуроднинг умри қисқа экан. Техника фанлари номзоди бўлиб, Қаршида, Самарқандда олийгоҳларда доцент, кафедра мудири вазифаларида ишлади. 1985 йилда, пахта терими мавсумида ҳаётдан кўз юмди. Унинг хокини укам Абдулла (мен Украинада эдим) ва қариндошлар Самарқанддан олиб келиб, Жонбуз қабристонига дафн этган эдилар. Хурсандмурод катта оиланинг тамал тошини қўйиб кет-

ди. Уч фарзанди – Шавкатбой, Наврӯз ва Ўткирбек (Отабек) бугун элимиэда таниқли инсонлар. Полковник Шавкат Хурсандович Мұхаммадиев эл-юрт тинчлиги йўлида астойдил хизмат қилиб келмоқда. Укала-ри ҳам унинг изидан бориб, оила шаъни, ватан равнақи йўлида камарбаста бўлиб турибдилар. Синглим Ойшаой пиру бадавлат онахон бўлиб, фарзандлар ҳузурини кўриб, набиралари тарбияси учун фидойи-лик қиласди.

Рамазон Алиқуловни вилоятгина эмас, республика ҳам яхши биларди. Катта амал пиллапояларини босиб ўтган, серфарзанд, одамохун, кескир ва қатъиятли бу инсон отамнинг ажралмас, қадрдан дўсти эди. У кишининг Самарқанд тиббиёт олийгоҳини тамомлаган қизлари Ойсараойнинг тақдир йўли укам Нарзулла тақдир йўли билан туташган эди. Улар, шукронаки, баҳтли яшаб келмоқдалар, фарзандлар, набиралар катта хонадоннинг қувончи – ота-оналаримиз яхши ниятларининг ижобатидир.

Тойлоқ бобо Рўзиев билан бўлган дўстлик ришталари ниҳоятда мустаҳкам эди. Бу донишманд, элнинг кайвониси, узоқ йиллар колхоз ва совхозда раҳбар бўлиб ишлаган инсондаги садоқатга бош эгмай, таъзим бажо этмай бўлмайди. Отамнинг дўстлари оғир кунларда бизларни ташлаб қўймадилар, ноҳақликка қарши бордилар, қўлларидан келган яхшиликларнинг ҳаммасини қилдилар. Тойлоқ бобо бу хайрли, олижаноб ишларда бошқаларга бош-қош бўлган, яқинларнинг, дўстларнинг бошини бириктирган, ақл билан иш кўрган раҳнамо бўлган эди. Биз бу қадрдонликни биламиз ва қадрлаймиз. Отам раҳматли вафотига (2003 й.) қадар дўстлари ҳақида яхши сўзлар айтишни, миннатдорчиликни канда қилмади. Қамашида Исмоил Гозиевни билмайдиган ва ҳурмат қилмайдиган киши топилмаса керак. Уруш қатнашчиси, туманда катта лавозимларда ишлаган Исмоил aka ўзини отамнинг шогирдиман, деб фахрланарди. Исмоил aka билан

отам ота-боладай, жуда яқин, ўзаро ҳурматлари ғоят баланд эди. И smoил ака келди-кетдини ҳеч канда қилмагани каби, отам ҳам улар мансуб бўлган сулоланинг тўйларидан, тадбирларидан қолмас, суҳбат ва гурунглардан чарчамас эди.

Тақдир қаҳратонларида илиқ муносабатини совутмаган дўстлар, қадрдонлар бўлганидек, саратонда, юраги музлаганидан қаҳри юзага қалқиб чиққан ошнолар ҳам йўқ эмасди. Уларнинг отларини, номларини ёзсан, бир варак тўлар эди. Ёзиш керакми-йўқми, деб анча ўйладим. Ёмоннинг оти ўчсин, деган жумлани қаердадир ўқиган эдим. Борда дўст бўладиган, йўқда юзни буриб, ифвога ружу қиладиган кимсалар исмларини бу ерда тилга олиб, уларга эътибор кўрсатишдан нима фойда. Кези келди, айтиб ўттай. Отам раҳматли ҳам, у кишидан кейин озми-кўпми азият чеккан мен ҳам ёмонлик қилганларга ёмонлик билан жавоб бермадик. Сабр қилдик. Отам бўлиб ўтган ишлардан кейин, оқданганидан сўнг, идорама-идора чопмади, арзу шикоят қилмади, «Бегуноҳсиз, ҳақинигизни талаб қилинг», дейишларига қарамай, бошини бурмай, меҳнатга шўнғиди, бригадирлик қилди, янги ерлар очиб, пахта экди. Отамдан ибрат олиб, камина ҳам ифво-бўхтонуюштирганларга, обрўсизлантиришга, ҳатто қаматишга уринганларга бирор қарши ҳаракат қилмадим. Аксинча, Қашқадарё тарихи учун ишладим, архивлар чангини ялаб, бир қанча китоб яратдим. «Қизил салтанат исканжасида. Тажовуз. Истибодод. Қатағон» деган уч жилдлик асарларим нашр этилди. Бошқалари ҳам, насибки, навбат кутиб турибди. Менга ёмонлик қилганлар эса, Худодан топди. Мавриди келса, бу борада ҳам муфассал ёзарман, деган умидим бор.

1962 йил октябрь ойи бошларида суд ҳукми ўқилгандан кейин, отамни Навоий (Кармана) шаҳридаги лагерлардан бирига жўнатдилар. Бу вақтда мен бешинчи курсга ўтган эдим. Дарслар енгиллашиб, диплом

ишини ёзишга ҳам вақт яқинлашиб қолган эди. Профессор Улуг Турсуновни тез-тез кўриб турардим. Домламнинг ёши 60 га яқинлашиб, анча вазмин тортиб қолган эди. Шу йилларда у киши ўзбек тили тарихига доир китоб устида ишләётган, бўш вақти деярли бўлмасди. Ёзганларини хотини Мукаррама опа машинкада пешма-пеш ёзиб борар, баъзан уйларига борганимда, опага ёрдамлашардим. Машинкани токнинг соясига кўйиб олган Мукаррама опага домланинг ёзувларини ўқиб турардим. Опа жуда тез ва бехато ёзарди. Гоҳида менга ҳазиллашарди, «Поён, диссертация ёзсанг, ўзим машинкалаб бераман», дерди. Улуг домла бу сўзни эшишиб, «Аспирантурага ўрин беришса, Поённи оламиз», деганида жуда ҳаяжонланиб кетдим. Маҳзун ва тушкин кўнглим тоғдай кўтарили.

Ўкув машғулотлари камайиб, айрим кунларда дарс йўқлигидан фойдаланиб, Эски шаҳарда жойлашган вилоят кутубхонасида кун бўйи ўтирадиган бўлдим. Диплом иш мавзусига доир адабиётларни қараб чиқардим, керакли жойларини ёзиб олардим. Бир куни тушликка чиқиб, Шароф оғайнимнинг ошхонасига бордим. У мени кўриб илжайиб саломлашди-да, бурчакдаги столни кўрсатиб, ўтиринг, деди. Бир оздан кейин бир чойнак чой кўтариб, ёнимга келиб, стулга чўкди. Ортидан Зеби икки коса овқат келтириб қўйди. У ёқдан-бу ёқдан гаплашиб, овқатландик. «Ётоқхонага чиқиб кетгандан бери, келмайсиз, ака, нима бўлди? Дарслар кўпайиб қолдими? Бу йил тамомлайсиз, сўнгра, Қашқадарёга ошасизми? Бундай келиб туринг-да, ахир?! Сиз Худо ато қиласан дўстим бўласиз», деди Шароф ошпаз ўпка-гина қилиб. Унга, энди ҳар куни шу ерда бўлишимни айтиб, хайрлашдим. Регистон майдони четда жойлашган дўкончадан газета олай деб бурилдим. Дўконча ёнида бир барваста киши чекиб туриб, менга разм солиб турганини пайқадим. Газета олиб, ортимга бурилаётганимда у менга сўз қотди:

– Поёнбой, бир кўришиб қўяйлик!

Мен у кишини умримда курганим йўқ, бирон жойда дуч келмаганман, танимас эдим. Аста у киши томонга қараб юрдим.

– Шу-да, сиз ҳамюртларни танимайсиз. Ассалому алайкум, мен акангиз Абдураҳмон бўламан, – деди у қўлимни қаттиқ сиқиб.

Абдураҳмон ака билан Регистон ёнбошидаги боғ ичига қўйилган ўриндиқда узоқ суҳбатлашдик. Яхшилаб танишиб одик. У менга фақат исмини айтди, Қамашининг Тўқбой деган қишлоғидан бўламан, деди. Абдураҳмон ака ёшлигидан қишлоқдан чиқиб кетган экан. Уст-бошига, муомаласига қараганда ҳаёти ёмон кечмаганини фаҳмласа бўларди. Қаерда ишлаган, маълумоти қандай, буни ўзи айтмади, мен ҳам сўрамадим. Бора-бора унинг «авторитет» эканига ишона бошладим. У ўзининг қадрини билар, айтдими, бажариши вожиб ҳисобларди. Қизифи шундаки, у бизнинг оиласиз бошига тушган ишларнинг ҳаммасидан воқиғи эди. Отамнинг суд бўлгани, уч йилга кесилгани, ҳозирги кунда Навоийда, лагерда эканлигини ҳам яхши биларди. Ажабландим, аввалига бу одам ким бўлиши мумкин, деб хавотирландим ҳам. Бир куни у менга, «Поёнбой, отангизни қамоқдан чиқарамиз, мен айтаман, сиз тайёр бўлиб туринг», деб қолди. Ҳайратим янада ошди. Ўйлаб туриб, ҳаракатда баракат, дедим-да, Навоийга боришга тараддуд кўра бошладим. У, шу гапидан кейин бир неча вақт кўринмай кетди. Абдураҳмон ака келавермагач, ёнимга Элмурод ва жияним Шомаматни олиб Навоийга равона бўлдим. Абдуллани олиб кетай десам, дарсдан жавоб ололмади. Ўша вақтда, 1962 – 1963 йилларда Навоийда улкан қурилишлар амалга оширилаётган бўлиб, аксар курувчилар маҳбуслар эди. Шаҳарнинг гирд-айланаси қамоқ лагерлари билан тўлиб кетган эди. Маҳбусларнинг ишдан қайтишини кузатишинга тўғри келган. Бўлинма-бўлинма қилиб, саф-саф қилиб, олиб

келинаётган маҳбусларнинг сон-адоғи йўқ эди. «Нима бало, Совет ҳокимияти ҳаммани қамоққа тиққан, ташқарида одам қолганми ўзи?», деган савол беихтиёр кўнгилдан кечар эди. Ҳаммаси бир хил қора кийимда, бирорвни таниб олиш амри маҳал эди.

Эртасига кечқурун, отам ишдан қайтгандан кейин, учрашувга рухсат бўлди. Элмурод ва Шомаматга рухсат беришмади, улар меҳмонхонада туриб турдилар. Мен отам билан бир кеча тунни тонгга улаб гаплашдик. Қишлоқ ҳақида, онам, укаларим, қариндошлишимиз, қишлоқдошлишимиз ҳақида батафсил сўзлаб бердим. Абдулла, унинг ўқиши, ўзимнинг битиришим хусусида ҳам фикрлашдик. Улуғ домланинг кейинги гапларини айтдим, битирсан, аспирантурага олиб қолар эканлар, дедим. Отам ўйланиб турди-да, «Шу маъқул, мактабда ишлаш қочмас, бу ёғи оз қолди, насиб этса чиқарман, деган умиддаман», деди. Отам бир кун ҳам ўзини айбдор ҳис қилмаган эди. У ҳалол ишлаганини яхши билар, албатта, адолат тантана қилади, деб ўйларди.

Навоийдан поездда Қаршига келдик ва Қоратикан қишлоғи ёнида автобусдан тушиб, дарёни кечиб, Окработ усти билан Янги қурилиш қишлоғимизга пиёда йўл олдик. Икки соат деганда, говгум пайтида қишлоққа етиб келдик. Йўқчилик оиласизда ошкора билиниб қолган эди. Пулга борадиган нарсалар аллақачон сотиб бўлинган эди. Соғин сигиру ундан бўлак нарса қолмаганди. Буни қаердан билдим, денг. Ойшаой синглим ўнинчи синфни битираётган пайтида, муаллимлари овқат қилиб келиш навбатини унга юклашибди. Аниқроғи, синглимга палов дамлаб келишни буюрибдилар. Синглим, табиийки, йўқ дея олмаган. Онамга келиб, йиғламсираб, бор гапни айтган. Гуруч йўқ, гушт йўқ, уларни олай деса, пул йўқ, онам ўйлаб туриб, «Ишинг бўлмасин, паловдан зўр таом қилиб бераман», дебди Ойшаойга.

Онам чинакамига қули гул пазанда аёл эди. Эсизни танигандан буён қозонимизда гўшт қайнамаган кун бўлмасди. Бобом раҳматли қўтон тўлдириб қўчқорлар боқар, ҳар бири 60-70 кило гўшт қиларди. Вақти-вақти билан шулардан бири бўғизланиб, гўштёғи хумрога босиб олинарди. Думба ёғга қоврилган гўштнинг мазасини ҳеч бир таом билан тенглаштириб бўлмасди. Меҳмон келди дегунча, албатта, қўй сўйилар, қозон-қозон шўрва, қовурдок дастурхонга тортиларди. Булоқдан чумчуқ ҳам, калхат ҳам сувлаганидек, аввало, қариндош хотин-халажлар, сўнгра, хешу акраболар, «гуручининг ортидан кўрмак ҳам сув ичганидек», қўй сўйилган, меҳмонлар келган пайтда уйимизда ҳозири нозир бўлардилар. Онам уларнинг бирортасини куруқ жўнатмасди...

Бизда «кескан ош» деган бир таом бор. Ундан хамир қорилиб, зувала қилинади-да, ердан энди униб чиққан пиёз баргидек қилиб, нозиктар кесилади. Ловия солиниб, бир муддат қайнатилади. Совутилиб, обитобида қатиқ суюлтирилиб, аралаштирилади. Ҳамма аёллар ҳам бу таом адосида моҳирлар, бироқ уврага қатиқ аралаштиришда хатога йўл қўядилар, таъм шу ерда бузилади. Шошилиб, иссиқ қотилган қатиқ парча-парча бўлиб, ажралиб турари, суюлиб кетади. Уни ичган, еган одам роҳат топмайди. Онам бу таомни санъат даражасига етказарди. Бир коса ичиб, тўймасдик, яна ва яна уни талаб қилаверардик. Катта меҳмонлар келиб, туни билан ичкилик, гўштдан бўкиб қолган пайтларда отам кескан ош тайёрлатиб қўярди. Эрталаб меҳмонлар «касал ош»ни уч-тўрт косалаб тановул қилиб, бош оғриқларини пасайтиардилар. Бу овқатни ҳозирлашда онамнинг тажрибаси ва маҳорати катта эди.

Ойшаой, кўп хижиллик билан, катта кострюлкага солиб берилган кескан ошни мактабга олиб боради. Муаллимлар олмаса, шарманда бўламан, деб ўйлайди. Унинг бахтига, муаллимлар қийқиришиб, айни

муддао бўлди, деб икки-уч косадан кескан ошни ичиб оладилар. Муаллимлар имтиҳон даврларида озгина отиб туришга мойил эл бўлади, кескан ош уларнинг бош оғриғига жуда асқотади. Ким билади, муаллимлар орасида оиласиз аҳволини тушунадиганлари бўлгандир. Палов ўрнига кескан ош – ўша йиллар таржимаи ҳолининг сарлавҳаси эди. Бу воқеаларни унтиб, юракдан чиқариб ташлаб бўлмайди.

Сингилларим ҳам, укаларим ҳам мактабда яхши ўқидилар. Қамашида бир қадрдонимиз бор, Мамат Азимов дейдилар. Асли Қаҳат қишлоғидан. Шойимкул Райимқулов ҳам шу қишлоқдан эди. Маматнинг отаси эрта вафот этиб кетган. Онаси ёш болаларини тетапоя қилиш, боқиш учун мактабда фаррош бўлиб ишлаган. Қаҳат қишлоғи билан Янги қурилиш қишлоғидаги 15-мактаб оралиғи 5-6 чақирим келиб қолар. Она шу ердан қатнаб, синф хоналарини тозалар, супиарсидирар эди. Бир куни эрталаб йўлга чиқиб, нонушта қилишга ҳам улгурмаган она, парталарнинг тагини ювиш учун, уларнинг ҳар бирини алоҳида кўтаришига тўғри келади. Маматбойнинг ҳикоя қилишича, онаси тахтадан ясалган, узун ва оғир парталарни кўтариб, ҳолдан тояди. Энг охирги партани кўтаришда қалқиб кетади ва парта фаррош аёлни босиб қолади. Шунда ҳаммадан бурун синфга кириб келган синглим Зайнабой партани кўтариб, Маматбойнинг онасини чиқариб олади. Она жуда ҳолдан тойган, юришга ҳам мадори бўлмайди. Зайнаб синглим онани суяб, кўлтиқлаб уйимизга бошлаб келади. Мактаб билан уйимиз оралиғи унчалик узоқ эмасди. Она йўлда бир неча бордам олиб, нафас ростлайди.

Онам синглим олиб келган аёлни жон-дили билан қабул қилиб, уйнинг тўрига ўтқазади. Дастурхон ёзиб, ширин чой қилиб беради. Меҳрибонликдан, ғамхўрликдан фаррош аёлнинг кўнгли тоғдай кўтарилади. Фалати-да, парта босиб қолган хизматчига мактаб директори ёки муаллимлар ёрдам кўрсатишни хаёлига

ҳам келтирмаганлар. Синглимнинг арзимас яхшилигини, орадан шунча йиллар ўтса ҳам, Маматбой миннатдорлик билан эслаб, ҳар сафар кўрганида айтишдан чарчамайди. Кейинчалик, Абдулла укам Қамаши туманида бош врач бўлиб ишлаганида, Маматбой унинг энг яқин дўсти, биродари бўлган эди. Бу муносабатлар 2012 йилнинг ёзига, то Абдулла укамнинг ҳаётдан қайтишига қадар мустаҳкам давом этди. Маматбой етимликдан, она тарбиясидан улфайиб, туманда обрўли кишилардан бири бўлиб етишди. Унинг одамгарчилигига, вафо ва садоқатига қойил қолмаслик мумкин эмас. Ҳозирда ҳам тез-тез қўнғироқлашиб турамиз, келади, ширин сұхбатлар курамиз.

Яна Абдураҳмон акага қайтамиз. Қишлоқдан Сармарқандга борганимдан анча вақт ўтиб, уни тағин учратдим. Кайфияти чоғ, башанг кийинган, «Кўринмай кетдингиз?», десам, «Бир жойларга боришга тўғри келди», деди-да, гапни бошқа ёқقا бурди. «Отангизни кўриб, қишлоғингизга бориб келдингизми, ҳаммалари яхши эканми?» деб сўради Абдураҳмон ака. Жавобимни тинглагач, «Мен керакли одамлар билан гаплашдим, уларда (қўлини тепага қилиди) отанг тўғрисида фикр яхши. Тахминан, муддатидан олдин озод қилиб юборсалар керак», деб кўнглимни кўтарди.

1963 йилнинг июнь ойи охирларида университетни тугатдим. Имтиёзли диплом олишга эришдим. Абдулла укам 2-курсни муваффақиятли тамомлади. У билан қишлоққа бирга келдик. Йиққан пулларимиздан онамга, сингилларимга ва укаларимга совфа-саломлар олдик. Хрушчев салтанатининг охирги йилларига келиб, нон жуда тақчил бўлиб қолаётганди. Ошхоналарда таомга қўшиб бериладиган ноннинг иккичу қесимдан зиёд бўлмаслиги одамлар норозилигига сабаб бўлар, нон талаб қилинганда ҳам, уни топиб бериш амри маҳол эди. Бутун Иттифоқда аҳвол шундай, аксига олиб, кургоқчилик экин-тикинларни хароб қилиб кетган эди. АҚШга етиб олиш ва ўзиб ке-

тиш дастурини ишлаб чиққан «даҳо» халқни боқиши, очарчиликдан сақлаб қолиш учун Ватиканга, Папага ялиниб-ёлворишига, ўртага тушиб, Канададан буғдой сотиб олишга кўмак беришни сўрашга мажбур бўлади. Мен бунга 1979 йил Европа мамлакатлари бўйлаб қилинган сафаримиз вақтида ишонч ҳосил қилганман. Ватиканда, Авлиё Петр черковининг буржларидан бирида Папага Совет Иттифоқи қаҳрамони унвони берилгани ёзиб қўйилиди. Сабаби, у Совет Иттифоқининг насронийларига очдан ўлмаслик учун Канададан ғалла, дон-дун сотиб олишда воситачи бўлган экан. Бундай фармон собиқ Иттифоқда эълон қилинмаган. Мана, сизга АҚШга етиб олиш пойгасининг оқибати қандай бўлган.

Бир ҳафта вақтим бор эди. Иш ёки ўқиши давом этдириш масаласида бир тўхтамга келиш учун Улуғ домла июннинг охирги кунларида ҳозир бўлишимни тайин қилган эди. Шу йили уйимиз ортидаги ерларда янтоқ шундай бўлган эдики, баъзи жойлари бир ярим метр келарди. Абдулла, Нарзулла укам, қарасам, янтоқ ўришга тушганлар. Мен ҳам чолгини қайраб, обдан ўткирлаштиридим-да, улар изидан бордим. Чолгини сермаб, янтоқни ўришга киришдим, бошда ишим сира қовушмади. Кейин, ўрганиб олдим-да, бир зарбда даста-даста янтоқни тўдалаб ташлайвердим. Абдулла билан Нарзулла дасталашга тушдилар, шундай файратим келган эканки, бир кунда юз-икки юз даста ўриш ҳеч гап бўлмай қолганди. Эшак аравага Абдулла янтоқни ғарамлаб, ортиб беради, Нарзуллабой арава билан ташийди, уйда сингилларим тўдалашиб, тушириб оладилар. Бир куни Хушмурод Холбеков янтоқ ўримини томоша қилгани келиб, «Поёнбой, бизга ҳам ёрдам қилинг, озроқ янтоқ чопиб беринг», деб қолди. Уйимиз олдидаги яланглик янтоқ дасталари уюлиб, хирмон бўлиб кетганди. Нарзуллабой укамнинг ҳисобича, минг дастадан ортиқроқ янтоқ ўрган эканмиз. Хушмурод Холбековга ҳам бир ғарам янтоқ ғамлаб

бердик. Бу захирани ейдиган қўйлар деярли йўқ эди. Шу боис, янтоқ ғарами бир-икки йил ялангликда тепадай уюлиб турди.

Айтилган вақт етиб, Самарқандга жўнаб кетдим. Абдулла укам уйнинг ташвиш-тарафуддларига бош бўлиб қолди.

Улуғ домла мудирлик қиласидиган кафедрага бордим. Домла соат ўнларда келди. Биргаликда факултет декани Орифжон Икромов хузурига кирдик. Орифжон Икромов ҳам профессор Улуғ Турсуновнинг шогирдларидан, етук адабиётшунос олим эди. Орифжон домла билан муносабатимиз биринчи курсдан, ҳали у киши декан ўринбосари бўлиб ишлаган кезлардан яхши эди. Домланинг уйи Хиёбоннинг жануб тарафида, Обкомнинг боғидан кейинги қайрилма йўлда эди. Бу мўъжаз кўчада Жўра Ҳожиматов, Худойберди Дониёров, Раҳим Муқимовнинг ҳам уйлари бор эди. Раҳим Муқимов уйини қуришга қурган эди-ю, бу ерда яшамасди. Ҳамон ўша, ректорат боғи ичидаги уйида истиқомат қилиб келарди. Кейин билдимки, бунинг ўткир сабаблари бор экан. Катта Дўстбердидан Элмамат Кўчқоров деган ўспирин 1955 йилда ЎзДУнинг (ҳозирги СамДУ) филология факултетига ўқишига киради. Самарқанднинг ғарбий сарҳадларидан домлаларга шахсий уй-жой қуриш учун ерлар ажратиб берилади. Раҳим Муқимов ҳам ҳамкаслари билан уй қуришни бошлайди. Бу воқеа, аниқ билмадим, биринчи курснинг охири, иккинчи курснинг бошланиши олдидан, августнинг сўнгларида бўлганми, Элмамат Кўчқоров ҳам Муқимовнинг уйига ҳашарга айтилади. Ҳашар қизгин давом этаётганда, унинг бошига болар тушиб кетади. Талабанинг ҳаёт ришталари узилади. Яхши эслайман, ҳамқишлоғимизнинг жасадини отам машина юбориб олиб келдирган эди. Дафн маросими ҳамон кўз ўнгимда турибди. Бахтсиз тасодиф, шу тариқа, қишлоғимиздан етишиб чиқиши мумкин бўлган аданиётчининг умрига зомин бўлади. Мен бу воқеа содир

бўлганидан уч йил кейин худди шу факультет талабаси бўлганман. Раҳим Муқимов ҳамон декан бўлиб ишларди. Айтишларича, Кўчқоровларнинг амакиси Нарзулла Ашурев норози бўлиб, ёзув-чизувлар қилган.

Элмамат Кўчқоровнинг укаси Жовли Кўчқоров шу йили тарих факультетига ўқишига киради. 2012 йилнинг августи бошларида Жовли муаллим билан гурунглашган эдим. У киши, «Акам ҳалокат топганидан кейин, мен биринчи курсда ўқийман, бир куни деканимиз мени хонасига чақириб қолди. Раҳим Муқимов ёнида экан. Деканимиз гапни узоқдан бошлаб, фожиавий тасодифлар ҳар ерда, ҳар қачон бўлиши мумкин. Тақдирга тан бермаслик оқибати хунук бўлади. Мана, сен ўқияпсан, ҳар томонлама ёрдам берамиз. Бир Нарзулла Ашурев деган қариндошинг бор экан, ёзмаган жойи қолмади. Минг текширган билан нима ўзгарарди, бирор атайлаб устига боларни ташлаб юбормаган-ку», деб қолди. Мен, «Домла, бу ишлардан хабарим йўқ, шахсан менинг ҳеч кимга давом йўқ, энди акам қайтиб тирилмайди», деб кўнглим бузилиб кетди», деб ҳикоя қилиб берганди. Қаранг, шу сұхбатимиздан йигирма кун ўтмади, Жовли Кўчқоров оламдан ўтгани хабари келди.

Сўров-суриштирувлар кўп бўлган, чоги, охир оқибатда Муқимов домлани деканлик вазифасидан бўшатдилар ва Орифжон Икромовни ўрнига қўйдилар. Орифжон Икромовга шеърларимни, мақолаларимни кўрсатиб турадим. Шу важдан жуда яқин бўлиб қолгандик. Аҳён-аҳёнда уйига олиб борарди, «Сен тилчи эмас, адабиётчи бўлишинг керак», дерди. Бир ажойиб, олижаноб инсон эди. Ҳазиллашиб, «Улуғ домлангга ишонаверма, қаруви етган, бошқа бир раҳбар изла», дерди. Билмадим, у кишининг танглайида холи бор эканми, пировард натижада, адабиёт соҳасидаги илмий ишими раҳбари ўзи бўлган эди.

Улуғ домлани Орифжон Икромов ҳурмат билан қаршилади. Домла, «Орифжон, аспирантурага ўрин ма-

саласи нима бўлди, аниқ бир гап борми?», дея гап ташлади. Орифжон Икромов телефонни олди-да, университетнинг аспирантура бўлимига сим қоқди. Гўшакдан рус аёлининг овози эшитилди, фаҳмимчча, 1963 – 64 ўкув йилида ўзбек филологиясига биронта ҳам ўрин ажратилмаган экан. Турган гапки, ҳафсаламиз пир бўлиб чиқдик. Улуғ домла кафедраси томон бораркан, «Нимадир ўйлаймиз, сен кўз олдимда бўлишинг керак», деб чўккан кўнглимга таскин берди. Менга, «Эртага 10⁰⁰ да учрашамиз», деб жавоб берди. Куни кеча хайр-хуш қилганимиз 5-ётоқхонамизга беихтиёр қадам қўйдим. Ётоқхона комендантни Маматқул ака деган киши эди. У мени кўриб, «Э, ҳали ҳам хонани топширмадингизми?», деди ўсмоқчилаб. «Йўқ, Маматқул ака, меҳмон бўлиб келдим», дедим. Шунда у кулиб юборди-да, кўлинни ташлади. Дангал, бағри кенг одам эди. Биринчи қаватдан бир хонани очиб берди-да, «Истаганингизча тураверинг», деди. Иккаламиз буфетдан чой ичиб, тамадди қилдик. Улуғ домланинг гапидан, бир-икки кун Самарқандда қоладиган эдим.

Узоқ чўзилган тун оёқлаб, тонг ҳам отди. Одатда, талабалар билан тавжум бўладиган, беш қаватли баҳайбат ётоқхонада бир ўзинг суппайиб юрсанг, татимас экан. Охирги курсда, иккинчи қаватда, 50-хонада маза қилиб яшаган эдик. Тўра Нафасов орамизда ўта пишиқ, сирини бирорвга айтмайдиган маҳкам йигит эди. Дипломни қўлга олибоқ, Қаршига, педагогика институтига ўқитувчи бўлиб ишга жойлашиб олди. Қўйли Хуррамов Яккабоққа, қишлоғига кетди. Исомиддин Исломов эса, ўрталиқдаги радиоприёмникни кўтариб, Бешкентга йўл олди. Тўрталамиз пул қўшиб олган радиоприёмникни Қўйлига берамиз, деган қарорга келиб қўйгандик. Биз йўқ пайтда. Исомиддин уни кўтарибди-да, кетибди. Майли-да, унга насиб этган экан. Ким абжирроқ бўлса, меросдан кўпроқ олади-ку.

Улуғ домла билан айтилган вақтда учрашдим. Домламнинг кайфияти чоғ эди. «Поён, журналистика соҳасида ишлашни хоҳлайсанми», деди домла жиддий боқиб. Ўзи, мен нима учун филология факультетини танлагандим? Шоир ёки ёзувчи бўлиш ниятим эдику?! «Ишлайман, домла», дедим ҳаяжонимни босиб. «Аспирантурага бу йил ўрин берилмади, эҳтимол, келгуси йил жой ажратилар, вилоят газетасида ишлаб турасан, қаламинг чархланади, нима қилишни кейин маслаҳатлашамиз», деди Улуғ домлам. Роса қувондим. Бу газетанинг муҳаррир ўринбосари Малик Наврӯзов билан жуда қалин экан, кейин билдим. Малик Наврӯзов ҳузурига бордим. Борсам, курсдошим Эркин Неъматов ҳам унинг қабулида ўтирибди. Қучоқлашиб кўришдик, жимгина навбатимизни кутиб ўтиридик. Бу хонада, ҳатто пашша ҳам учмас, фиринг деган овоз эшитилмас экан. Салобат ва ҳукми вожибликни қабулхонаданоқ сезиш қийин эмасди. Оддин Эркин Неъматовни чақиришди. Ичкарида икки-уч киши бор эди. Ярим соатлардан кейин Эркиннинг ранги оқарин-қираб, кайфияти тушиб чиқиб келди. Мен ичкари кирдим. Масъул котиб Аҳмаджон Мухторов, саноат бўлимининг бошлиғи Амир Гайнов ўтиришган экан. Гайновни аввал ҳеч кўрмаган эканман. Аҳмаджон Мухторов билан конференцияларда дуч келган бўлсак-да, салом-алик бўлмаганмиз. Малик Наврӯзов қофоз ва ручка олиб, оддимга суриб қўйди-да, «Муҳаррирномига ариза ёзинг», деди. Ишим енгил битадиган бўлди, дея ич-ичимдан севиниб кетдим. Кейин билдимки, қўлёзма ариза тақдирни ҳал этадиган тилсум экан. Имло хато, ҳатто, вергулнинг қолиб кетиши ҳам кечирилмас экан. Малик Наврӯзов аризамни синчилаб ўқиб чиқди, ўнг қўлида қизил қалам найзадай бўлиб турибди, аммо, бу найза аризам юзини тирнамади. Аҳмаджон Мухторов ўқиди ва Амир Гайновга узатди. Улар ҳам салбий фикр билдирамадилар. Малик Нав-

рўзов, «Ука, хуснихатингиз ёмон эмас, лекин нега «ариза» деган сўзни кичик ҳарф билан ёздингиз, бизда «ариза» деган сўзни катта ҳарф билан, ажратиб ёзиш одат тусига кирган-ку?!», деб савол берди.

Мен, бир оз эсанкираб қолдим. Сўнг, ўзимни қўлга олиб, «Домла, ариза муҳаррир номига ёзилаётир, у сўзнинг давоми, шу сабабли кичик ҳарфда ёзилишини тўғри деб биламан», дедим. Аҳмаджон Мухторов майл билдиргандай бўлди. Амир Гайнов, «Бир жумла ичидা, исми фамилиялардан, атамалардан бошقا сўзлар катта ҳарфлар билан ёзилмайди, бу тўғри», деди. Малик Наврўзов гўё уларнинг сўзларини эшитмагандек, «Мана сиздан олдин кирган йигит «ариза» даги «А» ни катта ҳарф билан ёзибдику, уникими ёки сизникими, қайси тўғри», деди қовоғини уюб. «Бўлди, бу ерда ҳам ишим пишмади», деган хаёлга бордимда, «Менини тўғри, деб ҳисоблайман», дедим.

Малик Наврўзов охирида, «Ишга қабул қилиндингиз, эртадан бошлаб Амир Гайнов қўл остида, саноат бўлимида адабий ходим бўлиб иш бошлайсиз», деди. Қулоқларимга ишонгим келмасди. Эркинни ҳам ишга қабул қилишди. У ҳам саноат бўлимига адабий ходим бўлиб келди. Қандай яхши, беш йил бирга ўқиган курс дошим билан бир вақтда, бир хонада иш бошладик. Амир Гайнов тўрда, биз иккимиз унинг икки ёнбошидан жой эгалладик. Мен, албатта, воқеаларнинг бундай тус олишини ўйлаб ҳам кўрмагандим. Уйга кетолмайдиган бўлдим, 1963 йилнинг 30 июнидан эътиборан, журналистика остонасидан хатлаб, унинг сиру асрорларини эгаллашга киришдим. Амир Гайнов – бу соҳадаги устозим катта тажрибага эга бўлган киши эди. У, аста-секин танишиб олганимиздан кейин, «Шароф Рашидов ҳам менинг бўлимимга адабий ходим бўлиб келган, кейин муҳаррир даражасига кўтарилиган», деб мақтаниб қўярди. Хуллас, иш бошланиб кетган эди.

* * *

Самарқандда ишни бошлаган пайтимда, оиласизда айрим ички ихтилофлар ҳам содир бўлган экан. Мен, буни яқинда, шу китобни ёзиш давомида рафиқам Садафой Азимовадан эшилдим. Роса ярим аср пинҳон сақланган бу воқеани на онам раҳматли, на укаларим, сингилларим, ҳатто Абдулма укам ҳам менга айтмаганлар. Турмуш ўртоғим, унинг тақдирида айтиб бўлмас ўрин тутиши мумкин бўлган бу воқеанинг оғирини, турмуш зарбаларини ўзига олган. Воқеа шундай бўлган экан. Онам бир куни келини пахта даласидан ишдан келганидан сўнг, ювиниб тараниб, овқатланиб бўлганидан кейин, ўзини ёлғиз олиб қолиб, ўпка-гина қилибди, «Келин, бошимизга шу ташвишлар тушди, отангизга раҳмат, озимизга ҳам, кўпимизга чидаб келаяпсиз. Рўзгоримиз катта, ейман-кияман деган кўп. Эрингиз, қайнукангиз Самарқандда ўқиётир. Поёнбой, насиб этса, эрта-индин битириб келади. Қайнотангиз ҳам озодликка чиқар, насиб этса, кўрмагандай бўлиб кетамиз, еганимиз олдимизда, емаганимиз кетимизда бўлади. Кўй ҳам бир терида неча марта семиради, озади. Булар бари Худонинг иши, юборган синови, сабр-тоқат қилсак, бир бовур бўлсак, сиримизни бирор билмаса, ёмон бўлмайди. Лекин қулоғимга чалинаётирки, сиз ишда аёлларга, «Уйимизда ейдиган овқатимиз йўқ», дебсиз. Қизим, энди шу тўғрими? Худога шукр, сочилиб, тўкилиб ётмаса ҳам, қозонимиз қайнаб, нонимиз дастурхонда тахланиб турибди-ку?! Гўштни кўп едик, озроқ сабр қилсак, ҳовлимиз кўйларга тўлар. Нимадан камчилик тортаётурсиз, кийимингиз йўқми, ё қайнисингилларингиз кун бермаётирми? Нимадан хафасиз, ўзи?» деб койибди.

Хотинимнинг оғзидан бундай гап чиқмаган. У йифлаб-сиқтаб, ҳеч кимга, ҳеч қачон оиласиз шаънига тегадиган бир оғиз сўз айтмаганлигини такрор-такрор айтган. Рўзгорни бир амаллаб эплаб турган, нон

ва сутдан бўлак таомга иложи етмаган онамнинг аҳволини яхши тасаввур қиласман. Абдулла билан менинг зарарим камроқ бўлса-да, бизни биринчи навбатда ўйладиган, яна саккиз болани ейдирадиган, кийдирадиган онамга бундай гаплар жуда ортиқча, томдан тараша тушган янглиғ таъсир кўрсатган. Зайнабой ва Ойшаой сингилмарам даладан бу гапни топиб келгандар. Гап газаклай бошлагач, Абдулла укам унинг тагига етишга киришади. Маълум бўлишича, калаванинг учи уйимизга келиб-кетадиган, аввалгидаи, нон, мой, қанд-қурс қўлтиқлаб кета олмайдиган бўлиб қолган янгаларимиздан бирига бориб тақалар экан. У, тўғри, ҳақ гапни айтган. Буни тан олиш керак. Лекин шу ҳақ гапни шумлик билан хотинимга тўнкаган. Бу билан зўрга қалашиб турган оилани ичдан барбод қилишдек қора ниятни дилига туккан. Бу аёл ҳозир ҳам тирик. Қариндош, ота ва онамнинг саъй-ҳаракатлари туфайли рўзгорли бўлган, эрдан ёлчиган, мол-ҳоли кўпайган, фарзандлар кўрган. Исмини тилга олмайман, қишлоғимиз одамлари унга қўйган лақабини эслатиб ўтаман. У аёлни Тантан дейдилар. Фарзандлари кап-катта одам бўлиб қолганда ҳам яна бир эрга тегиб чиқсан. Билмадим, нима сабабдандир, қанча яхшиликларимиз эвазига, болаларининг айримларини ўз қаричига мослаб тарбиялади. Аллоҳ таоло ҳамма нарсани қўриб ва билиб тургувчи Буюк Зотдир. Ким нима экса, шуни ўради.

Агар укам Абдулла гапга аралашмаганда Садафойнинг ҳоли нима кечарди, билмадим. Укам янгасини жуда яхши биларди ва хурмат қиласади. Мен, орадан эллик йил ўтгандан кейин эшитганим шу воқеа борасида кўп ўйладим. Ўша пайтда шу гап қулогимга етганда нима бўларди, дея ўзимга савол бердим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, онам томонида бўлишим керак эди, деган хулосада тўхтадим. Тўнғич ўғлимиз Баҳодир тугилган, аёлим иккинчи ўғлим Зоҳидбойга ҳомиладор эди. Ичдан чиқсан илон-чаёнлар ниҳоятда хавф-

ли бўлади. Абдулла укам турмуш ўртогимга уйланишмда ҳам, қора ниятда қалқитиб қўйилган оиласнинг бузилиб кетмай, мустаҳкам сақданиб қолишида ҳам ўта жонкуярлик қилган эди. Азизларим, мен бу сўзларни беихтиёр йиглаб ёзаётирман. Онам раҳматли ўша пайтда укам Абдулланинг гапини олган, масаланинг моҳиятини тушуниб, келинини бағрига босган, сингилларим ҳам онам измидан чиқмаганлар. Ярим аср пинҳон сақланган, ифво ва тухматдан иборат бўлган ёвузлик Абдулланинг қатъияти туфайли, аждаҳога айланмаган. Тағин бир оз олдинроққа кетиб, кўнглимдан кечганларни айтай. Абдулла укам кутилмагандан оламдан ўтганда, доду фарёд қилмаган aka-ука, сингил қолмади. Фарзандларимиз, набираларимиз, қариндошларимиз оху ноласига чидаш мумкин эмасди. Бу айрилиқнинг жазаваси бизни лолу ҳайрон қилиб қўйганди. Лекин, ҳаммамиздан кўра хотиним чеккан андуҳни таърифлашга қаламим ожиз, тилим лол. Укам вафотидан кейин, 2012 йилнинг 2 – 30 августи кунларида битган марсиямда, ҳали эллик йил аввал бўлиб ўтган воқеалардан бехабар, хотинимнинг хуни жигар бўлганлигини, қайногоси учун бехуш бўлар даражада фарёд урганини шундай тасвирлаган эканман:

*Дардимни достон қилиб, қийиндир тугатмогим,
Қийиндир укалар, сингилларим юпатмогим,
Қийиндир жиянлар, набиралар овутмогим,
«Қайногам» деб қон ютган аёлим совутмогим,
На чора, тушди бошга огиран-огир чоғлар.*

Абдулла билан биз болаликдан бир-биrimизга суюниб, улгайган эдик. Ҳали қаторимизга Нарзуллабой етишиб чиққунича вақт бор эди. Оилада юз бериши мумкин бўлган ўпирилишни тинчитган укам 1963 йилнинг августи охирларида Самарқандга етиб келди. Дўстлари билан ётоқхонада жойлашди. Мен тамомила укамдан хотиржам эдим. Унинг ўзини тутиб кет-

ганлигини ҳар сафар эслаганимда, ўқитувчиларимиз Тұхтамиш Очилов, Эшқобил Норқобилов, Равшан Мирзаев, Дилемурод Бафоев, Омон Холбоевлар күз ўнгимдан ўтаверарди. Тарбиянинг кучига, таҳсилнинг қудратига имон келтирардим. Талабалик йўлларимизда кўп синовлар, оғир мاشаққатлар мўл бўлди. Мудом яхшиларга дуч келдик, кўмаклари, маслаҳатлари далда бўлди, йиқилиб-суриниб, аста-секин йўлимизни топиб ола бошладик. Агар, отамиз раис, деб талтайганимизда, бошқа болалардан ажралиб туришга интилганимизда, ҳаётнинг бошимизга солган синовларидан ўтолмай, тўсиб қолишимиз ҳеч гап эмаскан. Яратган, биз билмаган ҳолда, мададкор бўлган экан.

Самарқанд вилоят газетасига адабий ходим бўлиб ишга ўтганимдан кейин, ҳамкурсум Эркин Неъматов билан Шароф ошпазнинг ўша, Абдулла укам биринчи курсга кирганида турганимиз бир хонали ҳужрасида ижарада яшай бошладик. Эркин Неъматов Ургутдан, таниқли шоир Барот Бойқобиловнинг жияни эди. Барот ака биздан икки йил аввал Самарқанд дорилфу нунини тамомлаб, Тошкентта ишга кетганди. Эркин дўстим яхшигина шоир эди. Бир оз дангасароқ, ҳеч бир ишга шошилиб, куйиб-пишиб киришиб кетолмасди. Эрталаб ишга боришга зўрга уйғотардим. Беш йил бирга ўқиб, у билан на ётоқхонада ва на ижарада бирга турмагандик. Дили очиқ, хушчақчақ, ҳаётдан ҳузур қилишини жуда севарди. Малик Наврӯзов адабий ходимларга ҳар куни 250 қатор «материал» ишлаб бериш вазифасини қўйган эди. Бундай олганда, 4-5 қоғоз нарсани қоралаш унчалик қийин иш бўлиб ту юлмасди. Биз ишлайдиган саноат бўлимидан газетанинг ҳар сонига (шу йиллари вилоят обкоми иккига бўлинниб, қишлоқ хўжалиги ва саноат обкоми алоҳида-алоҳида бўлган эди) минг йўллик мақола, хабарлар кетарди. Амир Гайнов бош мақола ёзар, йирик саноат объектларидан мухбирлар ёзив келган, буюртма материалларни таҳрирдан ўтказарди. Мен савдо, бо-

зор, янги қурилаётган саноат бинолари ҳақида мақолалар тайёрлашим, мавжудларини қайта ишлашим, зарурларини жойларга бориб ёзиб келишим керак бўларди. Эркин дўстимга ҳам юклангандан вазифалар салмоқли эди. Июль ойининг 16 куни маошимиздан ярмини беришди. Маошдан ташқари, қалам ҳақи ҳам олдик. 80 сўм – ўн беш кунда, бу биз учун фанқулодда катта бойлик эди. Эркин дўстим сал камроқ маош олди. Қалам ҳақи оз экан. Амир Гайнов маъқуллаган мақолаларимиздан айримларини масъул котиб Аҳмаджон Мухторов «қайта ишлашга», деб устига ёзиб, бўлимга жўнатарди. Аҳмаджон аканинг муовини Облокул Усмонқулов бундай пайтда оғзи қулоғида бўлиб, мақолаларимизни Амир Гайновнинг олдига ташларди. Амир аканинг жаҳди чиқиб, у кетгач, мақолаларни обдан кўздан кечирар, ўзича тўнғиллаб, бизларни ёки Облокулними койишга тушарди. «Керак, шарт, лозим» – буларнинг ёпишиб олгани шу сўзлар», дерди устозимиз, – озгина жонлироқ ёзсанг, бас, балога қоласан». «Журналистика қолипга тушса, ўлади, – дерди Амир Гайнов, – газетхонларга мураккаб мавзуларни ҳам ҳайтий, тушунтиарли ҳикоя қилиш керак, йўқса, Абдулла Қаҳҳорнинг қаҳрамонларига айланиб қоламиз, «бўса», билан «бўлса» нинг фарқини билмай қоламиз, нима дейсан, Эркин?» Эркин, дарҳол, «Худди шундай, устоз», дерди. Таҳририятнинг 2-қаватида катта очиқ жой бўларди. Бу жойда маҳсус тахта бўлиб, у иккига бўлинниб, оқ ва қора бўёқларга бўялган эди. Ҳафталик мақолалар – литучкада (адабий ўқув) таҳлил қилинар ва таҳлил натижаларига қараб, газетанинг Нормурод Нарзуллаев, Исроил Мирзаев, Бобоқул Имомов, Тельман Раҳматов, Хўжаев, Манноп aka Нажмидинов, Амир Гайнов сингари етакчи ходимлари билан бир қаторда, биз сингари янги иш бошлиғанларнинг ҳам ижод маҳсули ё оқ тарафда ёки қора бўёқли қисмда намойиш этиларди. Қизил қалам билан тўғриланган ўринлар, имло ҳатолар юракка наштардек қада-

ларди. Шукрона қыламанки, иш давомида бирор марта ёзганларим қора тахта юзини қўрмади. Малик Наврузов ҳар ой охирида рағбатлантириб туради. Газета муҳаррири ўзимиздан, Косондан эканлигини ишга кирганимдан уч-тўрт ой ўтиб билганман. Лутфулло Ҳамроевни кам кўрадик. Сталинча формадан воз кечмаган, голифе шим ва китель кийиб олган муҳаррир шапка кийганида ҳарбийларни эслатарди. Тажририятда ишни, асосан, Малик Наврузов юритар, ҳамма уни хурмат қилар ва ҳайиқар эди. Малик Наврузовнинг қаттиққўллиги сабаб, айрим ёш ходимлар, чидай олмай, ишни ташлаб кетган вақтлар ҳам бўлди.

Абдураҳмон ака августнинг охирларида яна пайдо бўлди. У билан гапни бир қилиб, шанба куни Навоийга жўнайдиган бўлдик. У шаҳарга бориб, катта бир ҳовлига тушдик. Янгишмасам, уй соҳибининг исми Хўжақул ака бўлиб, катта раҳбарий лавозимларда ишлаган экан. Хўжақул ака отамнинг иши билан маҳсус прокуратура ва маҳсус суд шуғулманаётганлигини айтди. Шу яқин орада аниқ ечимга келинади, деди у. Лагерга бориб, учрашув муддатини белгилатиб олдим. Тунда Самарқандга қайтиб, тонг отар вақтида етиб келдик. Абдураҳмон ака қаерда туришини ҳам сир тутарди. «Ишлайпсан, энди қийналмайсан, уканг ҳам стипендия олиб турибди, отанг яқинда озод бўлади, ўнгланиш бошланади, Поён ука», деди-да, хайрлашиб кетди. Шу кетишида, йигирма қадамча босганидан кейин, кўли билан ҳимо қилди, олдига бордим. «Поён, энди учрашмаймиз. Сен отангни кўришга ўзинг бориб келавер. Мен ўзим сенга янгиликни хабар қиламан, сюрприз тайёrlайман», деди-да, йўлида давом этди. Мен анграйганимча қолдим. Бу одам ким ўзи? Нега отамнинг ташвишини тортиб юрибди, нега менсиз Навоийга қатнаб, ишни пишираётир? Сеҳргарми, жодугарми ёки лўттибозми? У одам буларнинг бирор тасига ўхшамасди. Орага тушадиган жонкуярларнинг пинҳон мақсади, ичингга кириб олиб, бори будингни

шилиб олиш бўлишини, барибир, пайқаб етасан. Бу одамда таъмага, ақалли, ишора ҳам йўқ эди.

Сентябрь ойининг ўрталарида Малик Наврўзовдан рухсат олдим-да, қишлоққа кетадиган бўлдим. Абдулла укамни кўрдим, қўлига, олмайман деса ҳам ҳам, пул тутқазиб, кетишимни айтдим. Қишлоққа бориб, эртасига Нарзулла, тўрт ёшли укам Файратни олиб, Қаршидан Навоийга йўлга чиқдим. Отамиз билан учрашиб, онам бериб юборган нарса ва буюмларни топширдим. Думба ёғга қовурилган ширбоз гўшти, майиз, ёнроқ, новвот ва шунга ўхшаш озиқовқатни ажратилган хонада дастурхонга ёзиб қўйдик. Файрат укамни тиззасига олиб ўтирган отам, таомлардан кўра, фарзандлар дийдорига тўйишни афзал кўрган эди. «Отажон, ишингизда бирон ўзгариш борми, – дея сўрадим, – яхшиликлар бўлиб қолар?!» Отам, «Кеча прокурор чақирди, ишимнинг моҳиятини сўради, «Бу статья (айблов моддаси) билан сизни қамашлари шарт эмасди-ку?!,» дея ҳайрон бўлди. Аммо, бирор жўяли гапни менга айтмади, ўғлим», деб жавоб қилди. Билдимки, Абдураҳмон ака айтганидай, отамнинг иши ўлик нуқтадан силжиган, ҳаётбахш қутбга томон юз бура бошлиган эди. «Катта назоратчимиз, қайси куни, Қурбонов, ишингизни маҳсус суд ўрганаётири, яқин бир-икки ой ичида кўриб чиқилади, тайёр бўлиб туринг», деди. Отамнинг бу сўзидан энди ишончим тўлди. Абдураҳмон аканинг охирги сўзларини эсладим, «сюрприз тайёрлайман», «янгиликни ўзим хабар қиласман»... Беихтиёр кўзларимга ёш қуилиб келди. Кўзёшимни отам кўрмасин учун ташқарига чиқдим. Отам укаларим билан чақчақлашиб ўтиради.

Файратбой укам тўрт ёшида Навоий шаҳрига борганини ҳозир ҳам яхши эслайди. Фурбатли кунларни болалар ҳам, катталар ҳам унутмайди. Бундай кунларнинг дўст тугул, душман бошига тушмаслигини Аллоҳдан илтижо қиласман.



Падари бузруквори Равшан бобо Қурбонов ва волидаи муҳтарамаси Ойбаҳор Алиева билан.



1957 йил. Абдулла Равшанов
6-синф ўқувчиси.



Ҳайитой Қиёмованинг
ўқувчилик даври.



Абдулла ака-сингиллари даврасида.



Қиём Зиёдов ва Ҳамида Қиёмова фарзандлари билан.
1947 йил, март.



Абдулла Равшанов
қадрдонлари билан.
1974 йил, ноябрь.



Абдулла Равшанов
кожавали мотоциклда.



Рафиқаси Ҳайитой
Қиёмова. Врач ва мураббий.
1989 йил.



Самарқанд тиббиёт олийгоҳи талабалари – гурӯҳдош дўстлар.



Абдулла Равшанов ва Ҳайитой Қиёмоваларнинг
никоҳ тўйидан сўнг. 1969 йил 30 июнь.



Поён, Абдулла, Нарзулла, Файрат, Қаҳрамон, Түлқин
Равшановлар оталари Равшан Қурбонов ва оналари
Ойбаҳор Алиева билан.



Абдулла Равшанов оиласи даврасида: Ҳайитой келин,
ўғиллари Дилшодбек, Санжарбек ва қизлари Наргизахон
ҳамда ота-онаси Равшан ота ва Ойбаҳор она.



Фарзандлари билан.



2006 йил 30 ноябрь. Уй олдида, эсдалик учун.



2000 йил. Абдулла Равшанов – Қашқадарё вилояти сил
касаллуклари диспансери бош врачи вазифасида.



2006 йил 30 ноябрь. Абдулла Равшанов ақа-ука, сингиллар ва
жияни Шавкат Мұхаммадиевлар даврасида.



Падари бузруквор хонадонида (2006 й.).



Равшан бобо Қурбоноя ва Ойбаҳор момо Алиева сулоласи.



Набирасевар инсон.



1997 йил 1-сентябрь – Мустақиллик байрамыда.



1998 йил, май – 30 йиллик төтүк ҳаёт ифодаси.



2008 йил 16 апрель. Абдулла Равшанов устози академик Абдулла Убайдуллаев ва Қаҳрамон Жўраев билан Шаҳрисабзда.



Илмий-амалий анжуманда.



2008 йил, сентябрь. Китоб тумани. Паландара санаториясида
тиббиёт ходимлари анжуманида.



2012 йил, январь. Ширин-шакар набиралари:
Санжарбекнинг фарзандлари Зарина ва Фирдавс билан.



2012 йил 17 июль. Набираси Гулрангбегим тўйида
(Абдулла Равшановнинг (ўнгдан биринчи) энг сўнгги сурати).

Оғир күнларда Самарқанд бизни бағрига олган эди. Аслида, гулу шу шаҳардан кўзғолган эди. Самарқандда муқим бўлган Бобомурод Даминов донишманд бўлганида, мафкура бўйича обком котиби сифатида ишлаб, сиёсатчиликни маромита етказганида, оддий одамгарчиликни намоён қилганида, давлат сиёсатига қарши бормас, кўчишдан норози бўлиб турган элни панд-насиҳат билан муросага келтирас, хўжаликни иккига бўлиб ташламас, дўстлик ришталарини, қадр-донликни узмас, топтамас эди. Бир шахснинг ўз манфаатини ўйлаши, бу йўлда ҳамма қадриятларни оёқ ости қилиши оқибатлари қанчалик катта фожиаларга сабаб бўлмади, дейсиз. Жабрини, барибир, эл – дўстбердилклар, чакарликлар, дурманликлар, азлар-тепаликлар, еттиқудукликлар тортишга мажбур бўлди.

Чинор ва теракларимизни довул букиб кетган, навниҳолларимиз қора қуюн гирдобида қад эгиб, дол бўлганди. Кўкракни кўтариш, қадни ростлаи осон бўлмади. Кимсасиз саҳрода улоқтирилиб ташланган, ҳаётий яшаш манбаларидан маҳрум этилган карвоннинг яна водийга бўйлаши, етиб келиши ҳазилакам иш эмасди. Бу етиб келиш йўли маънавий жиҳатдан ўн йиллар орқага чўзилиб кетганлиги айни ҳақиқат. Отамиз раисликдан бўшатилиб, қамалмай қолганида, улоқиши йўллари учдан бирга қисқаради. Молу мулкимиз тортиб олинмай, шаънимизга тошлар отилмаганда, саҳро йўли яна иккidan бирга камаярди. Афсуски, шундай бўлмади. Улоқтирилган саҳродан минг машаққатлар, йўқотишлар билан чиқиб келдик. Биз билан баробар келаётган карвонлар жуда узоқлаб кетди. орқамизда елганлар ҳам биздан ўзди, муддаола-рига қийинчиликларсиз эришдилар.

Шукрки, оғир синов йилларида ўзимизни йўқотмадик, онамнинг оқилалиги, мард ва жасурлиги, тадбиркорлиги улуган саҳрода соғбулоқ хизматини бажарди. Қуруқ ерда қолган бўлсак ҳам, гуурни, номусни, орни кўлдан бермадик. Ўзимиз ёндинк, ўзимиз куйдик,

лекин ўтни ўчиришга ўзгадан сув сўрамадик. Биз ҳаётнинг мазасини ҳам, азобини ҳам тотдик. Кейингиси кўпроқ бўлди, чидадик. Яхши кунлар олдинда экан. Отамнинг ҳам, онамнинг ҳам бахтли кунларини кўрдик. Бу бахт оиласизга осонликча даст бермаган эди.

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ ЎНГЛАНИШ. ФАЙЗЛИ УМР

1963 йилнинг кузи эди. Самарқанд вилояти газетасида ишлай бошлаганимга уч ой тўлаётган эди. Сентябрнинг охирларида Қарши Давлат педагогика олийгоҳининг бир гурӯҳ олимлари Самарқандга ташриф буордилар. Улар орасида ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг мудири, доцент Таслия Султоновна Ёдиконова, ўқитувчилардан Амир Ҳазратқулов, Вафо Эгамбердиев, Тоғай Ўринов, яқинда ишга қабул этилган Тўра Нафасовлар бор эди. Дўстим Тўра Нафасов мени бу сафардан оғодлантирган, уларни кутиб олиш ва жойлаштиришни зиммамга олгандим. Самарқанд Давлат университетида узоқ йиллар таҳсил берган, ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти, таниқли олим Абдулла Сулаймоновнинг 70 йиллик юбилейни нишонланиши мўлжалланганди. Республиканинг ҳамма олий ўқув юртларидан тилшунос олимлар Самарқандга, юбилей муносабати билан ўтказиладиган конференцияга қатнашиш учун келган эдилар. Таслия Султоновна қашқадарёлик тилшунослар номидан кутловга қадам ранжида қилганларга бош бўлиб келганди.

Меҳмонлар бир кун олдин келганлари боис, шаҳарнинг дикқатга сазовор жойларини кўрсатиш жоиз бўлган эди. Тоғай Ўринов, Амир Ҳазратқуловлар шу ерда аспирантурани ўтаётганилари туфайли, юбилей билан боғлиқ ишларнинг бир қисми улар бўйнида, ташкилий ишлар билан банд эдилар. Тўра билан мен Ёдиконовани Амир Темур мақбарасига, Шоҳи Зинда обидасига, Мирзо Улугбек мадрасасига ва бўлак ёдгорликларга олиб бордик, ўз тушунчамиз даражасида тарихидан сўзлаб бердик. Вилоят ижроия қўмитаси орқасида жойлашган улкан боф – парк бўйлаб саёҳат қилдирдик. Бор ичида чодирлар тикилган, турли емакхоналар тўлиб-тошган эди. Таслия опа кўнгли очиқ, бағри кенг олима экан. Суҳбатдош билан чиқишиб кетар,

ҳазил-хузулни ҳам эркаклардан-да қотириб, ўрнига туширас экан. Яхши танишиб олдик. Менинг қашқадарёлик эканимни билганидан кейин, «Самарқанднинг бу чодирларида нима қилиб юрибсан, чироғим», деди. Бўлган гапни айтдим, аспирантурага жой берилмаганилиги сабабли, газетада ишлаётганимни айтдим.

Эртасига соат ўнда университетнинг катта мажлислар залида юбилей конференцияси бўлди. Аввало, Смарқанд вилояти раҳбарияти, жамоат ташкилотлари, ижодий муассасалар қутловни бошлаб бердилар. Газетамиз таҳририяти номидан, домланинг шогирдларидан бири сифатида мен ҳам қутлов номасини икки оғиз сўз айтиб, Сулаймонов домлага топширдим. Вилоятдан келган меҳмонлар қаторида Таслия Султононва ҳам сўзлаб, домлага тўн ёпди. Мен, бу воқеани бежизга ҳикоя қилаётганим йўқ. Шу юбилей сабаб, ҳаёт йўлимда тақдиршумул бурилиш ясалди.

Матбуотдаги уч ойлик иш бизни тезкор чиниқтирганди. Кўп нарсани ўргандик, журналистиканинг нодир сирларидан воқиф бўлдик. Малик Наврӯзовнинг қаттиққўллиги бир дам сусаймас, ишни, масъулиятни ҳамма нарсадан устин кўярди. Ҳамкасблар гоҳида, «Хотини рус, ўзи ҳам рус табиат», деб кўйишарди. Тартиб-интизом, маҳорат касб этиш талаби унинг ўзгармас мезонлари ҳисобланарди. Ўз устида ишлаш, мутолаа доимо унинг назорати остида бўларди. Лекин булардан келадиган фойда ўзини узоқ кутдирмади. Тельман Раҳматов, Абдураҳим Солиевлар илмий ишни бошладилар, уч-тўрт йилдан сўнг диссертация ҳимоя қилдилар, Сурат Орипов шоир сифатида кенг жамоатчиликка танилди, Нормурод Нарзуллаев Тошкентда обрў-эътибор қозонди, Исроил Мирзаев фан доктори даражасини олди. Бундай миссонларни истаганча келтириш мумкин. Мен, шахсан, таҳририят ходимларидаги илмий-ижодий юксалишни Малик Наврӯзов мактаби муваффақиятлари, дегим келади.

Амир Гайнов – бўлим мудиримиз кўп чекарди-ю, кам гапиради. Таҳрир ишининг пири эди. Жумлада бир сўз икки бор тақрорланса, мазмун суюла бошлайди, дерди. Сўз бойлигингни ошираман десанг, мумтоз адабиётни кўпроқ ўқи, Алишер Навоийни луғатсиз тушунсанг, ана унда, сени сўз бойлиги ошган деб ҳисоблаш мумкин, дерди. Столи устида Алишер Навоийнинг 1939 – 1940 йилларда нашр этилган, муқоваси титилиб кетган асаллари туради.

Таслия опа ва Тўра Нафасовни кузатиб қўйдим. Хатлар бўлимининг мудири опамиз меҳнат таътилига чиқадиган бўлди. Унинг ўрнига вактинчалик ишларни юритиш вазифаси менга юкланди. Самарқанд вилоятининг ҳамма туманларидан хатлар жилга бўлиб оқиб келарди. Уларни қабул қилиш, расмийлаштириш, бўлимларга йўллаш кўп вақтни талаб этарди. Бир куни қизиқ бўлган. Қишлоқ мухбири клубнинг ишламаслиги, кутубхонанинг ойда-йилда бир очилмаслиги хусусида танқидий мақола ёзиб юборган экан. Тажрибасизлик, ҳокимият поғоналарини тушунмаслик оқибатида, мазкур танқидий мақолани ҳал қилиш учун... Самарқанд вилояти обкомига жўнатиб юборганман. Ҳолбуки, бу хат газетамизнинг маданият бўлимида кўриб чиқилиши лозим эди. Орадан ҳафта ўтиб, Малик Наврӯзов чақиради. У, ҳеч қачон раҳмат айтиш, мақташ учун ходимни безовта қилмас, мұхими, хонасига йўлатмасди. Юрагим бир нохушлик бўлганини сезиб туради.

– Поён, газетанинг муассис органини биласизми? – деди мұхаррир ўринбосари бошини кўтармай.

– Самарқанд вилояти партия ва ижроия қўмиталири газетаси, – дедим, бу нега керак бўлиб қолди, деган хаёлда.

– Ҳа, шуни яхши билар экансиз, унда нега хатни текшириб, чора кўриш учун Обкомга йўлладингиз? Нима, Обком бизнинг бўлимимизми?

Савол жавобсиз қолди. Мен нима қилиб қўйганимни англаб, ичимдан зил кетди.

– Мен сиз учун кечирим сўрадим, янги ишга қабул қилинган ёш ходим, дедим, ука. Улар, барибир, сизга чора кўришни талаб қилдилар. Бўлимни топшириб, аввалги ишингизни давом эттирасиз. Шундай чора кўрилди, деган жавобни берамиз, – деди Малик ака. Мен етказган азият учун кечирим сўрадим, бу ишни мутлақо билмасдан қиласхонимни айтдим. Муҳаррир ўринбосари, айтмасам ҳам, буни яхши билиб турарди. Обкомдагилар, аслида, ишдан бўшатишни талаб қиласхонлар, буни кейинроқ билдим.

Малик ака масъулиятни бўйинга олган эди. Хатлар бўлими мудири сифатидаги мавқеим йигирма беш кун деганда, шундай хотима топган эди. Агар дурустроқ ишлаб келмаганимда, «қалами яхши», деган тасаввур ҳосил қиласхонимда эди, газета билан эрта хайр-хуш қиласхон эдим. Бу ҳаёт йўли эндиғина бошланадиган ёш мутахассис учун қаттиқ қоқилиш бўлиб, ўзини ўнглаб кетиши фоят қийин бўларди. Малик ака мени, шу тариқа, сиёсатга билиб-билимай қўл кўтаришнинг хунук оқибатидан ҳимоя қилиб қолганди.

Газетанинг саноат бўлимида иш қайнар эди. Гоҳ Эркин Неъматов, гоҳ Тельман Раҳматов, баъзида мен вилоятнинг саноат мавзеларида бўлиб қайтардик. Репортажлар, лавҳалар, очерклар, танқидий мақолалар қаторлашиб эълон этилиб бориларди. Малик Наврӯзовнинг яна бир мардлигига қойилманки, хат бобида бўлиб ўтган нохушликни таҳририят йиғилишида муҳокама ҳам қиласхонади, бу ҳақда бирор кимсага бир сўз айтмади. Бу менга қаттиқ таъсир қиласхонади, ижобий маънода таъсир қиласхонади, албатта. Ишончни оқдаш учун астойдил ишладим, билмаганларимни эринмай ўргандим, бир мақолани пишиқ ва ўқишичи чиқиши учун ўн бора қайта ишлаган кунларим бўлган. Эсимда, Самарқанд шаҳри савдо шохобчалари фаолиятидан умумлаштирувчи йўсинга эга, айни вақтда таҳдилий

муаммоли мақола ёзишим керак бўлган эди. Икки-уч кун давомида шаҳарнинг ҳамма дўконларини кўздан кечирдим, мудирлар билан сұхбатлашдим. Ютуқлар ва камчиликларни сўраб-суринтириб билдим. Айниқса, озиқ-овқат дўконларида муаммолар тиқилиб кетган экан. Озиқ-овқатларни сақлайдиган совуткичлар йўқ, етишмас, борлари ҳам яхши ишламас экан. Хуллас, савдонинг барори билан боғлиқ жиҳатларни қаламга олдим ва мақолани тайёрлаб, Амир Гайновга топширдим. Бўлим мудиримиз, «Поён, савдода инқиlob қилмоқчимисан?», деди жиддий оҳангда. Мақолани, одатига хилоф равишда, икки-уч бор ўқиди. Сўнг, уни кўтарди-да, тўғри Малик Наврӯзов хонасига олиб борди. Эркин, «Тинчликми, ўзи нимани кўтардингиз?», деди. Тельман Раҳматов, кулди-да, «Буларга тўғри гапни ёзсанг, ёқмайди, Наврӯзовга арзга кетгандир-да», деди Эркинга қараб.

Анча вақтдан кейин Амир Гайнов кириб келди. Мақолани олдимга суреб, «қара», дегандай имо қилди. «Савдо барори» деган сарлавҳам «Савдо авжида», деб ўзгартирилибди ва «эртанги сонга», деб қайд қўйилибди. Имзо Малик Наврӯзовники эди. Бундай ҳол таҳририятда деярли бўлмасди. Мақолалар тайёр бўлгач, тартибга кўра, масъул котибга узатиларди. Масъул котиб, долзарблиги, пишиқлиги, ўқишилигига қараб, уларни газетанинг яқин сонларига расамад қиласди. Баъзи мақолалар ҳафталаб, неча ойлаб масъул котиб ва унинг ўринбосари столида қолиб кетарди. Мақола босилиб чиқди ва расмий доираларда муҳокамага сабаб бўлди. Чоралар кўрилиши, керакли ускуналар билан таъминланиши тўғрисида таҳририятга тегишли савдо ташкилотларидан жавоблар кела бошлади. Саноат обкомининг пленумида мақолада кутарилган муаммолар, кўрсатилган танқидий ҳолатлар ижобий баҳоланди, улар юзасидан тегишли чоралар кўрилганлиги таъкидланди. Ичимда, бу ҳолни, бирга-бир, деб баҳолаган эдим. Хатом сабаб тазйиқ, ютурим боис,

мақтов изма-из келган эди. Обкомнинг пленумида газетанинг чиқиши алоҳида қайд этилиши муҳарриримизга ёқиб кетганди. Унинг ташаббуси билан рағбатлантирилдим, Малик Наврузов таклифи билан квартирага навбатга қўйиладиган бўлдим... Хуллас, 1964 йилнинг бошларига келиб, йўлимни топиб ола бошлгандим. Янги ва ёш ходим бўлсам ҳам, Нормурод Нарзуллаев, Маннор ака Нажмиддинов, Исройл Мирзаев, Суръат Орипов ва бошқа бир қанча обрў-эътиборли ҳамкаслар билан иноқ эдим. Журналистика соҳасида Малик Наврузовни ва Амир Гайновни ўзимга раҳнамо, устозлар ҳисоблардим. Шеърият бобида Нормурод ака, ҳикоячиликда Исройл Мирзаевлардан кўп нарсалар ўргандим. Ишим ёмон кетмаётган, квартира ҳам 1964 йилнинг охирларида ҳал бўлиши кутилаётган эди. Лекин кутилмаган нарсалар ҳам бўларкан ва улар ҳаёт йўлингни кескин буриб юборар экан. 1964 йилнинг февраль ойи бошларида ана шундай кутилмаган, тақдиршумул, ижобий бир ҳол содир бўлган эди.

Газетамизда саноат бўлими анчайин катта бўлиб, мудирдан ташқари яна учта адабий ходим – Тельман Раҳматов, Эркин Неъматов ва мен ишлардик. Бошқа бўлимларда биттадан адабий ходим фаолият кўрсатарди. Менга ҳам «катта мавзулар» ишониладиган бўлиб қолганди. 1964 йилнинг 9–10 февраля кунлари эди, Самарқанд суперфосфат заводига ижодий сафарим белгиланган эди. Бўлим мудириздан зарур йўл-йўриқларни олиб, сафар анжомини жам қилиб турганимда, соат ўнлар эди, Малик Наврузов сўраётганини айтишиди. Керакли кўрсатмалар бўлади, деган фикрда ҳузурига бордим. Жуда кам куладиган муҳаррир ўринбосари хушҳол қаршилади.

– Поён, Қаршига бориб келишингиз керак, – деди у сал илжайиб, – сафарга ўрнингизга Тельманни жўнатамиз. Ариза ёзинг, бир ҳафталик жавоб берамиз. Нима қилиш кераклигини эса тушунираман.

Маълум бўлишича, Қарши Давлат педагогика институти ректори Курбон Ўлжабоевдан муҳаррир номига телеграмма келган ва унда мени ректорат ихтиёрига юбориш сўралган экан.

– Боринг, майли. Ишингиз ҳал бўлса ҳам яхши, ҳал бўлмаса ҳам яхши, – деди Малик ака жиддий оҳангда, – ҳал бўлса, институтда фаолиятни давом эттирасиз, ҳал бўлмаса, иссиқ ўрнингиз совумайди. Гапимни тушундингиз, шундайми?

Малик ака оқ йўл тилаб, ҳисобчига сим қоқди-да, маош ва қалам ҳақимни бериб юбориши буюрди.

Шу ерда бир оз ортга чекиниш қилишимга тўғри келади.

Газетада ишлай бошлаганимдан беш ой ўтиб, 1963 йилнинг ноябрь ойида, Абдураҳмон ака айтган ваъда-сининг устидан чиққан эди. Карманада, маҳбуслик муддатини ўтаётган отам ноябрнинг 2-кунида муддатидан олдин қамоқдан озод этилган эди. Навоий шахридаги 55-максус суд отамнинг ишини кўриб чиқиб, Равшан Курбонов муддатидан бир йилу беш ой муқаддам озодликка чиқарилсин, деган қарорни қабул қиласанди.

Отам лагердан чиққач, Абдураҳмон аканинг Навоий шахридаги танишлари уни икки кун давомида меҳмон қиласидилар. Абдураҳмон ака ҳам шу ерда бўлади ва отам билан танишади. Учинчи кун улар «Москвич» машинасида Қаршига қараб йўлга чиқадилар. Қаршига келиб, Янги қурилиш – Дўстберди (Байрам) қишлогини топгунча анча адашадилар. Ниҳоят, қишлоққа кун оққанидан кейин етиб келадилар. Абдураҳмон ака⁶ машинадан тушиб, очиқ эшиқдан кириб келади ва:

⁶ Абдураҳмон акани 1963 йил ноябрь ойи бошларида, қишлоқдаги учрашувдан кейин, афсуски, қайтиб кўрмадим. Тез орада Қаршига ишга ўтдим ва алоқа боғлай олмадим. Ўтган йиллар давомида у ўзи ҳакида бирор ишорат ҳам бермади. – музаллиф.

– Ойбаҳор момо, суюнчи беринг! – деб чақиради.

Онам ва сингилларим, укаларим хушу хандон ташқарига отилаадилар. Қишлоқда янгилик тез тарқалади. Бундан ташқари, онамга «сюрприз» ҳақида айтиб кўйган эдим, отамнинг озод этилиши бир-икки ой ичидагулади, дея ишонтиргандим. Элимизнинг оғзида шу гап, бирор бегона машина қишлоққа келгудек бўлса, ҳамма кўчага чиқарди, «Раис бова келибдими?», дея бир-биридан сўрашарди. Отамлар келган кун ҳам шундай бўлади. Қишлоғимиз-ку кўчиб келади, Азлар-тепа, Еттиқудук, Майда қишлоқларидан одамлар тезда етиб келадилар. Онажоним, сингилларим, укаларим, қишлоқдошларим, қариндош-уругларим ҳаммаси отамни ўз уйимизда кутиб олаётган эдилар. Бунинг тарихи тубандагича.

Дам олиш кунларидан бирида Абдураҳмон ака билан гурунглашиб ўтирган эдик, у «Поён, сен қишлоққа борда, ўз уйларингга кўчиб ўтишни ташкил этиб кел», деб қолди. Мен унга, «қандай бўларкан?», қабилида саволомуз қарадим. «Сен ҳукмни ўқимагансан, прокурор ва хўжалик раҳбарлари сизлардан яширган, уйларинг, молу мулкларинг, машиналаринг ҳаммаси мусодара этилмаган, фақат гўшт топширипда ноўрин сарфланган хўжалик пулини қоплаш учун кассир, зоотехник, ҳисобчи ва отангта қисман жарима солинган. Шу жарима тўланса, давлат билан отангнинг ораси очиқ бўлади», деган эди Абдураҳмон ака.

Шу гап-сўздан кўп ўтмай, жума куни ишдан чиқиб, қишлоққа жўнаб кетдим. Ўзим билан бирга дўстим Холбозор Тоғаевни бирга олдим. У жуда половон, юраги катта йигит эди. Холбозор Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида, зоотехника факультетида битирувчи курс талабаси эди. Шахрисабздан такси ёллаб, кеч соат ўн бирларда қишлоққа кириб бордик. Ҳовлимиз деворидан ошиб ўтдик-да, бўм-бўш ётган «Волга»миз гаражидан лом, бел, болта топдик-да, дарвозамизга михлаб ташланган кўндаланг тахта-

ларни парча-парча қилиб, синдириб, олиб ташладик. Уйимиз олди билан боғ оралиғида узунасига тахта де-вор тикланған экан, уларни ҳам бир бошдан йиғиши-тириб, бир четга тахладик. «Болалар боғчаси» деган ёзувни Холбозор күчириб олди-да, оғи остида зэри-лаб, сұнг ёқиб юборди. Бу ишларни қылғунимизча, тоң ҳам ёришиб қолған эди. Қишлоғимиз елкасидан оқади-ған ариққа бордик-да, чүмилиб, Оқназар бўламизнинг уйига қараб юрдик. Отамнинг жияни Улаш Бозоров (уйимиз билан уйи рӯбарў эди) ҳовлимизда бўлаётган тарақ-туруқдан уйғониб кетган экан, шекилли, юви-ниб келётган бизларга кўзи тушиб, ҳамма нарсани фаҳмлади. Ўша пайтда, билмадим, у кишининг амали нима бўлган, лекин уйимиз ёнидаги ҳовлида товуқ боқар, товуқлари сув учун қолдирилган тешикдан биз томонга ўтиб, ток ва дарахтларни деярли қуритиб бўлган эди. Укам Нарзулла бир сафар, унга бу ҳақда айттанида, хотини Ойқиз янгани, аччиқ қилиб, дўппос-лаган. Албатта, бизга, Нарзулланинг сўзига зид қилиб. Товуқларнинг, жўжаларнинг бизнинг ҳовлига ўтиб кетишида янганинг нима айби бор? Товуқбоқарларни жазолаш ўрнига жиян шу йўлни тутган. Салбий жавобнинг «жонли» кўриниши эди бу.

Улаш жиян бўйини бир-икки қимтиб, саломла-шишдан атайнин қочиб, нариги кўчага бурилди. Тоң пайтида унинг нариги кўчада нима юмуши бўлиши мумкин эди. Вақтида савдо дўконида ишлаб, катта камомад билан қамалган Улаш жиян бизларгаку, май-ли, отамга ҳам салом-аликни ўйлаб амалга оширган вақтлар бўлди. Отамнинг саъй-ҳаракатлари туфайли, туман судъяси Аҳмад Кўчқоров унинг қамоқ мудда-тини жуда енгиллаштирган эди. Отамизнинг бошига иш тушганда, қораси юқмасин деб узоқ юрганлар са-фида шу жиян ҳам бор эди.

Хуллас, уйда нонушта қилдик-да, укамларни, син-гилларимни, қариндош-уруғларни уйимизни тозалаш, йиғишириш, полларни, дераза ва ромларни, эшик-

ларни, айвонни ювиш, артиш ишлариға жалб этдим. Нарзулла эшак аравани құшди, Файратбой уни бошқарди. Суриши, тозалаш ишлари жуда тез бажарилди. Күрпа-түшакларни аравага босиб, уйимизга гиламлар түшаб, бирин-кетин кирита бошладик. Навбат жавонларга, стол-стулларга кеди ва бу иш анча қийинчилик билан, күпайлашиб амалга оширилди.

Уйимизга күчиб ўтиб бўлган ҳам эдик, отланиб Қурбон Эргашев келиб қолди.

– Поёнбой, бу ишиңгиз яхши бўлмабди, – деди у отдан тушмай, салом-алик ҳам қилмай, – давлат билан ўйнашиб бўлмайди. Мазангизни қочирмасин тағин?!

Уни ким чақириб келганини ўзимча тахмин қилдим. У яна кимларгадир хабар бериш билан овора эди, чоғи, Эргашев билан келмаган эди.

– Уй бизники, – дедим дадил, – ким келса, келаверсин.

«Шўро бова» – одамлар шундай атарди – Қурбон Эргашев дарҳол жуфтакни ростлади, чамамда, хўжалик идорасига кетди. Хўжалик раҳбарлари келармикан, деб кутдик. Бироқ, улар қадам босмадилар. Айтишларича, туман прокурори ва судьясига қўнғироқ қилишган, улардан маъқул жавоб ололмай, бўйинларини қисиб қўя қолганлар.

Отам билан елкадош, узангийўлдош бўлган, йигирма йил давомида оғирни ҳам, енгилни ҳам бирга тортган Қурбон Эргашев йиллар давомида қорасини кўрсатмай, ҳолимизни шу тариқа сўраб келган эди. Кейинчалик у, 83-йилларда бўлса керак, эски қишлоққа, Чакарга кўчиб кетди.

Қурбон Эргашевни кўчишга хайриҳо бўлмаган, дея олмайман. Отам билан муносабатлари доимо яхши бўлиб келган эди. Юрак тубида газаклаган шумликлар бирданига юзага чиқмайди, албатта. У хўжалик парткоми котиби сифатида, биринчилардан бўлиб кўчиб келмаслиги мумкин эмасди. Вақт ҳамма нарса устидан ҳакам. 1980 – 83 йилларга келиб, Қарши чўли

аллақачон ўзлаштирилиб бўлинган, Совет давлати кўчиш-кўчмаслик учун энди ҳеч кимга жазо бермасди. У шу кунларни сабрсизлик билан кутган эди. Шуларга қарамай, Эргашевни дўстимнинг отаси сифатида ҳурмат қилиб келдим. Бироқ отам билан унинг ўртасидаги муносабатлар узилган эди. Кимнинг ташаббуси билан эканлигини айтишим шарт эмас.

Бир оз олдинроқ кетиб айтай, отам кечиримли инсон эди. У жиянлардан, амакилардан, юз бурган қариндошлардан ўпка-гина қилмади. Аксинча, уларнинг бошини қовуштириди, ўйгайламади. Бу қариндошуруглар билан қудалашди, яқинлик ришталарини маҳкам боғлади. Гулсара синглим, Улаш жияннинг Нурали ўғлига тушди, ували-жували бўлиб, баҳтли ҳаёт кечириб келмоқдалар. Эшнор амакимнинг қизи Клара Файрат укамнинг жуфти ҳалоли бўлди. Яхши, ҳавас қиласа арзийдиган хонадон таркиб топди. Агар отам заррача иккиланганида борми, адоват газаклар, янги рўзгорлар вужудга келмаган, қариндошлиқ ришталари чирт узилган бўларди. Мен, Соҳибқирон Амир Темур тарихи билан озми-кўпми шуғулланиб, Буюк Жаҳонгирнинг, ҳатто, ўзига суиқасд қилганларни бир эмас, бир неча карра мағфират қилганлигига қойил қолганман. Отамдаги бу фазилатни юқтирмаслик, арзитмаслик, қадрига етмаслик мумкин эмасди. Шундай бўлди ҳам. Отамнинг вафотига қадар яқинларимиз уйимизда йифилар, тўйлар, тадбирлар маслаҳатини ундан сўрардилар. Отам қамоқдан чиққанидан кейин хўжаликда бригадир, агроном, мироб вазифаларида ишлади. Умрининг охирига қадар қишлоғимизнинг кайвониси, маслаҳатгўйи, оқсоқоли бўлиб қолди. Яна олдинроқ кетиб айтсан, тўю мавриларда отам эски қишлоғимизга борар бўлса, уни катта ҳурмат билан тўрга ўтқазардилар. Ҳар йили Мулло Курбон бобомиз қабрини зиёрат қилиб, бир қўй сўйиб, дарё бўйида, Чакар тепада отам билан бирга, эски қишлоқдошларни чорлар эдик. Нурмат, Шермат, Жов-

ли махсумлар, Эшонқул Мейли ва бошқа қадрдонлар отам билан сұхбат құрап, уйларига таклиф этарди.

Навоий шаҳридан отам билан бирга келгандарни элизиз, қариндош-уруғларимиз қаттиқ улуғлашади, уларнинг устларига ёпилган түнлар қалашиб кетади. Қалқон тоға, Эшнор амаки бокилиб ётган қўчқорни отамнинг оёқлари остига сўядилар. Катта айвонимизда жой қилинади, тўю хурсандчилик бошланади. Абдураҳмон aka хўжаликда ҳисобчи бўлиб ишлаётган жиянимиз Шомамат Эшматовга, «Самарқандга, Пойнга хабар юбориш керак», дейди. Шомамат ярим кечада машинани шайлаб, ўзи мени олиб келиш учун Самарқандга жўнайди. Эрталаб соат отиларда эшигимиз тақиллади. Елвагай чиқиб, эшикни очсан – Шомамат. Кўзларида севинч ёши, «Суюнчи беринг, суюнчи, тофам келди, тез бўлинг», дейди. Дўстим Эркин Неъматовга воқеани айтдим-да, кийиниб, Абдулмани ётоқхонадан олиб қишлоқقا равона бўлдик. Юк машинаси эмасми, кабинага бир киши жойлашади, ноябрнинг бошлари, кундуз илиқ бўлса-да, тонгда совуқ эди. Шомамат қўярда-қўймай, мени кабинага ўтқазди, укам билан иккаласи юк машинасининг кузовига чиқиб, ўтириб олдилар. Даشت йўлидан, Жом орқали келаётирмиз. Рулда Ашур Самадов, машинаси янги, тақириб ўллар, чангги демаса, текис, газни босади, денг. Амакимиз Ашур Самадов шу йил – 2013 йил ёзида, тўқсон ёшни қоралаб оламдан ўтди. Таассуфки, бизнинг, оиласизнинг улкан баҳтига шерик бўлган, ҳисса кўшган қариндош ва бегоналар – умумий қилиб айтганда, яқинларимизнинг кўпи бутун орамизда йўқ. Эшмамат ва Нурмамат Искандаровлар, Эшнор ва Эшқобил Курбоновлар, Оқназар Эшонқулов ва Хушмурод Холбековлар, Абдураҳмон, Эшмамат ва Дўстмат Азимовлар, Абдураҳмон, Холмурод ва Ашур Самадовлар, Улаш ва Мамат Бозоровлар, Дилемурод Вафоев, Бердиёр Шукуров, Янгибой Хушвақтов, Баҳтиёр Ҳайдаров, Нормурод бобо, Боймурод карвон, Азим

бобо, Али бобо Раҳмонов, Уста Шодмон, Ражаб Эргашев ва бошқалар, аммаларимиз – Жума, Ойзиё, янгалиаримиз Порчаой, Очилой ҳаёт билан видо қилдилар. Уларнинг ҳаммаларининг охиратлари обод бўлсин!

Шу тариқа, отам Равшан Курбонов Хрушчев даври қатагонига тортилган бегуноҳлардан бири сифатида қамоқдан бир ярим йил муддат олдин озод этилди. Абдураҳмон ака ва навоийлик олижаноб инсонлар «Москвич» машинасида узоқ йўл босиб, отамни ўз уйига, болалари бағрига олиб келадилар. Шомамат жиян, Абдулла билан дақиқаларни санаб етиб келганимизда, соат ўн бирга яқинлашганди. Учрапувимизни тасвир қилишга қаламим ожиз, тилим лол. Термизда, Навоий шаҳрида отам билан қамоқ қонунлари асосида бир неча бор учрашган эдим. Озодликдаги, эркинликдаги учрашув қадри бўлакча бўлар экан. Кўзимдан севинч ёшларим тирқираб чиқарди, отамнинг ҳам кўзлари намланган, мени бағрига босиб, кўйиб юборишига кўзи қиймасди. Оҳ, отажон, отажон-а, қишлоқдошдан, дўстдан етгани Сизга шу бўлди-я?! Кўрнамаклик, худбинлик, эртани кўра билмаслик, яхшиликни унутиш оқибати нималарга олиб келмади, эсиз. Ўзига ҳам қилди, бизга ҳам. Турмада, Термиз қамоқхонасида жизғанак бўлиб ётганида, ким ортидан борди, ким ҳолини сўради... У, шубҳасиз, бундай бўлишини ўйламаган, раисликни эгаллаб, даврон сурман, яна аввалги мавқеимни тиклаб оламан, деган хомхаёл исканжасида бўлган. Олти ойга етмаган «раислик» унга қанчалар қимматга тушганини у менга орадан йиллар ўтиб, уйимга келганида қайта-қайта ўқинч билан ҳикоя қилиб берган эди.

Малик Наврӯзов бағрикенглик билан рухсат берганидан сўнг қишлоққа отам билан маслаҳатлашиш учун келдим. Отамга воқеани бошдан тушунтиридим. Домламизниң юбилейи, кафедра мудири Таслия опанинг Самарқандга боргани, менинг уларни олиб юрганим ва, ниҳоят, пировард натижада, Ёдихонаванинг так-

лифи билан ректоратдан таҳририятга телеграмма борғанлигини айтдим. Отам, «Ҳозир-ку, Самарқанд билан Қарши масофаси кўп фарқ қилмайди, Қаршидан кўра Самарқанд ривожланган, пойтахт бўлган жой. Бу шаҳарда яхши ишлаган тезда кўзга кўринади, таҳририят обкомга қарайди, бу жойда танилиш, кўтарилиш имкониятлари кўпроқ, ўғлим, – дея мулоҳаза қила бошлади, – аммо, Қашқадарё ҳам тез орада назарга тушади, чўл ўзлаштирилади, иқтисод, маданият, илм-фанга катта эътибор берилади. Пахта кўпайса, имконият ҳам шунга яраша орта боради. Бундан ташқари, укаларингиз, сингилларингиз одам бўлиб қолди, уларни ўқитиш, олий маълумотли қилиш зарур эҳтиёжимиз. Борди-ю, Қарши олийгоҳида ишлаш насиб этгудек бўлса, айниқса, сингилларингизга мадад бўлармиди, дейман-да». Шу кечча уйда бўлиб, эрталаб Қаршига йўлга чиқдим. Отам тўриқ оти билан дарёдан ўтказиб қўйди. Шаҳрисабздан келаётган автобусга илашиб, Қаршига етиб келдим.

Қарши Давлат педагогика институти Кўчабоғ кўчасининг жанубий адогида жойлашган эди. Ўзбек тили ва адабиёти факультети икки қаватли бинода фаолият кўрсатар экан. Тўра Нафасовни излаб топдим, тарих факультетини битириб, Тўра билан олдин-кетин Қаршига ишга келган Акрам Жумановни ҳам кўриб, саломлашдим. Чойхонада ўтириб, бир оз гаплашдик. Чойхона шундай ректоратнинг яқинида, ҳатто рўпарасида эди. Кафедрага бордик. Таслия опа, «Келдингми, чирогим», деди-да, бағрига босиб кўришди. У ёқбу ёқдан сўрашгандан кейин, мақсадга кўчди:

– Поёнжон, кафедрамизда мумтоз адабиёт фанидан дарс берувчи ўқитувчи ўрни бўшади, Чори Ҳамроев домла ишламайман, деб ариза ёзиб кетди. Биз, кафедра аъзолари сизнинг номзодингиз устида тўхтабиб турибмиз.

Таслия Султоновна, сездимки, яна нимадир демокчи-ю, айтишга қийналяпти.

– Домла, очигини айтаверинг, – дедим дадил, – Малик Наврӯзовнинг «Ишингиз битса ҳам яхши, битмаса ҳам яхши», деган гапини эслаб.

Таслия опа Тура Нафасовга бир қараб олдида, сал қизаринқираб:

– Гап шундай. Кафедра билан деканатнинг фикри бир жойдан чиқмай қолди. Декан Акбар Маматқулов Маҳмудова деган бир аёлни тавсия қилаётир. Прокурорнинг хотини экан, мактабда ишламай, кетибди. Ўзи хоҳиши билан кетганми ёки мажбур бўлганми, билолмадик. Сиз университетни имтиёзли диплом билан тамомлагансиз, илмий конференцияларда маърузалар қилгансиз. Тура домла кўрсатди, ўқиб чиқдим. Сиз бизга ҳар жиҳатдан маъқулсиз. Энди, масалани ректор ҳал қиласи. Ҳозир Қурбон Ўлжабоевнинг хузурига бирга борамиз, Маҳмудова ҳам деканатда ўтирибди, у ҳам боради, – деди.

Ректор қабулига кирдик. Қурбон Ўлжабоев бир қарашда жайдари бўлиб кўринса ҳам, ўта маданиятли, олижаноб, адолатпеша инсон экан. Декан ва мудирга қараб, «Ўқитувчи танлашнинг энг тўғри йўли – дарс беришда синаб кўриш бўлади, мен бу кишиларнинг қайси бири бўлади, қайси бири бўлмайди, дейишга нимани асос қиласман, айтинглар-чи?!» деди. Бир кун муҳлат билан иккинчи курсда мумтоз адабиётдан маъруза ўқиши белгиланди. Чори Ҳамроев домла «Атоий лирикаси» деган мавзуга келиб, дарс беришини тўхтатган экан. Шу мавзу иккаламизга ҳам тавсия этилди. Ростини айтсам, бу мавзу менга жуда таниш, шоирнинг ғазалларидан камида бештасини ёд билардим. Шоирнинг тахаллуси бобида матбуотда қилинган баҳслардан ҳам тўла хабардор эдим.

Эртасига 2-жуфтлик дарсга деярли ҳеч бир тайёргарликсиз, хотиржам келдим. Туни билан Тура Нафасовнинг шаҳар милициясига яқин икки қаватли уйдаги ҳужрасида Акрам Жуманов, Омон Эшқувватов каби Самарқанд университетини битириб келганлар

билан тонготар сұхбат қылган әдик. Мендан кейин худи шу мавзуда Маҳмудова дарс ўтиб бериши келишилган әди. У аёлни бир күн олдин ректоратда күриб, ажаблангандим, қандайдир, күзларида мунг бордек әди. Бир ичим ачиб, қайтиб кетаверсаммикан, деб ўйладим. Дарс бермай кетсам, нима гаплар кутишини ўйлаб, бу фикримдан узил-кесил қайтган ҳам әдим. Мана, дарс ҳам бошланди. Устозларим ��ғад Абдуллаев, Маҳмудали Юнусов, Ботирхон Валихұжаевлар-нинг дарс берип усуслари, мавзуни тарихан ёритишилари, давр билан боғлашлари, шундан кейин шоир ижодининг мазмун ва моҳиятини очиб бериш, умумийликдан кўра, аниқ таҳдилга зътиборни қаратишни фазилатларига тўлиқ ёндашиб, бир оз ҳаяжон ва хавотир билан дастлабки маърузамни ирод қылдим. Ато-ийга Алишер Навоий берган баҳони, қофия бобида тилга олинган байтини таҳдил этишга киришдим. Байт шундай әди:

*Ул санамким, сув яқосинда паридек ўлтурур,
Фояти нозуқликидин сув била ютса бўлур.*

Алишер Навоий ҳазратлари шу байт хусусида сўз юритиб, «Қофиясида айбинаси бордур», деганлар. «Айбинаси» – нуқсоннинг уччалик катта эмаслигини англатади. Бу билан улуғ шоир «ўлтурур» билан «бўлур» сўзларининг қўшимчалар ҳисобига оҳангдош – қофиядош бўлишини, ўзак сўзлар – «ўлтур» ва «бўл» қофиядош эмаслигини назарда тутганлар. Талабалар дикқатини ана шундай нозик жиҳатларга қаратганим яхши натижа берди. Саволлар роса ёнилди, билганимча, жавоб қайтардим. Дарс тугади, катта танаффус бошланди.

З-жуфтлик дарсга Маҳмудовани кутиб турдик. Қўнгироқ чалинди ҳамки, опадан дарак бўлмади. Чамамда, у дарс бериш шартини ҳисобга олмаган экан, биратўла келмай қўяқолди. Дарсимни деканатда таҳ-

лил этишди. Илмий ишлар бўйича проректор Қулмурод Шодмонов, декан Акбар Маматқулов (иккалалари ҳам Шерободдан эдилар), Таслия Ёдихонова, кафедранинг барча аъзолари тўлиқ иштирок этдилар. Тафсилотни бошқа вақтга қолдирай, хуллас, «Атойи лирикаси» мавзууда ўтган дарсим «яхши» деб баҳоланди. Камчиликларимни адабиётчилар қолиб, тилчи устозлар айтишди. Маърузада кўпроқ академизмга мояйил эканман.

Бу сўзларни келтирмасдан, мавзудаги изчилилкни еткиза олмасдим. Хуллас, ариза ёздим, Таслия опа имзо чекди, декан, «Хозир, ҳозир», деди-да кўздан гойиб бўлди. Эртасига ҳам ишда кўринмади. Менинг эса сафарим муддати тўлиб, Самарқандга ё «ҳа», ёинки, «йўқ» деб боришим керак эди. Ёдихонова аччиқланиб, Қурбон Ўлжабоев одига кирди. Ректор, «Акбарми, ҳой чатоқ-эй, номзоди⁷ ўтмай қолгач, бошқа йўл тополмади-да, профессор Қулмурод Шодмонов ҳам унга ён босмади-да, келинг, истисно тариқасида буйруқлашибтирамиз, бу йигит Самарқандга бориб, ишдан ишга кўчириш йўли билан бизга қайтиб келсин», деди ректор. Шундай қилиб, 1964 йилнинг 13 февралидан эътиборан, Қарши Давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти кафедрасига ўзбек мумтоз адабиёти фани ўқитувчиси бўлиб ишга қабул қилиндим.

Қишлоққа кирмаёқ, Самарқандга қушдек учдим. Амир Гайновга воқеаларни батафсил сўзлаб бердим. «Сени олишларини билгандим, – деди устоз, – билимли киши ҳаммага, ҳар жойда керак, нима дейман, табриклайман, муваффақият тилайман. Диссертация ёқлашни унутма, бизларни ҳам унутма», деди қўлимни қаттиқ сиқиб. Кейин Малик Наврӯзов одига бошлаб борди...

⁷ Айтишларича, Маҳмудова 2-3 йилдан сўнг, эри билан Тошкентга кетишда, автоҳалокатда ҳаётдан кўз юмған экан. – музаллиф.

Укамнинг ётоқхонасида бир кун тунадим-да, Қаршига «Кукурузник» самолётида учдим. Дўстим Эркин Неъматов бу кутилмаган қарордан маҳзун тортиб қолди. «Бу ҳужрада бир ўзим яшай олмайман. Мен ҳам бир илож ўйлашим керак», деганди у хайрлашаётib. Ҳақиқатда, тез орада у ҳам Тошкентга ишга кетди, узоқ йиллар республика радиосида ишлади, шеърий китоблар нашр қилдирди. Тошкентда вақти-вақти билан учрашиб, ҳол-аҳволлашиб турардик, уч-тўрт йил бўлдики, оламдан ўтди, охирати обод бўлсин, қадр-дон дўстимнинг.

1964 йилнинг феврали, шу тариқа, Абдулла укамнинг Самарқандда ёлғиз (аканинг кўумагисиз, албатта) ҳаёт кечириш, мустақил қарорлар қабул қилиш тарихининг бошланиши бўлган эди. Инсон балоғатга етгани сари мустақилликка интила боради. Аслида-ку, талаба бўлдингми, бас, шу кундан сенинг ҳаёт йўлинг ўзингга, феълингга, интилишингга қараб, ўзига хос, бошқаларни книга ўхшамаган тарзда шаклана бошлайди. Ҳалқимизнинг онгида фарзанд ва унга кўрсатиладиган меҳр-оқибат, қандайдир, мавсумий эмас, бардавомийлик хусусиятига эгадир. Оврўпода бола балоғатга етдими, унга мураббий ва муваққийлик деярли барҳам топади, ўз кунини ўзи кўради, ўз тақдирини ўзи белгилайди. Бизда, шукрларким, бундай эмас. Балоғатга қадар бўлган фаол тарбия, ўқитиш, уйлантириш, уй-жойли қилиш, ота-она назоратининг давомийлиги асрлар оша ривож топиб, сайқалланиб келади. Бу силсила, узвийлик хонадон тушунчасининг муқаддаслигини белгилайди. Ота-оналар, боболар удумига садоқат, оила шаъни кичик ёшдан шуурга сингдирилади. «Равшан Қурбон болалари», деган тушунча бизда эрта шаклланган эди. Бу тушунча гурур, орномус, шаънга доғ туширмаслик, ота-онага муносиб фарзандлар бўлиш деган ички бир қоидага амал қилишни тақозо этарди. Бир умр шу ойинга амал қилишга интилдик. Бунга қанчалар мунаффақ бўлдик,

эришдик – Абдулла укам ҳаёт йўли мисолида яққол кўринади, деган умиддаман.

Отам қайтганидан кейин, кўп ўтмай, издан чиққан, деярли ўтириб қолган иқтисодимиз аста-секин ўнглана бошлади. Токлар ишланиб, озуқалантирилиб, ривожга киритилди. Қўрада мол-ҳолларимиз сони ортиб борди. Қишлоқнинг темир қонуни шундай – ер ва мол. Ерга ишлов берсанг, сени боқади, мол-ҳол сақласанг, еганинг олдингдан ортади. Отам бақувват, меҳнаткаш, ишлаб чарчамайдиган киши эди. Ўн икки ёшида арпабуғдсий ўришнинг пешқадами, амакимиз Искандар катта билан баҳслашиб ўроққа тушган отам у кишини қойил қолдирган экан. Бир ярим йиллик зулм у кишининг қаддии эга олмаган эди. У киши келиб, уй олид томорқамиз барака манбаига айланди. Қўрамиз қўй ва сигирларга тўлди. Пахта экиш, юқори даромад олиш оиласи үнгланишнинг асосий манбаларидан бири бўлган эди.

Абдулла укам ҳар семестр охирида бериладиган таътилга келар, шу келганида ҳам тиним билмасди. Нарзуллани ёнига олиб, ўтин чопар, дала-даштдан сомон йигиб келардилар. Каттакон сомонхонамиз бўларди. Унинг бир томонида қуритилган беда боғлари тахланган, иккинчи тарафида сомон гарам бўлиб уюлиб турарди. Бедаларни отам ўрган ва тахлаган бўлса, сомонни укаларим йиққан бўларди. Энди, Абдулмада пул муаммоси йўқ эди. Ўқув йили олдидан Шаҳрисабзга борилар, янги костюм-шим ва керакли ашёлар харид қилинар, Самарқанд учун чўнтакда алоҳида пул сақланарди. Отам Қаршига машина тўлдириб, узум олиб келиб сотарди. Мен оиласи билан Қаршида, Чапаев кўчасида, Сана ака деган нон заводида ишчи бўлиб ишлайдиган кишининг бир хонали хужрасида ижарада яшардим. Отам бозордан қайтар экан, тўлибтошиб келарди, у киши олиб келган нарсалар бизга бу ойдан келар ойга қадар бемалол етиб ортарди. Рости ни айтсам, шу йилларда менда рўзғор ташвиши бўлма-

ган, ун, ёғ, гўшт, қанд-курс, мева-чева отам шарофати билан етарли бўларди. Абдулла укам ҳам иккинчи курс охирларидан бошлаб, бирор-бир муҳтожлик кўрмай таҳсили давом этдирди.

1964 йилда Қарши педагогика институтига Самарқанддан устозим Орифжон Икромов ректор бўлиб келди. У киши келгач, ўзбек тили ва адабиёти кафедраси иккига ажралди, ўзбек адабиёти кафедраси алоҳида бўлди. Кафедранинг биринчи мудири Орифжон Икромовнинг ўзи (жамоатчилик асосида) эди. Домла мени ўзига муовин этиб тайинлаб, кафедра ишларини юритишни топширди. Кейин СамДУда номзодлик ишини ҳимоя қилган Қажхор Расулов кафедра мудирилигига расмий равишда сайланди. Орифжон Икромов, оддинда айтганимдек, илмий иш қилишимни, аспирантурага хужжат топширишимни талаб қила бошлади.

Дўстим Тўра Нафасов аспирантура ҳаракатини эртачи бошлади. Ректордан рухсат олишда негадир пайсаллик бўла бошлади. Охир, Орифжон акага тушунтирдим, дўстимга ижозат бўлди. 1965 йилда Самарқанд Давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси сиртқи аспиранти бўлиш насиб этди. Илмий раҳбарим, ректоримиз Орифжон Икромов шу йили Қашқадарё вилояти бўйича Иттифоқ Олий Советига сайлов ўтказиш ҳайъатининг раиси бўлган эди. Шу муносабат билан у киши мени Тошкентга олиб борди ва вазирлиқдан сиртқи аспирантурани кундузгисига айлантиришга ҳаракат қилишимизни айтди. Домла йигилишлар билан банд бўлиб, вазирликка киришга имкон топмади, менинг эса, бу иш қўлимдан келмади. Кечки поездда Қаршига (самолёт учмади) проректор Чўли Кўзиев (домла унга тайин қиласди, лекин у ҳам аспирантурани кундузгисига айлантира олмади), Сурхондарёдан Любовь Раҳимовна Ражабова (вилоят комсомол қўмитасининг котиби) ва мен Орифжон Икромовнинг Ҳамид Олимжондан айтган шеърларини тинглаб,

қайтиб келардик. Шунда билганман, Орифжон ака Ҳамид Олимжон шеъриятини деярли ёддан биларкан. Тошкентдан то Жиззахга қадар шеър айтиб, тарихини сўзлаб келди. Китоблардаги талқин билан домланинг тавсифи бошқача, жонли, далили кучли, таҳлили зўр эди. «Ҳамид Олимжон вафот этганда, мен ўрта мактабни битираётган эдим», деганди Орифжон Икромов. «Мулло Поён, мавзу аниқ, ёзиш керак, вассалом, аспирантура – диссертация дегани эмас», деб далда берарди устозим. Шу, 1965 йилда, Орифжон Икромов жойлардаги сайлов участкаларини кўриб келайлик, деб мени ва Тўра Нафасовни «Виллис» ига миндириб, йўлга тушди. Фузорга борадиган бўлдик. Сайлов участкасини кўздан кечирдилар. Шу ерда шогирдларимиздан бири, мактаб ўқитувчиси Тошмурод масъуллардан бири экан. У менга, «Домлани уйимга олиб боришга кўндиринг, бир пиёла чойим бор», деб кўп кўймади. Домлани рози қилдим, тушиликни қилиб, энди қаерга борарканмиз, деб тургандим, Орифжон Икромов:

– Поён, қишлоғингга йўл бошла, отанг билан суҳбатлашиб келамиз, – деб қолди.

Домламнинг ҳамма гапдан хабари бор, кўрганида, «Кўнглингни чўктирма, яхшилик бўлади», деб далда берарди. Фузордан Чим йўли орқали Янги қурилиш – Дўстбердига етиб келдик. Орифжон акани қуchoқ очиб кутиб олган (ғойибона ҳамма устозларимни билардилар) отам, у кишининг оёқлари тагига боқма кўчкорни келтириб, сўйдирдилар. Улар эски танишлардек шундай очилиб-сочилиб гаплашдиларки, ҳали ҳамон кўз ўнгимда жонланиб турибди. Тўра билан мен уларга халал бермадик, бошқа хонада овқатландик.

Домла билан отам уч соатдан ошиқ суҳбатлашдилар. Қоронғу тушиб қолганда Ҳилол қишлоғи орқали Қаршига етиб келдик. Кейинроқ билдимки, домлам нимадандир хит бўлган, кўнглини ёзиш учун айланиб келишни ихтиёр қилган экан. Отам билан қилган гу-

рунгидан кейин у кишининг чеҳраси очилди. Отамга Нарзуллабойни ўқитиб бераман, деб ваъда қилган экан, сўзи устидан чиқди – Самарқандда Педагогика институти ташкил этилиб, Орифжон ака ректор бўлиб кетганида, менга Нарзуллани, албатта, Самарқандга олиб боришни тайин қилган эди. Нарзуллабой шу тариқа, Самарқанд Давлат педагогика институтининг талабаси бўлган эди. Бундай улуғ одамларни унутиб бўладими?

Умрлари қисқа экан, Орифжон Икромов 1970 йилда оламдан ўтди. Бир тасаллим шуки, вафотидан ўн кунча олдин, ёзиб тайёрлаган диссертация ишимни қўлларига бердим. Ишни охиригача ўқиб, тақриз қилишга улгура олмади. Шу ўринда, укам Абдулланинг доимий равишда, гурунгларимиэда айтиб юрадиган бир гапи эсимга тушади. «Бизларга бирор иш осонлик билан даст берган эмас, – дерди укам, – керак бўлиб қолса, ёзда иссиқ, қишида қор ҳам топилмайди, ҳам масини, нимагаки эришган бўлсак, минг мاشаққат билан қилганимиз».

Абдулла тиббиёт олийгоҳида йилдан-йилга улғайиб, дунёқараши, билими ортиб борарди. Унинг фикрларини курсдошлари, ҳамюрлари қадрлашарди. Ёши улардан бир-икки йил фарқ қиласа-да, етакчилик, эргаштирувчилик қобилиятини борган сари намойиш этарди. Мен эса Абдулла курсдан-курсга ўтгани сари, ўзим билан ўзим ўралашиб қолаётгандек эдим. Ҳафта ўн кунда бир қўнгироқлашиб қўярдик. Шаҳар алоқа бўлимига бор, қўнгироқ қил – қийин иш эди. Самарқандга энди жуда кам борардим. Борсам, албатта, Абдулла ва дўстларини йиғиб, ошхонада палов қилардик. Бундай ишларга укамнинг курсдоши, қорабоғлик Тайлоқ Хидировнинг эпи кўп эди. Талабалар билан чақчақлашиб, ишларимни битириб, Қаршига қайтар эдим. Ҳар борганимда Абдуллага кўйлак, керакли нарсаларни, албатта, харид қилиб берардим. Ҳеч нарса керак мас, деса ҳам, нимадир олардик.

1967 йилнинг июни охирларида Абдула Равшанов Самарқанд тиббиёт институтини даволаш ихтисослиги бўйича муваффақият билан тугатди. Унга Давлат имтиҳон ҳайъатининг 1967 йил 26 июндаги қарори билан врачлик ихтисослиги берилди. Талабалик йиллари ортда қолди. Ёш мутахассислар тақсимот режасига кўра, укамни Қаршига, вилоят шифохонаси ихтиёрига ишга юбордилар. 1967 йил август ойининг 24-июнида уни терапия бўлимига врач-ординатор сифатида ишга қабул қилдилар. Бу бўлимда Қашқадарёда машҳур шифокор Расул ака Арслонов мудирлик қиласиди. Табиатан жуда мулоҳим бўлган Расул ака ёш ҳакимларга – хозиқларга ўз тажрибаларини эринмай ўргатарди. Абдула ҳам у кишининг ишончини қозонди, қўл остида тажриба ортдирди. Ўша пайтлар вилоят шифохонасини Абдурайим Абдураҳмонов бошқарар эди. Таниқли мутахассис, эътиборли раҳбар янги ишга келган врачлар олдига катта талаблар қўяр эди. Абдулланинг катта жамоада ўрин тутиши осон кечмади. Тиришқоқлиги, кеча-ю кундуз даволаш сирларини, амалиётини ўрганишга интилиш хайрли бўла бошлади. 1969 йилнинг 1 декабрида уни шифохона ҳузуридаги вилоят маслаҳат поликлиникаси мудирлиги лавозимиға ўтказдилар. Ишлар, даволаш амалиёти ўз йўлига, бу соҳа бошданоқ Абдулланинг ҳәёти мазмунни ва моҳияти бўлиб қатъийлашган, умрини шифохонасиз, хасталар дардига даво топиш масъулиятидан холи тасаввур этолмасди. У касбини ниҳоятда севарди, шу соҳанинг кўпчилик мутахассислари қатори, даволаш бобида фидойилик қўрсатарди.

Абдулланинг Қаршига ишга келиши бир қанотимизни иккита қилди. У, биз билан бирга, ҳали тўла қурилиб битмаган уйимизда (ўша йилларда кўчамизнинг номи Полетаев, уйимиз рақами ҳозирдагидек, 8 эди) яшай бошлади. Ишни бошлаганидан кўп ўтмай, 1967 йилга қадар «Партия XXII съезд» колхози омборхонасида чанг босиб ётган 62-73 рақамли ҳаворанг

«Волга»мизни қайтариб олиш ҳаракатини бошлаб юборган эди. Үйимизни, юқорида ҳикоя қилганимдек, Абдураҳмон аканинг маслаҳати билан қайтариб олганим, мажбуран кўчиб ўтганимиздан кейин, мен бу муаммога кўл урмаган эдим. Машина, қонун бўйича бизники бўлиб, уни қайтариб олиш, хўжалик балансидан чиқариш кўп югуришни, талай ҳужжатлар тайёрлашни талаб қиласади. Хўжаликда Довуд Сиддиқов раислик қилганда «Волга»дан бас дегунча фойдаланган, минишга яроқсиз бўлгач, гаражга тиқиб қўйган эди. Яп-янги машина бир йилга етмай хароба аҳволга келиб қолганди. Уни қайтариб олгандан кўра, янгисини харид қилиш минг маротаба яхши бўларди. Лекин орият бундай қилишга йўл қўймасди. Раис машина-мизни кўз-кўз қилиб минган йиллари, атайдан кўчамизни чангитиб сигнални босиб ўтаркан. Сингилларим машина орқасидан қарашиб, йифлаб қолишаркан.

Абдулла шанба кунлари қишлоққа бориб, отам билан бамаслаҳат ҳужжатларни жамлай бошлади. Бу ишда раҳматли Сафар Омонов, шунингдек, Нозик Чалаева, Ҳайит Шукуров, Нарзи Акрамова каби инсонларнинг ёрдами, далласи катта бўлган эди. Вилоят партия назорат ҳайъатининг раиси сифатида Нарзи Акрамоваadolatning жойида қарор топишида отам фаолиятини кўллаб-кувватлади. У бошлиқ муассасага ҳукм нусхаси, хўжаликдан қарз йўқлиги, үйимиз ва машина тўғрисида уч йиллик тафтиш маълумотномаси, қишлоқ шўросидан жон сони ҳақида маълумотнома, партия қўмитасидан тавсифнома ва тушунтириш хати топширилади. Бу ҳужжатларни, айниқса, Карл Маркс номидаги собиқ хўжаликнинг 1959 – 1961 йиллардаги уч йиллик тафтиши актидан нусха олиш жуда қийин бўлади. Абдулла бошлаган ишидан, мақсадидан орқага қайтадиган йигит эмасди. Шу ҳужжатлар асосида вилоят партия қўмитаси назорат ҳайъати «Волга»ни ўз эгасига қайтариш ҳақида қарор қабул қиласади.

Ажаб ва ажаб-да. 1962 йил ноябрдаги ҳукм матни билан таниш бўлмаслик, уй-жойимиз, машинамиз, мол-ҳолларимиз мусодара этилмаганигидан бехабарлик нималарга олиб келмади, дейсиз. Прокурор ва маъмурлар республика олий суди отам иши юзасидан чиқарилган ҳукмни тасдиқлагандан кейин уй-жойни, машинани, қолган ашёларни белгиланган муддатда қайтаришни хаёлга ҳам келтирмаган. Биз ҳам сўраб-суриштирганмиз. Қачонки, Абдураҳмон ака тайнингдан сунг, мен «ўзбошимчалик» билан уйимизни қайтариб олганман, шу билан кифояланганман. Абдулла эса, менинидан қийинроқ ишга қўл урди ва «Волга»мизни уйимизга салтанат билан олиб келди. Машинани дарҳол ювиб тозалашди, унинг олдинги викоридан асар ҳам қолмаган бўлса-да, кўзимизга жуда иссиқ учради, кўксимиз тоғдек кўтарилди. Аккумлятор топиб, бензин қуйиб, мотору корбюраторларини тозалаб, ёқиш ҳаракати бошланди. Хўжалик гаражидан механик келиб, эртадан кечгача «техуход» қилиб берди. Абдулла машинага ўтирди ва калитни буради. Бир уринишда машина гувиллаб ишлай бошлади. Машинанинг балонлари тешилиб кетган, сим билан чирмаб ташланган бўлишига қарамай, Абдулла Янги қурилиш қишлоғимиздан Қаҳатга қадар бориб қайтди. Укаларим, сингилларим хурсандлигининг чеки йўқ, елиб бораётган машинада улар жуда баҳтиёр эдилар.

Кўп ўтмай, таътил пайтида Абдулла «Волга»ни Душанбе шаҳрига, ялпи таъмирга олиб кетди. Вилоят шифохонасида «Тез ёрдам»да бир чимлик киши ишларди, исми шарифи эсимга келмади. У киши укам билан соз, унинг Душанбеда холоси – Мехри деган аёл оиласи билан яшар экан. Иккалалари унинг уйига яқин автотаъмирхонага «Волга»ни топширадилар. Таъмир чўзилиб кетади ва укамнинг ишга қайтиш вақти яқинлашади. Мен эса таътилда эдим. Бу вақтда Москвага бориб қайтган, кутубхонада қирқ кун ишлаб диссертация мавзусига доир материалларни жамлаган ва

энди, уйда ўтириб, ёзишни бошлаган пайтларим эди. Укам келиб, «Ака, Душанбега бормасангиз бўлмайди, машинамиз таъмири яна бир ойча чўзиладигандай», деб қолди. Шу гап билан Душанбега етиб, манзил бўйича Мехри холанинг уйини топиб бордим. Шу ерда кечаси ётиб, кундузи таъмирхонада бўлдим ва устага ёрдамлашиб турдим. Яхши, меҳмондўст хонадон эди. Бизниги ҳам улар бир-икки бор келиб кетишгандилар. Таъмирхонада Сариосиёдан бўлган Юнус деган киши билан танишиб қолдим. Дўкон мудири экан. У ҳам машинасини кўрсатиш учун олиб келган эди. Унинг автоулови «Волга»дан икки кун олдин таъмирдан чиқди. Бирга жўнаймиз деб аҳд қилганимиз боис, у мени икки кун кутиб, Душанбе шаҳрини айланиб, томоша қилиб чиқди. Сариосиёда, Юнусбойникида бир кеча меҳмон бўлиб, саратон оқшомларидан бирида Қаршига ярақлаган машинада кириб келдим. Тўғри бозоржойга бордим. Совға-саломни шу ердан олишимга тўғри келган эди. Шундай, Душанбедан Қаршига қадар бўлган масофани «Волга»мизда босиб ўтганман.

Уйга қуёш ботганда кириб келдим. Болалар, аёлим ва Ҳайитой келинимиз пешвоз чиқдилар. Укамни шифохонага чақириб кетган эканлар, бир оғир хастани кўриш зарурати бўлган экан. Ҳайитой келинимиз, дедим. Энди шу ҳақда, укамнинг уйланиш тўйи ҳақида муҳтасар тўхталиб ўтай.

* * *

Қаршида отам бош бўлиб қуриб берган уйим Педагогика олийгоҳининг шундайгина ёнида, бир девор бўлиб, шарқий тарафда, кўча бошида жойлашган эди. Умумий сатҳи 5,1 ҳажмида бўлган ҳовлида яашаш уйи, ёрдамчи иморатлар ҳам қурган эдим. Уйимизга 1966 йилнинг 6 ноябрида кўчиб ўтгандик. Кўчамиизда аксар олийгоҳ ўқитувчилари яшашарди. Нусрат Ҳамроев, Амир Фаниев, Анвар Чориев, Эркин Низомхонов, Малла Очилов (ўғиллари Илҳом ва Зафар), Панжи Бер-

диев, Одил Раҳматов, Обод Жўракулов, Мурод Ҳақбердиев каби домлалар қўни-қўшни бўлиб яшар эдик. Кейинчалик қўчамиз номини Тўмарис деб ўзгартирдилар.

Абдулла укам врачлик фаолиятини бошлаганидан кўп ўтмай, шифохона йўлакларида ўз умр йўлдошини учратади. Бўлажак келинимиз Ҳайитой Қиёмова тиббиёт техникумини тамомлаб, вилоят шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлаган. Қиёмовлар оиласи шаҳарда таниқли хонадонлардан бири эди. Ўғиллар, қизлар кўпчилик, Низом, Зайн, Баҳри ва Шамсиддинларни Чармгар аҳли яхши танирди. Ҳайитойнинг опалари ҳам яхши рўзгорларнинг бекалари эди. Улар Чармгар маҳалласида, Алишер Навоий мактабига яқин жойда яшардилар. Абдулла укам билан Ҳайитой ўртасида аҳду паймон вужудга келади. Отам билан бамаслаҳат, 1968 йилнинг январь – февраль ойларида совчиликни бошлаган эдик. Қиём бобо – узоқ йиллар чойхонада ишлаган, ҳурмат топган ота, бир неча йиллар бурун вафот этган эди. Ҳайитой, оналари, Шамсиддин бирга яшардилар. Катта ҳовли, бое-роғ, ариқ лаби, сув мўл жой эди. Қиши пайти эмасми, совуқ, «Волга»нинг, аксига олиб, печкаси ишламай қолганди. Отам билан мен ичкарига кириб кетамиз, машинада Абдулла укам бизни узоқ кутиб, оёғини тўн билан ўраб кутарди.

Ҳайитойлар уйига яқин жойда Исмат Шукуров яшарди. У киши Қарши шаҳрида таниқди маорифчи, узоқ йиллар мактаб директори вазисфасида ишлаб келарди. Алишер Навоий номли мактабда талабалар амалиётини ўтказиб, домла билан танишиб қолгандик. Совчиликда у киши мени кўриб, мен у кишини учратиб, курсанд бўлганмиз. Отам билан ҳам танишиб, Қаршини, 30-йилларни эслаб кетдилар. Шу йилларда отам Қарши муаллимлар курсида ўқиган, шаҳарнинг кўча-кўйларини, чойхона-ю мактабларини эслашдилар. Совчилар яхши кутиб олинди ва яна бир келиш, шунда жавоб айтиши ва унаштириш кунини белгилаш-

га келишилади. Исмат ака одамохун, кайвони, тую мавридларни яхши тушунадиган, гапни чўзмайдиган, яхшиликка ён босадиган инсон эди.

Қуда хола оддий ва самимий, меҳрибонлиги ҳар бир хатти-ҳаракатидан сезилиб турадиган аёл эди. Яна бир-икки маротаба отам билан бордик, тўйни ёзда, июнь ойининг охирида ўтказадиган бўлдик.

1968 йилнинг 30 июнида ҳовлимиизда катта туй қилдик. Ҳайитой келинимизни уйимизга тушириб келдик. Қуда холамизning кўнгли тўқлигини қаранг, ақалли, «келин-куёвлар қаерда яшайди», деб инжиқдик ҳам қилмаган. Аёлим келин келадиган катта хонани алла-қачон безаб қўйганди.

Туй жуда чиройли ўтган эди. Ҳовлимиз саҳнида меҳмонлар учун стол-стуллар қўйилиб, катта жой қилинган эди. Санъаткорлар мумтоз қўшиқлари билан туй базмига файз киритгандилар. Байрамали Омонқулов, Арслон Султоновлар катта завқ-шавқ билан, жўшиб қўйлагандилар. Қашқа воҳасида таниқли бўлган шифокорлар, ҳурматли инсонлар дил сўзларини айтган эдилар. Отам ва онам, қариндош-уругларимиз бениҳоя даражада хурсанд, укам Абдулла ва келинимиз Ҳайитойга баҳт-саодат тилаб, мамнун бўлгандилар. Тўй базмидан аввал никоҳни расмийлаштириш вақтида туширилган сурат, мана, кўлимда турибди. Баҳтиёр онларни муҳрлаган бу сурат қирқ беш йилу икки ой муқаддам олинган. ФХДЁ идорасида, катта задда уч сафдан иборат бўлиб суратга тушган эканмиз. Ўртада келинкуёв, Абдулла укам ва Ҳайитой келинимиз, Абдулланинг ёнида мен, Ҳайитойнинг ёнида акаси Низом Қиёмовнинг рафиқаси, яъни янгаси. Биринчи қаторда Ҳазрат Суннатов, Исомиддин Исломов, Шуҳратхон Барнохўжаев, Бекмурод Қобилов. Ортда, тик турганлар Тўхта Ҳайдаров, унинг қайноғаси Шариф, Олимхон эшон, Ҳайитойнинг икки дутонаси, опалари Маърифат ва Фароғатойлар, янгаси турибдилар. Суратга тасвirlари тушган ўн олти одамнинг еттитаси бугун орамиз-

да йўқ. Қадрдон дўстим Ҳазрат Суннатов, курсдоши-ми Исомиддин Исломов, укамнинг яқин оғайниси Шуҳратхон Барнохўжаев, келинимизнинг катта опаси Маърифатой, янгаси (Низом аканинг аёли) бандаликни бажо келтирганлар...

Ҳайитой 2009 йилда, Абдулла укам эса 2012 йилда бу ёруғ оламдан қайтдилар. Улар қирқ бир йил биргалиқда умргузаронлик қилдилар, уч фарзандни – Дилюшодбек, Санжарбек ва Наргизаойни тарбиялаб вояга етказдилар, уйли-жойли қилдилар, набиралар кўрдилар. Дунё шундай, ҳеч кимга шафқат қилмайди. Вакти соати етса, даҳолар ҳам кўз юмади, сultonлар, қироллар ажал чангалидан қутула олмайди.

Ҳазрат, Исомиддин, Шуҳратхон укам тўйида ака янглиғ хизмат қилган эдилар. Энди, фақат ёрқин хотиралар қолди, холос. Улар орамизда йўқ, аммо, юрагимизни оқибат тарк этган эмас. Яхши кунларимизда эслаймиз, охиротлари обод бўлишини тилаймиз.

Абдулла уйланганидан кейин, уй-жой қуриш тараддудига тушган эди. Бир уйда икки йилдан ортиқ бирга яшадик. Уларга ажратиб берганимиз бир хона анчайин кенгиш бўлса-да, уларнинг ҳам дўстлари, таниш-билишлари, яқинлари бор, келди-кетди бўлиши табиий ҳол эди. Самарқанд маҳалласидан ер олинди ва уй-ховлиниң тархи белгиланиб, тамал қўйиш ишлари бошланиб кетди. Отам қишлоқдан қариндошларни олиб келар, ўзимиз ҳам доимо ёрдамга ҳозир эдик. Ҳафтага қолмай бетон ётқизиш ишлари тугалланган эди. Уй деворлари хом ғиштдан кўтарили. Оқработдан уста Нуриддин, отамнинг ўзи бўлиб, томни ёпдик, шиферларни қоқдик. Йил даномида эшик-дераза, сувоқ, пардозлаш ишлари бажарили. Тугал битмаганига қарамай, янги уйга кўчиб ўтишга тўри келганди. Ҳайитой Дилюшодбекка оғироёқ эди. Уй-жойнинг маромига келиши, янглишмасам, ўн йиллар давом этган эди.

Уй-жойнинг, битмаган бўлса-да, мавжудлиги, кўчиб ўтиб жойлашганлик маълум даражада касб маҳорати тўғрисида ўйлашига ҳам йўл очади.

* * *

1970 – 1972 йиллар давомида Абдулла Равшанов Самарқанд тиббиёт институтининг клиник ординату-расида терапия соҳасида таҳсил олади ва малакасини оширади. Клиник ординатурани муваффақиятли та- момлаганидан сўнг, у вилоят соғлиқни сақлаш бўлими ихтиёрига юборилади. Абдулла Равшанов 1972 йилнинг 15 сентябрида Қашқадарё вилоят 1-шифохонаси ревмокардиология бўлимига врач қилиб тайинланади. Олий ва ординатура маълумотларига эга бўлгач, укам аста-секин ўз соҳаси бўйича тажриба ортира боради, касбий малакаси ошади, обрў-эътибор қозона бошлайди. У тартиб-интизомни хушлар, жуда чиройли кийинар, ишда ва ҳаётда ўта маданий, хушмуомала, bemorlarning kўngliga қараб, kимлигидан қатъи назар, самимият билан даволашга киришар эди. Вилоят шифохонасига ишга қабул қилинганидан 8 ой ўтиб, бош врач А.Абдураҳмонов назарига тушиш, 1968 йилнинг 29 апрелида, «Беморлар билан илиқ муносабат ва яхши даволашни амалга оширганилиги учун» ташаккурномага сазовар бўлиш, ҳамма ёш врачларга ҳам насиб қилмаган. Абдурайим Абдураҳмонов дўхтирилик маданиятини баланд тутган, таъсирли ва салобатли раҳбар сифатида танилган эди. Укамнинг 1968 йил 1 январидан бошлаб амалда бўлган «Меҳнат дафтарчаси» ни варақлар эканман, унда қайд этилган ташаккурномалар беихтиёр эътиборимни жалоб этади. Абдулланинг шифохона остонасини хатлаб, оқ халат кийган кунидан бошлаб, ишига, вазифасига ўта масъулият билан ёндашганини, билими ва иқтидорини даволаш соҳасига сафарбар этганлигини англағандай бўламан.

Абдулла Равшанов ўз ўрнини олаётган, ҳурмат-эътибори баландлаб бораётган врачлар сирасига ки-
рарди. Даволаш бобидаги маҳорат, айни вақтда, таш-
килотчилик қобилияти билан уйғунлаша боради. 1973
йилдан 1982 йилга қадар вилоят кардиология шифо-
хонаси ревмакардиология бўлими бошлиғи бўлиб,
ишни юксак даражада ташкил этишга эришади. Му-
ваффақиятлар изидан доимо ҳасад соядек эргашиб
юради. Шу йилларда даволаш ва амал соҳасида юқори-
лаб бораётган Абдулла Равшановни кўролмайдиган
айрим ҳамкаслар ҳам чиқиб қолади. Улар юмалоқ
хатлар ёзиш билан унга халал беришга қасд қилган-
дилар. Ёзфувчи ҳам бегона эмасди. Укамнинг шу давр-
да қанчалик азият чекканлигини биламан. Нарзулла-
бой укам бу воқеаларни хотирлаб, текшир-текширлар
Абдулланинг вақтини олганлигини, соғлигига путур
етказганинги эслаб туради.

У ҳалол ва жиддий инсон эди. Дўстлари жуда кўп
эди. Айниқса, Косон туманидан унга ихлос боғлаган-
лар кўп эди. Тун дейсизми-кун дейсизми, шу қадр-
донларининг оиласида бирор хасталик юз берадиган
бўлса, хабар етган заҳоти, уларнига ошиқар, то бе-
мор ўзига келмагунча, ёнидан жилмасди. Улар ҳам
вақти-вақти билан укамнига келишар, дўстона сух-
батлар куришарди. Қачон укамнинг уйига борсам,
албатта, битта меҳмони бўларди. Укамнинг қалби ҳам,
эшиги ҳам очиқ эди. Ҳамсояларида ҳам бирор нохуш-
лик бўлса, дарҳол, унинг уйига югурадилар. У эса,
беминнат ёрдамини аямасди.

Ўзимизда-чи? Катта хонадон, набиралар кўпайган,
кўпчилигининг бўйи чўзилиб қолган эди. Ёз бўлди де-
гунча, набиралар Қаршидан, Тошкентдан, Чироқчи-
дан отамизнинг ҳовлисига йиғиларди. Мисли болалар
боғчаси, дейиш мумкин, 20-30 набира-ю эваралар
тўпланарди. Ойشاой синглимнинг айтишича, бир хал-
та шакар ўн кунга етмас экан. Шу болаларнинг бири
шамоллаб, иситмалар, томоги кўтарилиб, азоб тортар-

ди. Шундай пайтда хабар етган заҳоти Абдулла дўхтири қишлоқда пайдо бўлар, «шумтака»ларнинг соғлиги жойига келмагунча парвона бўлар эди. Кези келгандан айтай, отам ва онам улуг ёш яшадилар, 70-йиллардан кейин ҳар йили Тошкент, Наманган, Фарғона санаторияларида бўлишар, саломатликларини тиклашарди. Қарилик кучини кўрсатар, гоҳида отамнинг, баъзида онамнинг тоблари бўлмай қоларди. Қишлоқдан дарак келгани ҳамон, Абдулла дўхтири машинасида етиб келар, Нарзуллабойни олиб, учаламиз қишлоққа етиб бораардик. У бутун билимини, тажрибасини ишга соларди, натижа ёмон бўлмасди. Отам ҳам, онам ҳам укамни алқашар, дуолар қилишар, миннатдор бўлишарди. Падари бузрукворимиз ва волидай муҳтара-мамиз умрларининг фузун бўлишида, хасталик заҳматларини чекмасликларида Абдулла укамнинг даво-лаш маҳорати муҳим ўрин тутганди, деб ишонаман.

1979 йилнинг 18 июнида Абдулла Равшанов Қашқадарё вилоят шифохонасида даволаш соҳаси бўйича вош врач ўринбосари лавозимига тайинланади. Шифохонанинг асосий фаолияти даволаш билан боғлиқ эди. Кўп тармоқли, асосий аҳамият қаратилган Бош шифохонада даволаш ишларини ташкил этиш ва са-марасини ошириш ўта масъулиятли вазифа ҳисобла-нарди. Укам бу вазифада бир ойга яқин фаолият кўрсатади, холос. Июлнинг 8-кунида Қамаши тумани партия қўмитаси талаби билан, Абдулла Равшанов Қамаши тумани Бош врачи вазифасига ўтказилади. У, бу туманда тўрт йил ишлади. Бир вақтлар, ўзи ча-қалоқлиги пайтида Евгений Соломонович Аронзон шу жойда ишлаган, унинг соғайиб кетишида жонбозлик кўрсатган эди. Таассуф қиласманки, Самарқанддалик пайтимда Абдуллани у киши билан таништириб қўйишга ҳафсала қилмаган эканман. Аронzonнинг башорати – болаликда онгга қўйилган дўхтири бўлиш аҳди амалга ошиб, 35 беш ёшида ўз туманида бош шифокор бўлиш катта эътироф намойиши эди, албат-

та. Туман шифохонасини кутариш, қурилиш ишларини амалга ошириш, даволовчи врачлар малакасини ошириш катта меҳнатни, ташабускорликни ва ташкилотчилик салоҳиятини талаб қиласади. Давр талабини айтмайсизми? Вилоятда бўлганидек, туманда ҳам ҳамма нарса, соғлиқни сақлаш ташкилотлари фаолияти ҳам қишлоқ хўжалиги, пахта билан чамбарчас боғлиқ қилиб қўйилганди. Тўрт йил машаққатлари укамни, чамамда, тиббиёт соҳаси раҳбари сифатида чиниктирган катта мактаб бўлган эди.

Абдулла Равшанов 1987 йилнинг 11 ноябрида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига бош терапевт вазифасига ўтказилади. Қаманидан кейин юрак хасталиклари шифохонасида фаолият қўрсатган дўхтир даволаш бобида йирик амалиётчи эканлигини изчилиномайиш этади.

Инсон, қайси соҳада фаолият қўрсатмасин, эршилган ютуқлар билан кифояланиб қолса, бир хил иш ва ҳаёт тарзига кўникиб, боғланиб қолса, энди у олдинга юрмаётган, лоқайдлик исканжасига тушиб қолган бўлади. Укамнинг табиатида лоқайдлик, хотиржамлик йўқ эди. 1982 – 1987 йилларда тиниб-тинчи маслик, ўз устида ишлаш, илмий фаолият билан шугулланиш, айниқса, юқори нуқтага кўтарилган эди. Шу йилларда вилоят кардиология шифохонасида врач-кардиолог, бўлим мудири бўлиб ишлар экан, Самарқандда 70-йилларда, Тиббиёт институти ректори, профессор Ўқтам Каримовна Ваҳобова раҳбарлигига бошлаб қўйган мавзусини аниқлаштиради ва уни давом этдириш ҳаракатида бўлади.

Самарқандга бориш, Ўқтам Каримовна билан маслаҳатлар ниҳоясида, Абдулла Равшанов «Юракда ишемик касалликлар тарқалиши ва ундан тұsatдан бўладиган ўлим» мавзусидаги номзодлик илмий ишини бошлаб юборади. Ишга Ўқтам Ваҳобова билан москвалик академик И.А.Мазур раҳбарлик қиласадилар. Кариб беш-олти йил давом этган илмий изланишлар,

Самарқанд тиббиёт институти кардиология кафедрасининг назарий йўриқлари, Қаршида, вилоят кардиология шифохонаси бўлимларида мунтазам олиб борилган тажриба ва кузатишлар, даволаш натижалари ва улардан келиб чиқадиган илмий хуросалар, 1986 йил бошларида диссертация шаклини олади. Ишнинг ҳимояси Арманистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг Л.А.Оганесян номидаги кардиология институти илмий кенгашида амалга оширилади.

Абдулла Равшанов зикр этилган илмий кенгашда 1986 йилнинг 20 марта ишнини мувваффақиятли ҳимоя қиласди. Москвадан, Самарқанддан қатнашган таниқли юракшунос олимлар, арманистонлик йирик мутахассислар ёш тадқиқотчининг илмий ишига юксак баҳо берадилар. Илмий кенгаш қарори Москвада, олий аттестация комиссиясида маъқулланиб, 1986 йилнинг 6 августида Абдулла Равшановга тиббиёт фанлари номзоди илмий унвони берилади.

Амалиёт билан назарий такомил уйғунашганда, бундан ютадиган томон, шубҳасиз, беморлар бўлади. Биз яшаётган XX ва XXI асрда энг кўп тарқалган хасталиклар сирасига, биринчи навбатда, юрак хасталиклари киради. Абдулла юзлаб, минглаб оғир юрак касалига йўлиқкан bemорларни даволади, оёққа турғизиб, ҳаётта қайтарди. Қашқадарё тиббиёт хизмати ходимлари фаолиятига бағишлиланган «Тиббиёт заҳматкашлари» деган китобда шу фикрга аниқлик киритадиган бир далил келтирилади, у тубандагича:

«*Абдулла Равшанов Қашқадарё вилоят соглиқни сақлаш бош бошқармасида ишлаб юрган кезлари эди... Хонасига ўрта ёшлиардаги киши кириб келди. Салом-аликдан кейин:*

- Абдулла Равшанов сизмисиз? – деб сўради.
- Менман, хизмат?
- Юрагим оғрийди.
- Даволаниш керак!
- Даволаняпман-у, аммо дўйхтирга кўринсан, сон-

па-сөгсиз, дейди. Лекин кечалари юрагимни бир нараса гижимлаб турғандек безовта бұламан. Үйқүм қочади. Тұнлари ухтолмай чиқаман. Касалман-у, саломатлигингиз жойида дейшишгани аlam қилади.

– Вилюят кардиология диспансерида ким даволади сизни?

– Биттаси-да. Ислуялтсан, касалмассан деб ҳайдаб чиқарди, – йигламоқдан бери бўлиб гапирапарди бемор, – бир дўхтири сизни айтиб қолди, шунга ҳузурингизга келдим.

– Касаллик тарихидан кўчирмаларингиз борми?

– Манавиларми? – деб бемор бир даста қогоз узатди.

Абдулла Равшанов кўчирмаларни ўқиб кўра бошлиди. Деярли юракда ўзгариши йўқ. Аммо бу одам нега ухтолмайди? Масаланинг моҳиятига етиш керак. Исми Даврон Эргашев экан.

– Даврон ака, оиласиз тинчми?

– Яхши, эл қатори.

– Гап бундай, сиз пастда кутуб туринг, ҳозир ўша сизни ҳайдаб чиқарган шифокорга борамиз, текширамиз, келишидикми?

– Майли.

Сал ўтиб биргаликда кардиология диспансерига кириб келишиди. Рона текширишиди. Нимагадир маккор касаллик ўзини билдирамасди. Охири Абдулла Равшанов баллистик кардиограмма қилди. Юрак мускуллари ҳолати кўринди. Учинчи ва тўртинчи босқичда ўзгаришлар борлиги ойдинлашиди. Эгри чизиклар касалликдан дарак беряпти!

– Даврон ака, асаб тизимингиз толиқкан кўринади. Оиласиз тинчми?

– Эй, оиласи гапириб нима қиласиз? Ҳаммаси расво, ака! – алам билан сўз бошлиди бемор, – катта ўглим дунпса-дуруст Қаршидаги пединститутда ўқиб юрапарди. Ўгри тўдага қўшилиб, қамалиб кетди. Кичигининг қилиги янада ошиб тушди. Ўқийман деди,

майли дедим. Нашаванд бўлшиб қолди. Олдинига пай-қамадим. Ҳар ҳафта уйга келиб, катта пул олиб кетишига одатланди. Каттаси қамоқда, акасининг ўрнини босар деб пул беравердим. Орзу-умид билан келин туширдим. Олти ой деганда келиним сепини йигиштириб жўнаб қолди. Ўқишидан ҳайдалди. Уйдаги қўлга илинадиган нарсани олиб чиқиб сотади, зангар. Мен касал бўлмай, ким касал бўлсин?!

– Яхши, шифрохонага ётасиз, шахсан ўзим даволайман. Ўглингиз қаерда?

– Билмайман.

– Уният даволатсак, қаршимасмимиз?

– Яхши бўларди-да, дунё тургунча туринг, дўхтиргон!

Ота-болани деярли бир пайтда даволашга ётқизишиди. Орада кўп ўтмай согайиб чиққан Даврон Эргашев Абдулла акага самими миннатдорчилигини айтиб кетди⁸.

Абдулла Равшанов Самарқанд тиббиёт институтини тамомлаб, Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлап тизимида шифокор ва тури раҳбарлик лавозимларида 45 йил фидокорона меҳнат қилди. Мунтазам рашида касбий маҳорат тадрижи ва такомили учун курашди, ординатурада икки йил ўқиди, илмий иш юзасидан Тошкент, Самарқанд, Москва ва Арманистоннинг йирик кардиолог олимлари билан учрашиб турди, улар берган маслаҳатларга амал қилди. Юрек касалликлари соҳасининг катта билимдонига айланди. У даволаган беморлар сон-саноқсиз. Вилоятимизнинг қайси бир буржида бўлмайин, укам ҳақида миннатдорчиллик сўзларини эшлитиб, гуурга тўлган вақтларим кўп бўлган. Аммо, тақдирнинг ҳазиллари ўта қалтис бўларкан. ·Юрак касалликларининг йирик

⁸ Қилич Абдинабиев, Акрам Акбаров, Рустам Йўлдошев. Тиббиёт заҳматкашлари. 1-китоб, Тошкент: 2012. – 41-бет.

мутахассиси, айнан ўзи ҳимоя қилган илмий иш мавзусида кўзда тутилган хасталиқдан ўлим топиш – ниҳоятда аламли, жигарларим. Шифокорлар тақдирида бу биринчи ва охирги мисол эмас. Даволовчининг айнан ўзи даф этадиган хасталиқдан ўлим топиши ҳолатларини кўп кузатганман ва кўп мулоҳаза қилганман. Қисмат кинояси бу, бошқа нарса эмас. Бу борада турлича фалсафий, тасаввуфий мушоҳадалар юритиш мумкин.

1987 йилнинг 30 ноябридан то Қашқадарё вилояти сил касалликлари диспансери бош врачи бўлгунига (2000 йил 7 июнь) қадар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида бош терапевт бўлиб ишлаган Абдулла Равшанов ўзининг тиббиёт тизимининг моҳир ташкилотчиси эканлигини кўрсата олди ва катта ҳурмат қозонди. Вилоят сил касалликлари диспансерида ўн икки йил давомида офишмай бош врачлик вазифасини бажариш эса, юқоридаги хulosанинг ҳаётий эканлигини яна бир карра тасдиқ этади.

Қиссани ёзиш давомида укамнинг архивида сақланыётган ҳужжатлар билан ҳам танишиб чиққан эдим. Вилоят соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи М.У.Хусанов ва вилоят тиббиёт ходимлари касаба уюшмасининг раиси С.Р.Рустамовалар томонидан Абдулла Равшановга берилган тавсифноманинг нусхасини кўздан кечиришга тўғри келганди. Тавсифномадан парчалар келтираман, унда шундай дейилади:

«2000 йилда шифохона ҳудудида бўлимлараро ва асосий йўлакларга асфальт ётқизилди. Шифохонада даволанаётган беморларга барча дорилар бепул берилб, стерил дорилардан 20 га яқин хили тайёрлана бошлади. Бўлимларнинг моддий таъминоти яхшиланди, юмишоқ инвентарлар, чойшаблар, кўрпа ва кўрпачалар, қаттиқ инвентарлардан стол-стуллар ва тумбочкалар олинди, рангли телевизорлар қўйилди...

2001 йилда шифохонада мажлислар зали ишига туширилди. 45 ўринли суюк-бўғим жарроҳлик бўли-

ми очилиб, жойлар сони 300 га етказилди, таъмирлаш ишлари амалга оширилди, лаборатория мукаммал таъмирдан чиқарилди. 2003 йилда Германияда ишлаб чиқарилган Philips русумли рентген аппарати келтирилди ва ишлатиляпти. 2000 йил февраль ойидан бошлаб шифохонада Бельгиянинг Дамиен Фонди ташкилоти ўз ишини бошлади. DOTS дастури учун алоҳида дорихона, DOTS ўқув маркази ташкил этилиб, шига туширилди. Абдулла Равшановнинг вилоятда DOTS дастурини татбиқ қилишда алоҳида ўрни бор. Жаҳон соглиқни сақлаш ташкилоти томонидан тан олинган ушбу дастур вилоятда татбиқ қилиниши вилоят 1-сон сил касалликлари диспансери маъмурияти томонидан бошқарилади, врачлар ва ҳамшираларни ўқитиш, тренинглар ўтказиш режа асосида ўюштирилади.

Вилоятнинг энг алис бурчагидаги ҚВП, ҚВА, ФАП ва бошқа тиббиёт мұассасаларида шифокорлар, ўрта тиббиёт ходимлари, лаборантлар DOTS дастури асосида ўқитилди. 2004 йилда санитар зона, DOTS дастури бўйича даволанадиган беморлар учун алоҳида бўлим қайта мукаммал таъмирланди. Вилоят 1-сон сил касалликлари диспансерида барча даволаш бўлимлари DOTS бўлимига айлантирилди. Вилоят DOTS маркази замонавий кампьютер, нусха кўчириш аппарати, телевизор, видео-жизозлар, видео-проектор, слайдоскоп аппарати, замонавий ўқув ускуналари ва стол-стуллар билан таъминланди. Болалар бўлимида Дамиен Фонд ташкилоти томонидан капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Ўз иш фаолияти давомида Абдулла Равшанов ўзининг юқори малакали мутахассис, талабчан, жонкүяр раҳбар, ташкилотчи эканлигини кўрсатиб келмоқда. Вилоят бўйича сил касаллигини барвақт аниқлаш ва даволашда барча туманларга бориб, амалий ва услугубий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Вилоятда кейинги йилларда фтизиатрлар мактаби –

жамияти шаклланиб, юқори малакали фтизиатр мутахассислар сони кўпайиб, сил касаллигига қарши олиб борилаётган ишлар яхшиланниб, ўз самарасини бермоқда. Абдулла Равшанов шифохона бўлимларини таъмирдан чиқариш ишларига раҳбарлик қилиб келмоқда. 2007 йилда шифохона маъмурияти учун алоҳида бино қурилиш бошланди. Шифохона ҳудудида кўплаб мевали, мевасиз, манзарали дарахтлар, гуллар ва қарагай – арчалар экилиб, ободонлаштирилди. Шу йилда «Глобал фонд» халқаро ташкилоти ҳомийлигида шифохонага тоза ичимлик суви қувурини ўтказиш, беморлар учун шароитни яхшилаш мақсадида, бўлимларда ювиниши хонаси, ички хожатхоналар қуриш учун 60 миллион сўмлик шартнома тузилиб, кўзда тутылган ишлар амалга оширилди. Беморлар учун озиқ-овқат маҳсулотлари тури кўпайтирилиб, таъминот яхшиланди.

Абдулла Равшанов томонидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан талаб этилган «Даволаши муассасаларини 2008 – 2012 йилларда моддий-техник базасини ривожлантириши» лойиҳаси тайёрланниб, ўз вактида республика соглиқни сақлаш Бош бошқармасига топширилди. Мазкур лойиҳа 2009 йил смета режасига киритилди.

Сил касалликлари диспансерининг бош врачи Абдулла Равшанов газета ва журналларда илмий мақолалари билан қатнашиб келади, ҳозирга қадар иккита монографияси нашр этилган. Унинг «Қашқадарё вилоятида фтизиатрия хизмати тарихи» номли салмоқли китоби босилиши арафасида.

2006 йилнинг 11 – 12 май кунлари Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон Республикасида сил касаллигининг эпидемиологик ҳолатининг электрон назорати» мавзусида ўтказилган танловда Қашқадарё вилояти 1-сон сил касалликлари диспансери 1-ўринга лойиқ деб топилди ва Соглиқни сақлаш вазирлигининг сертификати ва компьютер билан тақдирланди. Абдулла Равшанов

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг икки марта фахрий ёрлиги билан мукофотланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига багишланган йигилишида сўзлаган нутқида Президент Ислом Каримов 2006 йилда фтизиатрия соҳасида эришиган ютуқлари учун Қашқадарё вилояти 1-сон сил касалликлари диспансерини алоҳида тилга олиб ўтган эди».

Расмий эътирофлар, шубҳасиз, диққатга лойиқ. Санаб ўтилган, амалга оширилган ишлар ўз-ўзидан бўладиган, осон ҳал бўладиган юмушлар сирасидан эмас, албатта. Лойиҳалар, сметага, режага киритишлилар пайсалга солинган, атайлаб тўсиқлар кўндаланг қўйилган ҳолларни бизлар, унинг оғоси ва биродари – мен ва Нарзуллабой яхши биламиз. Гурунгларимизда бу ҳақда кўп гапирилган. Катта раҳбар, тилда ўзини бизга яқин дейдиган, амалда душманликни боплайдиган собиқ, шу даражага қадар борган эдики, Абдуллани аттестациясидан қайтаришни тегишли кишиларга тайин қилганди. Қизиги шундаки, Республика Президенти Қашқадарё вилоят 1-сон сил касалликлари диспансерини яхши тиббий муассасалар қаторида тилга олганидан кейин, шу манфурликка бориш тубанлик, калтабинлик эмасмиди? Соғлиқни сақлаш вазирлиги, фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институти Қашқадарёда энг хавфли, юқумли касаллик – силга қарши кураш қандай ташкил этилганлиги, йўлга қўйилганлиги ҳақида етарли тасаввурга эга здилар. Қабиҳ ниятлар уларнинг кўллаб-куватловида амалга ошмай, укамнинг обрў-эътибори янада ортган эди. 2005 йилда Абдулла Равшанов раҳбарлик қилган тиббий муассасаса «Ўзбекистон Республикасида сил касаллиги ҳолати ва электрон назорат тизими» танловида фахрий ёрлик билан мукофотланган эди. Шу йилдан эътиборан республика даражасида ўтказилган танлов ва конференцияларда вилоят 1-сон сил касалликлари диспансери ва унинг бош врачи мунтазам равишда пешқадамликни қўлга кирита борганлар.

Айтилганидек, 2006 йилнинг 11 – 12 майида ўтган танловда шифохона биринчи ўрин, Абдулла Равшановга эса сертификат берилади. Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институтининг директори, академик Абдулла Убайдуллаев ўз адашини – Абдулла Равшановни жуда қадрлар эди. Вақтли матбуотда чиқишлиар, сил касаллигининг долзарб масалаларига бағишенланган рисолалар, ҳаммуаллифлик укамнинг тиббиёт соҳасидаги иккинчи касбий йўналишида ҳам ўз овозига, ўз ўрнига эга бўлганлигини далолат этади.

Укамнинг фарзандлари Дишодбек ва Санжарбек билан у кишининг архивини биргаликда кўздан кечирдик. Диққатни тортадиган жиҳат эндилиқда расм бўлган сертификатлар билан фахрий ёрлиқлар, ташаккурномалар ниҳоятда қўплигига эди. Уларни санаб ўтиш, бирма-бир ёзиш анча саҳифани банд қиласар эди. Тасаввур ҳосил қилиш учун айримларини қайд этиши жоиз кўринди. Мана, четлари увадаланиб кетган фахрий ёрлиқ. 1963 йилнинг 28 декабрида, Абдулла Самарқанд тиббиёт институтида 2-курсда ўқиётган пайтда, пахта йигим-терими даврида «Пахта йигим-теримда фаол иштироки учун» фахрий ёрлиқ билан мукофотланган. Бу фахрий ёрлиқ қарийб уч ойга чўзилган терим машаққатлари давридан эсадалик бўлиб қолди. Яна бир фахрий ёрлиқ 1980 йилнинг ноябрь ойига дахлдор. Унда, «1980 йилги пахта ҳосилини йигиб-териб олишдаги зарбдор меҳнати учун» вилоят раҳбарлари Р.Фойибов, Б.Элбоевлар имзолари бор. Бу икки фахрий ёрлиқнинг бирини Абдулла талабатеримчи сифатида, иккинчисини ҳашарчиларга тиббий хизматни ташкил этувчи сифатида олишга муваффақ бўлган. Архивда, шунингдек, 2000 йилдан кейин Республика миқёсида бўлиб ўтган илмий конференциялар сертификатлари ҳам талайгина эди. Улардан бири «Марказий Осиё пульмоногларининг 5-халқаро конгресси» (Тошкент, 2008 йил 5 – 7 май) Президенти,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, профессор А.М.Убайдуллаев томонидан имзоланган сертификатдир. Бу хужжат Абдулла Равшановнинг ҳалқаро конгрессда қатнашгани, маъруза қилғанлигини далолат этади. 2010 йилнинг 1 – 2 дебабрида Тошкентда бўлиб ўтган республика анжуманида ҳам маъруза билан иштирок эттанлиги сертификати мавжуд.

Абдулла рус тилини мукаммал билар эди. Биринчи монографиясини шу боис, рус тилида ёзиб, 2002 йилда нашр эттирган эди. «Ўзбекистонда сил касаллиги хизматининг вужудга келиши ва тараққиёти» («Становление и развитие туберкулезный службы в Узбекистане») китоби нашр этилиши катта воқеа бўлганди. Вазирликда китоб маъқулланган, илмий-тадқиқот институтида эса тақдимоти бўлиб ўтганди. Ҳажм ва илмий салмоғи билан китоб ўз муаллифининг тадқиқотчилик салоҳиятини яққол намойиш эта олган эди. 2006 йилда муаллифнинг «Силга қарши курашни ташкил этишда сил диспансерининг асосий вазифалари» асари босилиб чиқди. Илмий иш, тиббиётнинг долзарб муаммоларига бағишлиланган китоблар яратиш бобида ниятлари бир олам эди. У, жумладан, «Қашқадарё вилоятида фтизиатрия хизмати тарихи» деган китоби учун қарийб беш йил давомида материал, далиллар тўплади. Асарнинг катта қисми ёзилди, аммо уни тугатиш укамга насиб этмади. Бу китоб тақдирни ҳақида, унинг тайёр қисмларини нашр этдириш хусусида, албатта, ўйлаб кўрилиши керак. Вақти соати билан, насибки, бунга зътибор ажратилади, деб ишонаман.

Абдулла Равшанов ҳаётда ҳам, ишда ва оиласда ҳам тиниб-тинчимас, изланувчан, вақтни бекор ўтказмайдиган, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам талабчан инсон эди. У олий тоифали кардиолог ва фтизиатр, тиббиёт фанлари номзоди, Республика соғлиқни сақлаш аълочиси (1987) эди.

Биродарим Абдулла 68 йил умр кўрди. У, бобом, Мулло Қурбон Суюн ўғли ёшини (69) ҳам яшай олмади. Бу дунёга келиш ва кетиш – мусобақа эмас. Гап қанча яшаганликда эмас, қандай умр кечирганликда.

* * *

Беғубор болалик, қуюнли, таҳликали йиллар, маънавий таназзул, иқтисодий мاشаққатлар бошимиздан ўтди. Хиёнат, тұхмат, қасдни эшишиб эмас, амалда күрдик. Даврнинг жабр-зулмини – Совет қатағонининг оиласизга келтирған фалокат ва касофатларини тотиб күрдик. Тарбия, палакнинг тозалиги, аждодларимиздаги бардавомлик – суолавий, насабий удумлар, қадриятлар оғир күнларда қўлимиздан тутди, таназзул исканжасидан чиқиб олишда, ўзни ўнглашда, хонадоннинг эгилган қаддини ростлашда раҳнаамо бўлди. Бунда, ўйлайманки, асосий оғирлик отам ва онам, вояга етиб қолган фарзандлар, улар жумласида Абдулла укам чекига тушган эди. Ҳалокат ёқасига келтириб қўйилган оила ақд-идрок, матонат, қийинчиликларга бардош бериш, жипслик, бир бовурлик, ўзаро ҳурмат, меҳнатсеварлик, ор-номус, ғуур, салоҳият, билим ва бўлак бир қатор ижобий сифатлар туфайли сақлаб қолинди. Совет замонида ўрлаган бўйрон бутун бошли қишлоқларни, аҳолини ўзаро ёвлаштирди, аниқ шахслар тимсолида ўзининг манфур ва қабиҳ башарасини намоён этди. Буларнинг ҳаммасининг асосида пахта яккаҳокимлиги, уни чексиз нуқтага қадар кўпайтириш мақсади ётарди. Амал талашшип, мансабпарастлик, худбинлик, ўзимбўларчilik Қизил салтанат вужудга келтирған, қонларга сингдирған ижтимоий касаллик эди. 1920 – 1930 йилларда ҳам худди шундай манфаат талашувлари, амалга, вазифага интилиш, ўз мақсадлари йўлида қишлоқ одамларини бир-бирига қарши қўйиш уринишлари Дўстберди қишлоқлари тарихида, минг афсуски, юз берган эди. Мен бу воқеаларни «Қизил салтанат искан-

жасида. Тажовуз. Истибдод. Қатагон» деб номланган уч жилдлик мажмуамнинг 2-китоби – «Тажовуз» да, ГПУ (Бош сиёсий бошқарма, КГБ нинг дастлабки номи) ҳужжатлари асосида зикр этган эдим. 1928 – 1929 йилларда қишлоқларимизда рўй берган ҳокимият кураши бевосита тузумнинг – Қизил салтанатнинг инкишофи эди. «Истибдод» китобидан шу хусусдаги қуйидаги парчани келтириб ўтай:

«Чироқчи туманидаги Дўстберди (ҳозир Қамаши туманида) қишлоғида қишлоқ советига сайловлар олдидан иккита бойлар гуруҳи тузилиб, ўз мавқеи учун кураш бошлаган, – дейилади ГПУ округ бўлими маълумотномасида, – гуруҳларнинг бирининг бошлиги собық қишлоқ шўроси Нодир Пардаев бўлиб, ўзига тўқ ҳўжаликдан, бойлар билан бўлган алоқаси учун ишдан олингани (ҳозирги вақтда, яъни 1929 йилда қўйчилик артели раиси). Пардаев Кичик Дўстберди қишлоғида бойларнинг раҳнамоси бўлиб, амалда Кичик Дўстберди қишлоғининг ўртаҳоллари ҳамда батраклари ҳам унинг таъсири остидадир.

Иккинчи гуруҳ етакчиси қишлоқ шўросининг ҳозирги раиси Ашур Муродов бўлиб, у Катта Дўстберди қишлоғининг собық имоми, ўртаҳоллардан, бойлар билан яқин алоқада. Бу иккала гуруҳ ўртасидаги кураш Кичик ва Катта Дўстберди қишлоқлари ўртасидаги курашга айланниб кетди. Бойларнинг тўдалари бу икки қишлоқ аҳолисини бир-бирига қарши қўйишга эришди. Бунинг яққол ифодаси шу йил январь ойида содир бўлди. Кўпкари бўлаётган пайтда икки қишлоқ одамлари тепалашиб кетишига бир баҳя қолди. Бу низонинг келиб чиқишига Нодир Пардаев билан Ашур Муродов сабабчи бўлдилар. Тортишиув ва курашлар оқибатида қишлоқ шўросига Нодир Пардаев одами Жамғур Холмуродов қишлоқ шўроси раислигига сайланди. У батрак бўлиб, қизил армияда хизмат қилиб келган, Кичик Дўстберди қишлоғидан. Нодир Пардаев ўзини танитишга, обрў

ортдиришига мұваффақ бўлган, у йигилишларда бир жиноятычи ёнини олган Ашур Муродовни қаттиқ танқид остига олган, унинг ва тарафдорларининг обрүсини тўйкан»⁹.

Қишлоқдаги ҳокимият талашувлар шу билан тинчib қолмаган. Советларнинг аҳолини бир-бирига қарши (синфлар, қулоқлаштириш) кўйиши болшевикларнинг жинояткорона мақсади бўлиб, ўзаро ёвлашувдан, бир-бирининг бошини ейишдан, яъни ўз гўштини ўзига едиришдан иборат эди. Бу ўлкада таҳликали вазият ушлаб турилса, ваҳима, даҳшат, қирғин қуланкаси бош кўтаришга имкон бермаса, мустабид тузум шунчалик мустаҳкамлана бораради.

Қизил салтанат «бўлиб ташла ва идора қил» шиорига қаттиқ амал қилган. 1937 йилнинг қонлар дарё бўлиб оққан қатагони, аслида, 20-йиллар охиrlаридан газаклай бошлиган маҳаллий йўсундаги ихтилофлардан куч олган ва ямловчи қулзумга айланган эди. Узоқ асрлар давомида Катта Дўстберди эли ҳамжиҳат, тотув яшаб келган. На ер устида, на яйлов талашиб ўзаро жанжалга бормаганлар. Советларнинг қишлоқларда ўтказган «ислоҳотлари» мазмун-моҳияти ҳаммани бирварақайнига камбағалга айлантириш, бой тоғанинг молу мулкини камбағал жиянларга олиб бериш ёхуд аксинчаси амалга оширилишини кўзда тутарди. Хусусий мулк ўша замонда, ундан олдинлаар ҳам қариндошликтан устуни турган. Советлар қишлоқ аҳолисининг жон еридан ушлаганди. Молу мулк, ерсув туфайли ота болага, aka укага қарши қўл кўтарди, аста-секин бу қишлоқ аҳолисига ёйилди, ривож топиб, бутун бошли қишлоқлар ёвлашиб, бўлинниб қолди. Буларнинг ҳаммаси битта Дўстбердида эмас, бутун вилоятда, республикада ва, умуман, Совет Иттифоқи худудида бир хилда юз бераётган эди. Натижка нима

⁹ Поён Равшанов. Қизил салтанат исканжасида. Истибоддоз жилдлик, 2-жилд, Ташкент: «Шарқ», 2011 – 250-бет.

бўлди? 1937 йилга келиб, Нодир Пардаев ҳалқ душмани сифатида ўлимга маҳкум этилди, унга нисбатан ўз қишлоғининг айрим одамлари – ўз яқинлари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган тұхматларни түқидилар. Россиядан Сидор ёки Фёдор келиб, бу машъум ишларни амалга оширмади. Большевиклар мафкураси йўналишни берди, Эшмат ва Тошматлар бир-бири билан бўғишидди, бир-бирини қаматди, ўлдиришидди...

Совет ҳокимиётининг охирги йилларида ошкоралик, қайта қуриш деган сўзлар истеъмолга кира бошлаган, зулм салтанатининг марказида, Болтиқбўйи ва Кавказ республикаларида истибод тузумига қарши чиқишилар, ҳаракатлар бошланиб кетган эди. Ўзбекистон зиёлилари ҳам миллий ўзликни англаш бобида пардалироқ бўлса-да, фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлаётган, уйғониш, жонланиш бошланаётган эди. 1958 йилдан бўён Тошкентда, «Гулистон» журналида ишлаб келаётган Шомурод Сиддиқов ҳам юзага қалқиётган бу ўзгаринилардан бехабар эмасди. У, билимли, журналист сифатида, чорак аср муқаддам Дўстбердида ўрлаган гулханга ўт қалаганини ўз-ўзича бир неча бор мушиҳада қиласан, «шу иш тўғри бўлганми?», деган саволга жавоб излаган. «Даминов менга нима қилиб берди-ю, Курбонов нима ёмонлик қилди?», деган ўй унга тинчлик бермаган. 1989 йил кузи эди. Жияним Ўқтамнинг уйланиш тўйи бўлаётганди. Уларнинг уйи Қарши аэропортига яқин маҳаллада эди. Тўй базми бошланиб кетган, куй-кўшиқ авжида эди. Кимdir келиб менга, Тошкентдан меҳмонлар келганлигини, улар кўча бошида кутиб турганларини айтди. Борсам, «Ўқитувчи» нашриётида муҳаррир бўлиб ишлайдиган дўстим, курсдошим Хотира Алимованинг эри Ўтамурод Нурмуҳаммедов ва ким денг? Шомурод Сиддиқов! Улар беш-олти киши эди. Уларни яхши танишим, вилоятнинг таниқли маорифчиларидан бири Ўроз ака Исломов бошлаб келган экан. Ўроз ака уйимга келгач, уйдагилар манзилимни – тўйнинг қаерда бўлаётганлигини тушунтирганлар ва, шу тариқа, топиб борганлар.

Меҳмонлар учун алоҳида жой қилинди, дастурхон ёзиади. Улар бирор соат чамаси сухбат қуриб, эртага соат ўнда «Тонг» меҳмонхонасида учрашамиз, деб хайрлашдилар. Шомурод Сиддиқов билан кўришган бўлсак-да, гап-сўз қилмаган эдим. Кетар пайти у менга таъкидлаб, «Эртага албатта учрашайлик», деб машинага чиқди. Ажабланиб қўйдим, бунинг менда нима иши бор экан, деб. Эртасига меҳмонхонага бордим. Ўтамурод майдонда, фаввора олдида айланиб юрган экан. Саломлашдик. «Шомурод Сиддиқ ҳол-жонимга қўймай олиб келди, сизда гапи бор экан», деди. «Яхши, гаплашамиз», дедим. Эрталабки нонуштани ташкил этиб, «Тонг» олдида Шомурод Сиддиқов билан алоҳида, меҳмонлар ичкарида қолди, гаплашдик.

– Поён, бўлиб ўтган гап-сўзлар менинг хоҳишим билан бўлмаган, – деди у, – мен ўша вақтда масаланинг моҳиятини англамаганман. Вақт ҳамма нарсага ҳакам экан, мана, оқ оққа, қора қорага ажради. Раис бова (отам – П.Р.) менга кўп ёрдам қилган. Ўтган йиллар давомида бу ҳақда кўп ўйладим, яхшиликка жавобим шу бўлдими, деб пушаймон бўлдим. Самарқанд билан (Даминов – П.Р.) борди-келдини узганман, неча йиллардан буён алоқамиз йўқ. Энди, сиз тушунасиз, урушган давлатлар ҳам ярашадиларку, биз бир жойданмиз, ўтганига саловат деб, орадан губорларни кўтарсак, раис бова кечирсалар, шунга сиз восита бўлсангиз, деган ниятда келган эдим, – деди у.

Қизиги ва ажабланарлиси шундаки, Шомурод Сиддиқовдан кейин худди шундай ҳаракатга Бобомурод Даминов ҳам тушган. У, бу ишда Алиқулов Рамазонни орага солмоқчи бўлган. Чироқчига, Рамазон бобоникига келиб, отам билан ярашув шевасини ўртага қўйган. Бир сафар Абдулла, Нарзулла укамлар билан Рамазон Алиқуловникига бордик. Меҳмончилик бўлди, Абдулла билан иккалалари оз-оз конъяк ҳам ичдилар. Болаларидан бирини қазнокқа туширади, бу конъякни олиб чиқса, «Йўқ, бошқасини олиб чиқ», де-

йди, «Оқ лайлак» ми, «Наполеон» ми, хуллас бирини танлаб, роса суҳбат авжини олгандилар. Шунда, Рамазон бобо, уйига яқинда Даминовнинг келганигини, Тайлоқ Рўзиевни олиб, Дўстбердига ўтиш ва Равшан Қурбонов билан ярашувни амалга оширишда ҳамкор бўлишни таклиф қилганини айтиб қолди. Мен буни кутмаган эдим. Оғзим очилиб, лол бўлиб қолдим. Абдулла укам, сўкиниб, «Даф бўлсин», деди. Рамазон Аликулов кўпни кўрган, Чироқчидан туман ижроия қўмитасининг раиси, муовини сингари катта амалларда ишлаб, элда обрў орттирган инсон, ўзининг айтишига кўра, Даминовнинг гапидан кейин, хўп ўйлабди. Ўзини отам ўрнига қўйиб кўрибди. Отамнинг феълини у киши жуда яхши биларди. Даминов қилган хиёнатнинг оиласиз бошига нечоглик қулфатлар ёғдирганигини у ва Тайлоқ бобо Рўзиев ҳаммадан кўра яхши билардилар. Шу сабабли у, Даминовга мубҳам тарзда жавоб берибди. «Тайлоқ Рўзиевнинг сал тоби йўқ, ҳали-бери чиқолмаса керак. Мен у киши билан маслаҳатлашиб кўраман, пиржаси бўлганда, сизга даррак бераман», деб қайтариб жўнатиб юборибди.

Даминов ҳам, Чироқчидан бир нажот бўлмагач, барибир, менинг уйимга келишга ўзида журъат топа олганди. Отам билан дўстлиги, болалик давлари, Қаршида бирга ўқиганликлари тўғрисида ҳар сафар келганида эринмай гурунг берарди. Лекин, бирор марта, «касал ётганимда, ишсиз қолганимда отанг ёрдам қилди», деган сўзни оғзига олмаган эди. Бундай деийишга, ким билади, нима халақит берган? Мен, атайин, «буури» демадим. Агар унда заррача гурур бўлганда эди, шунча ишни қилиб, менинг оstonамга бош этиб келмаган бўларди. Яна ўйлайман. Хатони тан олиш ҳам мардликка тобинку, у етмиш икки томири эгилиб, қилган гуноҳларидан пушаймон бўлгандирки, отамнинг одига боришга ботина олмай, менга дардини тўкиб солиш, «Эски дўстларни яраштириб қўйиш» истагида бир эмас, бир неча марта, ёши саксондан ошиб,

мулзам ҳолда келган эди. Мен у кишига қалбимдан эмас, уйимдан жой бердим, ҳурматини ўрнига қўйдим, керак бўлса, ёрдамимни ҳам аямадим. То ўлгунига қадар уйимга келиб-кетиб юрди, янга – Са-марқандга ўқишига кирганимда чучвара, манти қилиб берган аёли, куёви, набирасини ҳам олиб келди. Да-минов қайнотам Абдураҳмон Азимовга қариндошна-мо бўларди, аёлимни «Садаф жиян», деб чақираради. Унга меҳмонхонамиздан жой қилиб, ўзи истаган сара таомларни, меваларни муҳайё этганимиз. Бу иззат-хур-матлар хўжакурсинга эмасди. Агар, оралиқдаги машъ-ум уч йилни тарихдан ўчириб ташлаш имкони бўлган-да эди, уни отамнинг қадрдон дўсти деб янада улу-лаган бўлардим. Ислом маданияти, тасаввуф таъли-моти душманга ҳам яхшилик қилишни уқдиради. Эгилан бошни қилич кесмайди. Билмадим, Шомурод Сиддиқов, Бобомурод Даминовларни, бизни хонавай-рон қилган, отамизнинг ноҳақ қамалишига сабаб бўлган, уй-жойсиз, таъминотсиз, кўчада қолишимиз-га мажбур этган, ўзлари ҳам биздан бешбадтар бўлган касларни уйимда қабул қилиб (кечириб, демадим), тўғри иш қилдимми, билмадим, билмадим. Лекин, Абдулла укам мен эмасди. «Жигули» машинаси янги чиққан маҳаллар эди. Сафар Омонов вилоят матлубот иттифоқи (потребсоюз) раиси бўлиб ишларди. Абдулла укам билан уларнинг муносабати жуда яхши, бор-ди-келди эдилар. Сал тоби бўлмаса, укамни чақирти-рарди.

Совет даврида янги машина олиш нечоғлик муш-кул эканлигини айтишга ҳожат йўқ. «Волга» мизнинг аҳволини олдинда айтдим. Бели оғримаганлар миниб, атайнин ишдан чиқаришган эди. Таъмирлар ҳам уни олдинги ҳолига қайтара олмасди, албатта. Отам билан бамаслаҳат, «Волга» ни сотиб, ўрнига «Жигули» олина-диган бўлди. Бу иш фақат Абдулла дўхтирнинг қули-дан келарди. Сафар Омонов унинг илтимосига йўқ дея олмаган, чунки, отамни ҳам бу ишни пишириш учун

дўстининг уйига олиб келган. Оқ рангли «Жигули» Қамаши ҳисобидан олинадиган бўлди. Ака-ука иккаламиз Қамашига бориб, машинани харид қилиб, Қаршига қайтамиз деб тургандик, туман матлубот союзи раиси Шаҳриддин Ҳайитов уйига, меҳмончиликка олиб борди. Шаҳриддин раис ажойиб инсон, Чакар қишлоғидан, отам билан бирга ишлашган, хўжалик ҳосилот кенгашининг кўп йиллар раиси бўлган Қулмурод Ҳайитовнинг фарзанди бўлади. Қулмурод Ҳайитов ҳақида олдинда ёздим. Шаҳриддин Самарқанд савдо институтини муваффақиятли битирган, ўз соҳасининг етук мутахассисларидан эди. Қайнотам Абдураҳмон Азимовнинг жияни бўларди, ўзаро ҳурматэҳтиромимиз ҳозиргача давом этиб келади. 80-йиллар бошларида у «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги раиси ҳам бўлиб ишлади. Совет тузумининг сўнгги қатағони издиҳомларини бошдан кечирди. Бунгача ҳали йилмар бор эди. Шаҳриддин раис биз ака-укани чиройли зиёфат қиласи. Қишлоқдошлирмиздан, туман марказида ишлайдиган дўхтирлар – Маннон Жабборов, Эшнор Алимов, хешларимиздан Жалил Мажидов биргаликда гурунг қиласи. Қорангутушиб колганди. Шаҳриддин раисни чақириб қолишиди. Маълум бўлишича, меҳмон келибди – Бобомурод Даминов экан. Ҳали у пайлар Қаршига, менинг уйимга келмаган, бўлиб ўтган воқеалардан кейин, биринчи бор у билан яқин келаётгандик. Раис ақдли одам эмасми, уни бошқа хонага киритиб кетди. Укамнинг пайтавасига қурт тушди, «Ака, бўлинг, кетамиз», дея бошлади. Энди зиёфат татиши қийин эди. Шаҳриддин раисдан ижозат олдик-да, Қаршига отландик. Янги машина, кайфият баланд бўлиш ўрнига, хуфтону шомга айланди. Укам бора-боргунича тортган уқубатларимиз, орқага кетишларимиз ҳақида сўзлаб, койиниб борди, «Юзини кўришга тоқатим йўқ», деди. Мен ҳам шу фикрда эдим. Лекин, ҳаётда нималар бўлмас экан...

Шомурод Сиддиқов ва Бобомурод Даминов билан ҳам, юқорида ҳикоя қилганимдек, улар оламдан кўз юмгунга қадар яхши муносабатларни давом эттирдим. Отам, онам раҳматлиларнинг бу гаплардан хабарлари бор эди. Отам «нотўғри қилибсиз», деган гапни айтмади, шунингдек, маъқул ҳам демади. Онам раҳматли эса, Ўқтам жиян тўйидан қайтиб, уйимга келганида, «Қандай юз билан булар олдингизга келди? Уларда бет борми ўзи, тузни еб, тузлиқни булаган нокаслар-да», деди жигибийрон бўлиб. Булар фоний оламнинг гаплари, боқий олам-чи? Қилмишларимиз торозига қўйилганда қандай бўлади? Ёмонликлар ҳам, яхшиликлар ҳам жавобини оладиган кунни унутиб, хотирадан ўчириб юбориш мумкинми? Ўйлашимча, Сиддиқов олдинроқ, Даминов кейинроқ, барибир, шу хақда ўйлаб кўрганлар. Шахсан мен, кечирим, муроса тарафдориман. Шайтондан бўлак хатосини тан олган шаккок йўқ. Аллоҳ таолога, шу воқеаларни мушоҳада этар эканман, беҳисоб ҳамлар, шукроналар айтаман. Биз, бегуноҳ болалар нега хонумонимиздан жудо этилдик, нега кўчага улоқтирилдик? Ўн фарзанд тарбиялаб, «Қаҳрамон она» унвонига эришган (ҳатто, нишони ҳам берилмаган эди), уларни тўйинтириш ва кийинтириш жабрини чеккан онамизнинг нима ёзуфи бор эди? Отамнинг ҳалол ишлаганлиги ой ва кундай равшан бўлиб турган бир пайтда, қамоқ азобини тортишини нима билан эвазлаб бўлади? Бу саволларга ҳамон жавоб йўқ. Битта тасалли шундаки, бизни шу кўйга солғанлар, охир-оқибатда, бош эгиб келдиларку?! Отамнинг иши ҳақ экан-да, ниҳоят, улар тан беришга мойил бўлдилар (мажбур, демадим, буни қилмасликлари ҳам мумкин эди). Бизлар, ота-онамиз, фарзандлар мислсиз қиийинчиликлар билан шаънимизни сақладик, хонадонни ўнгладик, ҳаётдан ўзимизга яраша ўрнимизни топдик. Муҳими, душманчилик қилганлар олдига эгилиб бормадик. Шундай бўлиши ҳам мумкин эди-ку?!

• Ёвлашиш, кек сақдаш, ўч олиш отам табиатида йўқ эди. У киши ҳаммасини Аллоҳга солган эди. Яратган ҳаммасининг жойини солди, буни вақт кўрсатди. Қишлоқдошлиқ, элчилик. Бу воқеалар кечганига ярим асрдан нари-бери вақт ўтаётир. Шундай хulosага келдимики, элу ҳалққа зарари катта бўладиган шахсий манфаат йўлини ҳеч қачон тутмаслик керак. Бир иш қилганда, албатта, эртани ўйлаш, кутилмаган оқибатларини ҳисобга олиш шарт бўлади. Мен, юқорида келтирганим маҳзун тарихни ёшилар ўқисин, ибрат бўлсин учун атай ёздим. Амалнинг ортидан қувманг, муносиб бўлсангиз, у сизни йўқлаб келади. Амал учун дўстни, элни сотманг, фойдадан зарари кўпроқ бўлади. Элу ҳалқни бўлманг, бу жиноятга қўл урган дўзах қаъридан жой олади. Одам боласига ноҳақ ситам етказманг, қайтими жуда оғир бўлади.

* * *

Абдулла укам қирқ беш йиллик фаолияти давомида катта-кичикка овозини баланд кўтариб гапирган инсон эмасди. Уйида ҳам, оила даврасида ҳам суҳбати жонон эди. Ҳажвга мойиллиги бор, ҳазилкашлиқ қонига сингган, лабидан табассум аримайдиган бағрикенг, диловар одам эди. У кишининг орзу-умидлари қирғоқ билмасди. Эски уйини қайта таъмирлаганидан кейин, Дилшодбекка уй қуриб берди. Уч фарзандни ҳам олий маълумотли қилди, ҳавас қилса арзигудек кошоналар инъом этди. Дильтодбек Тошкент политехника олийгоҳини ёғ-мой соҳасида муваффақиятли тамом қилди, шу соҳада катта раҳбарлик лавозимларида ишлади, бир неча йил Тошкентда вазир муовини сифатида фаолият кўрсатди. Қизи Наргиза-ой Қарши Давлат университетини тугатди, ўқитувчилик билан эҳтиром қозониб келаётир. Санжарбек Бухоро олийгоҳини тугаллаб, вилоят кардиология диспансерида бўлим бошлиғи вазифасида ишлаётир. Изланишлар олиб бориб, олимлик рутбасига ноил бўлди –

тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини олди. Фарзандлар ҳаётдан ўз ўринларини, мавқеларини топдилар. Набиралар олий ўкув юртларида, коллеж ва лицейларда, мактабларда таҳсил олмоқдалар.

2012 йилнинг 17 июлида Дишодбекнинг тўнғич қизи Гулрангбегимнинг никоҳ тўйи «Мўъжиза» тўйхонасида ўтди. Хонанда Фарҳод Сайдов гуруҳи тўйда ажойиб ашулаларни айтиб, даврага файз киритган эди... Тўйдан 12 кун кейин ажал човут солишини ким хаёлга келтирибди?

Рамазон ойи бошланганди. 28 июль шанба куни оқшомда Дишодбекникида ифторлик бўладиган бўлди. Маҳалла кексалари, қариндош-уруглар жам бўлдик. Яхши суҳбатлар бўлди. Нарзуллабой ҳам шу ерда эди. Маҳалла одамлари қайтишди, лекин Абдулла дўхтирибиз-да, қаёқда шошиласизлар», дейди. Рўзачилик, бир оз толикиш бор эмасми, нуқул, «бизлар қайтайдик», дейман. Кетишга шошилганимга энди жудажуда пушаймонман. Укам дийдорга тўймаётган экан, мен гумроҳ, буни қаердан билибман. Соат 23 ларда қайтиб келиб бир оз юрдим-да, ухлашга кирдим. Уйкүмда ҳовлида бирор юргандай туюлди. Чироқни ёқиб, чиқдим. Ҳеч ким йўқ, лекин аниқ эшитдимки, кимдир юрган эди. Олимбой, Мұҳаббат келиним, Фазилат, Маъмурбек, Темурбеклар уйғонишли. Кампирим Садафой Азимова ҳам турди. Қарадик, бирор нарсадан асар йўқ. Шу билан саҳарлик ҳам бошланди, мен қайтиб ухламадим. Соат тўққизга қадар ёзув-чизувларими ни қилдим, бир китоб бошлаб кўйгандим. Пешиндан кейин шум хабар келди. Санжарбек йиғлаб кўнгироқ қиали, «Дадамнинг мазаси қочди», дея олди. Кўз олдим қоронгулашди, бошимни чанглаб, каравотга суюниб қолдим. Ўзимни қўлга олдим-да, Олимбой ўғлим билан Нарзулла укамникига етиб бордик. Укамга ҳам хабар етган экан, биргалашиб кириб бордик. Санжарбек, Наргизаой, келинлар, набиралар ҳовлида,

барининг кўзида шашқатор ёш, унсиз йиглаб турибдилар. Нарзуллабой билан ичкари кирдик, Шоҳиста келин укам ёнида экан. Дишодбек эрталаб иш билан Жиззахга кетган экан. Қай кўз билан кўрайки, Абдулла биродарим, биз етиб келгунимизча, бу ёруғ оламни тарқ этиб бўлган экан. Бир зумда Қаршида яшайдиган укаларим, сингилларим, жиянларим уввос солиб йиглаб етиб келдилар. Кўп ўтмай қишлоқдагилар ҳам кўчиб келди. Жигарлар пора бўлди, кўз ёшлар қон бўлиб оқди. Дишодбек ҳам тезда ортга қайтди.

30 июль куни эрталаб, соат ўнда жаноза намози ўқилди. Абдулла укам жасадини Қарши шаҳрининг шимолидаги қадимий қабристон «Зиндафил Аҳмади Жом» (Жангальтепа)га, уч йил муқаддам бандаликни бажо келтирган аёли Ҳайитой ёнига дағн қилдик. Укамни ўз қўлларим билан сўнгги манзилига хунобалар ютиб жойлаштирдим. Рӯзачилик, ҳарорат ниҳоятда баланд, қабристон ичида одам тирбанд, дарвоза теварак-атрофи автоулов билан тўлиб кетган эди. Укамнинг обрў-эътиборини яхши биламан, деб юардим. Янглишган эканман, яхши билмасканман. Жанозага минглаб кишилар етиб келдилар, бутун вилоятдан, туманлардан, эски ва янги қишлоқларимиздан, хулласки, кимки эшитган бўлса, укамни охирги йўлга кузатишга, сўнгги видони айтишга ҳозир бўлдилар. Ҳаво ҳарорати бемисл баланд, олис йўл, ҳаммага ҳам қўнғироқ қилолмаганмиз. Чамамда, ҳамкаслари, дўстлари, шогирдлари, қариндош-уругларимиз имкон даражасида элга бу хабарни етказган. Биз, aka-укалар, сингиллар, фарзандлар ўзимиз билан ўзимиз овора бўлиб қолганмиз. Эй, яхшилар, хонадонимиз учун оғир кунда дардимизга шерик бўлганларингиз, ҳамдардлик билдирганларингиз учун бошимизни эгамиз, тўйларингизда хизмат қилайлик, деб тилак билдирамиз.

Карвонимиз бошидаги норимиздан айрилдик. Отам Равшан Қурбонов 2003 йилда, 91 ёшида, онам Ойба-

ҳор Алиева 2006 йилда, 86 ёшида ҳаётдан қайтган эдилар. Укам Абдулланинг умр йўлдоши, севимли рафиқаси Ҳайитой келин 2004 йилда хасталикка чалинган эди. Қаршида, Тошкентда, кейинроқ эса, Москва-да муолажалар қилинди, малакали дўхтиrlар даволади. Келин ниҳоятда парҳезкор, иродаси кучли аёл эди. Кўп йиллар давомида тиббиёт соҳасида ишлади, Қарши Давлат педагогика олийгоҳини тамомлади, жамоада обрў-эътибори катта бўлди. Фарзандларига чиройли тарбия берди, набираларни дуркун ўсдириди. Нафақага чиққанидан кейин, ҳузур қилиб яшаса бўладиган даврда, инжик ҳасталик кўтарилиши қийин бўлди. Матонат билан bemorlikни енгиб келди.

2009 йилнинг 3 июни, чоршанба куни эди. Абдулла укам қўнғироқ қилди, «ака» деб сўз бошлаганидан дарҳол сездимки, бир ноҳушлик содир бўлган. У йиғлаб, «Келинингиздан айрилиб қолдик», дея олди. Зум ўтмай етиб бордик. Оҳ, бу ажал, кутмаганингда мунаvvар кунингни зулматга айлантириб, шум қадам ила кириб келади. Ҳайитой келин 63 ёшида бу оламдан қайтди. Ҳайитой Қиёмова 1944 йилнинг 18 сентябрида Қарши шаҳрида, Чармгар маҳалласида таваллуд топган эди.

Абдулла Ҳайитойни жуда яхши кўтарди, қаттиқ ҳурматларди. Улар 40 йил тотувликда турмуш қилдилар, уч фарзандни тарбиялаб вояга етказдилар, ўн набирани тетапоя этиб, фарофатли, ҳаловатли, пиру бадавлат хонадонга асос солдилар.

Ҳайитой келин вафотидан кейин укам қаттиқ қайтурди. «Зиндағил Аҳмади Жом» қабристонида бўлган дағғи маросимидан кейин, иккимиз қолиб дуойи фотиҳа қилдик. Шу ерда, укам менга, келинимиз қабри ёнидаги, гарброкда бўлган жойни кўrsатиб, «Ака, мени ҳам шу ерга қўядилар», деди. Беихтиёр, жеркиб бердим, «Фарзандларингиз, набираларингиз, бизларнинг баҳтимизга ҳали сиз узоқ яшашингиз керак», дедим. Қўнглим бузилиб, вужудим вайрон бўлиб, мозоротдан

қайтдик. Бу гап, билмаган эканман, васият бўлиб, кўнгилдан чиққан экан. Шу азму қарорда Абдулла ва Ҳайитойнинг садоқати, бир-бирига боғланиб қолганлиги сўёзсиз ифодасини топган эди. Бу воқеа унинг соғлигига қаттиқ таъсир қўрсатмай қолмаган эди.

Орадан уч йил ўтар-ўтмас, Абдулла укам ҳам бу ёруғ оламни тарк этди. Биз ака-укалар, сингиллар, фарзандлари укамнинг сўнгги манзили ҳақида маслаҳатлашдик. Укамлар қадимий удум бўйича, фарзанд хоки ота-она хилхонасида бўлиши керак, деб қишлоққа олиб кетамиз, «Анбартепа мозоротига, ота-онамиз ёнига дафн этамиз», деб туриб олдилар. Дишодбек ва Санжарбек, гапни тинглаб, бирор зътиrozли гапни ўртага солмадилар ва шу фазилатлари билан юксак тарбия намунасини қўрсатдилар. Охирида, мен, Абдулла укамнинг тайинловини – васиятини айтдим. Уни бажармасликка ҳақимиз йўқ эди, бу унинг сўнгги иродаси, охиротда ҳам, сўнгги манзилда ҳам суюкли умр йўлдоши билан бирга бўлиш хоҳиши эди. Шундай қилинди. «Зиндафил Аҳмади Жом» қабрисгонлигига улкан тепанинг шимолий кутбида икки қабр ёнма-ён турибди. Чиройли ораста этилган, дил сўзлари битилган қабрлар фарзандлар томонидан бунёд этилди. Улар энди мангаликка биргалар...

* * *

Укам Абдулла вафотига бир йил тўлганда, 2013 йилнинг 29 июлида, рамазон ойида унинг порлоқ хотирасига бағишлиланган ушбу рисолани бошлаган эдим. Аввалига, ҳеч нарса ёза олмасам керак, деган андешага боргандим. Елкадошим, бир қориндан талашиб дунёга келган укам, қадрдоним, биродаримни, унинг ҳаёт йўлини, амалга оширган хайрли ишларини, феълатворини, табиатини яхши биламан деган тасаввурда юрардим. «Ятранъ» машинкамни созлаб, ёзувга ўтирганимда, нимадан бошлашни билмай қийналдим, туфишганинг, яқининг тўғрисида, минг афсуски, юзаки

билим билан кифояланиб келаркансан. Аслида, яқиндан, жуда яқиндан билиш, англаш, бир тан-бир жон бўлиб яшаш лозим экан. Биз лоқайд, Худобехабар туғишганлар, аввало, мен, укам яхши яшаётир, амали ҳам, бойлиги ҳам етарли, фарзандлари қобил, нима ками бор, деган хаёлга андармон бўлиб, ғофил қолиб келган эканмиз. Укамнинг ҳамма нарсаси етарли экану, соғлигига эътибори мутлақо йўқ экан. Олийشاън иморатлар қуришга қурби етибди-ю, соғлигини тиклашга на қунт, на вақт топа олмабди. Дам олиш, санаторияларга бориб, сиҳҳатни тиклаш бобида жуда лоқайд эди. Укам дардини, хасталигини яшириб келган, деб биламан. Гулрангбегимнинг тўйини тезлатишни бежизга айтмаган. У, набирасининг тўйини кўра одди, аммо, эварасининг бешик тўйигача етиб боролмади. Гулрангбегим шу яқинда қизалоқли бўлди ва Дишодбек «Шабнам»да бешик тўйи берди. Наргизаой икки қизини тўй қилди. Насибки, тўйларимиз давом этаверади. Дишодбек, Санжарбек, Наргизаой хонадонларида яхши кунлар кўп бўлади, насиб. Қизлар узатилади, келинлар туширилади. Укамнинг ҳаёт чироги ўчган эмас. У, ҳаётда улгура олмаган орзулар фарзандлари, набиралари томонидан амалга оширилади. Укамнинг руҳи ҳамиша ҳозиру нозир, Унинг кейинги пайтлардаги ягона мақсади – оиласий поликлиника, дорихона ва тўйхона мажмуини қуриш ва эл хизматида бўлиш эди.

Гоҳида, «Абдулла дўхтири, қуриш бўйича ҳар қандай мутахассисни орқада қолдириб кетадиган бўлдингиз, энди, бир оз ҳордиқ ва согликни ўйласангиз қандай бўларкан?», дердим ярим жиддий, ярим ҳазил. Шунда у, «Ака, сизнинг эрмагингиз бор, ёзасиз, китоб қиласиз, тинмайсиз, шу сабаб зерикмайсиз, яхши ёмон билан ишингиз йўқ. Мен тинч туролмайман, тиббиётда қалаштириб китоб ёзиб бўлмайди, тажриба ўтказ ва ҳаказо талаблар бир рисола учун уч-тўрт йил вақтни олади. Бунинг ўрнига, қурилиш билан шуғул-

ланиш одамга бошқача завқ беради. Шундай иморат қуриш керакки, Қарши шаҳримизга кўрк бағишиласин. Шу мажмуани битириб олсам, оёқни узатиб, раҳбарлик қиласман. Бироқ катта маблағ зарур, кредит олаётирман, етмайди, яна олиш керак...», дерди.

Умрини беҳуда ўтказаётганлар қанча. Абдулла дўхтири онгли ҳаётида бир зум тинчимади. Бизга ҳам, укаларига ҳам ҳаракат қилишни тез-тез уқдириб турарди. «Оила шаъни» («Амир Темур сулоласи») асарим «Қашқадарё» ва «Дарё» газеталарида босила бошлигач, пешма-пеш ёзаётганларим сабабли, узилишлар бўлиб турарди. Бир куни, уйда Нарзуллабой, Олимбой гурунглашиб ўтирганимизда, Абдулла дўхтири, «Ака, эшитдингизми, Қаршида дув-дув гап, эмишки, Поён Равшанов «Оила шаъни» деган асарини давом эттирамайдиган бўлибди», деди жиддий. Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Кейин кулиб юборди-да, «Ҳазиллашдим. Газетада ўқиб бораяпман. Жуда маъқул. Ҳамма ёзган китобларингиздан шу асар бошқача бўлади, бундай манбаларга асосланган тадқиқотларни кўрмаганман, албатта, охирига етинг, тамомланг», деди. Бу гап менга қанчалар далда бўлган эди. Укам жуда кўп ўқирди. Олимбойнинг бирор нарсаси матбуотда чиққудек бўлса, албатта, қўнғироқ қилиб, табрикларди, керакли ўринларини алоҳида қайд этарди. Эътиборли, ориф, зукко, фаҳм-фаросатли иисон эди.

Бир йилдан ошаётирки, Абдулла Равшанов орамизда йўқ. Бутун онгли ҳаётини эл хизматига – соғлиқни сақлаш ишига бағишиланган, бу йўлда фидойиларча хизмат қилган, врачликдан вилоят миқёсидағи раҳбарлик, бош врачлик даражаларига кўтарилган, умрининг сўнгги ўн икки йилини хавфли ижтимоий касаллик – силга қарши курашга сафарбар этган шифокор тўсатдан юрак хуружи туфайли ҳаётдан кўз юмди. Вилоят сил касалликлари диспансерида раҳбар бўлиб ишлаган йилларида даволаш, профилактика ва ободонлаштириш ишларини уйгун олиб борган, жамоанинг хур-

матини қозонган эди. Мен бунга 2013 йил 8 май куни, шу тиббиёт муассасасида ўтказилган тадбирда иштирок этиб, чуқур ишонч ҳосил қылдым.

Шу куни диспансернинг Болалар бўлими биноси ва ҳовлисида Хотирлаш ва қадрлаш куни муносабати билан марҳум бош врач Абдулла Равшанов хотирасига бағишиланган тадбир ўтказилди. Хотира тадбирига унинг сафдошлари, касбдошлари, дустлари келдилар. Дишодбек ташаббуси билан меҳмонларга, кўп сонли bemорларга хайрия оши берилди. Ҳамро ҳожи Абдулаев, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарлари, шифохона ходимлари таниқли шифокорнинг фаолияти ҳақида сўз юритдилар. Укамнинг залга қўйилган улкан суратига тикилиб, беихтиёр кўзларимдан ёш қалқди. Нарзуллабой, Олимбойлар ҳам бу дунё бевафолигидан қўнгиллари бузилиб, маҳзун ўтиридилар. Касбдошлар унинг хайрли ишлари ҳақида бафуржатўхталдилар, вилоят соғлиқни сақлаш иши ривожига сезиларли ҳисса қўшганлигини алоҳида таъкидладилар.

Сарҳисобда, фақат ва фақат хайрли, яхши аъмолларгина зикр этилар экан. Укам бежизга яшамаган экан. Унинг нурли излари 1-сон вилоят шифохонасида, вилоят кардиология диспансерида, Қамаши тумани соғлиқни сақлаш бўлимида, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида ва вилоят сил касалликлари диспансери йўлакларида умрбод ёлқинланиб туради.

Унинг орамизда йўқлиги хонадонимизнинг катта-кичик ҳар бир аъзосига деярли ҳар куни билиниб туради, эслаймиз, ўқинамиз, яхши фазилатларини кашф этамиз, бир-биrimизга айтиб, юрагимизни бўшотамиз, сал енгил тортамиз. Ота-онамиз вафотларидан кейин (улар ҳаётлигига бунга эҳтиёж йўқ эди, уларни зиёрат этиш учун ҳафта-ўн кунда Файрат укамизни-кига йигилишар эдик), Абдулла дўхтири оилавий ўтиришни ташкил қылди. Ҳар ойда бир маротаба, навбат билан уйимизда ёки дала-даштда (баҳор кезлари)

оилавий ўтиришга тұпланардик. Ака-укалар, опа-син-гиллар, фарзандлар, набиралар жам бўлсак, юздан ошиб кетардик. Бу оилавий жипслик, энди ўсиб, ул-файиб келаётган авлодимиз учун ибрат тадбири бўлиб, ўзаро ҳурматни, қадр-қимматни мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Катта хонадонлар кўп, уларнинг бир тармоғи Қаршида, иккинчиси Шаҳрисабзда ва ҳоказо минтақаларда яшайдилар. Оилавий жамланиш, биргаликда туғилган кунларни нишонлаш имкони ҳар доим ҳам бўлавермайди. Абдулла дўхтири оиланинг давомийлигини, ҳамжиҳатлигини ҳисобга олиб, шу тадбирни ўrnаштириб кетди. Бир-биrimizdan ҳабардорлик, бир-биrimizni кўллаб-куватлаш, борингки, ёш авлоднинг қариндошлиқ тушунчаларини шаклантиришда оилавий ўтиришнинг амалий аҳамияти жуда каттадир.

Қарши шахрининг Самарқанд маҳалласида укам Абдулла Равшановнинг фарзандлари, набиралари яшайдилар. Абдулла ва Ҳайитой 1969 йилда остона-сидан хатлаб, 40-45 йил умргузаронлик қилган, тотли ва баҳтли ҳаёт кечирган уйда кенжা фарзандлари, вилоят кардиология диспансерининг бўлим бошлиги, олий тоифали врач, тиббиёт фанлари номзоди Санжарбек ўз оиласи билан истиқомат қиласди. Абдулла Равшанов ва Ҳайитой Қиёмованинг ёқиб кетган чироқлари ўчмайди. Бу чироқлар тўнгич фарзанд Дилюшебек ва Наргизаой хонадонларида ҳам порлаб нур сочиб туради.

Инсон бу ҳаётда фарзанд ва касбу кор деб ҳаёт ке-чиради. Укам ва келинимиз бу жиҳатдан орзуларига, мақсадларига мукаммал эришган эдилар. Ўзини баҳтли ҳисоблаган ҳар бир инсоннинг умр йўли шундай бўлади. Келишида суюнтириб, кетишида куйинтириб кетиш фалсафаси олдинги саҳифаларда талқин этилган тарихда, гарчанд мукаммал бўлмаса-да, тасаввур берар даражада ўз ифодасини топган, дея оламан. Укамнинг бевақт ўлеми мен учун, айниқса, оғир йўқо-

тиш бўлди. Бунинг сабабларини олдинда баён этдим. Абдулла сафимизни кутилмаганда бузиб кетди. Навбатни ҳам чилпарчин қилди. Начора. Умр, бу ҳаётда қанча муддат яшаш мусобақа эмас. Ҳамма ҳам ўз насибаси ва ўз умрига эга бўлади. Умр қисқадир, узундир яхши мақсадларга хизмат қилганда арзитилади.

Биродарим Абдулла Равшанов арзигулик умр кечирганидан, хайрли ишларни амалга оширганидан, ўзидан яхши ном, қобил фарзандлар, солиҳ набира-лар қолдирганидан фахр тужман, бутун хонадонимиз Абдулла Равшанов билан ифтихор қиласди. Элимиз, уруғ-аймогимиз қадрли шифокорини ҳеч қачон унумайди. Бир инсон бахти шу эмасми, азизлар?!

БЕШИНЧИ ҚИСМ ҚОЛДИ ЯХШИ НОМИ ВА ЯХШИ ИШИ

Абдулла укам туғма болажон, оилапарвар инсон зди. Қайнонаси Ҳамида аяни жуда ҳурмат қиласади. Ҳамида ая серфарзанд она бўлиб, 39 ёшида бева қолганди. У кишининг жуфти ҳалоли Қиём Зиёдов Қарши шаҳрининг машҳур чармгар бойларидан бўлиб, 1888 йилда таваллуд топган зди. Чармгар маҳалласида унинг «Дудхона» деб аталувчи чармни қайта ишлаш корхонаси бўлган. Қаршининг чармгар бойлари иттифоқидек ўз маҳсулотларини Россияга олиб бориб сотганлар. Бу анъана Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ҳам давом этган. 20-йилларнинг охирларида бўлса керак, Қиёмбой Зиёдов ва яна икки чармгар бой бешта вагонни ёллаб (у пайтлардаги вагонлар кичик бўлган), Россияга йўл олганлар. Қиммат баҳо чарм маҳсулотлари юкланган вагонлар икки ҳафта давомида Москва бўсағасига етиб борганида, текширув остида қолади. Гап нималигини сезган ҳамкор икки бой териларни ташлаб, қочиб кетади. Бутун юкнинг жавобгарлиги Қиёмбойнинг зиммасига тушади. Уни ўз мулки – чарм терилари савдосида айблаб, 20 йилга қамоққа ҳукм қиладилар ва Сибирга бадарға этадилар.

Қиём Зиёдов умрининг тўрт йилини Сибирда қамоқда ўтказиб, юртига қайтишга муваффақ бўлади. Унга ўз туғилган шаҳрига эмас, Самарқанд вилоятида яшаш буюрилади. Самарқандда ҳукуқлардан маҳрум этилган ҳолда ишлашга мажбур бўлади. Ҳамида Қиёмова ҳам Самарқандга, эри олдига кетади. Икки-уч йил чамаси Самарқандда яшайдилар. Фарзандларидан бири Зайниддин (Зайни) шу жойда туғилади. Кейинчалик Қаршига қайтиб келган Қиёмбой ҳозирги «Нуроний» чойхонаси орқа тарафида кичик бир чойхона очиб, умрини шу машгулотда кечиради. Сибирь балолари унинг соғлигига қаттиқ таъсир

кўрсатган эди, 59 ёшида бу олам билан видолашади. Тўққиз фарзанд (улардан бири Маърифат исмли қиз асраб олинганди) тарбияси, ейиши, кийиши Ҳамида аянинг зиммасида қолади. Фарзандларнинг ҳаммаси ҳаётда ўз ўринларини топдилар, меҳнатлари, касбкорлари билан элда танилдилар. Низомиддин, Баҳриддин, Зайниддин (Зайни), Шамсиддин, Маърифат, Фароғатой ва Ҳайитой каби ўғил-қизлардан таваллуд топган фарзандлар-набиралар, эваралар бугун кўпчиликни ташкил этади. Бу хонадоннинг шаҳримизда ўзига хос ўрни ва обрў-эътибори бор. Ҳайитой Қиём бобо билан Ҳамида аянинг кенжаси қизлари эди.

Ҳамида аянинг келинлари ва қуёвлари кўп бўлишига қарамай, у киши кенжаси қуёви Абдулла дўхтирини жуда яхши кўрарди. Дўхтур ҳам аянинг кўнглидан борар, сал тоби қочса борми, атрофида парвона бўлиб, муолажага киришар эди. Ая бирор ҳафта уйга кетиб, хаяллаб қолгудек бўлса, изларидан боришар, ҳоли-жонига қўймай ҳузурларига олиб келишарди. Ая кексайганиларида ҳам тиниб-тинчимас, кўлидан игна тушмасди. Бўлажак набираларимга деб, кўрпа-кўрпачалар қавирди, бекор туролмасди. Урушдан кейинги оғир йилларда, эри вафот этиб, жўжабирдай болаларни иғнанинг учи билан боқиб, одам қилган она нон ёпиш, тўн тикиш, кўрпа қавища маҳорат касб этган эди. Ҳамида ая 79 ёшида, 1987 йилнинг 17 декабрида ҳаётдан қайтган эди.

Ҳайитой келин тўнғич фарзандига оғироёқли бўлган кезларида Ҳамида ая бир туш кўради. Келинимиз фарзандининг ўғил бўлишини астойдил истаган ва ўзича чиройли исм ҳам танлаб қўйган бўлади. Аянинг тушига бир нуроний, оқ ҳарир либосга чўлғантган аёл кириб, «Туғилажак набирангизнинг исмини Дишод деб қўйинглар», деб тайинлайди. Ҳамида ая Ҳайитой келиндан, «Набирамга нима деб исм берасан?», деб бир сафар ётиғи билан сўрайди. Келин ўз фикрини айтади. Ҳамида ая қизига эътиroz билдирамайди-да, куё-

вига бўлган гапни айтади. Укам қайнонасининг хислатли, покиза аёл эканлигини яхши билганидан, у кишининг сўзларини маъқуллайдилар. Фарзанд турилади ва унга Дилшод исми қўйилади. Ҳайитой келинга муддаони кейин билдирадилар.

Дилшодбек ундан кейин Наргиза, кенжা фарзанд бўлиб эса, Санжарбек туғилади. Учала жигаргўшанинг тарбияси, таҳсили оиласининг энг муҳим юмушларидан бўлган эди. Богча, мактаб, олий ўқув юрти доимо Абдулла дўхтирининг асосий диққат ажратадиган муаммоси бўлганди. Ҳатто Ҳайитой келиннинг Қарши Давлат педагогика институтида ўқиши, олий маълумот олишига эришиши ҳам у зотнинг ташаббуси билан амалга ошганди. Келинимиз олийгоҳни тугаллаб, шу соҳа бўйича ишлаб-мураббийлик қилиб, нафақага чиқкан эди.

Абдулла Равшанов ва Ҳайитой Қиёмова, укам ва келиним 40 йил бирга умргузаронлик қилдилар. Тинч-тотув, осуда ва хотиржам кечган йиллар оиласининг равнақи боиси бўлди. Фарзандлар улгайиб, олийгоҳларни тамомладилар, ҳаёт кенгликларига учирма бўлдилар. Дилшодбек ёғ-мой соҳаси мутахассиси бўлиб етишди, иш фаолиятини Қарши ёғ экстракция заводида бошлади. Тажриба ва малака ортириб, бош муҳандис, директор лавозимларида ишлади. Кўп ўтмай, Тошкентга, республика соҳасида ишга кўтарилди. 2012 йилдан эътиборан Косон ёғ экстракция заводида директорлик лавозимида хизмат қилиб келәтирилар. Меҳнатсеварлиги, ўз касбини теран билиши, доимо янгиликлар сари интилиши Дилшодбекка обрў-эътибор келтирувчи омиллардир. У ниҳоятда камтарин, билимдон, муомала маданияти юксак раҳбар ҳисобланади. Абдулла дўхтири ва Ҳайитой келин фарзандларни уйли-жойли қилишда тўғри йўл тутган эдилар. Биринчи галда ёшлиарнинг кўнглига қаралган бўлса, элда ҳурмати бўлган, яхши танийдиган кишилар билан қудалашиш мезон қилиб олинганди.

Остон Исломов укам билан Самарқандда, тиббиёт олийгоҳида бирга таҳсил олган эдилар. Юқумли қасалликлар шифохонасида узок йиллар меҳнат қилиб, вилоят соғлиқни сақдаш ишига катта ҳисса қўшган Остон Исломов билан улар дўсту қадрдан эдилар. Дилшодбек билан Саодатхон келин икки шифокор оиласининг орзу-умидларини оқлаб, баҳтли турмушни давом эттироқдалар. Уч фарзанд ўстириб, вояга етказдилар. Тўнгич қизлари Гулрангбегим тўйини кўриш Абдулла укамга насиб этган экан. Тўй 2012 йилнинг 17 июль кунида бўлиб ўтган эди. Тўй кунлари укам ниҳоятда хурсанд, набирасининг баҳтини кўраётганидан жуда мамнун эди. Тўйни тезлаштиришни бир неча бор уқдирганлигини, кейинчалик айтишдилар. Буни, аввалисига, рамазон ойининг яқинлаб қолганлигига йўйган бўлсак, орадан ўн бир кун ўтиб, 29 июлда фавқулодда юз берган ўлимдан сўнг, укамнинг ўзи ниманидир сезганлиги билан ифода қилишга эҳтиёж сездик. У, юрак соҳасининг мөҳир ҳакими эди, вужудида юз бераётган ўзгаришлар ва уларнинг оқибатларини ҳис қиласмили мумкин эмасди. Минг афсуски, бу ҳақда бирортамизга бир оғиз айтмаган, соғлигидан шикоят қилган эмасди... Ҳаёт шундай экан, қазога илож йўқ экан. Гулрангбегим куёви билан иноқ ва тотли ҳаёт кечирмоқда, жажжи қизчалари Афрўзани тарбиялашмоқда.

Дилшодбек ва Саодат келин Малика ҳамда Жавоҳир исмли фарзандларига яхши таълим-тарбия бериб вояга етказмоқда. Фарзандлардан умидлар катта. Абдулла бобоси уларни еру кўкка ишонмасди. Айниқса, таълим олиш, тил ўрганиш бобида жуда талабчан эди. Рус тилини билиш баробарида инглиз тилини мукаммал эгаллашни доимо набираларига уқдиради. Уларни ҳафта охирида имтиҳон қиласар, хорижий тилларни нечук ўзлаштираётганигини назорат қилиб бораради. Бу талаблар бежиз кетмади. Набиралар ишончни оқдаётирлар.

Наргизаой Қарши Давлат университетининг рус филологияси факультетини тамомлаб, педагогик фаолият билан машғул бўлиб келади. Турмуш ўртоғи Зафар Хайруллаев камтарин, тадбиркор, ақл билан иш кўрадиган инсон. Улар биргаликда тўрт қизни тарбиялаб, вояга етказдилар. Шаҳноза ва Дилафрўз баҳтли турмуш қурдилар. Фарангиз ва Муниса таҳсилни давом этдирмоқдалар. Наргизаой ва Зафарбек оиласи ни Қарши шаҳрида ҳавас қилса арзийдиган хонадонлардан десам, адашмайман.

Абдулла укам келин танлашда ҳассос инсон эди. Ҳайитой келин иккаласининг гапи бир жойдан чиқиб, Қаршидагина эмас, вилоятда ҳам таниқди шифокор, моҳир жарроҳ Абдулла Тешаев уйига эҳтиром билан борган эдилар. Шубҳасиз, совчибоши мен бўлгандим. Бу ерда гап кенжা ўғил Санжарбекнинг уйланиши тўғрисида бораётир. Санжарбек ва Дилафрўз келин баҳтли ҳаёт кечириб келмоқдалар. Раҳматли келинимиз Ҳайитой Санжарбекнинг фарзандларига – Беҳрўз, Зарина ва Фирдавсга алоҳида меҳр қўйган эди. Айниқса, Беҳрўзни жуда яхши кўрарді. Бобо билан буви Санжарбек билан бирга туришар, набиралар кўз олдиларида бўлиб, уларнинг соғлиги, ўқиши, тарбияси мудом назоратларида бўларди. Беҳрўз доимо момосининг ёнида айтганларини канда қилмай бажаришга ўрганган эди. Бир сафар Тошкентдан бирга қайтганимизда, машинада мен, Абдулла дўхтири рўлда, Ҳайитой келин, Беҳрўз (у, ўша пайтлар 4-5 ёшларда эди) ўзаро суҳбатлашиб, ҳазил-хузул қилиб келганмиз. Беҳрўз жуда содда, ишонувчан бола эди. Мен жўртага, «Беҳрўзбек, шу, иккаламиз бир иш қилсак, сиз момонгизнинг пули қаерда туришини айтсангиз, пулни олиб, сизга чиройли бир велик олсак қандай бўларди?» дедим. Беҳрўз, «Амаки, момоннинг пули қаерда туришини биламан, кичкинагина сандиқча бор-ку, шунда туради,» деди. Ҳаммамиз роса кулишдик. Беҳрўз мактабга борадиган бўлганда ҳам, шу гапни

эсига солардим. Энди у тушуниб уяларди. Ҳозир ҳам уятчан, мулойим, Бекрўзбек мактабда яхши ўқимоқда. У, бобоси ва момоси ҳақида кўп нарсалар билади, уларнинг тарбиясини олган, уларнинг ҳурматини бир умр қалбida сақлади. Бу фикрларни Зарина ва Фирдавс ҳақида ҳам айтишим мумкин. Укам раҳматли Фирдавсни «Федя» деб атарди. Ҳаммамиз шундай чақирамиз. У жуда шўх, ўйинқароқ. Бобоси уни биринчи синфга борганида доимо ўзи машинада мактабига элтиб қўйган. Бир сафар дарс олдинроқ тутаган, чоги, Федя мактаб билан уйлари орасидаги қарийб икки чақиримлик йўлни пиёда босиб (адашмай, уйни топиб келган), ўзи кириб келади. Ҳаммалари ҳангуманг бўлиб, унга танбех берадилар.

Менинг Темурбек набирам ҳам болалигида жуда шўх, ўйинқароқ, мендан бир зум айрилмас, Абдулла укам Темурбекка ҳазиллашиб, «Ҳа, бойловсиз» дерди. Қачонки, Санжарбекнинг Фирдавс ўғли туғилди, укамнинг ўзи ҳам набиражон бўлиб қолди. Қишлоқдами, шаҳардами бирор тадбиrimиз бўлса, Федя ҳам бобосининг ёнида бўларди, шўхлик қиласи. Темурбекнинг эсида турган экан, бир сафар дўхтир амакисига, бўйинсаларига шўхлик қилиб, «кун бермаётган» Федяни кўрсатиб, «Амаки, ана набирангиз ҳам бойловсиз экан-ку» деган эди. Ҳаммамиз хўб қулишган эдик. Шутариқа набиралар қуршовида кунларимиз, ҳаётимиз тотли ва фароғатли кечмоқда эди. Шундай баҳтли кунлар бир умр давом этганда борми?! Лекин, начора, ўлим ҳақ экан, у ҳамманинг бошига тушар бир ёқлама савдо экан. Абдулла укам бир умр ўлим билан, ажал билан курашиб ҳаёт кечирди. Қанчадан-қанча беморларни даволади, жуда кўп хасталарнинг умрларига умр қўша олди. Ўзига қолганда эса, ожиз бўлди...

XXI асрнинг бошлари хонадонимиз учун оғир кечган йиллар бўлди. Ногаҳон ўн гулидан бир гули очилган Ойгулой барчамизни қақшатиб, ҳаёт билан видолашди. 2003 йилнинг 17 июни – Нарзуллабой укам-

нинг суюкли фарзанди Ойгулой вафот этган кун сифатида хонадонимиз тарихида муҳрланиб қолди. Ойгулойдан ёдгор бўлиб қизалоги Ҳаётай қолди. Ойгулойнинг қайтиши қўпдан хаста бўлиб юрган отамни тўшакка михлаб кўйди. 90 ёш устида бўлган отам на-бирасининг ўлимини кўтара олмади, кўп ўтмай жон таслим қилди. Бу воқеа 2003 йилнинг 22 сентябрини куни юз берди. Абдулла укам билан Тошкентта, Ойгулой тушган шифохонага қатнаганимиз, Нарзуллабой билан Ойсара келинимизга далда берганларимиз шундай ёдимда турибди. Дўхтирик укам отаси учун нималар қилмаган эди? Кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, қишлоққа келиб кетар, энг нодир дори-дармонларни муҳайё қиласр эди. Ажал қадалиб келса, малҳам, саъй-ҳаракатлар кор қилмас экан. Ойгулой шифоси учун Москвадан қанча ноёб дорилар келтирилмади, афсус, фан докторлари, профессорларнинг фунчани қаҳратондан сақлашга қучлари етмади. Худонинг иродаси шундай бўлган эди.

Орадан уч йил кечиб, 2006 йилнинг 2 июли кунида онам Ойбаҳор Али қизи ҳам ҳаётдан қайтиш қилди. 86 йил умр кўриб, пири бадавлат бўлиб яшаб ўтдилар. Бу йўқотишлар хонадонда кечган оғир зилзилалар бўлган эди. Чўпон отарда тўлни тўлиқ ололмаслиги қанчалик бор ҳақиқат бўлса, ажал шарпаси ҳар бир оилани четлаб ўтмаслигини ҳам инкор қилиб бўлмайди.

1974 йилда қизим Гулнора икки ёшида бағримизни доғлаб кетганди, шунга ҳам қирқ йил бўлай деб қолибди. Файратбой укамнинг қизалоги Дурдона қўлимда жон берган эди. Наврўзбой жияним ҳам гулғунчадек, энди тили чиққан қизини ерга топширганди. Ҳаёт бор экан, ўлим унинг изидан қолмайди. Сўфий шоир бежиззга, «Қазога ризо бўл, сабр эт балога», деб айтмаган экан. Абдулла укамнинг ўлими дилемиздаги ҳамма яраларни қаттиқ тирнади, ёмондан-ёмон ўртаб кетди. Инсон вужуди метиндан мустаҳкам бўлар

зкан. Оху воҳлардан, мотамсаралиқдан, куйиб-ёнишлардан темир эриб кетарди. Ўлим билан, маълумки, ҳаёт тугамайди.

Яна тонглар отади, кунлар ботади, қатордаги норлар ҳаракатда бўлади, сафлар тўлади, фарзандлар улғаяди, набиралар бўй чўзади. Оғир дамларда, кунларда инсон тасалли истайди, ўтганларнинг умр йўлидан, ҳаётий фаолиятидан ибратлар излаб топади ва уларни яшаш учун маёқ қилиб олади. Кишининг тириклигида яхши яшаганлиги, яхши ишлар қилганлиги, яхши ном қодирганлиги шундай вақтда жуда жуда асқатади. Яхши ном, яхши иш, унинг иккинчи умри бўлиб яшай бошлайди. Бахтимизга, Абдулла укам жамият учун зарур бўлган касбини эгаллаб, одамларнинг саломатлиги йўлида фидойилик кўрсатиб, бор билими, тажрибаси ва меҳрини беморларга бағишлиб, катта обрў-эътибор орттирган, элда ардоқли шифокор бўлган эди. Бир сўз билан айтганда, вилоят соғлиқни сақлаш тизимида ўз ўрни, ўз овози, ўз мавқеи бўлган инсон, раҳбар, шифокор эди.

Муҳтарам жигарим, азиз қардошим! Кўлингиздағи ушбу китоб охирига етган ва таҳрир давом этаётган бир кунда, Санжар Абдулаевич Равшанов – вилоят кардиология шифохонасининг бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали врач, биродаримнинг кенжা ўғли – укамнинг бир неча кундалиқ ва иш дафтарларини олиб келиб қолди. Астойдил ҳар бир варақни, сатрларни кўздан кечириб чиқдим. Уларни ўқиб, мулоҳаза юритиб, укамни қайта бошдан кашф этгандай бўлдим. Абдулла дўхтирининг саранжом-саришта кишилигини, тартибли, режали ҳаёт кечиришини, чиройли, ҳавас қилса арзигулик турмуш тарзини жуда яхши билардим. Иш дафтарларида соҳасига оид қарорлар, уларнинг тафсилоти, ижроси билан боғлиқ қайдлар мавжуд. Ишхона, даволаш, тоғалик, ободонлаштириш, муаммолар, уларнинг ҳал этилиши мунтазам аксини топган. 2000 йилнинг ёзи

бошларида Абдулла Равшанов Қашқадарё вилоят сил касалликлари диспансерига бош врач этиб тайинланганди. Шу даврга таалуқли иш дафтарини варакдайман. Биринчи саҳифада қўйидаги сўзлар битилган:

«2000 йилнинг 7 июнь кунинда вилоят сил касалликлари диспансерига келдим, ҳудудни курдим, жуда ифлос, ахлатда юролмайсан, бозор, автобус бекатидай...». Ишга келган куннинг эртасига шифокорлар билан йиғилиш ўтказади, аҳволни муҳокама қиласди. Диспансерни талаб даражасига келтириш ёлғиз ўз кучлари билан амалга ошмаслигини англаган Бош врач вилоят ҳокимининг ўринбосари Райим Раҳмонов ҳузурига киради, соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарига мурожаат қиласди. Шу тариқа у раҳбарликни тозалиқдан, шифохона ҳудудини ободонлаштиришдан бошлаган эди. Бир йилга қолмай шифохона таниб бўлмас даражада ўзгаради. Тиббиёт ходимлари бир жону бир тан бўлиб, шифохона шаъни учун қаттиқ кураша бошлайдилар.

2001 йилда анъанавий «Йил ҳамшираси» республика кўрик-танловида Қашқадарё вилоятининг доимо эътибордан, бундай ҳашамлардан четда қолиб келган Сил касалликлари диспансери фахрли биринчи ўринни олади ва «Тико» енгил автомобили билан мукофотланади. Шифохонада ташкилий ишлар тараққий қила боради, замонавий рентген ускуналари, даволаш ашёлари, компьютерлар, енгил тиббиёт автоуловлари йилдан-йилга кўпая боради. Китобнинг олдинги саҳифаларида вилоят сил касалликлари диспансерининг Қашқадарё соғлиқни сақлаш тизимида қандай мавқе тутганлиги хусусида мутасадди ташкилотлар тавсиялари, расмий китоблар иқори, йирик доираларда мақтов билан зикр этишлар мисолида сўз юритилди.

Мен кашф этган томон иш фаолиятидан ўзгача кутбга оид. Кундаликларда тилга олинган, амалга оширилган юмушлар санаб ўтилганда ҳам бир неча жилдли китоб вужудга келарди. Укам ҳаёт йўли бобидаги ин-

кишоф унинг қалбига дахлдордир. Яхши билардик, Абдулла Рағшанов кўп ўқирди. Ҳар йили «Аргументы и факты»дан тортиб, «Халқ сўзи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Қашқадарё», «Ўзбекистон овози», «Дарё» газеталарига, «Шарқ юлдози», «Жаҳон адабиёти» сингари журналларга обуна бўларди. Ўқиганда ҳам мөҳиятнан, зийраклик билан мутолаа қиласди. Нарзулла укамнинг 1999 – 2004 йилларда «Халқ сўзи» рўзномасида босилган бирор мақоласи укамнинг назаридан четда қолмаган, айримларини менинг олдимга кўтариб келар, бирга муҳокама қиласди. Нарзуллабойнинг пишиқ, куюнчаклик билан ёзилган, ҳавоий мақтovлардан ҳоли, ҳаётий мушоҳадалар, муаммолар кўтарилган мақолалари Абдулла дўхтирини жуда севинтиради. «Кўпдан бери бундай мақолани ўқимаган эдим», дерди укам. Кейинчалик, «Қашқадарё» газетаси Бош муҳаррири вазифасида ишлаган йилларида Нарзуллабойнинг республика миқёсидаги халқаро танловнинг «Олтин қалам» мукофотига ноил бўлишида Абдулла дўхтирининг холисона далласи ва мухлислиги ҳам ўзига хос ўрин туттанди.

Абдулла дўхтири мемуар насрни жуда ёқтиради. Маршал Жуковнинг хотиралари китобини 1969 йилда Москвадан олиб келган эдим. Шу китобни қанчалар қизиқиш билан ўқиган эди. Жаҳоннинг машхур тарихий шахслари тўғрисидаги китобларни қаерларданdir топар, ўқир ва йигиб борарди. Китоб жавонларида антиқа китоблар, улар орасида, тиббиёт, бадият, тарих мавзуларига доир минглаб китоблар ҳамон тахланганича турибди.

Китобга ҳавас кўйган, ўқиган ва мутолаа қилишни ҳаётининг маънавий эҳтиёжи даражасига кўтарган киши, аксар ҳолларда, ўзи ҳам ижод қилишни бошлайди. Тиббиёт соҳаси бошқа касбларга нисбатан анча мashaққатли, унда бўш вақт деярли бўлмайди. Шундан ортиб, илмий ишга қўл уриш, номзодлик диссертациясини ёқлаш, ундан кейин илмий асарлар яра-

тишга бел боғлаш чинакамига ўта фаоллик натижалари деб қаралмоги айни вожиб ҳолдир. Шифокорлар орасида бундай интилишларни кўплаб кузатиш мумкин. Ўз қасбий доираларидан чиқиб, бадий ижод билан шуғулланган таниқди ҳакимларни яхши биламиз. Абдулла укамда катта истеъдод борлигини яхши билардим, лекин унинг мумтоз шеъриятга бу қадар ошнолигини пайқамаган эканман. Ўглим Олимбойнинг мақолалари, китоблари босилганда биринчи кутловчи Абдулла дўхтир бўларди. Набирам Темурбекнинг шеърлари эълон қилингудек бўлса, албатта, уйга келиб уни табрикларди. Укамнинг шеъриятнинг шайдоси эканлигини, афсуски, шу гўзал одатларидан ҳам сезмаган эканман. Мана, кундаликларини, иш дафтарларини қайта-қайта вараклаб, муқова ичиди, ҳошияларда танлаб битилган шеъриятларни мутолаа қилиб, Абдулла дўхтирганинг дидига, ички ҳиссиётларига, фалсафий мушоҳада доирасининг кенглигига қойил бўлиб ўтирибман. 2000 йилда, вилоят сил касалликлари диспансерининг бош врачи бўлган кезларида тутилган иш дафтариининг дастлабки саҳифасини очаман. Тепада қизил рангда таги чизиб ёзилган қуйидаги шеър бор:

*Отангни, онангга севинтирип тамом,
Бу хизмат еткургай тилакка мудом.*

Шу мисралардан кейин икки бетда ҳам ўз қаламига таалуқди, ҳам мумтоз ва замонавий шоирлар асарларидан танлаб олинган шеърлар бардавом ёзилган. Уларни ёзилиш тартибига қараб, келтириб ўтаман:

*Ҳой, Бегим!
Борми ўзи сизга керагим?!
Сизни согинди юрагим,
Висол асли-асли тилагим.*

* * *

*Неки истарсен,
Ўзингдин истагил.*

* * *

*Ёмон ҳам ўтар,
Яхши ҳам, яхши бил.
Сени яхши ном бирла
Ёд этсин эл.*

* * *

*Қололмас жаҳон ичра мангу киши,
Фақат қолгуси унинг яхши номи, иши.*

Шеърнинг охирги мисрасидаги номи, иши сўзларининг таги чизиб кўйилган. Бу, нимага эътиборни қаратишни англатиб туради.

*Шоҳ адолат уйини қураман, деб
Қанча мумкин бўлса, шунча интилади.
Тангридан шамга қанча нур етар бўлса,
Парвона жони куймагидан шунча узрли бўлади.*

* * *

*Ой сенинг ҳуснингдан андоза олган,
Қуёш-чи, ёғдунинг қаршисида лол.
Юлдузлар бир умр пардоозда қолган,
Эй гўзал малагим, шундайликча қол.*

* * *

*Золотое правило: тот, кто имеет золото,
Тот и устанавливает правила.*

* * *

Ким кўрибтур, эй кўнгил,
Аҳли жаҳондин яхшилиг?
Кимки, андин яхши йўқ,
Кўз тутма андин яхшилиг!

Бори элга яхшилик қилгилки,
Мундин яхши йўқ.
Ким, дегайлар даҳр аро қолди
Фалондин яхшилиг!

Яхшилик аҳли жаҳонда истама
Бобур киби,
Ким кўрибтур, эй кўнгил,
Аҳли жаҳондин яхшилиг?!

* * *

Умр ўтар экан, афсус, бир дамда,
Гоҳида шодлигу гоҳо алам.
Фурсатни бой бердим, деб ҳеч ўкинма,
Қолар бўлса яхши номинг оламда.

Бу мисраларда ҳам, сўнгги сатрда келган «яхши номинг» сўзларининг ости чизиб, таъкидлаб қўйилган. Муқова ичидаги кейинги бетларга ёзиб қўйилган ҳадис ҳикматлари ва шеърларни эътиборга ҳавола этаман. Улар тубандагича:

Жаннат оналарнинг оёқлари остидаадир.

* * *

*Уч нарса умрни узайтирас:
Кенг уй, яхши улов, меҳрибон хотин.*

* * *

*Аввал онангизга, яна онангизга ва яна
Онангизга, сўнг отангизга яхшилик қилинг!*

* * *

Темурхон наслидин Султон Улугбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек.

* * *

Самарқанд сайқали рўйи заминдур,
У меҳрим қибласи, жонга яқиндур.

* * *

Агар кўнглимни ром этса ўшал Шероз жонони,
Туркӣ ҳолига бахш этгум Самарқанду Бухорони.

* * *

У менинг юрагимнинг ардоғида,
У менинг кўзларимнинг қарогида,
У менинг жонимнинг титрогида,
Мен уни севаман, у ҳам мени севармикан?!

* * *

Бу дунёга кимлар келиб, кимлар кетмаган,
Барча ишлар чала қолди, умр етмади.
Бизлар бир ўткинчи, жаҳон барқарор,
Одамдан фақат сўз қолар ёдигор.

* * *

Агар Фарҳоднинг Ширин, бўлса, Мажнунларнинг
Лайлоси,
Насиб ўлмиш менга гулшан аро гулларнинг
Раъноси.

Агар ор этса Лайли ҳақлиидур Қайснинг жунунидин,
Не бахт Раъно, харидоринг талаб аҳлининг
Мирзоси.

Ҳамиша хавфда кўнглим бу муҳаббат интиҳосидин,
Мени ҳам этмаса Мажнун дебон Раънонинг савдоси.

* * *

Ул париваш ҳажридинким йигладим девонавор.
Кимса бормукин, анга күрганда күлгү келмади.

Күзларингдин неча су келгай деб ўлтурманг мени,
Ким бори қон эрди келган, бу кече су келмади.

Толиби содиқ топыртас, йүксаким, қүйди қадам,
Йўлгаким аввал қадам маъшикү ўтру келмади.

Эй Навоий, бода бирлан хуррам эт кўнгил уйин,
Не учунким, бода келган уйга қайгу келмади.

Ҳар бир ёсиш шадак
сағеда ғўнигиш,
Дхшишар ишшади
узла сўғинич

Дучист ғозек, Гон сизад-
лик оғиса баъс,
Ши ижиси балбуч избас ҳам
'забас. Абрюсими Фирдоуси.

2000 йилги иш дафтарининг сўнгги варақдарига
етиб бораман. Укам Абдулла ўз ҳаёт йўлида, амалий
фаолиятида шиор қилиб олган, дилига, дидига, дунё-
қарашларига тўғри келган, ўзига маънавий озуқ бер-
ган ҳикматомуз иқтибосларни яна давом этдирган:

Бари элга яхшилиг қилгилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиг.

* * *

*Латофат гулшанида гул киби сен сабзы хуррам қол,
Мен ерга даҳр бодидин ҳазон яғрогидек бордим.*

* * *

*Сўйласин Афросиёбу, сўйласин Ўрхун хати,
Кўхна тарих шодасида битта маржон ўзбегим.*

Дафтарнинг сўнгги икки вараги Алишер Навоий-нинг «Кеча келгумдир», деб бошланувчи, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг газаллари ва рубоийлари билан орастланган. «Кўнгли тилаган муродга етса кипши», «Хуш улким оразингни кўргамен, сўзунг эшлиб мен», «Даврон мени ўткарди сару сомондин» шеърлари жуда чиройли кўчириб ёзилган.

Абдулла дўхтири, яхши билдимки, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Ҳофиз Шерозий, Умар Ҳайём, Муҳаммад Юсуф, Эркин Воҳидов ва яна бир неча ҳассос шоирларимиз муҳиби бўлган экан. Дида-га ўтирган газаллар, рубоийлар, байтлар иш дафтари-нинг олд ва сўнг бетларига кўчириб қўйилган. Улар деярли ҳар куни мутолаа этилган. Бу дафтардаги охирги ёзув табаррук ҳадислардан бўлиб, унда «Кимки одамларга раҳм-шафқат қилмаса, Тангри таоло ҳам унга раҳм – шафқат қилмайди», дейилади. Соҳиби дафтар мумтоз асалардан ёқимли ўринларни, бутун бошли газаллар ва рубоийларни рақам этар экан, бу билан кифояланиб қолмай, «Дарё» газетаси саҳифала-рида бериб борилган Алишер Навоий ва бўлак ижод аҳдининг сара ижод намуналарини сайлаб олиб, ёпиши-тириб борган.

Улуғ шоиримиз Алишер Навоийнинг «Кеча келгум-дур», «Кўргали ҳуснингни» деб бошланувчи газаллари матни Абдулла Равшановдан мангуликка хотира бўлиб қолган кундаликлар ва иш дафтarlари варақларида авайлаб сақланади.

2009 йил учун тутилган иш дафтарини очаман. «Дарё» газетасида шу йилнинг 12 ноябрин кунида Оғаҳийнинг шоҳ ғазалларидан бири – «Мушкин кошининг ҳайъати» деб бошланувчи ғазал «Мумтоз қўшиқлар» рукнида берилган. Абдулла дўхтир шу ғазални олиб, муқованинг ич тарафига ёпишириб кўйган. Бу ғазал нечоғлик бадий маҳорат билан ёзилганлиги, мураккаб, аммо рангин тарзда яратилганлиги билан зуккорни, фозилларни қойил қолдириб келади. Ғазалдаги нозик маънавий қочиримларни теран англаған мухлис, уни ардоқлайди, кўнгли тубида сақлади.

2009 йилнинг 26 июли. Бу кунда бўлган воқеалар ҳам, одатдагидай, ихчам ва аниқ тарзда иш дафтирида қайд этилади. Соат 10 дан 45 дақиқа ўтганда, «Вазир Адҳам Илҳомович Икромов диспансерга келиб раҳмат айтди», деган ёзув билан бошланади шу куниги қайдлар. Республика соғлиқни сақлаш вазирининг Қашқадарё вилояти сил касаллклари диспансерига келиши нечоғлик мухтасар ва лўнда ифода этилмасин, у сўзлар ортида катта фаолият ифодаси турганлигини тушунмаслик мумкин эмас. Вазир, шубҳасиз, шифохонанинг барча бўлимларини жиҳозланишини, беморларини кўрган, улар билан суҳбатлашган. Ободончилик ишларига, қурилишларга эътиборни қаратган. Бундай ҳолларда раҳбарнинг раҳмати камдан-кам айтилади, аксинча, танбехлар берилади.

Шу саҳифаларда Ҳамро Абдуллаевнинг телефон рақами (222-20-26) ҳам ёзилган. Қашқа воҳасининг таникли врачларидан бири, узоқ йиллар соғлиқни сақлаш тизимида раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган Ҳамро Абдуллаев билан Абдулла Равшанов қалин дўсту қадрдан эдилар. Ҳамро Абдуллаев ҳам қанча ғаразларни бошдан кечирган, мард ва тант, диёнатли шифокор ҳисобланарди. Охир, тазийиқлардан беziб, нафақага чиқиб кетди. Муқаддас ҳаж амалари ни бир неча бор адо этди. Обрўси, ҳурматини янада мустаҳкамлади. Қадрдан дўстининг чеккан озорлари-

дан хабардор укам ўша пайтларда ўзини қўярга жой тополмаган, қаттиқ хафа бўлган эди. Шу саҳифада Алишер Навоий ҳазратларининг машҳур рубоийси келтирилган:

«Ғурбатда гарид шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш».

Укамга ажал юзланганда Ҳожи Ҳамронинг қанчалар куюнганилигини, дилдан қайғурганилигини ҳеч қачон унуга олмасам керак. Дўсту биродарликнинг олий рутбаси уларга насиб этган эди. Иш дафтарида қайд этилган исми шарифлар, телефон рақамлари ўзи бир дунё. Вазирлик, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, банклар, молия муассасалари, кадастр идоралари, хуллас, туманлардаги тегишли соҳа мутасаддилари билан олиб борилган алоқалар, амалий фаолият иш дафтарида муфассал аксини топган.

Кундалик иш дафтарининг навбатдаги саҳифасини очаман. 2009 йилнинг 9 октябри шеърлар билан бошланади:

Менга не ёру не ишқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур.

* * *

Сен отангга ҳар на қилдинг яхшилик,
Кут болангдан яхшиликка яхшилик.

* * *

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси, жавҳари ҳам биз.
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз, унинг кўзи – гавҳари ҳам биз.

* * *

Кўлимиизда бўлса оқ бугдой нони,
Бир коса шаробу қўйининг бир сони,
Дилбар билан майли вайронадамиз,
Бу айшини тополмас жаҳон султони.

* * *

Нима лозим эрса шундан нишона,
Азалдан ёзилмиши асли пешона.
Бўлгунича бўлар тақдирда не бор,
Беҳуда ўзингни урма ҳар ёнга.

* * *

Кимнингки, бор эрса бир бурда нони,
Ўзига яраша, уйи, ошёни,
На бирор унга қул, на у бирорвга,
Айт, шод яшайверсин, хушдур замони.

Дубла, ҳозимса дурун шини,
Ей буаде тонид йашар шундукни.
Хусров дебиган
Ҳар тирни ... и атариши сарасаб,
Ҳарсанаги яарағ бинар гарасаб.
Кіоштирип ^{Калониддин} бинонб.
Гуё рангидан и-фарзда зидди оғимаса,
Бадреттан Узланш

Алишер Навоий ҳазратларининг «Ҳамса»сини, «Фарҳод ва Ширин» достонини мутолаа қилиш, Умар Ҳайёмининг ҳикматлари – рубоийларига мурожаат этиш шифокорнинг маънавий олами кенгликлари ҳудудсиз ва теран эканлигидан далолат беради. Абдулла Равшанов шу йилнинг 29 октябрида иш дафтарига шундай деб ёзиб қўяди:

*Шифокорнинг аввал кўзи шифо,
Қолаверса, очиқ юзи шифо.
Шифо учун дори-дармондан ҳам
Икки оғиз шириш сўзи шифо.*

2009 йилнинг июнь ойи укам хонадони учун оғир йўқотиш билан бошланган эди. Қирқ йил умргузаронлик қиласан жуфти ҳалоли Ҳайитой келин оғир хасталиқдан 2009 йил 3 июнда оламдан ўтганди. Қўлимда мавжуд кундалик иш дафтарлари орасида айни шу даврга тегишли бўлгани йўқ. Бу оғир жудолик укамга қанчалик руҳий таъсир кўрсатганлигини, ўзини ўнглashi учун неча ойлар керак бўлганлигини яхши зслайман.

Жудолик укамни янада касбини улуғлашга, тиббиёт соҳасига бутунлай шўнғишига унданган эди. Орадан олти ой ўтиб, 10 ноябрь куни иш дафтарига рақам этилган қўйидаги назм, шу жиҳатдан, эътиборни тортмай қолмайди:

*Оқ ҳалат сиз учун кундалик либос,
Касбингизга қўйибсиз мунчалар ихлос.*

*Дилларда уйготар ҳавас, эҳтирос,
Меҳр-мурувватингиз гўзал, шифокор.*

*Гоҳида туну кун олмайсиз дам,
Дардманлар дардига бўлай деб малҳам.*

*Юртдошлилар баҳти бўлинг, ёниб мисли шам,
Қуёшдек меҳр нурингиз кулсин, шифокор.*

Шу бетда яна, «Яшамоқда ажиб ҳикмат бор», деб қайд этиб қўйилган.

Алоҳида, ажратиб битилган тубандаги сўзлардан кўп маъноларни англаш мумкин бўлади:

*Одамлар бор, күнглинг оғриғанда қуюнади,
Одамлар бор, дилингни оғритиб суюнади.*

2009 йилнинг 3 декабридаги, таглари қизил рангда чизилган рус мақоли – «Старые кони, барозды не испортят, хотя и глубоко не вспашут» ҳам, табиийки, бир муносабат билан зикр этилган. Укамнинг ёши нафақа даражасидан оша бошлагандан кейин турли тазийқдар кучая бошлаган эди. Вазирлик томонидан ўтказилган аттестациялар доимо ижобий бўлар, Тошкент бош врач Абдулла Равшановнинг ишидан рози эди. Вилоят соғлиқни сақлаш раҳбарлари ҳам сил қасалликлари диспансерининг тиниб-тинчимас бошлиғини қўллаб-қувватларди. Хавф солувчилар бошқа томондан эди. Нега, деган саволлар кўп бўлган. Жавобларни ҳам вақтида Абдулла Равшановнинг ўзи топиб, ҳикматлар асосида шундай ифода этган эди:

*•Плохой хозяина растет сорняк,
Хороший – выращивает золото (хлопок, рис).
Умные – культивирует почву,
Дальновидный – воспитывает ученика
(работника).*

Ҳа, мушоҳада ва мулоҳаза юритилганда, кундалик иш дафтарларига шеърлар, ҳикматлар, шунчаки, эрмак учун ёзиб борилмаган. Уларнинг танланиши, кундаликка киритиб борилиши муаллифнинг ўқиш доираси кенглиги билангина изоҳланиб қолмайди. Инсон руҳияти ўзгарувчан табиатта эга бўлади. Кайфият деган тушунча ҳам бор. Улкан билимга эга бўлган кишилар, одатда, руҳий вазиятни мўътадиллаштириш учун ўқишига сунадилар. «Ўткан кунлар»да Отабек бежизга «Айрилиқ куйини чалингиз», демайди. Шу боисдан, тахмин қиласманки, укам ҳаётдан қувонган кезларда ёҳуд маъюслик соя ташлаган онларда мумтоз адабиётга, айнан Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад

Бобур, Умар Ҳайём каби шоирларга мурожаат қиласан. Абдулла укам, чинакамига ҳаётнинг қадрига етарди. Фуури баланд, айни вақтда, ниҳоятда тамкин шифокор мулойим табиатли, ширин сўзли, муомала маданияти жуда юксак инсон эди.

Ҳайитой келин вафотидан кейин укамнинг соғлиги ёмонлашиб борди. Юрак хасталигини у тадбир билан енгиб келарди. Тошкентда жиддий даволанди ҳам. 2010 йил бошларида кундаликка битилган шеърлар шифокорларнинг кейинги пайтларда ҳаёт, яшаш бобида кўп ўйлаганлигини ошкор этиб туради. 2010 йил 2 февралда ёзиб қўйилган шеърни келтириб ўтайди:

*Бу дунёга асли, бил,
Бўш қўл билан келарсан.
Кетар чогинг ҳам бир хас
Ололмасдан кетарсан.
Йиққан молу мулкинг ҳам,
Оро кирмас жонингга.
Ҳаётсан, шукр қиласин Аллоҳга,
Шу бир бурда нонингга, Аллоҳга...*

Яна:

*Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йигилиб дарё бўлур.
Йигитликда йиг илмнинг маҳзани,
Қариликда харж қиласилани.*

* * *

*Ҳунарни асрарон неткумдир охир,
Олиб туфроққаму кетгумдир охир.*

9-февралдан кейин, бутун бошли бир варақ Алишер Навоийнинг иккита ғазалига ажратилган. Кундалик иш дафтариға иккита ғазални бошдан-оёқ ёзиб қўйиш сабаби борми? Ўзимча, укамнинг ўша даврдаги ҳолатидан келиб чиқиб, бор деб ўйлайман. Қирқ йил бирга

яшаган, ўзаро ҳурматда бўлган, уч фарзанд, ўн набирани тарбиялашган шифокорнинг жуфти ҳалолига бўлган соғинчи, қалбida, вужудида кечаётган ҳиссийтларни, ўртаниш, ички дардларни фақат ва фақат Ҳазрат Алишер Навоий ифодалай олиши мумкин эди:

*Гул сочар ел бог аро сарви равоним келдиму,
Жон иси гулдин келур, ороми жоним келдиму?*

*Беҳӯд эрдим, айтгали кўнглум чу келдим ҳолима,
Айтинг, ул овораи бехонумоним келдиму?*

*Колмиш эрди хаста жон киргандга мен майхонага,
Англамонким, ул заифи натавоним келдиму...*

Ёки:

*Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимга айт,
Йигларимнинг шиддатин гулбарги хандонимга айт.*

Бу ғазаллар мутолаасида толиққан руҳ тин олади, улардаги маҳзунликдан ҳаётбахшилик сари бўлган мантиқий тадриж куч багишлайди. Укамнинг дилига мадад бўлган ғазалларни один ҳам қадрлардим, энди эса, уларга янада бошқача кўз билан қарайдиган, табаррук ҳикматлар деб ардоклайдиган бўлдим. Абдулла укам бадиий сўзнинг кудратини чуқур билган, мунтазам рашишда унга суюниб, ҳаёт кечирган экан. Бундан курур туймай бўладими? Укам Алишер Навоий ва Бобур девонларини муттасил ўқиб юрган, кўп ғазаллар ва рубоийларни ёд олган. Зарурат бўлганда, дилни ёзиш учун керакли назм гулдастасидан гул саралаган. 2010 йилнинг 16 февралида, кундалик иш дафтарининг телефонлар, режалар, фаолият акс этган варагига Бобурнинг:

*Яхшилик аҳли жаҳондин истама Бобур киби,
Ким кўрибдур, эй кўнгил, аҳли жаҳондин яхшилик. –*

байти ҳам битиб кўйилган.

2010 йилнинг баҳори бошланаётган эди. Соғинч ҳисси юракни тағинда жўштирмай қолмайди. Кундадик иш дафтарининг бир четига 1 март куни ёзилган шеър дикқатни тортмай қолмайди:

*Сени севиб қолганим ёлгон,
Жуда-жуда согиндим, холос.
Сўзларингни эшиштгим келди,
Боқишиларинг қумсадим бир оз.*

*Сени севиб қолганим ёлгон,
Фақатгина кўзим йўлингда.
Ҳар дақиқа исмингни айтиб,
Номсиз туйгау йиглар кўнглимда.*

Шу саҳифа ортида ҳам назмий мулоқот давом этади, улар қуидагича:

*Толе йўқи, жонимга балолиг бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиг бўлди.
Ўз юртни қўйиб, Ҳинд соро юзландим,
Ё Раб, нетай, не юз қаролиг бўлди.*

* * *

*Куийи шундай бўлса, гамнинг ўзиға,
Чидай олган экан одамзот?!*

* * *

*Деразамни секин чертади ёмғир,
У ҳам мен каби излар кимнидир.
Бир нафас тин олмоқ мақсад айласам,
Бедорлик тинчитмас, ёлғизлик огири...*

* * *

*Боини фидо айла ато қошига,
Жисмни садқа қил ано бошига.*

* * *

Жаннат оналар оёги остидаадур.

* * *

*Энг аввал онангга, онангга ва яна онангга,
Сүнгра отангга яхшилик қылғил.*

* * *

*Таниқлиги шарафинг отангданыпир,
Мехрибонлик, мушфиқлик онангданыпир.*

* * *

*Яширмагил мендан ойдек юзингни,
Кулиб, жоним олган шаҳло кўзингни.*

Йиллар давомида тўлдириб борилган иш дафтари, уларда қайд этилган сўзлар, исмлар фақат ёдгорлик эмас, муҳим тарихий ҳужжатлар ҳам саналишга лойиқ. Уларда Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш тизими, шифохона фаолияти солнома тариқасида, кундалик амалиётда, тараққиётда ўз ифодасини топган. Вилоят сил касаллеклари шифохонаси ning 2000 йилдан то 2012 йилга қадар бўлган бутун бошли тарихи шу иш дафтарларида изчил ёритиб борилган. Уларни ўрганиш, таҳдил этиш Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш муассасалари юксалиш йўлини талқин этишда муҳим манбалар бўлиб қолади.

2011 йил иш дафтарига кўз югуртираман. Шифохонада иш тириз бўлганлиги ёзувлардан, қайдлардан шундай билиниб турибди. Катта доираларда бўлган йиғилишлар, ҳолосалар изчил, тавсифи билан ёзиб борилган. Шундай қизгин даврларда ҳам Абдулла Равшанов кундаликда адабий мутолаадан олган таассуротларини қофозга туширишни канда қилмаган. 2011 йилнинг 17 феврали кунларида фаол иш ёзувлари орасида улуғ шоир Лутфийнинг машҳур «Хоҳ инон, хоҳ инонма» радибли газали ҳам жой олган:

*Сенсан севарим хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим хоҳ инон, хоҳ инонма...*

Ажабланарлиси шундаки, ишқ-муҳаббатнинг ёрқин намуналаридан бўлган мазкур ғазалинг мақтасига шифокор ўз «таҳрири»ни киритади, бошқача айтганда, бу ғазал уни шу қадар маҳлиё этган, ички дардларига, ҳиссиётига шу даражада мутаносиб тушганки, ўз исмини муаллиф тариқасида киритади:

*Ой юзунгга кўз согали ўзга киши бирла,
Йўқтур назарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Ишқ ўтида Абдулла юзи олтунни яшурди,
Эй сиймбарим, хоҳ ишон, хоҳ ишонма.*

Бу ҳол Мавлоно Лутфийнинг неча асрлар бурун ёзилган ғазалининг ўта ҳаётчанлиги, юксак маҳорат билан ёзилганлиги далолатидир. Ғазалнинг XXI аср ўқувчисини ўзига жалб этганлиги, унинг қалб садоси бўлганлиги, чиндан ҳам, ҳайратомуздир. Инсон ўзини, яқинларини севиб яшаса, унинг қалби ҳамиша гўзалликка шайдо бўлади. Ўзидан кўнгли қолган, ўзгаларни ёқтирмайдиган касда бадииятга ошиолик ҳеч қачон бўлмаган ва бўлмайди ҳам.

Яна бир ўринда:

*Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак ондин ортиқ ўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.,*

Алишер Навоий ҳазратларининг машхур рубоийси кўчириб ёзив қўйилган. Бу рубоийнинг шифокор юрагидан маҳкам ўрин тутганлиги ҳам, юқоридаги мулоджазаларнинг жоиз бўлганлигига тағин бир далил, деяйиш мумкин.

Абдулла укам ҳаммага меҳрибон, табиатан олижаноб, ёрдамга шай инсон эди. Одамларни сева олмаган, уларнинг ҳурматини жойига кўя олмайдиган киши дўхтирилик касбини, ҳакимликни танлай олмайди. Укамнинг ота-онамизни, бутун хонадонимиз аъзоларини, оиласини, фарзандларини, набираларини қанчалик яхши кўрганлигини жуда яхши биламиз. 1986 йилнинг 8 марта, Абдулла Равшанов номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиши олдидан отам ва онамдан оқ фотиҳа олгали қишлоғимизга, уйга борган эди. Диссертация ишининг авторефератини ота-онамга тақдим этган ва «Азиз ва меҳрибон отам ва онамга соғлиқ, узоқ умр тилаб, ўғлингиз Абдулла», деб дастхат ёзив берганди. Хонадонимизга, оиласизга, қариндош-уруғларимизга, элга қилган қайси бир яхшиликларини, ёрдамларини васф этай? Бу қисмда укамнинг кундалик иш дафтарлари мисолида унинг диди, истеъоди, табнати, сийрати, дунёқараши, билим доираси, яшашдан олдига кўйган мақсадлари, ҳаётий щиорлари талқин этилди. У киши умр бўйи юрагига жойлаган ашъорлар ўқувчини маънавият бобида юксак чўққиларга кўтаради, одамларга, гўзалликка ошно этади.

Бундай йўл тутиш фақат муҳлисликкина эмас, айни вақтда, яшаш, ҳаёт кечириш дастури манбаларини аниқлаб олиш ва унга риоя қилиш ҳам демакдир. Укам Абдулла шундай яшаб ўтди. Умри қисқароқ бўлди. Амалга оширган хайрли ишлари эса яна бир неча китобларга мавзу бўларлик даражада катта ва улуг. У, умр бўйи яхшиликни мақсад қилиб олган ва шу ниятига содик бўлиб ҳаёт кечирди. Инсондан яхши ном ва яхши иш қолиши мазмун-моҳиятини теран англаған ҳолда, фаол яшади. Қалбida, юрагида ҳали юртига, элига улкан хизматлар қилиш истаги жамуажам эди. Оиласий поликлиника, дорихона, тўйхона, меҳмонхона қуриш ва фойдаланишга топшириш орқали Қарши шаҳрининг ҳуснига ҳусн, тараққийсига ҳисса

қүшиш ҳаракатида эди. Бу ишлар маромида кетаёт-
ган, иморатлар бўй кўрсатиб қолган эди. Нияти амал-
га ошса, пири бадавлат бўлиб, шу кошоналарда эл хиз-
матига камарбаста бўлишини айтар эди...

Ҳаёт доим ҳам биз ўйлагандай кечавермайди. Унинг
ахли башар билмайдиган кўп сиру синоатлари бор.
Англанмаган, чораси миллион йиллар давомида топил-
маган асрорлардан бири – ўлимдир. Шу сабабли, до-
нишмандлар, бу ҳаётда яшашни мусобақа эмас, деб
таълим берадилар. Гап узоқ умр куришда эмас, ак-
синча, қисқа бўлса-да, яхши ном қолдириш учун ки-
фоя қиласлик ишларга улгуришда экан. Биродарим,
жон жигарим Абдулла Равшанов шундай умр соҳиби
бўлди, ўзидан яхши ном ва яхши ишлар қолдирди. Шу
бахтнинг насиб этганлиги биз учун, унинг ака-укала-
ри, сингиллари, фарзандлари, набиралари, қариндош-
уруглари учун буюк бир тасаллидир.

Бу китобни ўқиган, мутолаа қилган барчанинг эзгу
тилаклари яхшилик бўлсин, хайрли ишларга қўл уриб,
бахти ҳаёт кечирсин!

ОЛТИНЧИ ҚИСМ ВИДО

Шифокор руҳи яшар

(Қашқадарё вилояти Сил касалликлари диспансери сабиқ бош врачи, тиббиёт фанлари намзоди, олим-шифокор укам Абдулла Равшановнинг порлоқ хотирасига багишлайман)

Эврилса тақдир ёмон, қулайди баланд тоғлар,
Юзланса офат агар, қуригай сўлим боғлар,
Қақшайди мусибатдан дилбару дилкаш чоғлар,
Ажалнинг даҳшатидан юракка тушар доғлар,
Кимга тўй, кимга аза, айшини сурар зорлар.

Шум хабар кутмагандан келгани жуда оғир,
Мисоли баргдек вужуд титрайди, юрак зир-зир,
Лаҳзада кўнгил вайрон, тулашар ўтга багир,
Эзилиб қон йиглайди, бош уриб кабир, сағир,
Ботади зумда офтоб, ўчади шам, чироқлар.

Рамазон ойи эди, ҳарорат баланд ҳамон,
Йигирма тўққизчи июль – қаддимиз бўлди камон,
Абдулла укажоним ажалдан топмай омон,
Оққанда кун пешинда кетибди бақо томон,
Бошланди қора қуюн, ўртада ҳажр-фироқлар.

Дориғо, дафъатан юз берди мусибат, алам,
Шанбада бўлгандику гурунг, ифторлик, калом,
Якшанба пешингача шаффоф, тинч эди олам,
Азроил кун оққанда ўлимга чекди қалам,
Дийдорин кўрмай қолдик, ёқди армон, оҳ-воҳлар.

Кўнғироқ йиғлаб келди, тушди осмон узилиб,
Хабарин топган яқин чопди уйга тизилиб,
Ётганинг кўриб укам, кетди кўнгил бузилиб,
Сингиллар содди уввос, юрак-бағри эзилиб,
Йиғлади ҳовли ичра дараҳт, гуллар, бутоқлар.

Укажон, сен эмасми шифокор, элда ҳаким,
Давосин қилдинг қанча юракнинг, мингдир, балким,
Қирқ беш йил топдинг обрў соҳада ишлаб токим,
Юрак панд беради деб, биродар, ўйлабди ким,
Унутиб ўзни буткул, соғликка лоқайд чоғлар.

Қирқ беш йил элга хизмат, шифокор укам менинг,
Даволаб хаста дилни, фидокор укам менинг,
Гоҳида чекди заҳмат, жафокор укам менинг
Яшади ҳалолу пок, тозакор укам менинг,
Довругин билди элим, яқин ҳамда йироқлар.

Айтақол, шошдинг нечун, Абдулла биродарим,
Чорлади ёхуд отам, онамми, Биру борим.
Ётсан гар хаста бўлиб, тўйгаймиди дийдорим,
Яшиндек сўндинг ногоҳ, бўғзимда қолди зорим,
Кўксимга ботди чуқур, ортдан теккан пичоқлар.

Кўз тутиб йўлимизга, интизор кутгандирсан,
Оғирдир юрак дарди азоблар тортгандирсан,
Кор қилмай муолажа, хуноба ютгандирсан,
Тўймайин бу ҳаётдан, оламдан ўтгандирсан,
Армон-ла кетдинг, укам, энди тўлмас қучоқлар.

Оҳ урдик, юрак пора дарёдек кўз ёш тўқдим,
Ажалнинг зарби қаттиқ, эгилик, белни буқдик,
Дунёда устун эдик, ер бўлдик, ерга чўқдик,
Кўрамиз энди қайдин, кунглиминг мангу ўксик,
Хувиллаб қолди сенсиз ҳовли, узоқ-йироқлар.

Айрилиқ ёмон экан, кетдилар отам, онам
Соябон бўлмаса гар, файзсиздир уйим, хонам,
Кетдилар Ойгулой ҳам Дурдана-ю Гулнорам,
Энди, сиз укажоним, доғладингиз чунонам,
Қулади азим чинор, ишонганим тераклар.

Ортингда қолди бўзлаб хонадон, ўғил-қизинг,
Қулоқда тураг янграб кун кеча айтган сўзинг,
Кўзимга сурсам арзир, укажон, босган изинг,
Куйдириб кетдинг, нетай, юмубон очиқ кўзинг.
Қурисин дунёй дун, қурисин сенсиз боғлар.

Қуласин, майли, тоғлар, қўпсин, майли, қиёмат,
Бу не ҳол, ўлса бирдан кеча юрган азамат,
Шунчалик арзимасми бу дунё, ҳаёт-момат,
Тадқиқин қилар бўлсан, кўп эрур қусур жиҳат,
Қолибон оғир касал, кетиб боряпти соғлар.

Сафимиз ўнта эди, навбатни буздинг укам,
Йифлатиб, кутмагандан навҳалар туздинг, укам,
Мустаҳкам ришталарни не сабаб уздинг, укам,
Қолган бу тўққизимиз бағримиз эздинг, укам,
Кетмагай то қиёмат сийнамиздан бу доғлар.

Жонланиб тураг сиймонг дилда, кўз ўнгтимиизда,
Жилмайиб кулишларинг хотири мангумизда,
Керакли эдинг укам, шодлигу тангтимиизда,
Ноилож қолдик бироқ, шу фикр-онгтимиизда,
Жавобсиз, мубҳам бу кун қанча шубҳа, сўроқлар.

Болалик чоғлар эди, Катта Дўстберди қишлоқ,
Ўйнардик кўчаларни чангитиб яланг оёқ.
Дердилар «бўлар бола», бор эди ақду сиёқ,
Боболар руҳи доим йўлингда машъал, маёқ,
Улгайди мактаб узра таълим, таҳсил, сабоқлар.

Самарқанд, олий таълим, тиббиёт соҳанг бўлди,
Ортдириб дўсту жўра, иқболинг, баҳтинг кулди,
Тугатиб, бошладинг иш Қаршида, қучоқ тўлди,
Шифокор Равшан Қурбон ўғлидир, ҳамма билди,
Хасталар боғлаб умид, тикди меҳрли нигоҳлар.

Қаҳрамон Абдусалом, Расул Арслон устоздир,
Уларнинг шогирд ила сұхбати равон, создир,
Беморга даво истаб тинмадинг қишу ёзdir,
Тасанно бул меҳнатга, мақтасам жуда оздир,
Шифокор комил бўлса, кўп бўлар хайриҳоҳлар.

Иzlаниш, ўрганишдан тинмадинг бир зум иним,
Беморим даво топса, дединг, шул яхши куним,
Етилдинг шу жабҳада, бир жойда топдинг қўним,
Демадинг, икки бўлсин елкамга ташлар тўним,
Керакмас энди, афсус, бу сўзларга изоҳлар.

Чиройли ўтди тўйинг, келин бўлди Ҳайитой,
Яшабон бизнинг уйда, қурилди янги уй-жой,
Раҳматли отамиз ҳам бошда турди ҳойнаҳой,
Кўчилди битган уйга, бағишлиб файзу чирой,
Чароғон этган эди кўнгилларни чироқлар.

Туғилди тўнгич ўғил, исми Дил Шодлигидан,
Кувондик, ўниб-ўсди, унинг алп қадлигидан,
Наргиза аталди қиз истак беҳадлигидан,
Санжарбек кенжа бўлди, ташбеҳи мардлигидан,
Эрдилар ширин-шакар, уч фарзанд, кўз қароқлар.

Арзирди ҳавас қилса, обод эди хонадон,
Яратган кам қилмади аллома-ю донодан,
Дуолар олди доим ота ҳамда онадан,
Умр бўйи холи эди майда гапу гинадан,
Вақт келар, даврон охир пок номини сўроқлар.

Олимлик рутбасида тадқиқот иши бўлди.
Еқлади илмий ишни, севинди қанча киши,
Кундан-кун гўзал бўлди ҳаёти ҳам турмуши,
Амали билан уйғун улғайиб борди ёши,
Ҳамиша шифокорга асқатар илм-яроғлар.

Эслайман Самарқандни, талабалик йилларни,
Укажон, бирга босдик жуда оғир йўлларни,
Муҳтоҷлик ўша пайлар калта қилди қўлларни,
Нечовлар иғво билан узун этди тилларни,
Яхшилик билмас экан асли ўпка, носоғлар.

Костюмни навбат билан кийиб дарсга борардик,
Регистон, кичик ҳужра, ижарада турардик,
Талаба маошидан хона ҳақин берардик,
Ўқимоқ мақсад эди, тонг аzonда турардик,
Манбай мутолаа бўлиб китоб, варақлар.

Тиббиёт олийгоҳи, қийин эди сабоги,
Маъруза рус тилида, амалиёт ҳам дори,
Кишлокдан борган бола, йўқдир бирор тираги,
Қийналиб, эплаб кетди ярим йилда, узоги,
Толе ёр интилганга, йўл ёритар чироқлар.

Орттирди дўстлар қанча, жўралари кўп бўлди,
Устозлар мамнун эди, деганлари хўб бўлди,
Бошланди иш Қаршида, барчалари тўп бўлди,
Асосий шифохона, билимлари эп бўлди,
Иккала Ҳамроқул, яна қанча ўртоқлар.

Малака ошиб борди, ўқишизланиш яна,
Олқишлиар бўлди доим, бўлмади асло таъна,
Меҳнатдан бош бурмади йилу ой, бирор сана,
Беморга далда эди сўздаги ишонч, маъно,
Парвариш яхши бўлса, гуллаб-яшнайди боғлар.

Қирқ беш йил тарихини ёзмоқлик осон эмас,
Бир таскин шулки, укамни ҳеч ким ёмон демас,
Яратган чамани то абад яшнайди, сүнмас,
Яхшилик шиор бўлса, бундайин инсон ўлмас,
Гар чўққи қулар, аммо асоси маҳкам торлар.

Йигирма олти кунда тушимга кирди укам,
Устида оқ ранг либос, пешводир, юксак мақом,
Ортида қанча одам, қўлда баркаш тўла, бекам,
Ёйилиб кулиб келар... кўз ёшдан ҳўлдир ёқом,
Туш эди, нетай дўстлар, тушдан тўлмас қучоқлар.

Ишлади Қамашида, туманда бош шифокор,
Ҳамиша мутахассис жойларда жуда даркор,
Вилоят бўйича ҳам бўлди кўпларга саркор,
То умри сўнггича раҳбарлик бўлди ҳамкор,
Ногоҳон ажал санчди ортдан келиб пичоқлар.

Ўн йилки диспансерда силга қарши курашди,
Натижа ёмон эмас, ташаббуслар ярашди,
Вазирлик қувватлади, элнинг ўзи қарашди,
Бош дўхтир номин доим арзитишди, сўрашди,
Касбига фидойилик бахш этади савоблар.

Қирқ беш йил бўлди хизмат соғлик иши соҳаси,
Ҳурматин қилди мудом Қашқадарё воҳаси,
Шукрон, билдик, аъло халқимизнинг баҳоси,
Муяссар камта бўлмоқ ўз касбининг танҳоси,
Укажон, унсин энди изларингда чечаклар.

Йиглади аканг, уканг, зор қақшади сингиллар,
Жиянлар, набиралар, барча яқин кўнгиллар,
Қай бирин айтай, пора бўлди жигар, кўп димлар,
Сифатинг қилди шу кун ким эрса бизга эллар,
Ажалнинг шафқати йўқ, куйди-ёнди димоглар.

Хайрлашмай ажралишдик, шунчаликдир нодонлик,
Дийдорга түёлмадик, қисқа бўлди меҳмонлик,
Ҳасратга ботдик тамом, бадар кетди шодмонлик,
Эгили бошларимиз, қадлар бўлди камонлик,
Чўлғади мотам тамом, йиғлар кийим-кечаклар.

Йиғлади хонумонлар, кўча-кўйлар, бинолар,
Йиғлади чала қолган тўйхоналар, дунёлар,
Йиғлади аҳди Байрам, ариқлар, ҳам дарёлар,
Йиғлади илму амал, ортдирилган зиёлар,
Йиғлади тортиб алам катта ҳамда кичиклар.

Кўксимни пора қилдим, оқди кўзимдан қонлар,
Қанийди фидо этсам, гар бўлса мингта жонлар,
Келмишdir қайдин бундай фожиа, ваҳшат онлар,
Армонлар қат-қат эди, яна тўлди армонлар,
Куриди зумда, афсус, яшнаб турган гулбоғлар.

Абдулла, биродарим, қисмат шундайдир, наҳот.
Берилган, наҳот, ўлчаб шусиз ҳам қисқа ҳаёт,
Бариси яхши эди: бойлик, амал, касб жиҳат,
Қолганди яшамоқдик ҳузурда қилиб роҳат,
Дафъатан эврилди, оҳ, ишлар бўлиб чатоқлар.

Ўй-ташвиш – шифохона обод бўлсин, дедингиз,
Зиммада масъулият, зўр фидойи эдингиз,
Начора, ҳаёт экан, тўсиқлар ҳам кўрдингиз,
Ҳамиша ғуур билан кўкрак кериб юрдингиз,
Рақиблар дарди ичда, иғво қилиб юрмоқдар.

Бердингиз мудом ёрдам муҳтоҷу бечорага,
Кўллабон ёшларни ҳам етсин деб бир корага,
Кайвони бўлиб, кўпда тушдингиз ҳам орага,
Яхши сўз, дер эдингиз, малҳам эрур ярага,
Миннатдор энди сиздан қанча кўзи қароғлар.

Аллоҳим хўп сийлади, берди обрў, давлатни,
Қилмади ҳеч кимдан кам, берди кўрку савлатни,
Айлади машхур элда Абдулла Равшан отни,
Бир калом ила дўст қилурдингиз етти ётни,
Таниган-танимаган бутун сизни сўроқлар.

Хувиллаб қолди аттанг, донғиллама уй-жойлар,
Ўртанди куйиб-ёнди юрак, бағир, кўкайлар,
Қани сиз, суюнч тоғим, алам, ўқинчлар айлар,
Эсласам, фироқ ҳар он дилга соғинчлар жойлар
Ашъорим пароканда, маҳзун тушган туроқлар.

Тўлдириб даврамизни қизитган Сиз эдингиз,
Дилрабо сухбатларда безатган Сиз эдингиз,
Тўйларда меҳмон аҳдин қузатган Сиз эдингиз,
Отамиз хонадонин тузатган Сиз эдингиз
Сиз ноёб инсон, йўқдир бунга бир иштибоҳлар.

Сигмайди тасаввурга, наҳот, йўқсиз орада,
Шафқатсиз ўлим, дўстлар, инсон ожиз чорада,
Кор қилмас бойлик, амал, қатъият ҳам ирода,
Айтмишлар машойихлар нек сўзлар бу борада,
Кўрмоқни ажал юзин, қани, қайси мард хоҳлар?

Бўларди яшасангиз тўлиб-тошиб, ҳузурда,
Тўйларда ўтирангиз яйраб ҳаммадан тўрда.
Файратбой укам ташкил этарди базмин қирда,
Тўғрабон калла гўштни, қани, есайдик бирга,
Дунёнинг иши шудир, сўниб борар маёқлар.

Йиглади дўстлар нолон, кимдир мийигда кулади,
Афтода ҳолимиздан хурсанд, шодликка тўлди,
Кўрсинлар, чорасизмиз, алп қоматлар эгилди,
Мусибат бизга келди, вужудимизни тилади,
Билмасмиз, эрта қандай, даврон кимларни ёқлар.

Үлим ҳақ, бошида бор ҳар қандай тирик зотнинг,
Қувонма, тиламагил ўлимин яқин, ётнинг.
Тотганлар билурлар яхши аччиғин ҳётнинг,
Тавба де, кераги йўқ асло ул маломатнинг,
Келгайдир ажал тоҳ, ким эмас унга муштоқлар.

Дардимни достон қилиб, қийиндир тугатмоғим,
Қийиндир укалар, сингиллар юпатмоғим,
Қийиндир жиянлар, набиралар овутмоғим,
«Қайноғам», деб қон ютган аёлим совутмоғим,
Начора, тушди бошга оғирдан-оғир чоғлар.

Қанийди, бўлсам қурбон, Абдуллаҳон бўйига,
Яқинда борган эдик Мамат Азим тўйига,
Келибди денг ноҳуш фикр қачон, кимнинг ўйига,
Ўтмайин кўп, қисмати дўнди ёмон кўйига,
Қадалиб келса ажал, тоб беролмас юраклар.

Экканин ўрас ҳар ким, қайтар дунё дейдилар,
Келгайдир вақти соат, пушаймон ҳам ейдилар,
Ялтоқлар кўп бошлиқнинг мудом кўкин кийдилар,
Тузоқлар туширгунча мақтаб, ялаб «суйдилар»,
Одамни, хизматини унутишга йўқ ҳақлар.

Мусибат бошда бугун, ноламизнинг чеки йўқ,
Фалакнинг камонидан кўксимиизга тегди ўқ,
Бошин ҳам айлади, ким бўлса бизга тааллук,
Қариндош, уруғ-аймоқ маъракага келди лиқ,
Турдилар сафда қанча таниш-нотаниш неклар.

Кўз ёшин Ҳожи Ҳамро тиёлмай, бўзлар унсиз,
Дер эди, «дийдорингни энди кўрмоқ имконсиз
Ломакон сари қўчдинг, тайрон руҳинг маконсиз,
Алвидо, дейман дўстим, дилда армоним сонсиз,
Рамазон ойда кетар суюкли банда, поклар.

Очгайдир жаннат эшик, дұзах ёпиқ бу ойда,
Таърифи рўза ойин айтиладур ҳар қайда,
Беҳиштга кирав ўлган, турар кавсарли жойда,
Ортида қолганларга бундан ҳикматлар пайдо,
Рамазон қутлуғ ойдир, арзигай мубораклар».

Ёронлар, ўлим ёмон, бевақт келгани ёмон,
Ўлимдан топган эмас шоҳлар, гадолар омон,
Шундайин ямлаб келар Одам Атодан ҳамон,
Чорасин топмади ҳеч, қанча кечибдир замон,
Азроил қадам қўйса, қабул бўлмас тилаклар.

Укамиз Шермуҳаммад эрта нобуд бўлганди,
Онамиз сочин юлиб, бағри қонга тўлганди,
Энди-чи, улар йўқдир, аканг, уканг тўлганди,
Сингиллар кўнгли вайрон, мотам узра чўлганди,
Ҳасратдан, надоматдан ёрилди бу юраклар.

Ўтибди бир ой, мана, орамизда йўқ ўзинг,
Кумсаймиз, соғинамиз, топмаймиз босган изинг,
Билмадик, қадрингни, оҳ, укажон, тирик кезинг,
Ҳар дамда керак энди маслаҳат, айтар сўзинг,
Ер экан жуда қаттиқ, осмон эса йироқлар.

Қазога сабру бардош, кўнмоқлик, дерлар фандир,
Пайғамбар, шоҳу гадо Ҳаққа бергани жондир,
Кетдилар қанча даҳо, адади беадад сондир,
Ўлимга чора йўқдир, берилмаган имкондир,
Ўтдилар Соҳибқирон, Искандардек буюклар.

Дилшодбек, Наргизаой, Санжарбек, бардам бўлинг,
Отангиз бахтли инсон, доимо ибрат олинг,
Яратди сизлар учун истиқболнинг кенг йўлин,
Доимо ота-она руҳига содиқ қолинг,
Карвоннинг қаторини ҳамиша фарзанд тиклар.

Айрилмоқ уч-тўрт йилда ота-онадан – оғир,
Билинар ўрни энди, гарчи эрсанг-да кабир;
Фарзандни улгайтирмоқ – қылмоқ елкани яғир,
Ҳақ берсин ишиңгизга, биродарларим, тағири,
Ардоғин қылган фарзанд отанинг тузин оқлар.

Зиндафил Аҳмади Жом – Қаршида қабристондир,
Атарлар Жангала Ота, майитларга бўстондир,
Дунёга сифмаган ул не зотларга маскандир,
Оқибат, Абдуллајон, бу кун сенга макондир,
Ҳайитой ёринг ила бирга бўлдинг, бироқлар.

Қабрингга кўйдим, иним, нетай, кўлларим билан,
Бошингда ҳозир бўлган барча элларим билан,
Алвидо, дедим йиглаб рўза тилларим билан,
Кўришмоқ қиёматда, сездим дилларим билан,
Жаннатда бўлсин жойинг, шудир эзгу истаклар.

Икки минг ўн икки йил, июль, йигирма тўққиз,
Ҳар йили эсланади нохуш, қайгуда, сўзсиз,
Якшанба, пешиндан сўнг ўлим юзланди сассиз,
Душанба, соат ўн бир, жаноза ҳам дафн, эсиз,
Тиловат Қуръон қилди аҳли фозил, салоҳлар.

Абдулла, укажоним, марсиянг йиглаб ёздим,
Неча кун ўзимда йўқ, бағримни тиғлаб ёздим,
Навбатим одинг бекор, ўлимим хоҳлаб ёздим,
Ўрнингда фарзандларинг, умидим боғлаб ёздим,
Қазога ризо бўлмас ақли ноқис гумроҳлар.

Ўйласам, ўз ҳайкалинг қўйган экансан тиклаб,
Меҳнатинг юртда аён, кетибсан кўнгил тўқлаб,
Қолганин фарзандларга қўйибсан зимдан юклаб,
Битказар битмаганин Дишодбек. Санжар оқлаб,
Биз, яъни ака-у坎г бўлиб албат ҳамроҳлар.

Сиз билан ошно, қадрдон, дўст бўлганларга раҳмат,
Ишлишиб бирга, эҳтиром қилганларга раҳмат,
Шоҳиста келин сидқида турганларга раҳмат,
Шофёр Расулдек хизматда келганларга раҳмат,
Жамоа рози бўлсин, ҳақ иш бўлмас сароблар.

Давра ҳам суҳбатларда номингни ёд этамиз,
Оятлар ўқиб мудом, руҳингни шод этамиз,
Китоблар ёзиб, шояд, мадҳу диққат этамиз,
Хотиранг мангу бўлар, қабринг обод этамиз,
Яхшилик бирла этур ёд эл, улус, дилҳоҳлар.

Ёронлар, ўлим ёмон, жигарим эзиб кетди,
Топмасман энди укам, **у** қаён кезиб кетди,
Ё кимдан кўнгли қолди, ҳаётдан безиб кетди,
Лек, қисқа умрида зўр салтанат тузиб кетди,
Ўлимдан сўнг савол кўп, фақат йўқдир жавоблар.

Ўлмайди, дўстлар, асло, шифокор руҳи яшар,
Инсонлар комили деб улуғлар аҳли башар,
Ҳаётин сақлаб кўпнинг, обрў, ҳурмати ошар,
Тасалли шунда, ёдга укам хизмати тушар,
Умрида қилган иши бўлди мудом савоблар.

Алвидо, демоқликка бормайди тилим зинҳор,
Турибсиз кўз ўнгимда тўкибон савлат, виқор,
Абдулла, укажоним, келади кўплаб баҳор,
Ёритгай тунларни ой, мунаvvар қуёш чиқар,
Фарзандлар, набиралар, хонадон Сиз деб яшар.

Алвидо, биродарим, алвидо, Абдуллажон,
Жаннатдан берсин жойинг ул Худо, Абдуллажон,
Руҳингга, то тирикмиз, биз фидо, Абдуллажон,
Ўчмагай қалбимиздан ҳеч нидо, Абдуллажон,
Топгайлар тиловатдан файсал, албатта, руҳлар.

2 – 30 VIII, 2012 йил. Қарши.

Хонадон фариштаси

*(Келиннимиз Ҳайитой Қиёмова-
нинг порлоқ рұхига багишлайман)*

Жавзонинг бошида ивимоқлик ёмондур,
Гулидан айрилган қадди додтур, камондур,
Она деб бўзлаган фарзанд ранги сомондур,
Шафқат билмас ажал келмоқлиғи ҳамондур,
Э воҳ, ўлим сабаб, пайҳон бўлган чамандур.

Хонадон бекаси, суюкли ёр Ҳайитой,
Оқила, фозила, эрди дилдор Ҳайитой,
Аҳдига содиқу ҳам вафодор Ҳайитой,
Икки ўғил, бир қиз қаторда нор, Ҳайитой,
Суҳбати хушу, чун Нодираи даврондир.

Тақдирнинг битиги, чаракдади юлдузи,
Сарвқомат, дилрабо, тобона бўлди юзи,
Абдулла укамиз ила бир тушди сўзи,
Бахтини топган эди шундай Чармгар қизи,
Мухаббат кўйида топишганлар комрондур.

Табобат йўлида иккиси ҳам фидодур,
Элнинг соғлиги деб ҳаловатдан жудодур,
Саодат, мартаба бергувчи Ҳақ, Худодур,
Фарзандлар камоли даргоҳига нидодур,
Осойиш кечгани, дўстлар, яхши замондур.

Мұхтарам тутилди мудом оила шаъни,
Фарзандлар ўсдилар бўлиб қувончнинг кони,
Дастурхон тўлдирди ҳалол меҳнатнинг нони,
Ўзаро тотувлик, гапу сўзларда маъни,
Нияти яхшига Ҳақ бергани имкондур.

Ҳайитой кенг уйга келинчак бўлди сулув,
Насиб этди ёри бирла ўйнамоқ, кулув,
Барқ урди жамоли, мисол ойдайин тўлув,
Бахтиёр онларда, албат, чекинар гулув,
Фаразли кимсалар тубан, мисли қабондур.

Дилшоджон туғилди, хонадонга файз кирди,
Оила бут бўлди, омад юзини бурди,
Яратган ёшларни қўллаб, бахтини берди,
Иккиси машаққат, меҳнат ҳосилин кўрди,
Интилганга толе ёр, донолар дегандир.

Ой балқиди, дунёга келди Наргиза қиз,
Шоддур ота-она, таърифига етмас сўз,
Дуркун ўсди, дилрабо, сарвқомат, шаҳло кўз,
Хонадонда мўл бўлди меҳр ҳамда ризқу рўз,
Ният яхши бўлса ижобати равондур.

Кунлар, йиллар ўтиб борди, ривож, интилиш,
Олийгоҳ таълими, ўқиб ўрганиш, билиш,
Тиббиёт илмидан дилни баҳраманд қилиш,
Лозим эди барига эришиш, улгuriш,
Йўлга чиққан олға босиб борар карвондур.

Етиб вақт-соат Санжарбек дунёга келди,
Укам ҳам, Ҳайитой бағри болага тўлди,
Фарзандлар улғайиб мактабга борар бўлди,
Оила равнақи авжда, иқболи кулди,
Банда яхши бўлса, Аллоҳ ўзи посбондур.

Вақт югурик, сувлар оқди қанчадан-қанча,
Ниҳол қуртак ёзди, гулга айланди фунча,
Ота-она фарзанд учун илҳақдир шунча –
Юрак ҳовучлабон олийгоҳлар битгунча,
Таҳсил олмоқлик ҳаётда муҳим довондур.

Қобиалдур ўғил-қыз, баҳт борми ортиқ бундан,
Ҳам келинлар қадами қутлуғ бўлса чиндан,
Набиралар тугилиб, ўссалар кун-кундан,
Элга тўй берилса, гуркираб ўтса чандон,
Бундайин хонадон ободу фаровондур.

Фаришта сифатли, эди меҳрибон она.
Набираларин севарди бўлиб парвона,
Суҳбати мазали, сўзлари дур пурмаъно,
Саришта, саранжом уй-рўзгорида яна,
Гулзорда яшнаган сўлмас гули хандондур.

Ҳавас қилса арзир бундайин хонадонга,
Ўзаро ҳурматли, бир-бирга жонажонга,
Ўғил-қизиң суйган, мушфиқу болажонга,
Яхшилик таърифи кетган бўлса ҳар ёнга,
Ортган обрў-эътибори неча чандондур.

Яшамоқ фурсати келган эди гуркираб,
Меҳнатнинг роҳати олдда турарди қараб,
Истиқбол нурафшон, эмасди ҳеч бир сароб,
Паноҳда асррагил бундайин уйни, ё, Раб,
Яхши ила ёмон охир-боши сендандур.

Ким билибди тақдир бундайин эврилишин,
Ожиздурмиз баҳсга Аллоҳнинг қилган ишин,
Кўрсатса жавзода қаҳратон айлаб қишин,
Тайрон этса жон қуши айни вақти пешин,
Мусибатнинг келиши, воҳ, доим армондур.

Ёнишганди бир дард, давоси оғир бўлди,
Шифо истаб биродарим югурди-елди,
Москва, Тошкент сари неча бор борди-келди,
Согайиш бўлганда дили қувончга тўлди,
Хасталик синоат, оқибати пинҳондур.

Июннинг учида узииди жон риштаси,
Рихлат этди шу кун хонадон фариштаси,
Зулматга жойин берди бу дунё рўлиноси,
Битилмиш чоршанба деб ўлимнинг ишоси,
Тўлганда паймона икки олам вайрондур.

Ажал етди дафъатан еру кўкни доғлаб,
Тиббиёт бўлди ожиз – қоломади сақлаб,
Ўлимга чора йўқ, қўяр оёқ-қўл боғлаб,
Ҳамма бошда у бор, юрма вақтингни чоғлаб,
Ногоҳ келар, шундан аҳли башар ҳайрондур.

Ҳайитой келинимиз шу кун бардам эди,
Дилшод билан сўзлашиб, яхши гаплар деди,
Наргиза ҳам келинлар мудом ёнда бўлди,
Кўнгли тўлиб укамиз, Санжар ишга жилди,
Армонларда қолдириб, жон қуши тайрондур.

Биродарим кўзидан ёш селоб қўйилди,
Йиглади Наргиза, икки олам ўйилди,
Жангатепа узра яна тупроқ ўйилди,
Келинимиз ўлмаган, чун тирик туюлди,
Хаёллар, хаёллар, доим шундай сайрондур.

Қаршининг шимолида бир қабристон бор, бил,
Номини дерлар унинг «Аҳмади Зиндафи»,
Бунда ётур қанча дунёга сифмаган эл,
Қанча зоти акобир, қанча нозанин гул,
Шу ер Ҳайитойга сўнгги манзил, айвондур.

Фамларга чўлғабон кеттинг, Ҳайитой келин,
Эрнинг, фарзандлар, набиралар букиб белин,
Тўхтатиб бўлмади Наргиз кўзёши селин,
Ларзага солди мусибат Дўстберди элин,
Дарё гар тўхтаса, шўрлар манзил қайрондур.

Алвидо, Ҳайитой, дийдорга тўймай қолдик,
Ажалнинг ваҳмидан дунёга сифмай қолдик,
Шунчалик лоқайдмиз, этакни йигмай қолдик,
Хайр-хуш демай кеттинг, ҳаммамиз билмай қолдик,
Охиратни бергувчи ёлғиз ул Раҳмондур.

Қадринг энди ўтадир, ҳеч ёнда бўлмассан,
Ўғил-қизга парвона, ўйнабон кулмассан,
Набиравлар тўйида ой бўлиб тўлмассан,
Уйимизнинг тўрида паридек турмассан,
Во дариғо, дийдор қиёматга қолғондур.

Тасалли шул, хотиранг абад қолур ёдда,
Равзай маконинг жанинат, боғи ободда,
Дуойинг қилурмиз ушбу маҳфил, работда,
Руҳи покинг мусаллам тутурмиз, албатта,
Фаришталар охир жойи боғи жинондур.

Севган ёринг қалбida яшагайсан мудом,
Фарзандларинг ёд этар ҳар лаҳза, дам-бадам,
Сен кеттинг, қолмади куймаган битта одам,
Қолганларга сабрин берсин Яратган Эгам,
Ортда чироқ ёнса майит руҳи шодмондур.

Келинжон, марқадинг гул-гулзорга айланар,
Йиллар ўтар, диллар абад сенга бойланар,
Эринг, ўғил-қизинг баҳт-иқболга шайланар,
Ният яхши бўлса, мартабалар сайланар,
Ёрни мудом улуғловчи аҳду паймондур.

Узилди куй авжида умрнинг нақшин сози,
Фуссага чулғанди икки минг тўққиз ёзи,
Олтмиш беш ёш бугун ёшларнинг жуда ози,
Начора, укажон, ҳукм битган бўлса Қози,
Тақдир дерлар буни, битикдаги ҳижрондур.

Алвидо, Ҳайитой, эй оқила онамиз,
Алвидо. Ҳайитой, сенсиз гарыб хонамиз,
Алвидо, Ҳайитой, ўйлаб-ўйлаб ёнамиз,
Дийдор қиёматда, қиёматда қонамиз,
Умрки, тез ўтгувчи отилган бир пайкондур.

Ҳожи Поён маҳзун, келинимиз ёд эттим,
Марсияда сифатларин битдим, қайд эттим,
Аллоҳдин тилак тилаб, руҳини шод эттим,
Укам, Наргиза, Санжар, сүзи Дишод эттим,
Мўъмина ҳам мўъмин эҳтиёжи иймондур.

21 июнь, 2009 йил

СҮНГГИ СҮЗ

Ўтган асрнинг 60-йиллари ўзининг алғов-далғовлари билан 20-30-, ёинки, сўнгги қатағон амалга оширилган 80-йиллардан сира фарқ қилмайди. Биргина тафовут шундаки, 60-йиллар истибоди олдинги ва кейингиларидан шовқинсиз, «мулойим» тарзда амалга оширилган эди. Биз бу воқеаларнинг навқирон, ёш гувоҳларидан бири бўлибгина қолмай, қишлоқда вужудга келган оғир вазиятнинг ўпқонига тортилган хонадонларнинг бирига мансуб эдик.

ХХ асрнинг 60-йиларида Ўзбекистонни бутунлай пахта хомашёси маконига айлантириш авж сиёсий нуқтага кўтарилиган эди. Қарши чўлини ўзлаштириш, кўриқ ерлар очиш фақат пахта манфаатига бўйсундирилган, одамлар, қишлоқлар тақдиди, оқибати мутлақо ўйлаб кўрилмаган, унутилган эди. Қишлоқлар аҳолисини ёппасига кўчириш «Чимқўргон», «Пачкамар», «Қалқама» (Талимаржон сув омборини айтмагандага ҳам) сингари катта-кичик ҳавзаларни қуриш кун тартибига кўйилган эди. Тарихий яшаб келинган жойлардан ҳайдалиш – бош кўтариш мумкин бўлмаган Совет давлатида, Қашқадарёнинг олис қишлоқларида рўй беради. Норозилик муроса йўли билан, кўчувчиларга яхши шароит, замонавий уй-жойлар, томорқалар бериш йўли билан ҳал этилиши мутлақо мумкин эди. Чунки, асрлар давомида зах босган, томидан чакка ўтадиган, тор, пастқам уйларда яшаб келган дехқонларга кенг ва ёруғ, шинам, пишиқ гишглардан қилинган уй-жой, кенгмўл томорқалар берилганда эди, кўчишдаги муаммолар ўз-ўзидан бартараф бўларди.

Катта Дўстбердидан 40 км ғарбдаги Оқработ массивига оммавий кўчириш қарори қабул этилганда, яна ўша пахса уйлар, ҳажми ҳаётий эҳтиёжларга етмайдиган томорқа кўзда тутилади. Бу, шубҳасиз, ҳеч нарсасини йўқотмайдиган кишиларда норозилик уйғотади. Боғ-роғлари, чорваси бўлган одамлар ҳам кўчиладиган дала-даштда яна шундай шароит қилиб олишиларига ишонмайдилар. Бу тоифа аҳоли билан муроса қилиш эса маҳаллий партия, ташкилотлар раҳбарларининг хаёлига ҳам келмайди.

Норозилик кайфиятидан айрим манфаатпараст, амалга интиладиган каслар ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб қоладилар... Мен бундан ярим аср один кечган воқеаларни тиклашга, жонлантиришга, Совет тузумининг азалдан инок, тутув яшаб келган аҳоли бошига қандай гулувлар соганини ҳаётий мисолларда ва айрим тақдирлар тасвири орқали тарихий-бадиий ҳикоя этишга интидим. Бунда, ўз биродарим Абдулла Равшанов ҳаёт йўлини ёритиш орқали XX асрнинг 60-йилари манзарасини очиб беришни ният қилдим.

Инсон – табаррук зот. Исталган замондошимизнинг умр қирраларини бадиий-тарихий тадқиқ қиласангиз, фавқулодда воқеаларни кашф этишингиз турган гап. Шифокор, олим, бунёдкор, раҳбар бўлиб этишган, бу ёруғ оламда 68 йил умр кўрган инсон Абдулла Равшанов ҳам уларнинг бири.

У инсон, шифокор сифатида файзли умр кечирди, соғлиқни сақлаш аълочиси (1987) сифатида элда эъзоз ва обрў топди. Унинг осон бўлмаган, машаққатларга, курашларга тўла ҳаёт йўлини, умр қирраларини, матонати, иродаси ва эзгу мақсадларини авлодимизга, қаторимизга қўшилаётган ёшларимизга ибрат китоби қилиш аҳамияти каттадир.

Оила, хонадон – давлатнинг асосий бўгини. Сулола, насаб аҳли ҳамжиҳат, бир-бирига мададкор, оғирда ҳам, енгилда ҳам доимо бирга бўлса – мамлакат қудратли бўлади. Давлатимиз мустақиллиги, тинчлиги, ҳуқуқий демократик тамоилии хонадонларимизнинг равнақига йўл очяпти. Хонадон эса, муқаддас, унинг ҳар бир вакили қадрланиши, арзитилиши лозимдир. Абдулла Равшанов – оиласиз, авлодимиз, соғлиқни сақлаш ишининг улкан намояндаси эди, хотирамизда, қалбимизда У бир умр шундай бўлиб қолади.

29 VII – 22 X 2013 йил.
Қарши – Катта Дўстберди (Байрам) – Қарши

ТАМОМ

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА ЎРНИДА. <i>Нарзулла Раевшанов</i>	3
Биринчи қисм. ГУБОРСИЗ БОЛАЛИК	6
Иккинчи қисм. ҲАЁТ СИНОВЛАРИ	42
Учинчи қисм. МАШАҚҚАТЛАЙ ЙЎЛ	98
Тўртинчи қисм. ЎНГЛАНИШ. ФАЙЭЛИ УМР	147
Бешинчи қисм. ҚОЛДИ ЯХШИ НОМИ ВА ЯХШИ ИШИ ..	208
Олтинчи қисм. ВИДО	236
СҮНГГИ СЎЗ	254

Адабий-бадиий нашир

ПОЁН РАВШАНОВ ВИРОДАРИМ

Муҳаррир Феруза ҚУВОНОВА
Бадиий муҳаррир Ўйғун СОЛИХОВ
Техник муҳаррир Сурайё АҲМЕДОВА
Мусажҳих Шоҳмалик ПОЁНОВ
Компьютерда саҳифаловчи Феруза БОТИРОВА

Босишга 21.11.2013 й.да руҳсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Гарнитура «Bookman Cug+Uzb». Офсет қофоз.

Босма тобоги 8,0 б.т.+вкл.0,375.

Шартли босма тобоги 13,44+вкл.0,63.

Адади 500 нусха. Буюртма № 259.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

Лицензия рақами: А1 № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.

«Ёшлилар матбуоти» босмахонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 273-62-71; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс — 273-00-14; e-mail: yangiasravlod@mail.ru